


К. М. РОЖДЕСТВЕНСКИЙ  
Э. ТОЙРОВ  
А. АЩЕВЕЛЕВА

Лесной  
и пак курти  
биологией

К. М. РОЖДЕСТВЕНСКИЙ, З. Т. ТОИРОВ,  
А. А. ЩЕВЕЛЕВА

# ТУТ ИПАК ҚУРТИ БИОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги  
маҳсулотлари етшитириши  
ва таърорлаш министрилиги қишлоқ хўжалиги  
техникумлари учун дарслик сифатида  
тавсия этган



„ҲИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1965

Ушбу китоб қишлоқ хўжалиги техникумларининг студентлари учун «ипакчилик» ихтисоси юзасидан дарслик сифатида тавсия этилади.

Дарслинка Узбекистон ССР Олий ва махсус ўрта таълим министрилиги томонидан тасдиқланган программага мувофиқ «Тут ипак қурғи биологияси» курсини ўрганишда зарур бўладиган материаллар баён қилинган.

Дарслакнинг кириш қисми, «Тут ипак қуртиning ўсиши ва ривожланиши», «Прила», «Фумбак», «Капалак» деган темалар қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати доцент З. Т. Гоиров ва К. М. Рождественский, «Тут ипак қурти» темаси асистент К. М. Рождественский томонидан ёзилган. «Тут ипак қуртиning эмбриологияси», «Вольтинизм» темаларини қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати доцент А. А. Шевелева ёзган. Лаборатория ишлари ва амалий магнудотларни А. А. Шевелева ва К. М. Рождественскийлар ёзган.

## КИРИШ

Ҳозирги замон кишисининг узоқ ўтмишдаги аждоҳлари табиат сирларини очар экан, баъзи капалак қурназарийнг ингичка, пишиқ, ялтироқ иплардан пилла ўраётганинига бундан қарийб олти минг йил илгари аҳамият берган эди. Бундай пилла, қурт учун ўё уйча бўлиб, у бу уй ичидаги дастлаб ғумбакка, сўнгра эса капалакка айланади. Кўпинча ҳашаротлар ҳам худди пиллага ўхшаш уйча ясайди, лекин бу уйчалар ипдан эмас, балки лойдан, барг ва бошқа материаллардан ясалади. Ипак қуртлари пиллани ўзлари ишлаб чиқарадиган ипак толасидан ўраши билан бошқа қуртлардан фарқ қиласиди.

Дастлаб қадимги тадқиқотчилар пилланинг ипакли қобиғини тешиб, ундан пахта олиш, уни тирикчилик ишларида ишлатиш мумкин, деб ўйлаган бўлсалар керак. Лекин қуруқ пиллани тешишиб қийин бўлганидан улар пиллани олдин ивитиб, сўнгра сувда қайнатган, шундан кейингина пилладан анча миқдорда ипак пахта олиш, ундан ип йигириш, ипдан газлама тўқиши мумкин бўлган. Бундай газлама жуда пишиқ ҳамда чиройли бўлган. Ҳозир ҳам баъзи ёввойи ипак қуртларнинг, шунингдек, тут ипак қуртининг илгари суғурилмайдиган пиллалари қайнатилиб, улардан аввал ипак пахта, сўнгра уни йигириб ип ҳосил қилинади. Бу ипдан эса газламалар тўқилади.

Ҳозирги замон ипакчилигининг Ватани Жануби-Шарқий Осиёдир. Пилладан ипак суғуриш усули топилмасдан олдиноқ, Хитойда ипак қуртларини боқиш ва бу қуртлар озиғи — тут дарахтлари ўстириш расм бўлган эди. Хитой ривоятларига қараганда, бизнинг эрамиздан, тахминан, 2700 йил илгари пилладан ипак суғуриш усули кашф этилган. Пилла яхлит битта узун ипак толадан иборат; пиллани қайноқ сувда ивитиб, ундан ҳам худди ғалтакдан ипничуватиб (суғуриб) олгандай ип олишимиз мумкин бўлади. Тўғри, бунда битта пилладан суғурила-

диган ип жуда ингичка бўлади, лекин ипак тортиш процессида бир нечта пилланинг или қўшиб суурилса, газлама тўқиши учун етарли даражада пишиқ ип ҳосил бўлади. Бундай ипнинг ипак пахтадан йигирилган ипга қараганди пишиқ ва ингичка бўлиши аниқланди. Булар, инсоннинг бундан бир неча минг йил олдини ипак газлама ва бошқа хил ипак буюмлардан фойдаланишларига сабаб бўлган жуда муҳим кашфиётлар эди. Бизнинг аждодларимиз ҳам ўзининг аҳамияти жиҳатидан ҳозирги замондаги кўлгина кашфиётлардан қолишмайдиган кашфиётлар қилганлар.

Чувилган ипак толаларидан тўқилган газламалар жуда енгил, пишиқ ва чироийли бўлган; уларни турли табиий бўёқлар билан бўяш мумкин бўлган; бу газламалардан тикилган кийимлар жуда чидаган, ҳатто отадан ўғилга, баъзан эса набирага ҳам қолган.

Тут ипак қуртининг дараҳтларда ёввойи ҳолда яшаганлиги у ерда пилла ўраганлиги пилла ипагидан кенг кўламда фойдаланишдаги дастлабки қийинчиликлар эди. Дараҳтлардан пиллани териб олиш иқлим шароитларига қараб жуда қийин бўлган. Бу эса ипак қуртини уйда боқиш, шу билан бирга, пиллани бир ердан йиғиб олиш учун уриниб кўришга мажбур этган. Бундай уринишлар муваффақиятли чиққан ва тут ипак қурти хонакилашиб қолган. Шундан бери ипакчилик қишлоқ хўжалигининг тўқимачилик учун хом ашё — қимматбаҳо пилла берадиган тармоғи бўлиб қолди. Қурт боқиб пилла олган хўжаликлар пиллани аввал ўzlари чувиб ундан тўқимачилик ипи олганлар ҳамда газлама тўқиганлар. Сўнгра пилладан ипак чувиш ва газламалар тўқиши иши ажралиб кетди, бу ишлар дастлаб якка хўжалик тарзида айрим устахоналар, сўнгра эса техниканинг ўсиши билан фабрикада бажариладиган бўлди. Тут ипак қуртини уй шароитида урчтиш, унинг селекцияси билан шуғулланиш имкониятини берди, яъни ипак қуртининг пилласининг ранги, шакли, технологик хусусиятлари ва бошқа белгилари билан фарқ қиласидиган зотлари етиширилди. Тут ипак қуртининг бир йилда битта, иккита ва, ниҳоят, бир неча авлод берадиган зотлари бор.

Ипакчилик Хитойдан иқлим ва тупроқ шароити бошқача мамлакатларга ҳам тарқала бошлади; тут ипак қуртининг бундай шароитга тушиб қолган зотлари бу шарсигга мослаша бошли-

дилар. Бу зотлар хитой зотларидан фарқ қилувчи хусусият ҳосил қила бошладилар. Хитой, Кичик Осиё, Европа ва бошқа зотларнинг географик группаси шундай ҳосил бўлган.

Ипак олиш учун фақатгина тут ипак қурти оиласига кирувчи тут ипак қурти пилласидан фойдаланилмасдан, балки тут ипак қурти ҳам кирадиган глазчатка (*Attacidae*) оиласининг танга қанотлилар отрядига кирувчи 20 зотга яқин ёввойи ипак қурти нинг пилласидан ҳам фойдаланилади. Буларнинг пилласи ҳам ипак массадан тайёрланган, бу эса ундан ипак маҳсулотлари олиш имкониятини беради. Ёввойи ипак қурти хонакилаштирилган ипак қуртидан сунъий шароитда, бино ичидаги масдан, балки габиий шароитда — бутада дараҳтда ёки тӯшама остида урчиши билан фарқ қиласди. Урни келганда шунинг айтиш керакки, тут ипак қуртини тўридан-тўғри бутада ёки тут дараҳтида боқишга, яъни уни ёввойи ҳолда яшаган ҳаётига қайтариш учун бўлган ҳамма уринишлар муваффақиятсиз чиқди: беш, балки ундан ҳам ортиқ минг йиллар мобайнида уй шароитида яшаган ипак қурти «ёввойи» шароитга мослашиш қобилиятини йўқотиб юборган.

Кўпчилик ёввойи тут ипак қуртларининг пилласи хонакилаштирилган ипак қуртининг пилласига нисбатан ёмон суғурилади, қолганларида мутлақ суғурилмайди. Булардан эса калава ипак қилишга тўғри келади. Уларнинг ипак толаси йўғон, текис эмас, ёмон бўялади. шунга қарамай у тут ипак қурти пилласининг толасига қараганда пишиқ, намдан, химиявий моддалардан ва бошқа заарли таъсирлардан унча бузилмайди. Ёввойи ипак қуртининг илагидан, асосан, костюм, паҳмоқ ва техник газламалар тайёрланади. Ёввойи ипак қуртлари орасида хитой дуб ипак қурти (*Antherala regnyi*), ҳинд дуб ипак қурти (*Antherala mylitta*) ёки туссор қўпроқ миқдорда ипак маҳсулотлари беради. Тут ипак қуртлари ҳар хил тур дуб дараҳтларининг барглари билан озиқланади, лекин уларни бошқа дараҳтларнинг барглари билан ҳам боқиш мумкин. Уларнинг пиллалари тут ипак қуртинига қараганда анчагина йирикроқ, лекин ипак чиқиши бирмунча кам, тахминан, 12—13%. Иккала тур ҳам йилига икки-уч авлод беради; гумбаклик стадиясида қишлиайди. Дуб ипак қуртларининг капалаклари қанотини ёзганда 15 см га етади, учади, қанотларининг чиройли бўлиши, ҳар бирида «холлар» борлиги билан ажralиб туради.

Япон дуб ипак қурти ёки ямамай (*Antherala jamamai*) дуб ипак қурти оиласининг учинчи вакили ҳисобланади. Қурт Японияда кўпайтирилган; Шимоли-Шарқий Хитойдан келиб чиқкан; бу қурт Ўзбекистонда, Уссурия ўлкасида ёввойи ҳолда учрайди. Бу ипак қурти бир йилда битта авлод беради; тухумлик стадиясида қишлияди, бунда эмбрионнинг қуртлик даврдаги ривожланиши қишлиашга киргунча тугалланади. Пиллалари йирик, лекин ундаги ипак миқдори тут ипак қуртиникига нисбатан 2,5—3 марта кам бўлади. Ипаги пилладан яхши суурилиб, ингичка, пишиқ ва ялтироқдир.

Айлант (*Philosamia cyathifolia*), канакунжут ёки эри (*Philosamia recinii*) ипак қуртлари саноатда катта аҳамиятга эга. Бир-бирига яқин бўлған бу икки тур бир йилда етти авлод беради. Биринчи тур қуртлар айлант барглари билан, иккинчи тур қуртлар эса канакунжут барглари билан озиқланади, лекин ҳар икки тур қуртни ҳам сирень, олма ва бошқа ўсимликларнинг барглари билан боқиш мумкин. Бу ипак қуртлари Хитойда, Вьетнам Халқ Демократик Республикасида ва Ҳиндистонда кўпайтирилади. Канакунжут ипак қурти — эри жуда қимматбаҳо ипак беради, лекин қишлоғчи стадияга эга бўлмаганлигидан уни кўпайтириш қийин. Корея Халқ Демократик Республикасининг олимлари айлант ва канакунжут ипак қуртининг гибридларини олиш имкониятларидан фойдаланиб, ҳозирги вақтда канакунжут ипак қуртининг қишлоғчи стадияга эга бўлган турини яратиш устида ишламоқдалар.

Ҳиндистонда кўпайтириладиган ассол дуб ипак қурти ҳам бошқа ёввойи ипак қуртлари сингари саноат учун катта аҳамиятга эга эмас. Яқинда Кашмирда дуб ипак қуртининг ипаги технологик жиҳатдан яхши хусусиятга эга бўлган янги икки тури топилди.

Умуман, ёввойи ипак қуртлари бутун дунёда етиштириладиган ипакнинг, тахминан, 20% ини беради.

Ипакчилик кўпгина мамлакатларда тарқалган ва унинг маҳсулоти ортиб бориши натижасида ипак нархи бирмунча арzonлашган бўлса ҳам, бироқ у капиталистик мамлакатларнинг оддий меҳнаткашлари учун топиб бўлмайдиган қимматбаҳо тўқимачилик материали сифатида қола берди.

Бизнинг социалистик мамлакатимизда ва социалистик ла-

геръ мамлакатларидагина ипак зеб-зийнат буюоми ҳисобланмай, балки аҳолининг яхши, чиройли ва пишиқ газламаларга бўлган талабини қондириш воситаси бўла бошлади. Бизда меҳнаткашларнинг фаровонлиги ва ипак маҳсулотларига бўлган талаби кун сайн ошиб бормоқда.

Кейинги ўн йил ичida сунъий тола ҳосил қилиш ишида катта мувваффақиятларга эришилди. Булардан баъзилари айрим хусусиятлари билан ҳатто табиий ипакдан афзал туради. Масалан, синтетик толадан ишланган капрон, нейлон ва лавсан каби материаллар ипакдан тўқилган материалларга қараганда, бирмунча пишиқdir, лекин гигроскоплиги, ҳаво ўтказувчанлиги ва тўқимачиликка хос бўлган қатор бошқа специфик хусусиятлари билан ундан қолишади. Шундай қилиб, ипак ҳозирги кунда ҳам тозалиги, ингичкалиги, майнлиги, чўзилувчанлиги ва чиройлилиги билан энг яхши тўқимачилик материали бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планида пилла етиширишни бирмунча ошириш мўлжалланган. 1958 йилда СССРда 28,3 минг тонна тут ипак қурти пилласи етиширилган бўлса, 1965 йилда эса олдинги кўрсаткичдан деярли 40% кўп, яъни 39,2 минг тонна пилла етиширилиши керак. Ипак ишлаб чиқаришни кўпайтириш, фаттана кўп пилла етишириш ҳисобига амалга оширилмай, ҳар бир пилладан кўп миқдорда ипак олишга эришиш билан бориши керак. Бу соҳада кўп ишлар қилинди. Илгари пилласидаги ипак миқдори 15—17% дан ошмаган ипак қурти зотлари кўпайтирилар эди, ҳозир эса пилласидаги ипак миқдори 20—22% га етадиган янги зот ва уларнинг дурагайлари боқилмоқда. Ипак қуртининг янги зотларида ипакнинг кўпгина сифат кўрсаткичлари яхшиланди: уларнинг пиллалари кул ранг товланадиган текис оқ рангдадир. Бу эса ипак буюомларни юқори сифатли қилиб бўяш имкониятини беради; бундай пиллаларнинг толаси ингичка, пишиқ ва йўғонлиги бир хил бўлади, бу эса, биринчидан, пилладан тола олишни автоматлаштиришда, иккинчидан эса, ипак газламаларининг сифатини яхшилашда жуда муҳимdir.

Пилладаги ипак миқдорини ошириш, пиллалар ичидаги ғумбакни ўлдириш ва пилла қуритиш ҳамда ипак тортиш процесслирини яхшилаш пиллалардан ипак чиқишини бирмунча ошириши керак. Демак, 1965 йил планига кўра СССРда ишлаб чиқариладиган пилла миқдори 1960 йилга нисбатан 29,5% ортиши

керак, олинадиган ипак миқдори эса 62% га етиши, бошқача қилиб айтганда, пилладан ипак чиқиши 25% ошиши зарур. Бу масалани ҳал қилиш учун ипак қуртининг янги зотларини чиқаригина қолмай, балки уларни тўғри озиқлантириш ҳам керак.

Бу жиҳатдан биз кўпгина ютуқларга эришганимиз: кейинги ўн йил ичида колхоз ва совхозларда тут ипак қурти боқишининг агротехникаси бирмунча яхшиланди ва 1963 йилда ўзбек пиллачилари бир қути уруғдан 60 кг дан пилла олиб рекорд қўйдилар.

Бироқ ҳали тут ипак қуртини озиқлантиришда ва, айниқса, пиллаларни йиғишириб олишда кўп миқдор пилланинг нуқсонли бўлиб қолишига сабаб бўладиган камчиликлар (пилла ўраш вақтида қуртларни тўйдирниб озиқлантирмаслик, пилла ўраш учун қўйиладиган дасталарнинг етарли миқдорда бўлмаслиги ва сифати ёмонлиги; пилла ўраш вақтида назорат қилмаслик ва пиллаларни дасталардан муддатидан олдин олиш ва бошқалар) бор. Масалан, 1963 йилда етиштирилган ҳамма пилланинг 26,2% и бракка чиқарилди. Бошқача айтаганда, ҳамма ҳосилнинг тўртдан бир қисми ипак олиш учун яроқсиз бўлиб қолган ёки жуда яхши ҳолда бу пиллаларнинг айрим қисмидан паст сифатли ипак олиш мумкин бўлган.

Бундай кўп миқдордаги бракка йўл қўймаслик учун озиқлантиришда, айниқса, пилла ўраш даврида ипак қурти ҳаёт фаолиятининг нормал боришини таъминлайдиган шароит яратиш зарур. Бунинг учун тут ипак қуртининг биологиясини билиш керак.

Тут ипак қурти ҳам нормал ривожланиши учун бошқа ҳамма тирик организмлар каби маълум шароит талаб қиласди. Бу шароит ташқи муҳит билан модда алмашинишидан иборат. Ташқи муҳит шароити (ташқи муҳит факторлари ҳам дейилади) деганда ипак қуртини ўраб турган, у бирор формада алоқада бўла оладиган ҳамма нарсага айтилади. Ҳавонинг химиявий таркиби, унинг температураси, нисбий намлиги, кундузги ёруғ ва тунги қоронғилик, қуртлар жойлаштирилган майдон, озиқнинг сифати ва миқдори — буларнинг ҳаммаси тут ипак қурти организмига таъсир этиб, унинг ҳаёт фаолиятида тегишли ўзгаришлар ҳосил қиласди. Инсон томонидан ҳосил қилинган сунъий шароитда минг йиллардан бери яшаб келаётган тут ипак қурти шу шароитга мослашиб кетди. Бу айрим органларнинг ривожланишида (масалан, ипак ажратувчи безлар) ва бошқа органлар функциясининг ўзгаришида: қуртнинг ҳақиқий оёқлари ҳара-

кат қилиш учун эмас, балки ейдиган баргини тутиб турис үчун мосланиб қолганлигига намоён бўлди.

Бундай мосланишларни ҳаёт фаолияти процесслари — озиқ ҳазм қилиш, нафас олиш, қон айланиш ва бошқалар — бирмунча активлашиб, маълум температура ва намлик шароитида мукаммал тарзда ўтишида ҳам кўриш мумкин. Овқат ҳазм қилишнинг биохимияси — озиқ ўзлаштириш ва уни қайта ишлаш ҳам тут баргининг химиявий таркибига, овқат ҳазм қилиш процесси борадиган ҳаво температураси ва намлигига мосланади.

Тут ипак қуртини кўпайтиришнинг амалий вазифалари, қурт, пилла ва капалакнинг ташқи — морфологик ва ички — анатомик тузилиш хусусиятларини билишни талаб этади; морфологик белгилари бир зот қуртни, иккинчи зот қуртдан фарқ қилишга, қурт ёшини аниқлашга, пиллаларнинг амалий сифатини баҳолашга ва бошқаларга имкон беради. Ипак қуртининг ички тузилишини билиш бирор орган организмнинг ҳаёт фаолиятида қандай роль ўйнашини, бу органларнинг ҳолати ва ривожланиши ипак қуртининг маҳсулдорлигига пиллаларнинг вазнида, хом ипакнинг технологик хусусиятларида, метаморфоз ва пуст ташлаш процессларининг ўтишида ва бошқаларда қандай акс этишини тушунишга имконият беради. Тут ипак қуртининг физиологиясини, яъни ҳаёт процессларини, уларнинг биофизикаси ва биохимияси, ташқи муҳит шароити билан ўзаро алоқасини ўрганиш яна ҳам катта аҳамиятга эга. Тут ипак қуртининг юқори ва паст температурадан қандай таъсирланишини билмай туриб, унинг ҳар бир стадияси учун энг яхши температура режимини танлай олмаймиз: тут барги таркибидаги моддаларнинг ипак моддаларига айланиш процессини билиш билан ипак қуртидан максимал миқдорда ипак олиш имконини берадиган тут навларни ва озиқлантириш режимини танлай оламиз. Демак, тут ипак қуртининг тузилиши ва ҳаётини ўрганиш асосидагина уни кўпайтиришда хўжалик жиҳатидан энг яхши натижалар олишимиз мумкин.

Биология фани тут ипак қуртининг тузилиши ва ҳаётини ўрганишда кўп ишлар қилди.

Мальпиги, Версон, Ломбарди, Пайо ва бошқа чет эл олимларининг ишлари жуда машҳурдир.

Ватандош олимларимиз — Ребров, Маслов, Тихомиров, Шавров ва бошқалар ҳам бу соҳага катта ҳисса қўшдилар.

Бизда тут ипак қурти устида олиб борилган биологик тадқиқот ишлари, айниңса, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин тез ривожланди. Агар бутун чор Россиясида ипакчилик соҳасида биттагина илмий муассаса — Қавказ ипакчилик станцияси бўлган бўлса, пилла етиштиришнинг асосий ери Ўзбекистонда эса бирорта ҳам муассаса йўқ эди. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейингина бир қатор йирик илмий текшириш институтлари ва станциялари: Ўрта Осиё, Тбилиси ва Озарбайжон ипакчилик илмий текшириш институтлари, Украина, Пятигорск ипакчилик илмий текшириш станциялари, Тожикистон, Арманистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозогистондаги қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик илмий текшириш институтлари қошида ипакчилик бўлимлари барпо қилинди. Тут ипак қурти нинг биологиясига оид масалалар бошқа илмий текшириш ва ўқув институтлари — МДУ, ТошқҲИ, Туркманистон қишлоқ хўжалиги институти, В. И. Ленин номидаги Москва педагогика институти, УССР Фанлар Академияси зоология институти, ОзССР Фанлар Академияси биология бўлимида ва кўпгина бошқа жойларда ишлаб чиқилмоқда.

Совет олимлари тут ипак қурти биологияси устида ишлаб, муҳим кашфиёт қилдилар. Э. Ф. Поярков, В. П. Иванов, С. Я. Демяновский, Л. Б. Астауров, Е. Н. Михайлов, М. И. Слоним, В. А. Струнников ва бошқа олимларнинг ишлари натижасида қатор муҳим биологик қонуният белгиланди. Бу қонуниятни ипакчиликда амалда қўллаш пилладан жуда юқори ва яхши сифатли ҳосил олиш, яъни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида партиянинг XXII съезди томонидан қўйилган вазифаларни бажариш имкониятини беради.

Мазкур дарсликда совет ва чет эл биологларининг илгариги ва янги ишлари кенг ёритилган. Китобнинг охирида тут ипак қурти биологиясини бирмунча чуқур ва мустақил ўрганиш учун тавсия этилган ва дарслик тузишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган.

Авторлар дарслик мазмунини яхшилашда берган қимматли маслаҳатлари учун проф. Е. Н. Михайлов ва ЎзССР да хизмат кўрсатган агроном С. А. Миносянцга миннатдорчилик билдиради.

5 899835

9/897



I-боб

## ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ҮСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Тут ипак қурти бўғимоёқли ҳайвонлар типига мансубdir, чунки танасининг ҳаммаси ўсимталари — мўйловлари, оёқлари, пайпаслагичлари ва бошқа қисмлари бўғимларга бўлинган, бўғимлар бир-бири билан эластик парда орқали туташган бўлади. Бу типга киравчи ҳайвонлар учун танасини ташқи таъсирдан ҳимоя қилиб турувчи қаттиқ ташқи қопламнинг бўлиши характерлидир. Бўғимоёқлиларнинг скелети алоҳида моддадан — хитиндан тузилган. Бўғимоёқлиларнинг хитинли ташқи қоплами кутикула деб аталади. Бўғимоёқлиларнинг танаси пишиқ кутикула билан қопланган бўлиб, эгилиши мумкин, яъни у бўғимлардан тузилган. Бўғимларнинг бирлашган жойларида хитинли кутикула юпқа, эгилувчан бириктирувчи парда ҳосил қиласиди. Бундай парда бир сегментнинг бошқа сегментга нисбатан силжиши ва ҳаракатланишига имкон беради. Шундай қилиб, танасининг ўзига хос тузилганлиги, яъни танасининг сегментларга, ўсимталарининг эса бўғимларга бўлиниши ва хитинли қаттиқ кутикуланинг бўлиши бўғимоёқлиларнинг характерли белгисидир. Хитинли кутикула жуда кам чўзилади, лекин ҳайвон ривожланган сари у тор бўлиб қолади, бу эса қуртнинг эски пўстни ташлаб, янгисини ҳосил қилишига сабаб бўлади. Бўғимоёқлилар қопламининг янгиланиш процесси пўст ташлаш деб аталади.

Тут ипак қурти бўғимоёқлилар типининг ҳашаротлар *Insecta* синфиға, тўла ривожланши, қаңотларида тангачаларнинг бўлиши билан тангақанотлилар туркумига, *Bombycidae* оиласига киради. Тут ипак қурти бир йилда неча авлод беришига қараб моновольтин (бир йилда бир авлод берадиган), бивольтин (бир йилда икки авлод берадиган) ва поливольтин (йилига иккитадан ортиқ авлод берадиган) зотларга бўлинади. Асосан, моне ва бивольтин зотлар саноат аҳамиятига эга. Моновольтин зотлар кўпроқ ипак беради, булар, асосан, баҳорги қурт боқиш даврида боқиласиди. Бивольтин зотлар юқори температурага,

жуда чидамлилиги билан характерланади ва саноатда қайтадан ёзда ва кузда қурт боқиши учун гибрид уруғлар тайёрлашда компонентлардан бири сифатида фойдаланилади.

Тут ипак қурти қўйидаги тўртта ҳар хил ривожланиш стадиясига эга. Булар тухум (ёки уруғ), личинка ёки қурт, ғумбак ва жинсий жиҳатдан етилган форма — капалакдир. Тут ипак қуртида қуртлик стадияси озиқланадиган сгадия ҳисобланади. Тут ипак қуртининг қолган стадияларида ҳаёт процесслари қуртнинг организмида тўплланган озиқ моддалари ҳисобига боради. Тут ипак қурти йилнинг кўп вақтни — ўн ойгача (поливольтин зотидан ташқари) тухумлик стадиясида ўтказади. Тут ипак қурти қўйиган тухумлар бир томони ясси бўлиб, овалсимондир. Тухумлар қўйилгандан кейин дастлабки вақтда унинг кенг томони бирмунча ботган бўлади. Сўнгра озиқ моддалари нинг ишлатилиши натижасида уруғнинг ҳажми кичрайди ва унинг кенг томони қавариқдан секин-аста ботиққа айлана бошлиди. Уруғларнинг катта-кичиклиги тут ипак қуртининг зотига, тухум авлодининг тўлалигига ва қўйиш навбатига боғлиқ бўлади. Капалак қўйиган биринчи тўп тухумлар ҳамма вақт кейинги қўйилган тухумлардан йирик бўлади. Ҳар бир тухумда запас озиқ моддалари бўлади (сариқ), мана шу озиқ моддалари ҳисобига эмбрион ривожланади. Тухум ривожланиши учта ҳар хил даврга бўлинади. Биринчи давр капалакнинг тухум қўйиган моментидан бошланади ва ҳаво температурасига қараб 2—3 сутка давом этади. 2—3 суткалик тухумда эмбриогенез (эмбрион пардаси, эмбрион диски ва бошқалар ҳосил бўлиши) ҳосил бўла бошлади. Бу процесс ривожланишнинг учинчи-тўртинчи кунларида тўхтаб қолади.

Кейинги — ёзги-кузги қурт боқиши даврида тухумнинг ҳаёт фаолияти секин-аста пасайиб боради ва узоқ вақт тинчлик даврига киради, бундай ҳолда уруғ келгуси йил баҳоригача қотади.

Учинчи давр ҳам сифат жиҳатидан турлича бўлиб, бу қурт уруғининг баҳорги ривожланиш давридир. Нам ва температура энг яхши бўлган шароитда бу давр 12—15 кун давом этади. Тут ипак қурти бу давр бўйича ривожланиш процессининг интенсивлигидаги фарқ нафас олиш активлигининг ўзгаришида намоён бўлади. Икки-уч кунлик ипак қурти уруғларида нафас олиш жуда тез бўлади, сўнгра нафас олиш жуда камайиб кетиб, ҳатто зўрга сезиладиган бўлиб қолади. Уруғларнинг баҳорги ривожланиш процессида нафас олиш интенсивлиги кескин даражада ортади. Бу ҳол тухумдан қурт чиққунича давом этади. Нафас олиш интенсивлиги баҳорги қурт очиришнинг охирига бориб, қишилаётган уруғларнинг нафас олишига нисбатан 90 марта, қурт очиришнинг биринчи кунларига қараганда эса деярли 20 марта ортади.

1-ЖАДАЛ

Баҳорги рисожланишда уруғларда газ алмапинуви

| Күрсактын  | Уруғ очириш күнлари |      |      |      |      |      |      |       |       |      |
|--|---------------------|------|------|------|------|------|------|-------|-------|------|
|  | 1                   | 2    | 3    | 4    | 5    | 6    | 7    | 8     | 9     | 10   |
| Тирик вазни 1 $\varrho$ уруғининг 1 соатда қабул қилган $O_2$ мөккеби (мм ҳисобда) . . . . . | 32                  | 46   | 57,5 | 61   | 98   | 136  | 237  | 265,5 | 345,5 | 448  |
| Нафас олиши коэффициенти . . . . .   | 0,79                | 0,73 | 0,79 | 0,75 | 0,69 | 0,76 | 0,65 | 0,67  | 0,61  | 0,61 |

Тирик вазн бирлигидә ҳисоблашга күра майда уруғлар иирик уруғларга қараганда бирмунча интенсив нафас олиши аниқланды ва, бинобарин, майда уруғлар иирикларига нисбатан О<sub>2</sub> ни күпроқ қабул қиласы. Уруғ очиришнинг охирига бориб уруғдаги эмбрион құртга айланып шалайтын, у тухум пүчогини кемирады да ундан чиқады. Энді тут ипак қуртнинг құртлик даври шаланады.

Бутун құртлик даври беш ёшга бүлинады; ұар бир ёш ўртасындағы чегара пүст ташлашдан иборат. Бунда құрт танасининг ўсишига түсқинлик қилаётгандын хитинлик қопламани ташлайды. Ҳар бир ёш давомида құрт танаси катталашады, бу қуйидаги жадвалдан қўриниб турибди.

## 2-жадвал

### Тут ипак қурти танасининг узунлиги (мм ҳисобда)

|                   |       |
|-------------------|-------|
| Тухумдан чиққанда |       |
| 1-ёшнинг охирда   | 2,95  |
| 2-ёшнинг охирда   | 8,78  |
| 3-ёшнинг охирда   | 13,17 |
| 4-ёшнинг охирда   | 26,34 |
| 5-ёшнинг охирда   | 43,90 |
|                   | 87,60 |

Дастлабки уч ёши уч-түрт кундан давом этады, түрттинчи ёши беш-олти кун ва бешинчи ёш етти-түккиз кун давом этады. Ешларнинг давом этиш муддати, күп жиҳатдан, құрт бөқилаётгандын жойнинг төмпература шароитига, озиқнинг — тут баргининг миқдори ва сифатига боғлиқ.

Құрт кичик ёшларыда эски пүстини 12—16 соат давомида, катта ёшларыда бир сутқага яқын вақтда ташлаб бўлади. Бу вақтда құрт ҳаракатдан тўхтайти ва озиқланадиган юзага (барг қолдиқларига, шохларга) ипакларий билан ёпишиб олади ва босини кўтарганича уйқуга киргандек бўлади.

Шунинг учун, кўпинча, пүст ташлашни қуртнинг уйқуга кириши дейилади. Уйқу охирига бориб эски пүст ёрилади ва құрт янги тери ҳосил қилган ҳолда ундан чиқиб ўрмалай шалайды.

Тут ипак қурти қуртлик даврида ўзининг ҳаёт фаолияти ва ипак (пилла) ҳосил қилиш, кейинги даврлари (ғумбаклик, капалаклик) да ривожланиш учун ҳамда уруғлар ҳосил бўлиши учун жуда кўп миқдорда озиқ моддалари талаб қиласы да қайта шалайды.

Қуртлик даврида қуртларнинг оғирлиги 10—12 мінг марта ортади.

Қурт оғирлигининг ҳар бир ёшдаги ошиб бориши бир хилда бўлмайди.

Қурт оғирлигининг максимал даражада ортиши дастлабки тўрт ёшида, асосан, ҳар бир ёшнинг иккинчи ва учинчи куни

3-жадвал

Турли температуралда озиқлантирилганда 10 та құртнинг ҳар бир ёш бошидаги оғирлигі

| Күртлар<br>ёши | Күтарилган температуралда — ўртача<br>температурада |        |      |        |
|----------------|---|--------|------|--------|
|                | °C  | м гр   | °C   | м гр   |
| I              | 28,8  | 0,020  | 25,2 | 0,020  |
| II             | 28,6  | 0,056  | 25,3 | 0,080  |
| III            | 27,6  | 0,959  | 24,8 | 0,996  |
| IV             | 23,8  | 5,438  | 24,6 | 5,150  |
| V              | 24,0  | 24,055 | 24,4 | 19,690 |

кузатилади. Бешинчи ёшдаги қүрт оғирлигининг максимал даражада ортиши бу ёшнинг учинчи-бешинчи кунларыда кузатилади.

4-жадвал

Ҳар бир ёш давомида қуртнинг кундалик ривожланишига қараб оғирлигининг ортиб бориши

| Күртнинг ёши | Ёш кунлари |       |       |       |       | Пүст ташлаш |
|--------------|------------|-------|-------|-------|-------|-------------|
|              | 1          | 2     | 3     | 4     | 5     |             |
| I            | 100,0      | 165,3 | 219,0 | 169,0 | —     | —           |
| II           | 100,0      | 201,0 | 189,0 | —     | —     | —           |
| III          | 100,0      | 159,0 | 175,0 | 146,0 | —     | —           |
| IV           | 100,0      | 145,0 | 161,0 | 143,0 | —     | —           |
| V            | 100,0      | 113,0 | 136,0 | 130,0 | 124,0 | —           |

Қүрт вазнининг максимал даражада ортиши унинг иккинчи ёшига түфри келиши жадвалдан күрениб турибди.

Бу ёш давом этиши жиҳатидан ҳам жуда қисқадир. Түртнинчи ёшдан бошлаб қуртда жинсий деформизм аниқ күрина бошлиди. Эркак ва ургочи қуртларнинг вазни бир-бираига түфри келмайди. Вазн орасидаги фарқ 20% га этиши мүмкін.

Ривожланиш процессида қүрт вазнининг ўзгаришига озиқ сифати ҳам таъсир этади.

5-жадвал

Сифати ҳар хил бүлгап тут барги билан боқылган 10 та қуртнинг ўртача оғирлигі (г ҳисобида)

| Тут барги билан боқылган қуртлар | I ёш  | II ёш | III ёш | IV ёш | V ёш   |
|----------------------------------|-------|-------|--------|-------|--------|
| Асосий новдадан олинган . . .    | 0,022 | 0,081 | 1,084  | 6,058 | 27,875 |
| Бачки новдадан олинган . . .     | 0,077 | 0,056 | 0,959  | 5,438 | 24,055 |
| % ҳисобида камайиши . . .        | 22,7  | 14,5  | 11,5   | 10,3  | 13,7   |

Мазкур жалвал маълумотларидан қўриниб турибдики, озиқнинг сифати қуртнинг кўплаб ипак ҳосил қиласидаган дастлабки икки ва бешинчи ёшларида унинг вазнига катта таъсир кўрсатади.

Бинобарин қурт оғирлигининг ҳар бир ёш давомида ўзгаришига модда алмашинувининг ўзгаруви сабаб бўлади.

Пилла ўраш вақтида қуртнинг вазни камайиб кетади. Бунга қурт ипак ажратувчи безининг пилла ўраш учун ипак ажратиши ва қурт танасидаги сув миқдорининг камайиши сабаб бўлади.

Қатор олиб борилган текширишларга қараганда, ипак қурти бир сутка давомида ҳам бир текис ўсмаслиги аниқланди.


#### 6-жадвал

100 та қурт вазнининг ёшига ва суткага қараб бир соатда ортиши

| Ўлчашлар давридаги соатлар | Ёшига қараб ўсиш |      |       |       |       |
|----------------------------|------------------|------|-------|-------|-------|
|                            | I                | II   | III   | IV    | V     |
| Эрталаб соат 7 дан 15 гача | 15,5             | 45,2 | 238,0 | 902,0 | 1,400 |
| Соат 16 дан 23 гача        | 5,5              | 34,0 | 168,0 | 450,0 | —     |
| Соат 24 дан эрталаб 7 гача | 3,75             | 19,3 | 120,0 | 444,0 | 1,892 |

Қурт ҳар бир ёшининг чегарасида сутка давомида ёруғликдан ҳар хил таъсирланиши ҳам аниқланди. Қуртларнинг дастлабки уч ёшида эрталабки ва кундузги соатлардаги ёруғликдан улар яхши таъсирланади, кечқурун эса ёритилган жойдан қочади. Тўртинчи ёшдаги қуртлар кечқурунги соатларда, бешинчи ёшдаги қуртлар эса тунги соатларда бирмунча актив бўладилар. Қурт ривожланишининг ҳар бир стадиясида (урӯф, қурт, ғумбак, капалак) нафас олиш интенсивлигининг суткалик ритми белгиланган. Бир сутка давомидаги метаболизм (моддалар алмашинуви) процесслари интенсивлигининг турлича бўлиши нафас олиш активлиги, тана оғирлигининг ошиши ва организмнинг ёруғликка муносабатига боғлиқ. Бу процесслар кучининг тенг эмаслиги организмнинг ташқи мухит факторларидан таъсирланишига сабаб бўлади. Энг кейинги текшириш ишлари кичик ёшдаги қуртлар тунги соатларда юқори температура ( $32^{\circ}$ ) шароитида боқилганда уларнинг яшовчанлиги 10—20% га, ипак чиқиши 6,4% га, пилладан ипак суғурилиши 3,6% га камайиб кетишини кўрсатди.

Ривожланишининг ҳамма стадияларида нафас олишнинг суткалик ўзгариш характеристига, сутка давомида қурт оғирлигининг ошишига ва ёруғлик ҳамда иссиқликка бўлган муносабатига қараб, ипак қурти ритмик ҳашаротларга киритилиши керак, бу қурт боқиш агротехникасини ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши зарур.



1-расм. Тут ипак қуртининг ривожланиш шакли:

— тухум: 2 — 7 — оиринчи ёки бешинчи ёшгача бўлгак қуртлар; 8 — 10 — пийдалашдаги гумбаклар; 11 — 12 — ургочи ва ёркак капалак; 13 — тухум.

Тут ипак курти биологияси

Курт 5-ёшининг охирида тўла етилади ва озиқланишдан тўхтайди.

Етилган қурт пилла ўрайди ва икки-уч суткада унинг ичина гумбакка айланади.

Гумбак — бу ҳаракатланмайдиган стадиядир. Бу стадияда ярим жинсий жиҳатдан етилган стадия — капалакка айланиш учун тўқума ва органлар катта ўзгаришга учрайди. Урғочи гумбакларда тухум, эркак гумбакларда эса сперматозоид ривожланади ва етилади. Гумбак 10—16 кун давомида ривожланади, сўнгра капалакка айланиш учун пўст ташлайди.

Капалак тут ипак қуртининг жинсий жиҳатдан етилган стадиясидир.

Гумбаклик пўстини ташлагандан кейин капалак жигилдонидан пилла қобиини юмшатадиган махсус суюқлик ажратади. Сўнгра капалак пилла ипакларини оёқлари билан итариб, ҳосил бўлган тешикни боши билан кенгайтириб ундан чиқади. Бирмунча қуригач ва қанотларини тўғрилагач, капалак жуфтлаша бошлади. Жуфтлашгандан бир оз вақт ўтгач (баъзан эса шу вақтда) улар ажратилгандан сўнг урғочи капалак тухум (урӯғ) қўйишга киришади. Тут ипак қуртининг тўла ривожланиш цикли шу билан тугайди.

### *Контрол саволлар*

1. Тут ипак қурти қайси синфга, туркумга, оиласга, авлод ва турга мансуб? Турнинг латинча номларини ёзинг.
  2. Тут ипак қурти ривожланишининг йиллик циклидаги стадияларини айтиб беринг.
  3. Моновольтин, бивольтин ва поливольтин зотларнинг асосий биологик фарқи?
  4. Қуртлик стадияси неча ёшга бўлинади. Ҳар бир ёш тахминан қанча давом этади?
  5. Ёшлилар ўртасида қайси биологик процесс чегара ҳисобланади?
  6. Қуртлик стадиясининг давом этишини қайси йўл билан бошқарим мумкин?
  7. Тут ипак қуртининг асосий озигини нима билан алмаштириш мумкин, уларнинг ипак маҳсулига қандай таъсир этишини сизга маълумми?
  8. Тут ипак қуртининг жинсий жиҳатдан етилган стадиясини айтиб беринг ва унинг хусусиятларини ёзинг.
-

## *II-боб*

### **1. ТУТ ИПАҚ ҚУРТИ**

Тут ипак қурти ўз ҳаётининг тўртта стадиясидан қуртлиқ стадиясидагина озиқланади. Қуртлик стадияси 25—30 кун давом этиб, бу даврда ипак қурти ўзининг ҳаёт фаолияти учун ва фумбаклик, капалаклик ҳамда тухумлик стадияси учун ҳам стадиган ортиқча озиқ моддалари тўплай олиши керак. Бундан ташқари фумбак ва капалаклар ҳаёт процессларининг интенсивлиги ва қандай ўтишига ургочи капалак танасида шаклланадиган тухумларнинг миқдори, бу тухумлардаги озиқ моддалар запаси ва ипак қуртидаги бир қатор ирсий хусусиятлар ипак қурти ҳаёти давомида қанча миқдорда озиқ моддалар тўплай олишига, бу моддаларнинг таркиби қандай бўлишига боғлиқ. Қуртнинг вазни ва пилла ҳосил бўладиган ипак толасининг айrim технологик хусусиятлари ҳам қуртлик стадияси даврида ўзлаштирилган озиқ моддаларнинг сифати ва миқдорига боғлиқ бўлади.

Тут ипак қурти монофаг ҳашарот ҳисобланади, яъни бир тур озиқ — тут дарахтининг барглари билан озиқланади. Тўғри, қуртни айrim бошқа ўсимликлар қоқиёт, маклюра ва кўкнори барглари бериб боқиш мумкин, лекин оқибатда қурт пилла ўрамасдан иобуд бўлади ёки жуда сифатсиз пилла ўрайди.

Хозирги вақтда тут ипак қуртини йилнинг истаган вақтида боқиш имкониятини берадиган сунъий озиқ тайёрлаш ёки тут баргини консервалаш устида муваффақиятли иш олиб борилмоқда.

Тут баргининг озиқлик сифати асосан, ундаги оқсил ва углеводлар миқдорига, бу моддаларнинг ўзаро нисбатига ва баргдаги сувнинг кўп-озлигига боғлиқ.

Қуртлар озиқни яхши ейиши ва ўзлаштириш учун у яшаётгани ташқи шароит катта аҳамиятга эга. Бу шароит энг аввало, температура, маълум даражадаги ҳавонинг нисбий намлиги, қуртларнинг жойлашиши учун етарли жойнинг бўлиши, ҳаво-

нинг доимо тоза бўлиши, ёруғликнинг ҳамма томонга бир хил тарқалиши, ипак қуртининг касаллик қўзғатувчилардан сақла-нишидан иборатdir. Ипак қурти бу бирмунча қулай шароитда кўп овқатланади ва баргдаги озиқ моддаларни яхши ўзлаштиради, яхши ўсади ва ривожланади ҳамда пишиқ, оғир пилла ўрайди. Ипак қурти ўрайдиган пилланинг ипак толаси юқори технологик хусусиятга эга; ғумбакдан кўп миқдорда тухум (уруг) қўйишга лаёқатли бўлган, яхши ривожланган капалак чиқади. Тухумда эса эмбрион ривожланishi ундан сўнг тухумдан янги ипак қурти чиқиши учун зарур бўлган кўп миқдорда озиқ моддалар бўлади.

Ипак қуртининг ташқи муҳит шароитига (озиқ ҳам шу шароитга киради) бўлган талабини билиш учун унинг танасида юз берадиган ҳаёт фаолияти процессларини ва бу процессларнинг натижаси ва тезлигига ташқи шароит қандай таъсир этишини ўрганиш керак. Ипак қуртининг ўзи ҳам ташқи шароитга таъсир қилишини унутмаслик керак, яъни овқатланиши ва нафас олиши натижасида у ўзидан экскремент, карбонат ангидрид, сув ва иссиқлик ажратади.

### Ипак қуртининг ташқи кўриниши ва тана тузилиши

Ипак қуртининг танаси чўзинчоқ, деярли цилиндрическимон бўлиб, уч қисмдан: бош, кўкрак ва қориндан иборат. Қуртининг бош қисми ярим юмaloқ, аникроғи ярим шар шаклига ўхшайди ва бирмунча нўхатнинг ярим палласини эслатади. Қурт ёшли-

2-расм. 5-ёшдаги қуртининг ташқи кўриши.



гида унинг боши ялтироқ қора тусда бўлиб, ёши катталашиб қурт ўсган сари оқарип боради ва бешинчи ёшда қўнғир-жигар ранг тусга киради.

Бошининг ташқи қоплами бир қанча хитин пластинкалардан ҳосил бўлган. (Хитин — қаттиқ, шу билан бирга бирмунча эластик, баъзан бирмунча ялтироқ бўлган оқсил моддадан иборат, Бошқа ҳайвонларнинг шох, туёқ, соchlари шунга ўхшаш моддадан ҳосил бўлган.) Пластинкалар бир-бири билан зич бирикib мустаҳкам яхлит бош капсуласини ҳосил қиласди.

Бошининг устки қисмида кўз, мўйлов, оғиз ва ипак ажратиш найчаси жойлашган; ипак қуртида бошининг икки ён томонида олтитадан жойлашган 12 та оддий кўз бўлади.

Кўзнинг бевосита яқинида сезиш, ҳидлаш функциясини бажарувчи иккита уч бўғимли мўйлов жойлашган.

Оғиз тешиги бошининг остки қисмида ўрнашган. Уни оғиз ўсимталари: оғиз усти қалқончаси, юқориги лаб, юқориги жағ, пастки жағ, тоқ остки лаб ўраб туради.

Юқориги лаб оғиз тешиги устида жойлашган ва ўрта қисми сал ўйилган ярим доира шаклидаги унча катта бўлмаган тери бурмасидан иборат.

Юқориги лабда сезувчи толалар жойлашган бўлиб, уларнинг ички юзасида сезиш, ҳидлаш органи ҳисобланган найчалар бор.


Юқориги жағ оғизнинг ҳар бир томонида биттадан бўлиб, ички чеккаси бўйлаб тишли қаттиқ, қора ўсиқлар жойлашган; қуртлар биринчи ёшдалигида бундай тищчалар ҳар бир жағда бешта, иккинчи ёшда — еттика, учинчи ёшда — тўққизта, тўртинчи ёшда — саккизта ва бешинчи ёшда фақат тўртта бўлади. Ҳар бир жағ асосидан бошининг ички қисмига хитинли ўсиқлар кетган бўлиб, буларга жағни очиб-ёпадиган кучли мускуллар келиб бирикади. Бу мускуллар жағларни суриш билан оғиз тешигига йўл очади; жағлар бирлашганда барг четини куч билан қисади ва унинг бир қисмини узуб олади.

Сезувчи толали уч бўғимли пайпаслагичлари бўлган жуфт остки жағлар, фақат бир оз ҳаракат қилиб кўтарила ва туша олади. Остки лабда, олдинги қисмининг ўртасида, охирги қисмида ипак чиқарадиган тешиги бўлган ипак ажратувчи конуссимон ғайча жойлашган. Найчаларнинг ён томонида унча катта бўлмаган яна иккита пайпаслагич — мўйлов бор.

Остки жағ ва остки лаб озиқни майдалашда иккинчи даражали роль ўйнайди; улар, асосан баргнинг кемириб олинган бўлагини оғизга узатишга хизмат этади.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўлишича, оғиз қисмлари оғиз ичидан эмас, балки унинг атрофида жойлашган экан.

Ипак қуртининг танаси кўкрак ва қориндан иборат. Танаси бўғимлардан тузилган. Кўкрак қисмида бу бўғимларнинг чегараси фақат ҳашаротнинг қорин томонидан кўринади; қорин-



3-расм. Тут ипак қуртининг боши:

I — олд томондан кўриниши:

*юл* — юқориги лаб; *пб* — пешана бўшлиги; *δө* — бошнинг ён томонлари; *м* — мўйлов; *юж* — юқориги жаг; *к* — оғиз усти қалкончаси; *к* — кўзчалар.

II — ён томонидан кўриниши:

*к* — кўз; *м* — мўйлов; *юл* — юқориги лаб; *юж* — юқориги жаг; *ицн* — остки жаг; *м* — жаг мўйловлари; *ичн* — ипак чиқариш найчаси; *м* — пастки лабдаги мўйлов.

III — ост томондан кўриниши:

*м* — мўйловлар; *ицн* — остки жаг; *пл* — остки лаб; *ичн* — ипак чиқариш найчаси; *к* — кўзчалар.

НИНГ БЎҒИМЛАРГА БЎЛИНИШИ БИРМУНЧА АНИҚДИР, ЯЪНИ БЎҒИМЛАРНИНГ ЧЕГАРАСИ ТАНАНИНГ ҲАММА ҚИСМИДАН АНИҚ КЎРИНИБ ТУРАДИ.

Кўкрак нисбатан калта, лекин учта бўғимдан тузилган бўлиб, тананинг энг юқори қисми ҳисобланади. Кўкрак қисми бош билан юмшоқ кенг парда орқали бириккан. Кўкрак ҳар бир бўғимининг остки қисмida бир жуфтдан оёқчалар жойлашган. Ҳар бир оёқча доимо торайиб турувчи учта бўғимдан иборат, энг ингичка охирги бўғим туклар билан қопланган қаттиқ тирноқ билан тугайди. Булар ёрдамида кўкрак оёқлар (уларни ҳақиқий оёқлар деб ҳам айтиш мумкин) ўзаро бир-бiri билан яқин ҳолда бошга яқин жойлашади ва, асосан, озиқланадиган тут баргини тутиб туриш учун хизмат этади.

Орқа ва кўкрак бўғимларнинг орқа ва ён томонида тери иирик бурмалар ҳосил қиласди, бу бурмалар остида капалакнинг қанот бошланғичлари жойлашади.

Кўкрак биринчи бўғимининг ҳар бир ён томонида овал шаклида қора доф кўринишидаги биттадан нафас тешиги бор.

Қорин — ипак қурти танасининг бирмунча узун қисми бўлиб,

тўққизга бўғимдан иборат. Қориннинг биринчи бўғими кўкракнинг кетки учи билан ҳаракатсиз бириккан. Иккинчи ва учинчи бўғимлар энг катта бўғимлардир: уларда ўрта ичакнинг олдинги қисми жойлашган. Бундан кейнги бўғимлар секин-аста кичиклашиб ва бирмунча яссилашиб боради. Тананинг орқа томонидаги саккизинчи бўғимда орқа томонга қайрилган тукча бор. Тўққизинчи бўғимда юқори қисми учбурчак шаклидаги клапан билан бекилган орқа чиқарув тешиги жойлашган; шунинг учун орқа чизик тўққизинчи бўғимда кескин пасайиб кетади.

Қорин саккиз бўғимининг ҳар бирининг ёнида биринчи кўкрак бўғимидаги сингари нафас олиш тешиги жойлашган.


Учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва тўққизинчи бўғимлари ҳар бир ён томонининг пастида ва нафас тешигидан бирмунча орқароқда қорин оёқлари жойлашган. Буларни кўкрак оёқларидан фарқ қилиш учун ёлғон оёқлар деб аталади, чунки метаморфоз вақтида бу оёқлар йўқолиб кетганидан капалакларде бутунлай бўлмайди.

Қорин оёқлар таги юмалоқ бўлиб тугайдиган бирмунча ко-нуссимон шакллади. Оёқ кафтининг ички чеккасида ярим ҳалқа шаклидаги хитинли тирноқлар жойлашган, лекин ташки чеккасида ҳам тирноқлар бўлиб, улар кам ва майдадир. Ёш катталашган сари тирноқларнинг сони ошиб боради. Агар биринчи ёшда уларнинг сони ҳаммаси бўлиб 15 дона бўлса, бешинчи ёшда уларнинг сони олтмиштага етади.


Тахминан, кафтининг ўртасида тери ёстиқчasi жойлашган (бешинчи ёшда ёстиқча бўлмайди). Ички оёқнинг кафтига уни тортиб турла оладиган кучли мускуллар келиб бирикади.

Илак қуртининг кўкрак оёқлари яхши ривожланмаган, шунинг учун ҳаракат қилаётганда қурт ундан фойдаланмайди. Бу функция (вазифа)ни қорин оёқлар бажаради. Гемолимфаларнинг босими остида қорин оёқларининг кафти керилади ва қурт турган барги, новдаси ёки қофозига тирноқлари билан ёпишиб олади. У оёқлари билан маҳкам ёпишиб, қориннинг бошқа бўғимларини тортиб олади. Ҳар сафар сурилишдан олдин гемолимфа оёқлардан тортиб олинади, кафт кучли мускуллар таъсирида тортилиб, тирноқлар барг ёки новданинг юзасидан чиқади ва қурт оёқларини бошқа жойга ҳаракатлантира олади.

Қурт ҳаракат қилаётганда ва тинч турганда фақат қорин оёқларига, айниқса, қориннинг бешинчи, олтинчи ва тўққизинчи бўғимларидаги оёқларга таяннади. Қориннинг бу қисми (кетинги) қурт танасининг таянч қисми ҳисобланади. Боши, кўкрак ва қориннинг олдинги бўғимлари тананинг ҳаракатчан



4-расм. Тут илак қурти танасининг сегментланиш схемаси (рим ҳарфлари билан қорин сегментлари, араб ҳарфлари билан кўкрак оёқлари кўрсатилган).



5-расм. Саккизинчи ва тўқизинчи бўғимларнинг остки томонидаги

Ишиват диски:

1 — олдинги томони;  
2 — орқа томони.

қисмидир; қурт тут барги четига етиш учун ҳаракат қилиб ёки чўзилиб танасининг ҳамма ҳаракатчан қисмини, шу билан бирга, қорин оёқларининг олдинги икки жуфтини кўтара олиши мумкин. Лекин, одатда, жойни ўзгартириш учун қурт беш жуфт қорин оёқларининг ҳаммасидан фойдаланади, бундай ҳаракат тананинг орқа жуфт қисмини юқорига букиш билан бошланади, унда, яъни энг охирги (бешинчи) жуфт оёқ олдинга суриласди, сўнгра уларни мустаҳкамлади, кейин тўртинчи жуфт оёғи кўтарилиб суриласди ва секин-аста қолган оёқлар ҳам ҳаракатга келади.

Урғочи қуртнинг қорин томондаги саккизинчи ва тўқизинчи бўғимларида икки жуфт Ишиват диски бор. Бу дисклар ўртаси нуқтали доира шаклига эга. Булар саккизинчи бўғимда тахминан ўртада, тўқизинчидаги эса олдинги чегарада, қорин оёқларининг асосига яқин жойда бўлади. Дисклар бешинчи ёшнинг бошларида ва ўрталарида айниқса яхши кўринади; бу вақтда қуртнинг жинсини осонгина аниқлаш мумкин: урғочиларда диск бўлади, эркакларида эса бўлмайди.

### Ипак қуртининг тери қоплами

Ҳашаротлар танасининг ҳамма қисмини механик боғлайдиган сукдан иборат скелетининг бўлмаслиги билан умуртқали ҳайвонлардан фарқ қиласди. Ипак қуртида тери қоплами боғловчилик ролини бажаради. Бундай қопламнинг асосий қисми тери (кутикула) ҳисобланади. Бу учта: юқориги, ўрта ва остки қаватлардан иборат.

Юқориги қават жуда юпқа (унинг қалинлиги бир микронга яқин) бўлиб, ёғсимон аралашма ва мумсимон моддалар кутикулиндан иборат. Бу қават юпқа бўлишига қарамай, қурти ташқи таъсирлардан жуда яхши сақлайди: у сув ўтказмайди ва ундан ивимайди, химиявий актив моддалар, жумладан, қатор кислота ва ишқор эритмаларидан таъсирланмайди. Бу қават газларни ҳам ёмон ўтказса керак. Шундай қилиб, юқориги қават ҳимоя қавати ҳисобланади, механик функцияни бажармайди. Кутикуланинг учта қавати орасида бу қават бирмунча чўзилишга лаёкатли, унинг эластик бўлиши эса юпқалиги туфайлиdir.

Бу қаватнинг ташқи томонида кўргина микроскопик ўсиқлар бор.

Ўрта қават бирмунча қалин (баъзан у керининг ҳамма қалинлигининг ярмисигача етади) бўлиб, хитин, кутикулин, қатор


Бошқа оқсил моддалардан ҳамда қора-құнғир рангга бұйайдыган моддалар — меланиндан иборат. Бу қаватнинг таркиби унинг қолган иккита қаватта қараганда бирмунча мустаҳкам ва қат-тиқ бұлишини таъминлайды, унга тери қопламининг асосий функцияларидан бири умуртқали ҳайвонлар скелети үрнини боса оладиган тананинг механик асоси ролини бажариш имко-ниятини беради. Шу билан бирга, бу қаватда тери қопламиның төс тери юзасини бирор тусга киритувчи, ранг берувчи моддалар (пигментлар) бор.

Остки қават — қалинлигига күра жуда мустаҳкам бұлиб, асосан, әримайдыган оқсил моддалари аралашган хитиндан иборат. Хитиннинг химиявий таркиби ҳозирча аниқланған йүқ, лекин әхтимол үсімлік клетчаткасига яқындыр; ҳар ҳолда хи-тинда ҳам клетчаткадаги каби азотли бирикмалар бор, унда ҳам клетчатка билан борадиган реакция ҳолатини күриш мум-кин. Хитин тери қопламининг асосий таркибий қисми ҳисоблан-майды: кутикуланинг барча қаватларыда унинг миқдори, ба-зан 50% га етади, одатда эса 30—35% га тенг бўлади. Хитин остки қаватда яхлит масса ҳосил қилмай тангача қаватсимон тузилиши бўлади. Остки қаватнинг ҳамма қалинлиги бўйлаб кўп сонда каналчалар ўтган. Бу қават ҳамма кутикула ичидаги бирмунча эластик ҳисобланади.

Кутикула остки қаватининг бевосита яқин ерида ҳужайра-лар қавати ётади; бу тирик ҳужайралар қавати ҳам тери қоп-лами таркибига киради. Бу ҳужайралар қавати кутикула қа-ватини ҳосил қиласынан моддалар ишлаб чиқади.

Бу ҳужайраларнинг ингич-ка протоплазматик үсиқлари кутикула остки қаватининг ка-налларидан ўтади. Бу үсиқлар тери ўз функциясини бажариш-учун зарур бўлган бир қанча моддаларни каналларга ажра-тади.

Бу ҳужайраларнинг асосий вазифаси янги тери қоплама-рини ҳосил қилишdir. Хитин ва кутикулindан ҳосил бўлган кутикула чўзилишга лаёқатли эмас, лекин ипак курти кун са-йин катталашив боради ва тे-ри қоплами қурт учун торлик қилиб қолади. Бунда пўст таш-лаш процесси бошланади. Бу процессда қурт ўзига тор кел-ган тери қопламини ташлаб, янгисига алмаштиради. Бу ян-



6-расм. Ипак курти терисининг ту-зилиши:


*юп* — умумий бўшликдан чегараловчи юпқа-зителкал олди пардаси; *пк* — пўст ҳу-жайралари; *пк* — терининг пастки қавати; *юқ* — терининг юкориги қавати; *юк* — пўст тукчалари; *пк* — пўст қиличлари; *ткx* — тук-ча ҳосил қилювчи ҳужайралар.

ти қопламнинг ҳосил бўлиши ҳужайралар тери ости қаватининг асосий функцияси ҳисобланади. Тери ости қаватининг чўзилган ҳужайралари орасида колбасимон ҳужайралар учрайди. Бу ҳужайралар тери юзасида кўз билан кўриш мумкин бўлган қилчалар ҳосил қиласи.

Янги тери қопламини ҳосил қилиш учун эски тери қопламини ташлаш, лекин бу процесс эски тери остида бориши, эски тери янги тери ҳосил бўлишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Бу пўст ташлаш безлари ёрдамида амалга ошади. Куртда бундай безлардан 15 жуфти бор; кўкрак бўғимларининг ҳар бирида икки жуфтдан: ҳар бир ёнида нафас тешиги жойлашган чизикдан бир оз юқорироқда биттадан, кўкрак оёқлари асосида биттадан без жойлашган. Қориннинг саккизинчи бўғимида ҳам икки жуфт без тахминан шундай ҳолатда жойлашган. Олдинги еттита бўғимда бир жуфтдан без бўлади. Бу безлар ён томонларга нафас тешикларидан бир оз юқорироқ ва олдинроқда жойлашган. Тери безлари бевосита ипак қуртининг тери қопламини ҳосил қилувчи ҳужайралар қавати остида жойлашган. Бу йирик ҳужайралардан бири бўлиб, тери ҳужайралари қавати орқали ўтадиган бўйинга эга, бўйиннинг ички қисми — каналдир. Бу канал — ипак ажратиш бези ажратган суюқлик бу канал орқали тери қопламига ўтади.

Пўст ташлашдан олдин без катталашади, унинг протоплазмасида пўст ташлаш суюқлиги билан тўлган вакуол пайдо бўлади. Бу вақтда ҳужайра қавати янги пўст ҳосил қила бошлиди. Дастреб юқса юқориги қават, сўнгра эса ўрта қават ҳосил қиласи.

Пўст ташлаш суюқлиги бўйин каналидан ўтаётуб, янги ҳосил бўлган юқориги қават билан эски терининг остики қавати ўртасидаги бўшлиқни тўлдиради. Бу остики қават пўст ташлаш суюқлиги таъсири остида аста-секин эрий бошлиди; пўст ташлаш суюқлиги ўрта ва юқориги қавати эрита олмайди ва эски пўстнинг юқориги қавати орасида пўст ташлаш суюқлиги билан тўлган янги бўшлиқ пайдо бўлади. Бу вақтга келиб янги юқориги қават шаклланишдан тўхтайди ва без каналини бекитади, натижада эски ва янги тери ўртасидаги бўшлиқка пўст ташлаш суюқлиги келмайди. Натижада мускул ва қон сисими таъсирида



7-расм. Пўст ташлаш процессининг схематик тасвири:

*A* — терининг янги юқориги қаватининг ҳосил бўлиши; терининг остики қаватининг янгитлан ҳосил бўлиши; *B* — эски тери қаватидан ўрта ва юқориги қават қолган; *B* — пўст ташлаш бези; *Я* — ядро; *К* — ядроли канал.



Ø-расм. Пүст ташлаган 5-ёшдаги қурт.

кўкрак бўғимларининг орқа томонидаги эски тери ёрилади, яъни бу ерда пўст ташлашнинг охирида ўрта қават тамомила бўлмайди. Қурт пўст ташлаш олдидан ипаклари ёрдамида қорин оёқлари билан ўзи яшаб турган новдалага ёки баргга ёпишиб олади, пўст ёрилгандан кейин эса эски тери ичидан чиқиб, аста-секин ўрмалай бошлайди. Янги пўстнинг юзаси тезда қурийди ва қотиб қолади. Шу билан пўст ташлаш процесси тугайди.

Ипак қуртининг ранги улар ўсган сари ўзгариб боради. Қуртнинг биринчи ёшида анча катта (нисбатан) боши ялтироқ қора тусда, танаси деярли гиламсимон гулли, қорароқ (баъзан тўқсариқ) ранглидир; танасида узун туклар билан қопланган 26 та тери бўртиклари жойлашган; бу туклар қуртни биринчи ёшидаёқ сержун (бошқа ёшдаги қуртлардан фарқи шунда) қилиб қўяди.

Иккинчи ёшида қуртнинг ранги, айниқса, кўкрак қисми оқараб боради, лекин танасининг гиламсимон гуллилиги сақланиб қолади ва ҳатто бирмунча равшанлашади. Тукли бўртиклар йўқолиб кетади, лекин танаси жуда кўп кўз билан кўриб бўлмайдиган калта, ингичка туклар билан қопланган бўлади; шунинг учун у яланғочдек туюлади.

Учинчи ёшида қуртнинг ранги яна ҳам оқаради ва қуртнинг доимий ранги ҳосил бўлади. Баъзан айрим зотлар ҳамма қуртлари бир хил тусда, лекин бир зот ичida ҳар хил рангли қуртлар ҳам учрайди. Қуртларда учрайдиган асосий ранглар қуйидаги лардир: оддий гилам, чипор, баҳмал ва оқ тус, яна бошқа туслар ҳам учрайди. Буларга кул ранг-сарфиш, қўкиш-яшил ва бошқалар киради.

Курт танасининг одатдаги ранги оқ бўлиб, иккинчи ва бешинчи бўғимларида икки жуфтдан яримойсимон доф жойлашган.


Гилам тусдаги қуртларнинг танаси катта ёшдалигига дастлабки икки ёшидаги қаби тўқ рангга бўялган бўлади.

Чипор тусдаги қуртларда ҳар бир бўғимининг олдинги чеккасидан кўндалангига қора тор йўл ўтади.

Кул-ранг-сарфиш тусли қуртларда оқ қисмидаги тарқоқ ҳолда майда оч кул ранг-жигар ранг чизиқлар учрайди.

Қўкиш-яшил тусли қуртларнинг орқа томонида бир неча жуфт каттароқ ва бирмунча юмалоқ (оддий тусдаги қуртларга қараганда) яримойсимон дофлар бор.

Бахмалсимон тусдаги қуртларнинг орқа бўғимлари ва ён томонларининг олдинги чеккасидаги унча катта бўлмаган оқ йўлни ҳисобга олмаганда тўқ рангга бўялган.



9-расм. Ипак құрты рангининг типлари.

Тери қоллами юзасининг чипор ва баҳмал тусда бўлиши ёввойи тут ипак құрти учун ҳимоя ранги бўла олади деб, фараз қилиш мумкин. Тут ипак құрти хонакилаштирилганда эса бундай ҳимоя воситаси керак бўлмай қолиб, бу ранг аста-секин йўқола борган, натижада кўкиш-яшил кул ранг-сарғиш ва бошқа оралиқ ранглар ҳосил бўлган. Лекин кўпчилик құртлар оддий рангда бўлади. Чизиқлар бутунлай йўқолиб кетса, қурт оқ тусли бўлиб қолади.

Хозирги вақтда жинсига қараб құрти турли рангда бўладиган янги зотлар етиштириш устида муваффақиятли иш олиб борил-

моқда. Совет селекционерлари чикарган бундай зотларнинг эркак қурти сидирға оқ ранг, урғочи қуртлар кўқрак бўғимлари-нинг орқа томони эса ниқобли ва иккинчи ҳамда бешинчи қорин бўғимларида яrimойсизмон доғлари бор.

Тери қоплами моддалари маълум даражада тиниқ бўлса ҳам, лекин тери ости қавати ҳужайраларида нурии қайтара олиш қобилиятига эга бўлган сийдик кислота кристалларининг бўлиши тери қоплами ёруғлик нурини ўтказмайди деган таассуротни келтириб чиқаради. Бу кристаллар кам ёки мутлақо бўлмаган айрим жойлардагина тери бир оз тиниқ бўлади. Ипак қурти ёлғон оёклари ички томонидаги тери қопламида гемолимфалар рангини кўриш мумкин; қуртнинг орқа томонидан бир оз қисилса, ичагининг қора ўли осонгина кўринади: курт орқа томони кетки қисмининг ўрта чизиги бўйлаб тукчадан олдинда уриб турган бел\* найчаси кўринади.

### *Контрол саволлар*

1. Ипак қуртнинг танаси қандай қисмлардан тузилган? Буларнинг ҳар бирини қисқача тәвсифланг.
2. Қуртнинг танаси нечта бўғимга бўлинган ва ҳақиқий ҳамда ёлғон оёклар буларадан қайсиларига жойлашган?
3. Қуртнинг тери қоплами нечта қаватдан иборат? Ҳар бир қаватнинг тузилишини тавсифлаб беринг.
4. Қуртнинг ҳақиқий ва ёлғон оёклари қандай вазифани бажаради? Ёлғон оёкларнинг тузилишини баён қилинг.
5. Пўст ташлаш вақтида эски герини ташлаш процесси қандай ўтади; бу процесс қандай безлар ёрдамида юз беради?
6. Қуртда неча жуфт пўст гашлаш безлари бор ва улар қаерга жойлашган?
7. Ишиват дисклари тананинг қайси томонига ва қайси бўғимларига жойлашган ҳамда бу дискларнинг курт учун қандай аҳамияти бор?
8. Қурт бошининг тузилишини баён килиб беринг.
9. Қурт пўсти рангларининг асосий типларини айтиб беринг.

### *Нерв системаси*

Организмнинг ҳамма фаолияти нерв системаси томонидан тартибга солинади. Нерв системаси ҳамма ташқи таъсирларни қабул қиласи. Бутун организмни ёки унинг айрим қисмларини бу таъсирларга жавоб беришга тайёрлайди. Нерв системаси айрим организмларнинг фаолиятини ўзаро уйғунлаштириб, организмнинг бир бутун нормал ҳаёт фаолиятини таъминлайди. Нерв системаси айрим процессларнига эмас, балки бир стадиядан иккинчи стадияга ўтиш билан борғлиқ бўлған янги процессларни ёки, аксинча, ҳайвоннинг ўсиш ва ривожланишини кечикирувчи процессларни ҳам бошқаради.

Ҳашаротларнинг нерв системаси юқори даражада ривожланган умуртқали ҳайвонларнинг нерв системасига қараганда яхши ривожланмаган ва такомиллашмаган, лекин унинг тузилиши ва таъсир этишининг умумий принципи ҳамма ҳайвонларда бир хилдир.

Асосий нерв системаси нерв ҳужайралари — нейронлар ҳисобланиб, булардан нерв тұқымалари ҳосил бўлади. Нерв ҳужайра-сидан икки хил ўсимта чиқади. Булардан бири түғри ва кўпинча жуда узун бўлиб *нейритлар* дейилади. Иккинчиларй дендритлар деб аталиб, калта ва жуда тармоқланган бўлади, яъни шохлаб кетган дараҳтга ўхшайди. Ҳар бир ҳужайрадан битта нейрит ва бир нечта дендритлар чиқади. Бир группа нерв ҳужайралари ва уларнинг калта ўсимталари нерв занжири ёки ганглий ҳосил қиласиди. Усимталар ганглий чегарасидан чиқиб, нерв пайларига қўшилади ва нерв системаси бўлмаган органлар томон йўналиб нервларни ҳосил қиласиди. Ипак қути танасидаги бир бўғим чегарасида бир ганглийдан иккинчи бир ганглийга кетаётган бундай йўғон пайлар *комиссурা*, ҳар хил бўғимларда жойлашган ганглийларни бирлаштирувчилар эса *коннективлар* деб атади.

Нерв системасининг асосий вазифаси қўзғалишни организмнинг бир қисмидан иккинчи қисмига ўтказишdir. Нерв ҳужайрасидаги қўзғалиш сезувчи органдан ёки бошқа шундай нерв ҳужайрасидан, ёки барча бошқа органлар ва тана тўқимасининг ҳужайраларидан олинган таъсир натижасида ҳосил бўлади. Курт атрофидаги ҳамма нарса ва танасида содир бўлаётган ҳамма процесслар нерв ҳужайраларида қўзғалиш ҳосил қиласидаги факторлардир. Баргнинг ҳиди ва ташқаридаги ҳавонинг температураси, ичакда овқатнинг бўлиши ёки бўлмаслиги, ёруғлик ёки пўст ташлаш зарурияти — буларнинг ҳаммаси ташқи ва ички ҳолат бўлиб, буни нерв системаси қабул қиласиди ва уларга жавоб беради.

Сезувчи орган ва бошқа органлар тўқималарига борадиган нервлар нерв системасининг периферик қисми, комиссура ва коннективли ганглийлар эса марказий нерв системаси ҳисобланади.

Нерв системасининг ҳужайралари учта асосий групнага бўлиниади: сезувчи ҳужайралар, булар таъсиротни сезувчи органлардан қабул қиласиди ва уларни марказий нерв системасига ўтказади (бу ҳужайралар, одатда, марказий нерв системасидан ташқарида жойлашади). Ҳаракатлантирувчи ҳужайралар қўзғалишни марказий нерв системасидан мускулларга, безларга ва бошқаларга олиб боради. Бу ҳужайралар марказий нерв системасида жойлашган.


Шу ерда яна учинчи хил ассоциатив ҳужайралар жойлашган, булар сезувчи ва ҳаракатлантирувчи ҳужайраларни ўзаро боғлайди. Шундай қилиб, ҳамма нерв системасининг фаолияти рефлектор ёйда ўтади. Рефлектор ёй сезувчи орган ҳаракат маркази ва бирор ташқи ёки ички таъсирни қабул қилиб унга жавоб қайтарувчи тўқима ёки ҳужайралардан иборат; бу таъсир сезувчи нерв ҳужайраларининг нервига келади, булар орқали ассоциатив (умумлаштирувчи) ҳужайраларга узатилади, булардан

боғловчи нерв системаси (комиссура, коннективлар) орқали ҳаракатлантирувчи тегишли ҳужайраларга келади; ҳаракатлантирувчи ҳужайралар эса таъсиротни мускулларга олиб келади ва уни ҳаракатлантиради. Фақат мускуллар эмас, балки ички секреция безлари, олинган таъсиротга жавоб қайтарадиган бошқа органларнинг тўқима ва ҳужайралари ҳам рефлектор бўла олади. Буларнинг фаолияти олинган таъсирга берилган реакция ҳисобланади.

Бундай рефлектор ёйи, яъни таъсирни қабул қилувчи ва унга жавоб берадиган нерв занжири айрим ҳолларда фақатгина бир дона ҳужайрадан иборат бўлиши мумкин. Бу ҳужайранинг дендритлари таъсирот ҳосил бўладиган ҳужайралар билан, нейрити эса мускуллар ёки шира ажратувчи ҳужайралар билан боғлиқ бўлади. Бунда дендритлар рецептордан олган таъсиротни ўз ҳужайрасининг марказига узатади, у ердан эса таъсирот нейрит орқали мускулларга ёки шира ажратувчи ҳужайраларга, яъни эффекторга боради.

Лекин бундай ҳужайралар нерв системасининг бошқа ҳужайраларидан тамомила ажralган бўлмайди. Дендритларининг бирортаси орқали улар билан боғланган бўлади; зарур ҳолда бундай алоқа туфайли кўп микдорда рецептор ва эфекторлари бўлган рефлектор ёйининг ҳаратига қўшилади.

Тут ипак қуртиning нерв системаси тухумда эмбрион ривожланиши билан бир вақтда ҳосил бўлади. Эмбрионнинг ҳар бир бўғимида ўзининг нерв тўқималари ривожлана бошлайди. Нерв системасининг бўғимли тузилганлиги шу туфайлидир. Лекин кейинчалик эмбрионда бўғимлар сони камая бошлайди, бунда бу нерв тўқималари ва ҳосилалари бўғимларнинг бирлашиб кетишига мувофиқ бирикади. Натижада ҳашаротнинг бошидаги олти жуфт нерв тугунлари ўрнига икки жуфт нерв тугунлари: бир жуфт томоқ усти ва бир жуфт томоқ сести тугунлари қолади. Бунда ҳар бир тугун ўзининг ривожланиш йўлини қолдиради, шунинг учун у уч бўлимдан иборат бўлади. Тут ипак қуртида шаклланган нерв системаси пировардида қўйидаги тузилишга эга бўлади.




10-расм. Ипак қурти нерв системаидаги нерв ҳужайралари ўзаро мунносабатининг схемаси:

*Г* — чанглий — қорин нерв боғламидағи нерв гутуни; *Д* — лендрит; *XН* — ҳаракатлантирувчи нейрон; *TH* — ташки таъсирни қабул қилувчи нейрон; *СТ* — сезувчи түкчалар; *pk* — пўст қавати; *M* — мускуллар.



11-расм. Ипак қуртнинг нерв боғлами:

нит — томоқ ости нерв тугуни; кит — кўкрак нерв тугунчалари; си — нафас олиш симпатик нерв; кит — корин нерв тугунлари.



12-расм. Томоқ усти (*my*), томоқ ости (*mo*) ва V ёшдаги қуртнинг кўкрак (1—3) нерв тугунлари. Кўкрак тугунларидан ўрта қисм бўйлаб орқа томонга Ньюпорт нервлари кетади.

Қориннинг охирги иккита бўғимидан ташқари ҳамма бўғимида нерв тугуни — бир жуфт ганглий жойлашган; ҳар бир жуфттинг ганглийси бўғим ичи нерв пайлари — комиссуралар билан, ҳар бир жуфт нерв тугуни қўшни бўғимларда жойлашган худди шундай бошқа жуфт нерв тугуни билан бўғимлар орасидаги пайлар — коннективлар орқали боғланади. Ҳар бир жуфттинг ганглийси бошқа жуфтнинг аналогик ганглийси билан боғлиқ, шунинг учун битта нерв тугуни бошқа бир нерв тугуни билан ҳамма вақт жуфт коннектив орқали боғланади. Нерв тугунларининг бу системасининг ҳаммаси ва бирюзливи нервлар системаси нерв занжирини ҳосил қиласи.

Биз юқорида қайд қилганимиздек, қориннинг охирги икки бўғимида нерв тугунлари бўлмайди, лекин еттинчи бўғимда бир-

бирига жуда ёндоштан, деярли бирлашиб кетган нерв тугунлари икки жуфт бўлади.

Ипак қуртигининг бошида ҳам икки жуфт нерв тугуни бор. Биринчиси томоқ ости нерв тугуни, бу қорин нерв занжирининг биринчи жуфти ҳисобланади. Иккинчи жуфти томоқнинг устида жойлашган бўлиб, томоқ усти нерв тугуни дейилади. Бу икки жуфт нерв тугунлари томоқни айланиб ўтадиган комиссуралар орқали ўзаро бирлашган: бу икки жуфт нерв тугунларини бирлаштириб томоқ олди нерв ҳалқасини ҳосил қиласидиган комиссуралардан ташқари, яна битта комиссур бор, бу комиссур томоқ усти тугунларини бирлаштиради, лекин у ҳам асосий нерв ҳалқасидан бирмунча орқароқда томоқ остидан ўтади; бу орқа нерв томоқ олди ҳалқаси деб айтилади.

Томоқ олди тугунлари — унча катта бўлмаган ноксимон кўринишلى бўлиб, ҳар бири чегараланмаган учта ташқи бўлимдан иборат; биринчиси кўриш қисми, бундан кўзга нерв толалари кетади; иккинчиси ҳид билиш қисми, бундан толалари ҳашаротнинг бошида жойлашган мўйловларда тугайдиган сезиш нервлари кетади; учинчиси пешана-юқори лаб қисми, бу юқори лаб нерви орқали юқори лаб билан боғланган.

Томоқ усти тугунларини эволюциянинг бошлангич даврларидаги юқори тузилган ҳайвонларнинг бош миясига ўхшатиш мумкин, томоқ усти тугунлари олий нерв маркази ҳисобланиб, ипак қурти танасидаги асосий сезги органлари ва бошқа барча нерв ҳосилалари билан алоқада бўлиб, ҳашаротнинг бутун хатти-ҳаракатини бошқаради.

Қорин нерв занжири марказий нерв системаси ҳисобланади. Унинг ҳар бир нерв тугунидан икки жуфтдан катта нервлар кетади. Бир жуфти ўзининг учлари орқали орқанинг мускуллари билан, иккинчи жуфти эса қорин томондаги мускуллар ва ўз бўғимида жойлашган ёлғон оёқлар билан боғланади. Шундай қилиб, шу бўғимдаги нерв түгуни ўз бўғимининг орқа, қорин ва оёқ мускуллари ишини бошқаради.

Тери қоплами остида жойлашган ва ўзининг жуда майдо ўсимталари билан сезги органларигача етиб борадиган нерв ҳужайраларидан тузилган периферик нерв системаси қорин нерв занжири билан алоқада бўлади. Бу ҳужайралар бошқа ўсимталари билан қорин нерв тугулари ёки томоқ олди ганглийлари билан боғлиқ бўлади.

Марказий ва периферик нерв системаси ҳар бир ҳайвонга хос равища ҳашаротнинг ҳаёт фаолиятини бошқаради. Бироқ бир қатор процесслар борки, буларни биз фақатгина ҳайвонларда эмас, балки ўсимликларда ҳам кўрамиз. Булар, асосан овқатланиш ва ўсиш процесслариидир. Бу процессларни вегетатив — симпатик ва унга қарама-қарши бўлган парасимпатик нерв системаси бошқаради.

Ипак қурти орқасининг симпатик нерв системаси лешана ту-

гуни ва ундан чиқувчи олдинги ва қайтувчи симпатик нервлардан иборат. Орқа симпатик нерв системаси пешана тугунига борадиган иккита нерв ёрдамида томоқ усти ганглийси билан боғланади. Қайтувчи симпатик нерв тананинг ичак ва бел найчаси орасидаги ўрта чизиқ бўйлаб ўтади. Бунда у олдинги ва ўрта ичак оралиғидаги чегарада жойлашган ичак тугунини пешана тугуни билан бирлаштиради. Бу ерда қайтувчи нерв ўрта ичакнинг ён томонларига борувчи иккита тармоқча бўлинади. Бу тармоқлар сўнгра жуда шохланиб, учлари билан бутун ўрта ичакни ўраб олади. Орқа симпатик нерв системаси бел найчасининг, олдинги ичакнинг, жағларнинг, ипак ажратувчи бел найчаси йўлининг ишини бошқаради.

Орқа симпатик нерв системасига ҳалқум усти тугунидан орқага кетувчи бир жуфт ҳалқум нервлари ҳам киради. Ҳалқум нервларида икки жуфт нерв тугуни жойлашган бўлиб, бунда айриш органларига хос бўлган безли ҳужайралар бўлади. Олдинги жуфти ташқи кўринишидан нерв тугунига ўхшайди, кейинги жуфти эса бирмунча зич тузилган бўлиб тухумсимондир. Биринчи жуфти кардиал тана, иккинчиси ёндош тана деб аталади. Бу тугунлар нерв ҳосилалари вазифасини бажармасдан, балки ички секреция органи вазифасини ҳам ўтайди. Бундай вазифа мана шу нерв тугунларигагина хос эмас; томоқ усти ва томоқ ости нерв тугунлари ҳам ипак қуртининг ҳаёт фаолиятида айrim асосий процессларни тартибга солиша ҳал қилувчи роль ўйнайдиган алоҳида моддалар — гормонлар ажратиб чиқаради. Шундай қилиб, нерв ҳосилалари ҳашаротнинг фаолиятини фақатгина ҳужайралар системаси, комиссуралар, коннективлар, нейритлар ва дендритлар орқали бошқармай, балки организмга бевосита ҳаёт процессларининг боришига, ўсиш ва ривожланишга таъсир этадиган маҳсус модда чиқариш билан ҳам бошқаради.

Тут ипак қуртида орқа симпатик нерв системасидан ташқари Ньюпорт нервлари деб аталадиган қорин нерв системаси ҳам бор. Булар қорин нерв занжири нерв тугунларининг ҳар бир жуфтидан нерв пайлари кўринишида қайтади. Бу қўшни бўғимларнинг қорин нерв тугунларини боғлайдиган, тананинг ўрта чизиридаги коннективлар ўртасида жойлашган. Қўшни тугунлар орасидаги масофанинг тахминан учдан икки қисмини ўтгач, бу нерв пайлари йўғонлашади, бундан тўғри бурчак билан нафас тешигигача борадиган ён нервлар кетади. Қориннинг симпатик нерв системасига нерв занжири ва қорин тугунининг охирги жуфтидан чиқувчи ва ипак қурти ичагининг охирги қисмида ва қуртнинг бошланғич жинсий органида тугайдиган нервлар ҳам киради.

Ипак қуртининг мана шу мураккаб нерв системаси унинг ҳаёт фаолиятидаги ҳамма ҳодисаларни тартибга солади.

Симпатик нерв системаси маълум жойларга таъсир қиласи, у овқат ҳазм қилиш ишини ва бел найчаси (юрак) фаолиятини тартибга солади ва у билан боғлиқ бўлган органлар ишининг

доимий ритмик бўлишини таъминлайди. Марказий нерв системаси билан алоқадор бўлгани туфайли симпатик нерв системаси ташқи муҳит шароитининг ўзгаришига қараб юқоридаги органлар ишини маълум чегарада ўзгартиради. Масалан, ҳаво температурасининг кўтарилиши марказий нерв системасига таъсир қиласди, у билан борлиқ бўлган симпатик нерв системаси эса унга вақт бирлиги ичida бел найчасининг қисқариш сонини ошириш билан жавоб қайтаради.

Марказий нерв системасининг ва у билан боғлиқ бўлган орган ва мускулларнинг фаолияти жуда мураккаб, рефлекслар системасига асослангандир; яъни бу фаолият рефлектор ёйидан бора-диган бирор ташқи таъсиротга организмнинг жавоб қайтариши-дир. Бу тўғрида биз юқорида гапириб ўтганимиз. Рефлекслар шартли ва шартсиз бўлади. Тут ипак қуртидаги шартсиз реф-лекслар унинг ташқи муҳит шароитига кўп асрлар давомида мослашиши натижасида ҳосил бўлган (тўпланган) рефлекслар-дир. Бу эса ташқи таъсиротга тўғри жавоб беришдир. Организмнинг ташқи муҳит шароитига мослашиши мустаҳкамланиб бора-ди ва бирмунча мураккаб шартсиз рефлекс — инстинктга, яъни ички қўзғалишга ўтади.

Инстинктлар организмнинг ташқи муҳит шароитига қайтара-диган жавобидан ҳосил бўлган бўлса ҳам, унинг аҳамияти кенг кўламда қаралганда (масалан, иссиқ давр билан совуқ давр ал-машишининг йиллик цикли ёки кундузининг иссиқ ва ёругини кечасининг совуғи ва қоронилигига алмашинишидаги суткалик цикл) организмнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган (масалан, метаморфоз даврида пилла ўраш) мувофиқлаштирувчи ҳаракат деб тушуниш мумкин. Булар шунчалик мустаҳкамланганки ва шунчалик «автоматлашганки», ҳашаротнинг айрим вакиллари ҳаётига таъсир этадиган ташқи шароит ўзгаришлари бу инстинктларни ўзгартирмайди; бу ҳаёт шароити шартли реф-лекслар ҳосил бўлган шароитдан кескин фарқ қилиши мумкин. Юз берган айни конкрет ҳолда ҳашаротнинг инстинктли хулқ-атвори унинг ҳаёт шароитига мос келмаса у нобуд бўлади. Шартсиз рефлекслар «сўқир» ва консерватив бўлиб, вужудга келган яшаш шароитида организмнинг тўла мослашишига тўқсин-лик қиласди, лекин бу вақтнинг ўзида улар мазкур ҳашарот био-логик тур хусусиятлари сақланишининг асоси бўлиб ҳисобланади. Шу тариқа пилла ўраш тут ипак қуртининг тур инстинкти ҳисобланади. Агар ипак қурти ўзгариб турувчи шароит таъсирида айрим ҳолларда бу инстинктив процессларни бажармасликка лаёқатли бўлганда эди, бунда, у биринчидан муҳим тур белгиларида маҳрум бўлар эди. Иккинчидан эса пилла қобиғи билан ҳимояланмаган ғумбак жуда ноқулай шароитга тушиб қолган бўлар эди. Бунда нормал ривожланиш — капалакка айланиш, тухум қўйиш таъминламаган бўлар, яъни бундай хусусият турнинг сақланиб қолишини хавф остида қолдирар эди.

Ҳайвоннинг олий нерв фаолиятига кирувчи шартли рефлекслар бирмунча ривожланган бўлади. Нерв системаси қанча мураккаб тузилган бўлса, шартли рефлекслар системаси шунчак кенг ва мураккаб бўлади. Шартли рефлекс организмнинг ташки мухитнинг конкрет шароитидаги, шу билан бирга айни бирорта шароитдаги таъсирга қайтарадиган жавоби эмас, балки ўзаро алоқада бўлган шароитлар группасига берадиган жавобидир. Организмни ўраб турган ташки мухитнинг ўзгариб турувчи шароитига мослашиши, ҳайвоннинг индивидуал ҳаёти давомида шаклланадиган шартли рефлекслар натижасида амалга ошади. Булар икки ёки ундан кўпроқ факторлар бир вақтда таъсир этишидан ҳосил бўлади, булардан бири тўғри шартсиз рефлекс ҳосил қилишга лаёкатли бўлади, бошқалари эса организмда ўзичалик бирорта реакцияни ҳосил қилмасдан, нерв системаси томонидан биринчи фактор билан доимо бирга ҳосил бўлганидек қабул қилинади.

Шундай қилиб, иккита қўзғатувчи ўртасида вақтинчалик алоқа ҳосил бўлади. Гарчи, юқори даражада тузилган ҳайвонларда бундай вақтинчалик алоқа бош мия пўстлоғида мустаҳкамланса ҳам, лекин бош мия пўстлоғи бўлмаган ҳашаротларда ҳам шартли рефлекслар ҳосил қўлиш мумкин. Агар температуранинг кўтарилиши пилла ўрашни тезлаштиrsa, ипак қуртини юқори температурали ва қоронғи жойда, яъни доимо бирга таъсир қилувчи иккита факторлар шароитида сақласак, температура кўтарилимаган ҳолда қоронгининг ўзигина пилла ўрашни тезлаштира олади. Бундай ҳолда ипак қуртида қоронғи билан температуранинг кўтарилиши ўртасида ҳосил бўлган вақтинчалик боғланиш асосида шартли рефлекс ҳосил бўлади. Шунинг учун фақатгина қоронгининг таъсири гарчи қоронгининг ўзи бундай реакцияни ҳосил қила олмаса ҳам юқори температура сингари бир хил натижа беради. Шартли рефлекснинг ҳосил бўлиши нерв системасида янги рефлектор ёйи, яъни марказий нерв системаси орқали ўтадиган мураккаб нерв боғламларининг янги занжири шаклланганини билдиради.

Ҳашаротлардаги шартли рефлексларни ўрганиш фақатгина билиш учун аҳамиятли эмас. Бундай ўрганиш асосида ҳашаротларда амалда фойдаланиш учун керак бўладиган вақтинчалик боғланишлар ҳосил қилиш мумкин. Маълумки, вақтинчалик боғланиш яратиш асалариларни асал берувчи маълум ўсимликларга қўнишга мажбур қилиш имкониятини беради; бунда улар «ўргатилган» жойга тез учиб келади.

### *Контрол саволлар*

1. Ипак қурти ҳаёт фаолиятида нерв системасининг қандай аҳамияти бор?
2. Нерв тўқимаси қандай ҳужайралардан ибораг? Ҳужайра таркибига кирувчи ҳар хил ҳосилаларнинг бажарадиган вазифаси нимадан иборат?
3. Ипак қуртининг нерв системаси қандай тузилган?


- Ганглий, комиссура, коннектив ва нервлар нима?
  - Марказий нерв системаси тәркиби га нималар киради?
  - Рефлектор ейи нима ва унинг фаолият схемаси қандай?
  - Периферик нерв системаси қандай нарсалардан иборат?
  - Орқа симпатик нерв системаси қандай органларни бошқаради?
  - Рефлекс нима ва улар қандай группаларга бўлинади?
- Организмнинг ҳаёт фаолиятида ҳар бир группа рефлексларнинг аҳамияти қандай?

## Сезув органлари

Сезув органлари марказий нерв системасининг учлари ҳисобланаб, улар ташқи муҳит шароитидаги таъсирини бевосита қабул қиласди ва ташқи шароитнинг ҳар қандай ўзгаришига ёки унинг ҳашарот организмига таъсирига жавоб қайтаради. Бу органлар иккита асосий категорияяга бўлинади: механик категорияяга сезиш ва кўриш органи, химиявий категорияяга эса ҳид билиш ва там билиш органи киради.


Тут ипак қуртида олти жуфт оддий кўз кўриш органи бўлиб ҳисобланади. Бу кўзлар бошнинг ёнида жойлашган бўлиб, бир-бiri билан томоқ усти тугунининг кўриш қисмидан чиқувчи бир жуфт нерв орқали боғланган бўлади. Ҳар бир кўз шоҳ қават, гав-ҳар ва кўриш нервийнинг нерв толаларига ўтувчи тўр пардадан иборат.

Бундай оддий кўз билан тут ипак қуртлари яқин масофаларнигина кўра олади. Оддий кўзлар буюмларнинг кўриниши ва



13-расм. Ипак қуртиниң кўз тузилиши:

шк — шоҳ қават; п — пўст; к — килча; г — гавҳар; шкx — шоҳ модда хосил қилувчи ҳужайралар; Я — унинг ядроси; ТКХ — тўр қаватининг таски ҳужайралари; ТКТ — тўр қават тәқчалари; МО — пўст ости; 1 — кўзниң шоҳ қавати; 2 — унинг ажратган ҳужайраларининг чегараси; 3 — шоҳ модда ҳессли қилувчи ҳужайралар ва тўр қават ҳужайралари.



14-расм. Сезувчи тукчаларнинг турли хил тузилиши:

А — сезувчи ҳужайралар учларининг жойлашниш тиллари; Б — бу тукчаларда механик таъсиirlарни қабул қилувчи ҳужайраларнинг жойлашниш; В — химиявий таъсиirlарни қабул қилувчи ҳужайралар; Г — там билиш, ҳид билиш ҳужайраларнинг жойлашниш;

рангини фарқ қила олмайды, бу күзлар фақат буюмларга тушган ерүғлика қараб уларни ажратади.

Тут ипак қуртида күп сондаги сезувчи қилчалар сезиш органи бўлиб ҳисобланади. Улар тананинг деярли ҳамма юзасида, мўйловнинг охирги бўғимида ва пастки лабда жойлашган. Сезиш қилчаларининг күп миқдорда бўлиши, ташқи механик таъсирларни, айниқса, ҳавонинг ҳаракати ва унинг температурасининг ўзгаришини қабул қилувчи юзани кенгайтиради.

Бирмунча бошқача тузилган қилчалар ҳид билиш ва там билиш органлари ҳисобланса керак, улар мўйловнинг охирги бўғимида ва ичак олдинги қисми деворининг остки томонида жойлашган. Қуртнинг жағлари орасида сезувчи ёстиқчалар бўлиб, булар ҳам сезиш ва там билиш органлари ҳисобланса керак.

Сезув органларининг ташқи таъсирни қабул қилиш қобилияти қурт катталашиб борган сари ортиб боради. Масалан: қуртнинг биринчи ёшида унинг ҳидлаш органи тут баргининг ҳидини 2 см масофадан; иккинчи ёшида 7 см гача масофадан сеза олади, учинчи ёшидан бошлаб эса ҳид билиш кун сайин ўткирлашиб боради.

### Ички секреция органлари

Ҳар қандай тирик ҳужайра учун иккита процесс характерли-дир. Бириничидан, қабул қилинган моддаларни ўзлаштириш ва иккинчидан унинг ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўлган мод-даларни ажратиб чиқаришдир. Бошқача айтганда — ажратиш ҳар бир ҳужайранинг хусусиятидир. Агар кўпчилик ҳужайралар ўзидағи процесслар натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни аж-ратса, айрим группа ҳужайралар эса бошқа ҳужайраларга маҳ-сус таъсир этувчи алоҳида моддалар ажратиб чиқаради. Бу би-лан уларда бораётган процессларнинг ўзгаришига сабабчи бўла-ди, бу эса ўз навбатида бутун организмда бўлаётган ҳамма физиологик процессларнинг ўзгаришига олиб келади. Бу ҳамма ҳужайраларнинг одатдаги ажратадиган моддалари бошқа ҳу-жайраларга таъсир этмайди деган сўз эмас. Организмда бўлади-ган ҳамма процесслар ўзаро боғлиқ, организмнинг ҳамма қисми бир-бирига доимий ундаёни бундай йўл билан таъсир этиб ту-ради. Лекин ҳайвон танасининг тузилишида, унинг ўсиш ва ри-вожланиш процессларида маълум роль ўйновчи маҳсус ҳужайра-лар, органлар ва безлар борки, улар маҳсус органлар фаолияти-нинг маҳсулидир. Бу тўғрида биз олдинги темаларда гапирган эдик. Ипак ҳам алоҳида ажратувчи органлар — ипак ажратувчи безлар томонидан ишлаб чиқарилади. Бу икки ҳолатда ҳам, бошқа ҳолатдаги каби, ажратадиган маҳсулот (модда) ташқи муҳит таъсирига қуртнинг қайтарган жавоби натижасида ҳосил бўлади,

Органларнинг яна битта категорияси борки, бу органлар ўсиш ва ривожланиш ички процессларнинг боришига таъсир этувчи маҳсус химиявий моддалар ажратади. Бу моддалар янги процесслар ҳосил қиласи ёки, аксинча, уларнинг ҳосил бўлишига тўс-қинлик қиласи. Бу органлар ички секреция органлари, улар ажратадиган моддалар эса гормонлар деб аталади.

Ҳашаротларнинг гормонли фаолияти кам ўрганилган бўлса ҳам, ҳозирда шу нарса равшан бўлдики, пўст ташлаш, метаморфоз, жинсий етилиш ва вольтинликнинг ўзгариши каби процесслар ҳар хил ички секреция безлари ишлаб чиқарган гормонлар таъсирида амалга ошади ва бошқарилади. Гормонларнинг таъсири мураккаб ва специфик характерга эга, агар бир хил гормонлар ривожланишнинг у ёки бу процессларни ҳосил қиласа, бошқа гормонлар, аксинча, бу процессларни ёки дастлабки гормон ажратувчи безлар фаолиятини тўхтатиш қобилиятига эга. Ривожланишнинг турли хил процесслари бир хил ички секреция безлари ажратган гормонлар таъсирида юз бериши ҳам маълум. Бинобарин, битта гормоннинг ўзи организм ҳолатига қараб турлича процесслар ҳосил қиласи ёки ички секрециянинг битта бези турлича таъсир этувчи гормонлар ажрата олади.

Масалан, қуртнинг пўст ташлаши ва метаморфози томоқ усти тугунлари ишлаб чиқарган гормонлар таъсирида амалга ошади. Бу гормонлар гемолимфада сақланиб, қуртларнинг пўст ташлашида иштирок этади. Бу гормонларнинг қурт организмига актив таъсирини симпатик нерв системасига кирувчи ва томоқ нервларида жойлашиб томоқ усти тугунларидан орқага кетувчи алоҳида нерв ҳосиллари ажратган гормонлар тўхтата олади. Бу тўғрида биз нерв системасини баён қилганда гапирган эдик. Булар ёндош тана деб аталади.

Ҳозирчалик бу ёндош таналар тормозловчи гормонлар ишлаб чиқаради, томоқ усти ганглийлари ажратган бошқа гормонлар эса фақат пўст ташлашда иштирок этади. Агар қуртдан ёндош тана, яъни тормозловчи гормон ажратадиган орган олиб ташланса, қуртнинг ёшидан қатъи назар, организмда пўст ташлаш ўрнига метаморфоз содир бўлади. Бу иш қурт уч ёшдалигида, яъни тухумдан чиққандан 13—14 кун кейин ўтказилса, у нормал ривожланганидаги каби ичакларини бўшатади, кичкина, лекин юпқа деворли тўғри пилла ўрайди ва унда ғумбакка айланади. Бу пилланинг оғирлиги нормал ҳолдаги пилланинг оғирлигидан бир неча марта кам бўлади. Бу ишдан сўнг қуртнинг тўртинчи ёшида ғумбаклари нисбатан йирик бўлган, капалаклари эса кичкина бўлишига қарамай нормал катталиктаги тухумлар қўйган. Пўст ташлаш ва метаморфознинг бошланиши фақатгина томоқ усти ганглийсининг ажратувчи фаолиятига боғлиқ бўлмай, балки биринчи кўкрак бўғимида жойлашган алоҳида безнинг (проторкал безнинг) фаолиятига ҳам боғлиқлиги гормонал процессларнинг мураккаблигини кўрсатади.

Томоқ усти тугуунининг гормон ажратиш функцияси, гемолимфада гормонларнинг бўлиши, томоқ усти ганглийсини олиб ташлаш ва гемолимфани бир қуртдан, иккинчи қуртга қўйиш тажрибаси орқали исботланган. Биринчи тажрибада томоқ усти тугуни олиб ташланган ёки қурт танаси ундаги гемолимфа тананинг олдинги қисмидан кейинги қисмига оқиб тушмайдиган ҳолда ўртасидан кўндалангига боғланган. Томоқ усти тугуни олиб ташланганда метаморфоз мутлақо бўлмайди, қурт танаси кўндалангига ўртасидан боғланганда тананинг олдинги қисми ғумбакка айлана бошлайди, кейинги қисми эса қуртлигича қола беради. Бундай натижаларни гемолимфада метаморфоз гормонлари етарли миқдорда тўпламаган ҳолдагина олиш мумкин. Бу иш қурт вояга етган даврда ўтказилса гемолимфада метаморфоз гормонлари тўплациб қолганидан юқорида баён этилган ҳодисалар юз бермайди. Пўст ташлашга тайёрланаётган қуртдан гемолимфа олиб, яқин кунда пўст ташлашга киришмайдиган қуртга қўйиш тажрибаси ҳам жуда қизиқарлидир. Бундай ҳолда реципиент деб аталадиган — гемолимфа қўйилган қурт тезда пўст ташлай бошлайди. Бинобарин «донор» (гемолимфаси олинган қурт)нинг гемолимфасида пўст ташлашга киришмаган қуртнинг пўст ташлашига ёрдам берадиган гормон тўпланади.

Бундай ҳодиса, моновольтин зотлар, диапаузасининг гормонал табиатини аниқлаш тажрибасида ҳам кўрилди. Диапауза томоқ ости ганглийсининг гормонал фаолияти натижаси ҳисобланади, лекин бу фаолият бу ҳолда «мия» вазифасини бажарувчи томоқ ости тугуни томонидан бошқарилиши аниқланган. Капалакка айланган вақтда диапаузани ўтмаган тухум қўйиши лозим бўлган бивольтин зотининг қуртига шундай зотдан бўлган қуртнинг томоқ ости ганглийси олиб ўтказилса, бу томоқ ости ганглийсининг фаолияти томоқ усти ганглийси фаолияти билан боғлиқ бўлмаганидан, тухумларни диапаузага киритадиган гормонларни осонгина ажратади. Бироқ шундай ганглийни улафни боғлаб турувчи томоқ олди комиссураларини сақлаган ҳолда «мия» билан бирга ўтказилса, биринчи ҳолатдаги каби натижа олинмайди, яъни «мия» томоқ ости ганглийси фаолиятини бошқариб тухумларда диапауза ҳосил қилувчи гармонларнинг ажралиб чиқишини тормозлайди. Учинчи вариантда «реципиент»га комиссураси кесилган ганглий ва «мия» ўтказилса, яъни «мия» томоқ усти ганглийси билан нерв орқали боғланмаса янгидан диапаузани ўтган тухумлар олинган. Бу тажрибаларнинг ҳаммаси диапауза гормонини томоқ ости ганглийси ажратишини, лекин унинг фаолиятини «мия» (томуқ усти ганглийси) бошқариб боришини кўрсатди. «Мия»нинг тормозловчи фаолияти ўз навбатида, биринчидан мазкур ҳашарот турининг ирсий хусусиятларига, иккинчидан эса бу ҳашаротнинг кўпайган шароитига боғлиқ, чунки бивольтин ва поливольтин зотларнинг капалаклари, ғумбаги ва қуртини сақлаш ва қўйган тухумларини очириш шароитига қараб диапа-

узани ўтган ёки диапаузани ўтмаган тухум құяды. Бошқача қи-либ айтганда, томоқ усти ганглийсіні шунинг учун ҳам мия деб айтиш мүмкінки, у организм ривожланишининг ҳамма шароити-ни қабул қилиб, уларни «хотирлайди» ва ташқи шароит таъсири-ларига мувофиқ томоқ ости ганглийсінинг гормоник фаолиятini тормозлайди ёки аксина құзғатади. Бундан ташқари, организм-нинг гормонлы фаолияти касаллик оқибатида ўзгарған ёки бу-зилган бўлиши мумкин; бундай ҳолда пилла ва кичкина ғумбак-лар учрайди; бу белгилар тут ипак қурти юқумли касалликлар (лиқоқ ва пебрина) билан касалланғанligini кўрсатади.

Юқорида айтилганлардан маълум бўлдики, гормонлар ипак қуртининг ривожланиш процессида катта рол ўйнайди. Бундай гормонлар ажратиш нерв системасининг фаолияти билан бево-сита боғлиқ, уларни ишлаб чиқарувчи органлар ҳам сезиш орган-лари каби нерв системасининг ажралмас қисмидир. Бинобарин, ҳашаротнинг нерв системаси бирмунча кенгайтириб айтганда марказий периферик ва симпатик системалардан, сезиш органи-ва ички секреция органларидан иборат.

### *Контрол саволлар*

1. Тут ипак қуртида қандай сезиш органлари бор ва улар қандай кате-горияларга бўлинади?
2. Кўриш органлари қандай тузилган ва улар нерв системаси билан қандай боғланган?
3. Эшитиш, сезиш ва там билиш органлари қандай тузилган ва қандай ишлайди?
4. Қуртининг ташқи ривожланишига қараб, унинг таъсиirlарни қабул қи-лиши қандай ўзгаради?
5. Гормонлар нима ва улар қурт организмининг ривожланишида қандай рол ўйнайди?
6. Тут ипак қуртида метаморфоз процессининг боришида томоқ усти ганглийсінинг роли.
7. Томоқ усти ва томоқ ости ганглийлари тут ипак қуртининг вольтили-гини қандай бошқаради?

### *Куртларнинг ичаги ва овқат ҳазм қилиши*

Ҳар бир тирик организмнинг асосий ҳаёт фаолияти моддалар алмашинувидан иборат. Моддалар алмашинуви деганда, организмни ўраб олган ташқи муҳитдан бир моддани қабул қилиб, уни ўзлаштириш ва у организм томонидан иккинчи бир — керак-сиз моддани ажратиб чиқариш тушунилади.

Модда алмашинуви моддаларнинг ўзаро ўтиши, бир турдан иккинчи турга айланиши, моддалар составининг ўзгариши фа-қатгина тирик организмга хос эмас. Анергацик табиатдаги ҳамма нарса тўхтовсиз ўзгариб (кристалларнинг ўсиши, адсорбция ҳодисаси, турли хил химиявий синтезлар), туради. Шу билан бирга анерганик жисмлар тўхтовсиз бўлинib, майдаланиб ва соддалашиб туради.

Ф. Энгельс «Анти-Дюiring» асарида тирик организм ва ўлик жисмларда бўладиган моддалар алмашинуидаги принципиал фарқни кўрсатиб ўтди. Ф. Энгельснинг характеристикасига кўра, ҳаёт ҳодисаларининг ҳамма тирик мавжудотларда бир хил бўлишига сабаб, энг аввало, оқсил моддалар ташқи муҳитдан ўзи учун мос бўлган бошқа моддаларни олади ва уларни ўзлаштиради; бунда тананинг бирмунча кераксиз қисмлари парчаланади ва ажralиб чиқади. Табиий процесс натижасида анорганик жисмлар ҳам ўзгаради, парчаланади ёки умумлашади, лекин ҳеч қачон асли ҳолига айланмайди. Масалан, нураб тушган қоя, энди аввалги қоя бўла олмайди, металл оксидланиши натижасида зангга айланниб қолади.

Тирик организм ва анорганик жисмларда бўладиган моддалар алмашинуви шу билан фарқ қиласиди, моддалар алмашинуви процесси натижасида анорганик жисмлар емирилади, тирик организмда бўладиган моддалар алмашинуви эса уларнинг яшавши учун зарур шароитdir.

Ф. Энгельс тирик организм танасида юз берадиган моддалар алмашинувининг сифат хусусиятлари унинг ташқи муҳитдан ўзи учун мувофиқ келадиган моддаларни олиш, уларни ўзлаштириш лаёқатига боғлиқ деб қаради. Тирик организмнинг ташқи муҳит моддаларига нисбатан бундай танлаб олиш хусусияти унинг анорганик табиатдаги жисмлардан фарқ қиласидан муҳим хусусияти ҳисобланади.

Тирик организмда бўладиган моддалар алмасиши процесси жуда турли-туман ва мураккабdir.

Материалист биологлар моддалар алмашинуви ҳаётнинг ҳамма, яъни энг соддадан то энг мураккабгача бўлган факторларини белгилайди деб, ҳисобланади. «Организм шубҳасиз,— деб ёзади Энгельс,— ўзида бир бутун механикани, физикани ва химияни боғлаб турувчи энг.олий бирлиқdir, шундай экан бу учликни бир-биридан мутлақо ажратиб бўлмайди. Организмда механик ҳаракат озиқланиш, нафас олиш, айриш ва бошқалар, ҳатто мускуллар ҳаракати ҳам тўғридан-тўғри физиковий ва химиявий ўзгаришлар натижасида келиб чиқади».

Бинобарин, асосий ҳаёт механик, физик ва химиявий процессларнинг ажралмас йиғиндиси ҳисобланади, бунинг натижасида организм билан уни ўраб олган ташқи муҳит ўртасида моддалар алмашинуви боради. Агар ташқи муҳит бу процессларнинг боришига ҳал қилувчи таъсир этса, бунда организм ҳам ўз фаолияти билан ташқи муҳитга таъсир этади. Ташқи муҳит билан организм ўртасидаги бирлик ана шундан иборатdir.

Организмлар ва ташқи муҳит ўртасидаги ҳамда организм ичидаги моддалар алмашинуви турли формада бўлади. Озиқланиш, нафас олиш, қон айланниш, нервлар фаолияти, мускуллар ёрдамида амалга ошадиган ҳаракатлар, секрет ишлаб чиқариш ва айриш функциялари, биоэлектрик ҳодисалар ва бошқалар

моддалар алмашинувининг асосий ва умумий формаси бўлиб ҳисобланади. Ҳаракат деганда, бундай ҳолатда ҳайвон бутун та-насининг ўзгаришинигина эмас, балки организм ичидаги ҳара-катлантирувчи ҳамма процессларни тушуниш лозим. Бундай про-цесслар ичак йўли мускулларининг қисқариши натижасида озиқнинг силжиши, қоннинг томирларда оқиши, нафас олиш фао-лияти, организм ичидаги ҳамма моддаларнинг органдан-органга, ҳужайрадан-ҳужайрага ўтиши, турли хил чиқинди ва маҳсулот-ларнинг организмдан ташқи муҳитга чиқариб юборилиши ва бошқалар (қуртда — экскремент, ипак чиқариш, пўст ташлаш вақтида ташланадиган пўст ва бошқалар)дан иборат.

Моддалар алмашинуви бу кўп процесслардир, бунда бир бутун организм, унинг ҳамма органлари ва ҳар бир ҳужайралари алоҳида иштирок этади.

Тирик организмнинг нормал ҳаёт фаолияти учун ҳар бир алоҳида органда, ҳар бир алоҳида ҳужайрада бўладиган про-цессларнинг ҳаммаси бир-бирига мувофиқ келиши керак. Айрим органлар фаолиятини мувофиқлаштириш функциясини нерв сис-темаси ҳам бажаради. Бу тўғрида биз олдинги бобларда гапир-ган эдик.

Моддалар алмашинувини умумий белгиларига қараб, қўйи-даги асосий процессларга бўлиш мумкин: 1) организм учун за-рур бўлган озиқ моддаларнинг ташқи муҳитдан қабул қилини-ши; 2) бу моддаларнинг ўзлаштирилиши, яъни уларнинг тана таркибида мавжуд бўлган химиявий элементлар ўрнига алма-шиниши ёки улардан тананинг янги таркибий қисмларининг ту-зилишда ёки бўлмаса дастлабки икки мақсад учун энергия манбай сифатида фойдаланиш; 3) тана таркибига киравчи ва янги қабул қилинган элементга алмашган ҳамда энергия олиш учун фойдаланилган моддаларнинг оксидланишидан ҳосил бўл-ган парчаланиш маҳсулоти ҳисобланган химиявий элементлар-нинг ажralиб чиқиши.

Озиқ моддалари иккита асосий, яъни қаттиқ ва суюқ фор-мада қабул қилинади (кўпинча қаттиқ ва суюқ қисмлар комп-лексидан иборат бўлади). Булар озиқ ҳолида ва газсимон ҳолда (кислород ва сув буғлари тарзида) фойдалани-лади.

Озиқ моддаларини ўзлаштириш, яъни ташқи муҳитдаги мод-даларнинг организм таркибига киравчи моддаларга айланиши, моддалар алмашинувининг марказий процесси ҳисобланади. Модда алмашинуви биринчи томондан озиқни қабул қилиш (кемириш, чайнаш, сўриш ва бўшқалар), уни парчалаш ва ўз-лаштиришга тайёргарлик кўришдан иборат. Буларнинг ҳаммаси овқат ҳазм қилишdir; иккинчи томондан эса нафас олишdir; бу процесс натижасида организмга кислород ва сув буғлари киради, буларсиз овқат билан бирга кирган моддалар ҳазм бўла олмайди,

Овқат моддаларининг парчаланиши шунинг учун зарурки, организм мураккаб органик моддалардан иборат бўлган озиқ,— оқсил, углерод ва ёғлардан бевосита фойдалана олмайди; уларнинг унча мураккаб бўлмаган моддаларга парчаланиши сувда эриб кетишига имкон беради, озиқ моддалари шундай эритма кўринишида ичак деворларига сўрилади, сўнгра олинган озиқ моддалари гемолимфага ўтиб, у орқали органларга, тўқималарга ва айрим ҳужайраларга боради; озиқ тарқибидаги оддий моддалар, бу ерда оқсил, углевод ва ёғларнинг мазкур организм учун хос бўлган формасини ҳосил қилиш учун қурилиш материали сифатида фойдаланилади. Бу моддалар мазкур организм ҳужайраси ва унинг қисмларининг ҳосил бўлишида ҳужайраларнинг маҳсус суюқлик ажратишида ва, ниҳоят, организмнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган химиявий ва иссиқлик энергияси ҳосил бўлишида ёрдам беради.

Моддаларнинг бундай ўзгариши нафас олиш вақтида олиниадиган кислород иштирокида бўлади. Натижада парчаланган оқсиллардан, фақатгина аминокислоталар ҳосил бўлади. Бу аминокислоталардан янги оқсилларгина эмас, балки бошқа органик бирикмалар углеводлар ва ёғлар ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Организм ўзи учун зарур бўлган органик моддаларни энг оддий моддалардан синтез қилиб олади. Бундай синтезларни лаборатория шароитида ҳозирча мутлако қилиб бўлмайди, чунки организмда жуда кам энергия сарф бўлгани ҳолда ҳаддан ташқари тез синтез процесси юз беради.

Моддалар алмашинувининг бошқа бир этапи парчаланиш ҳисобланиб, бунинг натижасида биринчидан тўқима ва ҳужайралар ҳосил бўлган моддалар, иккинчидан эса оксидланишидан организм учун зарур бўлган энергия берувчи моддалар ҳосил бўлади ва парчаланиш маҳсулотлари ажралиб чиқади. Лекин парчаланиш маҳсулотлари ҳамма вақт ҳам танадан тезда чиқариб ташланадиган оддий чиқинчилар ҳисобланмайди. Буларнииг кўпчилиги организмнинг нормал фаолияти учун жуда зарурдир. Масалан, тери қоплами, унинг кутикула қавати тери-нинг ҳужайрали қаватини ташкил этувчи ҳужайра диссимиляциясининг маҳсулоти ҳисобланади; пўст ташлаш вақтида у ҳам қурт танасидан ажралиб ташқи муҳит мөддасига айланади. Лекин тушиб кетгунга қадар у скелет ролини ва организмни ташқи муҳитнинг ноқулай факторларидан (айниқса организмга микроблар киришдан сақлайди) ҳимоя қилиш ролини ўйнайди.

Қуртда моддалар алмашинувининг бундай процессда боришига мувофиқ келадиган ихтисослашган қатор органлар мавжуд. Озиқни кемириш ва ютиш вазифасини оғиз бўшлиғи ва унга туташган жағлар ва оғизнинг бошқа қисмлари бажаради. Озиқ ичакда ҳазм бўлади ва сўрилади. Йчакнинг орқа қисмида

эса чиқиндиларнинг бир қисми тұлғанади ва чиқарып ташланади. Ташқи мұхитдан газсімден моддаларнинг ютилиши ва уларнинг ажралиб чиқиши нафас олиш органдардың томонидан амалға оширилады. Ичак сүриб олган озиқ моддалар қон айланыш системаси орқали тананинг ҳамма қисмінде етіб борады. Гемолимфада қисман оралық алмашының бўлиб ўтади, яъни организмга кирган бирикмалар, ҳужайралар кўпроқ фойдалана оладиган бирмунча бошқа формага айланади ва бошқа органлардаги ортиқча озиқ моддалари, озиқ моддалар етмаган органларга қисман синтез қилинади. Гемолимфага ҳужайралардан парчаланишнинг асосий маҳсулотлари келиб тушади, буни у маҳсус айрувчи органлар — малъпигиев найларига ва ёғ танаачаларига етказиб беради; парчаланишдан ҳосил бўлган газсімден маҳсулотларнинг бир қисмини —  $\text{CO}_2$  ва сув парларини гемолимфа ташқи тери қопламига етказса ва бу ердан улар ташқарига чиқарып юборилса көрак.

Озиқланиш организмлар билан ташқи мұхит ўртасида борадиган моддалар алмашынүүвүнининг мұхим процессларидан бири-дир.


Тирик организмларнинг ҳаммаси икки группага бўлинади. Биринчи группага анерганик моддаларни ўзлаштира оладиган ва уларни «қайта ишлаб» ўз организмими туза оладиган организмлар киради. Бу группага, асосан, озиқ моддаларини ўзлаштириш учун қуёш нурдан энергия манбаи сифатида фойдаланадиган ўсимликлар ҳамда ўсимликлар каби анерганик моддалар (асосан, карбонат ангиридри)ни ўзлаштира оладиган бактерияларнинг айрим турлари киради. Бу бактериялар бошқа ички оксидланиш процесслари натижасида ҳосил бўлган энергиядан химиявий ички реакциялар учун энергия манбаи сифатида фойдаланади. Анерганик моддаларнинг органик моддаларга айланиси учун қуёш нурлари энергиясидан фойдаланиш процесси *фотосинтез*, ички химиявий процесслар натижасида ажралиб чиқарылган энергиядан фойдаланиш эса *хемосинтез* дейилади.

Биринчи группага киравчи организмлар «автотроф» организмлар деб аталади.

Иккинчи группага анерганик моддалардан органик моддаларни синтез қила олмайдиган тирик организмлар киради. Шунинг учун бу организмлар органик моддаларни овқат тарзидан қабул қиласи.

Бу группага киравчи организмлар «гетеротроф» организмлар деб аталади. Бу группага ҳамма ҳайвонлар ва кўпчилик бактериялар киради.

Тут ипак қурти ҳам бошқа ҳамма ҳашаротлар каби мана шу группага киради, яъни озиққа мұхтож бўлади. Озиқ деганда, органик ва минерал моддаларнинг бирор комплексини тушунамиз, булар организмнинг яшаси учун зарурдир.



15-расм. Курт оғиз қисмлари билан баргни қамраб олади.



16-расм. Курт боши билан ҳаракат қилиб барг бўлакчасини узиб олади, бунда юқориги лаб, максилланинг пайпаслагичлари ва остки лаб баргни тутиб туради.


Юқорида айтиб ўтилганидек, фақат тут барги ипак қурти учун тўла қимматли озиқ ҳисобланади. Бу озиқ ҳам ўзининг тўйимлилигига қараб ўзгариб туради, яъни тутнинг навига, баргнинг яхши пишган ёки пишмаганлигига ва ёш тут дарахтнинг ўсиш шароити: тупроққа, сув билан таъминланганлигига, ёруғлик режимига ва бошқаларга боғлиқ.

Бундан ташқари қурт ривожланган сари «там билиш»ини ўзгартиради; кичик ёшдалигига унга серсув барг керак бўлса, катта ёшдалигига унинг организми талабига бирмунча дағаллашган ва суви кам бўлган, пишган барг мувофиқ келади.

Озиқ моддалари ипак қурти организмига бир неча босқич билан киради: 1) тут барги бўллагини кемириб олиш, 2) озиқни томоқ ўтказувчидан ичакка ўтказиш, 3) ҳазм қилиш, 4) ўзлаштириш.

Тут барги бўллагини кемириб олиш учун қурт кўкрак оёқлари ва остки жағ мўйловлари билан барг четини тутиб туриб, шу четининг кичкина бўллагини жағлари билан тортиб олади, сўнгра бошини олдинга суруб орқага тортиш билан бу бўлакни узиб олади. Баргдан узиб олинган бўлакчанинг катта-кичиллиги жағларининг катта-кичиллигига боғлиқ. Жағлар эса ёшга қараб катталашиб боради. Курт жойини ўзгартирмасдан туриб боши ета олган жойгача бир неча барг бўлакчаларини кемира олади, сўнгра янги жойга силжийди.

Биринчи ёшдаги қуртлар барг чеккасини кемириш учун кичкиналий қиласи, улар, асосан, баргнинг орқа томонидаги юмшоқ жойини ейди. Курт иккинчи ёшида баргни тешикли қилиб ва қисман чеккасидан ейди. Учинчи ёшдан бошлаб, қурт барг чек-



17-расм. Ипак құрты танасида органларнинг жойлашының схемасы:

*КНЗ*—корни первы зангири; *Т*—томуқ; *ФБ*—ипак чиқарувчи безининг фибронили қисми; *СП*—сийдик пұфакчасы; *МН*—мальпигиң нағайчалари; *ТУ*—томуқ усткі ва *ТО*—томуқ ости нерв түгүні; *ЖН*—ипак үтказувчи жуфті нағай; *ТИ*—түғри ичак; *ТУ*—томуқ үтказувчи; *Р*—ипак ажратувчи безининг резервуари; *ҮИ*—үрта ичак; *БН*—бел нағайчасы; *ИИ*—ингичка ичак; *ИИ*—йүғон ичак; *ИЧН*—ипак ажратувчи нағай; *а*—аорта; *оит*—орқа чиқарыши тешиги.


касини кемиради, барг унинг танасиға нисбатан қулай жойлашган бұлса худди шунга үхашаш үртасидан ҳам кемиради. Учинчи ва түртінчи ёшларда құрт барг томирларини қисман қолдиради, бешинчи ёшда баргнинг бандидан бошқа ҳамма қисмини ейди.

Узид олинган барг бұлагы оғиз тешиги орқали ичакка тушади. Ичак оғиз ва орқа чиқарув тешиги үртасида жойлашган ва уча: олдинги, үрта ва орқа қисмга бүлинган түғри кенг каналдар.

Олдинги қисм бевосита оғиз тешигига, томоқ ва томоқ үтказгичга ёндошган оғиз воронкасидан иборат.

Оғиз воронкаси хитин қавати билан қопланған бүлиб, юза қисміда орқа томонға йўналған тишли бўртиклар жойлашган. Бу тишли бўртиклар оғиз воронкасига тушған овқатни орқага—жағлар томонға ўтиб кетишига тўсқинлик қиласади. Жағларнинг асосида оғиз воронкасига сўлак безининг тешиги очилған, безларнинг ўзи оғиз бўшлиғида ва биринчи кўкрак бўғимининг олдинги қисміда жойлашган. Оғиз воронкасига шу безлардан келаётган сўлак барг бўлакчасини намлайди; сўлакнинг барғга таъсири ҳозирча ҳал қилинган эмас. Эҳтимол, сўлак барг ҳужайраларини үлдириб, уни ҳазм бўлишга тайёрлайди ҳамда баргдаги айрим бактерияларни нобуд қиласади.

Оғиз воронкасига тубида оғиз тешиги жойлашган, бу воронка билан томоқни бирлаштириб туради. Томоқ деворлари марказга бирмунча сиқилған ингичка нағайчани эслатади, шунинг учун унинг кўрининиши X ҳарфига үхшайди. Томоқни бир группа мускуллар ўраб туради, булар томоқнинг пульс орқали қисқаришини таъмнлайди. Бунинг натижасида овқат томоқдан томоқ үтказгичга қараб силжийди, бунда томоқ секин-аста кенгая боради. Томоқ үтказгич ичак олдинги томонининг асосий қисмидир. Томоқ үтказгич каналнинг үрта қисми томонға жуда кенгайиб боради, барг бўлакчалари үрта қисмга үтгунча бу қисмда тўпланиб туради.



18-расм. Тут ипак құрттннг узунасига кесими:

1 — ипакннг уч бүліми; (1) — олдинги; (2) — ўрта ва (3) — охирги қисмлар; (ИИ) — інгічка ипак; (ИИ) — ійғон ипак; (ІІІ) — ипак охирги бүлімннг түрги қисми (ипак); ОИК — орка ипакннг ҳалқасынан клапаны; ТХК — томоқннг ҳалқасынан клапаны; П — тут ипак құрттнг овқат қазем қилиш трактнннг олдинги қисми; 6 — курттнг боси; ОВ — оғиз воронкасы; Т — томоқ; ТУ — томоқ үтказувчи; ТХК — томоқ үтказувчи ҳалқали клапан.

Томоқ үтказгич девориннг яқинда томоқ үтказгич тешиги ннг қисқаришини таъминладыган ҳалқали ва узунасига кетган мускуллар жойлашған. Бу қисқариш натижасыда озиқ томоқ үтказгичдан ипакннг ўрта қисмiga ўтади.

Бу мускуллар ҳам ипакннг олдинги қисмннг сұрувчанлик қобилиятини бир оз оширади: агар бошннг оғиз қисмiga суюқлик томизилса, улар олдинги қисми томонидан ўша вақтннг ўзида сўриб олинади.

Томоқ үтказгич ва ипакннг ўрта қисми чегарасыда жойлашған ҳалқали клапан озиқннг ипак ўрта қисми бўшлиғига эркін ўтишига имкон беради, лекин унинг орқага қайтишига тўсқинлик қилади. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, овқат ўрта ипакда суюқ ҳолга ўтади, шундай экан, қурт жойини ўзgartирганда ва ҳар қандай бошқа ҳаракат қилганда қурттнг танаси қисқараради, натижада ипакка келаётган босим ортади. Бундай ҳолатда агар клапан бўлмаганды эди, ўрта ипакдаги суюқ овқат томоқ үтказгичга ва оғиз воронкасига, бу ердан эса ташқарига чиқиб кетган бўларди, яъни қурт овқатни қусиб ташлагандай бўлардиди. Клапан борлиги учун овқат ташқарига чиқиб кетмайди ва ипак-

Сұлак безлари билан намланған барг бўлакчалари томоқдан ўта туриб томоқ үтказгичда тўпланади. Бу ерда озиқ ҳеч қандай ўзгаришга учрамасдан суюқлик пифакчаси вазифасини ўтовчи томоқ үтказгичда бир қанча вақт туриб қолади. Сўнгра озиқ томоқ үтказгичдан вақт-вақти билан ўрта ипакка айрим бўлакчалар ҳолида эмас, умумий массадан порция-порция ҳолида ўтиб туради.

Томоқ ва томоқ үтказгичда нерв учлари билан таъминланған хитинли қилчалар бўлади, булар ўзига хос там билиш органи вазифасини бажарса керак. Томоқ ва томоқ үтказгичннг деворлари икки қават хитиндан иборат, шу билан бирга томоқ деворидаги хитинннг ички қавати оғиз воронкасидаги кабидир. Ипакннг ўрта қисми томонига йўналган тишиимон ўсиқлар томоқ қисилганда озиқ массаси оғиз воронкаси томонга ўтиб кетмаслиги учун ёрдам беради.


нинг ўрта қисмидаги ҳамма овқат қурт танаси ҳар қандай қис-қарганда ҳам шу қисм бўшлиғида тураверади. Шундай бўлишига қарамай қурт қусиши мумкин. Масалан, хлороформ таъсирида қурт қусади.

Ичакнинг ўрта қисми қуртнинг тана бўшлиғида жойлашган ва иккинчи кўкрак сегментидан олтинчи қорин сегментигача давом этади. Бу йўғон катта трубка шаклида, олдинги томони бир оз кенг бўлиб, орқа томони торайиб боради. Ичак қурт танасидаги энг катта орган бўлиб, тана бўшлигининг кўп қисмини эгаллаб туради.

Ўрта қисмнинг девори бир қават беъзи эпителийдан тузилган. Ҳайвон тўқималарининг, ҳимоя қилиш, ажратиш ёки сўриш функцияларини бажарадиган бир турига эпителий дейилади. Эпителий ҳужайралари бир ёки бир неча қават ҳужайралардан тузилган бўлиб, унинг тагида бириктирувчи тўқима ўртасида базаль мембрана ёки базаль парда бўлади. Ҳамма органлар усти ва организм ҳамма қисмининг сирти эпителий билан қопланган. Юзадаги эпителий ҳимоя вазифасини бажаради, яъни унинг ҳужайралари қуртнинг тери қопламини ҳосил қиласди. Ичак ўрта қисмининг эпителийси учта функцияни бажаради. Биринчиси тананинг ички бўшлигини барглар билан ичакка кириши мумкин бўлган микроблардан ҳимоя қиласди; иккинчиси ферментлар ажратади, бу ферментлар ёрдамида овқат ҳазм бўлади; учинчи қавати эса овқат ҳазм бўлиши натижасида ичакда ҳосил бўлган озиқ моддаларини сўриб олади.

Ичак ўрта қисмининг эпителийси уч хил: тикловчи, цилиндрисимон ва бокалсимон ҳужайралардан тузилган.

Тикловчи ҳужайралар майдада бўлиб, эпителий асосидаги уяларда жойлашган. Булардан эпителий қаватнинг бошқа хил ҳужайрала-ри ривожланади. Улар айниқса ичак ўрта қисмининг олдинги ва орқа томонларида кўп бўлади. Бу ерларда ичакнинг ўрта қисми қурт танаси катталашган сари ўсиб боради. Шунинг учун тикловчи ҳужайралар янги цилиндрисимон, бокалсимон, ўзига ўхшашиб тикловчи ҳужайралар ҳосил қиласди. Мана шу ҳужайралар ҳисобига ўрта ичак ўсади. Ичакнинг олдинги ва орқа томонлари-



19-расм. Тут ипак қурти ўрта ичагининг гистологик тузилиши:

*ХМ* — ҳалқали мускуллар; *УКМ* — узунасига кетган мускуллар; *Т* — трахея орқали кўндаланг кесими; *ТХУ* — тикловчи ҳужайралар уяси; *ЦХ* — эпителиянинг цилиндрисимон ҳужайралари; *БХ* — эпителиянинг бокалсимон ҳужайралари; бу ҳужайралар ўйинининг кўндалангига кўрасатилгани (*К*) секрет томчилари келиб тушади (*С*); *ТОП* — томоқ олди пардаси.

нинг ўсиши ҳужайралар сонининг ортиши ҳисобига эмас, балки уларнинг катталашиши ҳисобига бўлади.

Цилиндрический ҳужайралар ўз номидан билиниб турибди, цилиндр шаклидир. У марказига жойлашган юмaloқ ядродан ва бир хилдаги майдада донли протоплазмадан тузилган. Бундай ҳужайралар, бокалсимон ҳужайраларга нисбатан кўпроқ ўрта қисмининг олдинги томонида учрайди, цилиндрический ҳужайраларнинг асосий вазифаси ҳазм қилиш маҳсулотларини сўриш бўлса керак деб, тахмин қилинади. Шу билан бирга қатор тадқиқотчилар цилиндрик ҳужайраларнинг овқат ҳазм бўлишида иштирок этувчи модда ажратиш хусусияти борлигини кўрсатиб ўтган. Бу ҳужайраларнинг айриш фаолияти, айниқса қурт оч қолган вақтда, яъни ичак бўшаган вақтда актив бўлади. Бу ҳолат бошқа ҳолатлар каби қурт учун овқатланиш билан тиним даврининг галланиб туриши, эҳтимол, физиологик зарурият эканлигини кўрсатиб турибди.

Бокалсимон ҳужайралар пастга томон сиқилиб боради. Булар пастки томондан жойлашган йирик донли протоплазмадан ва донли ҳужайралар суюқлиги билан тўлган катта вакуолдан, нисбатан кичик ядродан иборат.

Ҳужайра ўзининг кенг томони билан ичакнинг ички бўшлиғи томонга қараган. Бокалсимон ҳужайралар, асосан, ичак шираси ажратади. Бу шира бир оз ёпишқоқ бўлиб, сариқ-яшилсимон, суюқлиги кучли ишқорий хусусиятга эга.

Ҳужайранинг ичакнинг ички томонига қараган бошқа томони кўндаланг чизиқли энсиз ҳошия билан копланган. Бу ҳошия уни тешиб ўтувчи кўп сонли найчалардан ҳосил бўлган. Унинг вазифаси аниқ эмас, у ҳужайрални қаватни озиқнинг қаттиқ бўлакларидан ҳимоя қиласа керак. Бу вазифани ўрта ичакка хос бўлган маҳсус ҳосила — перитрофик мембрана (парда) бирмунча яхшироқ бажаради. Ичак ўрта қисмининг эпителиял ҳужайралари мембрани ҳосил қиласи. Мембрана — структуррасиз юпқа тиниқ парда бўлиб, ўрта ичакнинг эпителийсига зич турмайди. Бу парда эпителий билан ўрта ичак оралиғида ва ичакнинг ёриқ ерида жойлашиб, томоқ ўтказгич клапанининг ҳалқали бурмасига бирлашади. Мембрана хитинсимон мoddадан иборат бўлиб, эпителиял ҳужайралардан ичак бўшлиғига ҳазм қилиш шираларини яхши ўтказади ва овқат ҳазм бўлиши натижасида ҳосил бўлган озиқ мoddаларини эпителийнинг сўрувчи ҳужайраларига ўтишига тўсқинлик қиласи. Бундай мембрана ҳар пўст ташлашдан кейин янгидан ҳосил бўлади. Мембрана ҳосил бўлиш процесси доимий бўлиб туради ва унинг бўлаклари ичакнинг ўрта қисмидан орқа қисмига ўтиб турувчи озиқ қолдиқлари билан секин-аста ташқарига чиқиб кетади, шу муносабат билан эпителиял ҳужайралар томонидан озиқ олди пардасини ҳосил қилувчи модда доимо ажратиб турлади.

Ичак ўрта қисмининг ташқи девори бир-бирига яқин турган узунасига ва кўндалангига жойлашган кўп сондаги ҳалқали мускуллар билан ўралган: буларнинг устида бир ичак охиридан бошқа ичакка ўтувчи узунасига кетган мускуллар боғлами ўтади.

Ҳалқали ва узунасига кетган мускуллар ўзаро туташган. Узунасига кетган мускуллар йўғон (ҳалқали мускулга нисбатан) бўлиб орқа ва қорин томондаги ичакнинг устки деворида жойлашган, бу туфайли бу ердаги ичакнинг девори ички томонга қараб бирмунча ботган бўлади.

Ичак ўрта қисмининг энг охирида, яъни охирги қисм чегарасида, битта ҳалқали клапан бор. Бу клапан ўзининг тузилиши билан томоқ ўтказгич чегарасида жойлашган клапани эслатади, лекин яхши ривожланмаган. Бу клапандан кейин ичакнинг кейинги қисми бошланади.

Ичакнинг кейинги қисмida бир-биридан кескин фарқ қилувчи: ингичка ичак, кўр ичак ёки йўғон ичак ва тўғри ичаклар бор.

Ингичка ичак тор ва қисқа бўлиб, орқа томонига қараб ингичкалашиб боради. Ичак бўшаб қолганда унинг эпителийси бурма ҳосил қиласди, бу бурма ичак озиқ массаси билан тўлганда текисланади. Ингичка ичак қорин томонининг орқа чегарасида мальпигиев найларининг чиқариш йўллари жойлашган.

Ҳалқали мускуллар ингичка ичакнинг ҳамма томонини қопламайди, лекин айрим ерларда ингичка ичак деворига бирикади. Бу ерда ҳалқали мускуллар тарновчалар ҳосил қиласди, булар мускуллар қисқарганда кичкина найчаларга айланади. Мальпигиев найлари ажратган маҳсулотлар найчалардан ингичка ичакка ҳатто ичак тешиклари торайишига қарамасдан осонликча ўтади.

Ингичка ичакдан кейин жуда узун ёки кўр ичак бошланади. Кўр ичакда узунасига кетган олтига бурманинг ўрта қисмida — кўндаланг кесим (тўсиқ) бор. Кўндаланг кесим борлиги учун йўғон ичак юлдузсимон формага эга.

Бу бурмаларнинг ташқарисидан ичкарисига қараб узунасига кетган кучли мускулларнинг олтига боғлами ўтади. Йўғон ичакнинг бошида, ўртасида ва охирида ҳамда ташқи томонида бақувват мускулларнинг учта ҳалқаси жойлашган. Бу ҳалқалар орқа ичакнинг бу қисмини катта куч билан сиқа оловччи қисқич ҳосил қиласди.

Тўғри ичак тўғри найга ўхшаш бўлиб, йўғон ичак билан орқа чиқарув тешиги ўртасида жойлашган. Унинг ҳалқали ва узунасига кетган мускуллари кучсизdir. Узунасига кетган мускуллар орқа чиқарув тешиги билан боғлиқ бўлиб, уни очиб, ёпади.

Ичакнинг кейинги қисмининг учала қисми деворининг ички томонида хитинли модда қавати ётади, бунинг кетидан эпителиал ҳужайралар қавати жойлашган бўлиб, устида базаль мембрана бўлади.

Ичак деворининг мускуллар таъсирида қисқариши натижасида овқат ҳазм қилиш йўлидаги озиқ сурилади. Бу қисқариш

ритмик равишида бўлиб, тенг вақт оралиғида ичак озиққа тўла ёки йўқлигидан қатъи назар ичак бўйлаб тўлқинсимон равишида тарқалади. Ичакнинг изчил қисқариши ўртасидаги оралиқ вақт 21° да ўртача 3—4 сек. ни ташкил этади. Бу қисқариш тана мускулларидан бошланади, сўнгра олдинги қисмнинг мускулли қобигига тарқалади, ундан ўрта қисмга, ниҳоят ичакнинг охири—тўғри ичакка ўтади. Тўғри ичакнинг қисқаришидан орқа чиқарув тешиги орқали чиқинди ажралади.

Барг бўлаги томоқ орқали ўта туриб, томоқ ўтказгичдаги томоқ ўтказгич клапани олдида тўпланади ва юқорида қайд қилинган овқат ҳазм қилиш йўлининг тўлқинсимон қисқариши таъсирида озиқ массаси порция-порция бўлиб ичакнинг ўрта қисмига ўтади. Бу ерда овқат ҳазм бўлади ва организм учун зарур моддалар қабул қилинади.

Қурт танасига тут барги таркибидан кирадиган асосий озиқ моддалар: оқсиллар, ёғлар ва углеводлар ҳисобланади. Бироқ барг таркибида моддаларнинг бевосита ўзлаштириб бўлмайдиган шакллари бор. Овқат ҳазм қилиш вақтида баргнинг мураккаб органик моддалари секин-аста ёки тезда бирмунча одий моддаларга парчаланади, бу моддаларни қурт органлари ҳужайралари ўзлаштиради. Бундай парчаланиш ичакка келиб тушган махсус моддаларнинг таъсири натижасида рўй беради. Бу моддалар ичак шираси таркибига кириб, ферментлар деб аталади ва уларни ичак ўрта қисми деворининг ҳужайралари ишлаб чиқаради.

Ферментлар — булар моддалар алмашинуви натижасида юзага келадиган биохимиявий реакцияларда катализаторлик ва тезлатувчилик вазифасини ўтайди. Бу органик моддалар ҳайвонлар, ўсимликлар ва микроорганизмлар томонидан ишлаб чиқарилади. Ферментлар биохимиявий реакцияларни тезлатибгина қолмасдан, балки уларни ҳосил қилиши ҳам мумкин. Улар моддалар алмашинуvida ва ҳаётий ҳодисаларда муҳим роль ўйнайди. Ферментлар специфик характеристега эга, яъни ҳар бир фермент фақатгина маълум биохимиявий реакцияларнинг боришини тезлаштиради.

Бир кислота (масалан, сульфат кислота) ёрдамида оқсил, углевод ва ёғларни парчалашиб мумкин. Ферментларнинг спецификалиги шундан кўринадики, агар фермент оқсилни парчалай олса, ёғларга ёки углеводларга таъсир этмайди. Ферментларнинг специализациялиги яна мураккаблашиб боради: ҳар бир группа учун масалан, оқсил биримларни учун алоҳида фермент мавжуд. Шу билан бирга булар турли хил моддаларда бир турдаги реакцияни ҳосил қиласиган ферментлар ҳам бор. Масалан, фақат  $H_2$  ёки  $H_2O$  группасини парчалайдиган фермент. Ферментларнинг спецификалигининг чегараланганлиги уларнинг турли туман бўлишига олиб келган. Ҳозирги вақтда тирик организмларда 700 дан ортиқроқ ферментлар борлиги ҳисобланган, шу би-

лан бирга күргина ферментлар топилмаган. Ферментларнинг бундай кўй бўлиши шу билан ҳам тушунириладики, моддаларнинг бир шаклдан иккинчисига айланишининг химиявий процесслари ичак ва унинг деворларидағина эмас, балки тананинг ҳамма орган ва тўқималарида, организмнинг ҳар бир ҳужайрасида ҳам боради. Ферментларнинг бир қисми ҳужайрадан ташқарида таъсир этади. Масалан, ошқозон шираси ёки гемолимфа орқали, бошқалари эса ҳужайраларнинг ичидаги таъсир этади, бундай ферментлар эса кўпроқ учрайди. У ёки бу ферментларнинг бўлиши организмларнинг тур хусусиятига, мазкур тур ҳайвон, ўсимлик ёки микроорганизмларга хос бўлган моддалар алмашинувининг тури ва характеристига боғлиқ. Ферментларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар иштирокида ўтаётган реакциялар фақатгина бирмунча тез ўтмасдан, балки бунда ферментларсиз бўладиган реакцияларга қараганда кам энергия ҳам сарф бўлади. Масалан, оқсилларни аминокислоталаргача парчалаш учун улар 25% ли сульфат кислота билан бирга тахминан, бир сутка давомида қайнатилади, трипсин ёрдамида эса юқоридаги натижага ( $37^{\circ}$  да) бир неча соатда эришилади.

Ферментлар таъсирининг кучли эканлигини қўйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. Катализнинг битта молекуласи бир минутда  $0^{\circ}$  да сувнинг 2600 000 молекуласини парчалайди.

Ферментларнинг активлиги улар иштирокида ўтаётган шароитдаги қатор факторларга боғлиқ. Аввало, ферментлар активлигини ошириш фермент иштирокида ўтаётган муҳитдаги водород ионларининг концентрациясида боғлиқ. Шу билан бирга ҳар бир фермент учун РН нинг оптималь катталиги характеристидир. Ферментли реакцияларнинг тезлиги температура шароитига қараб ҳам ўзгаради. Температура кўтарилиган сари реакциянинг тезлиги ҳам ошиб боради, лекин бу маълум бир энг юқори чегарагача боради; бунда температура оптималь даражагача кўтарилиади. Температуранинг бундан кейинги кўтарилишида реакциянинг тезлиги пасаяди, максимум нуқтага етганда эса ферментлар таъсир этмай қолади. Бу шу билан исботланадики, температура бир вақтнинг ўзида иккى процессда иштирок этади, бир томондан температуранинг кўтарилиши реакцияни тезлаштираса, иккинчи томондан ферментларнинг парчаланишини тезлаштиради, чунки улар тез қизийди.

Бу биохимиявий қонуният қуртларни баҳорда ва, айниқса, кузда боқиш вақтида температуранинг кўтарилиши қуртларнинг қаттиқ шикастланишига, улар ҳаёт фаолиятининг пасайишига, касал ва нобуд бўлишига олиб келишини аниқлашга имкон беради.

Бундан ташқари, ферментлар фаолиятини тезлаштирувчи қатор махсус активаторлар бор, булар билан бирга, ферментлар фаолиятини секинлаштирувчи моддалар — ингибиторлар ҳам бор. Кичик дозада радиоактив нурлаш ферментлар фаолиятини ак-

тивлаштиради дейишга асос бор. Ферментлар таъсири витамин ва гормонлар таъсири билан бевосита боғлиқ. Айниқса ферментлар витаминалар билан мустаҳкам боғланган, яъни витаминалар кўпгина ҳолларда ферментларнинг актив группасини ташкил этиб, тўғридан-тўғри улар таркибига киради. Моддаларнинг бу уч группаси (булардан ташқари организмда ўстирувчи моддалар, микроэлементлар ва бошқалар бор бўлса ҳам) организмда содир бўладиган процессларнинг асосий бошқарувчилари ҳисобланади. Бу моддалар орасида анчагина фарқ бор. Ферментлар асосан оқсил моддалардан иборат бўлиб, бу ҳар бир ҳужайрада ишланиб чиқиб, мазкур ҳужайранинг ичидаги ташқарисида таъсири қиласди.

Гормонлар ҳам оқсил моддалардир, лекин маълум органларда синтезланниб, улардан ташқарисида таъсири этади.

Витаминалар оқсилсиз бирикмалар бўлиб, организмнинг ичидаги синтезланмайди, (камдан-кам ҳолларда синтезланниши ҳам мумкин) улар организмга ташқаридан кириши керак.

Урта ичакка тушган озиқ массаси тут баргининг майдага бўлакчаларидан иборат. Бу бўлакчаларнинг чети бузилган ҳужайралардан иборат, бўлакчанинг қолган массаси эса баргининг шикастланмаган бутун ҳужайраларидир. Парчаланган ҳужайралардан озиқ моддалари ва сув нисбатан осонликча олиниши мумкин, лекин асосий массани шикастланмаган ҳужайралар ташкил этади, шунинг учун ошқозон ширасининг биринчи вазифаси барг ҳужайрасидаги тирик протоплазмани ўлдириш ҳисобланади. Сўнгра ҳужайрадан сув тортиб олиниш, бу ҳужайрадаги органик ва анорганик моддалар эриш ва парчаланиши, энг кейин эса озиқ моддалари бўлган эритмани ичак томонидан сўриб олиниш процесси юз беради. Бу ҳамма вазифаларни бажариш учун ичак ширасида жуда кўп ферментлар ва бошқа катализатор моддалар бўлади. Шу билан бирга овқат ҳазм бўлиш процессида барг ҳужайрасидаги ферментлар ҳам иштирок этади; протоплазма бузилгандан кейин унинг фаолияти активлашади. Бунда автолиз ҳодисаси рўй беради, яъни ҳужайрада нормал ҳаёт фаолиятидалигига қараганда органик моддалар ферментлар таъсирида кўпроқ парчаланади. Шундай қилиб, овқат ҳазм қилиш — ошқозон ширасидаги ва ҳужайранинг ўзидағи моддалар таъсирида бўладиган процессларнинг мураккаб комплексидир. Бу моддалар алоҳида ёки биргаликда таъсири этиши мумкин. Бу таъсиirlар қўшилганда ҳужайрадаги асосий органик бирикмалар (ҳужайра қобиғи ҳам киради) ҳисобланган оқсил, углевод ва ёғлар парчаланади.

Бу органик бирикмаларнинг парчаланиши учун ошқозон ширасида уларга мувофиқ келадиган уч группа ферментлар бор. Булар протеаза оқсил моддаларига, карбогидраза — углевод бирикмаларига таъсири этувчи ва липаза — ёғларни парчаловчи моддалардир. Ҳар бир группада кўп сондаги ферментлар бор. Бу

ферментларнинг ҳаммаси гидролитик таъсир этади, яъни мураккаб моддаларни сув молекуласи иштирокида бирмунча оддий моддаларга парчалайди. Буларнинг ҳаммаси қурт ошқозон шираси юқори ишқорли мұхит шароитида бўлганда таъсир этади, РН қатор шароитга боғлиқ ҳолда 8,5 дан 10,0 гача ўзгариб туради.

Оқсил моддалар овқат ҳазм бўлиш процессида дастлаб йирик аминокислотали бирикмалар — пептонларга, сўнгра пептонлар аминокислоталаргача парчаланади, аминокислоталар эса сувда ичак девори сўра оладиган эрийди.

Бундай парчаланиш углевод бирикмаларида ҳам юз беради: мураккаб сахаридлар (полисахаридларга масалан, крахмал қиради) ферментлар таъсирида дисахаридларга ва моносахаридларга парчаланади, моносахарид эса эриган ҳолда ичак томонидан сўриб олинади.

Ёғлар спиртларга ва кислоталарга парчаланади. Ёғларнинг парчаланишида липаза (тўғрироғи, эстераза) группасига киравчи, барг таркибидаги ферментлар кўпроқ иштирок этса керак.

Парчаланишнинг ҳамма маҳсулотлари минерал тузлар ва витаминалар билан бирга эритма ҳолда ичакнинг девори орқали ўтади. Бу ерда эритманинг бир қисми ичак деворининг ҳужайрали қавати учун қолади, бир қисми эса кейинги ўзгаришларга учрайди, яъни энг оддий органик бирикмаларга парчаланади (бу икки процесс бевосита ичакнинг ҳужайрали қаватида боради), сўнгра ичак деворидан доимо оқиб ўтувчи гемолимфага ўтади.

Ўрта ичакда озиқ массаси ярим суюқ ҳолда бўлади, шундай ҳолда секин-аста порция-порция бўлиб орқа ичакка ўтади. Ингичка ва йўғон ичакларда (орқа ичакнинг олдинги ва ўрта қисми) қисилиш рўй беради. Бунинг натижасида озиқ массасидан суюқ қисм ажралади ва ўрта ичакка қайтиб келади, бу суюқ қисмдаги озиқ моддалари қайта ҳазм бўлади ва сўрилади. Суюқ озиқ массасининг бир қисми ингичка ва йўғон ичак деворлари орқали сўрилиши ҳам мумкин. Озиқ массасини сиқиб чиқарилгандан кейинги қолдиқ маълъигиев найларининг ажратмалари қўшилади. Булар ингичка ичакка тушиб экскрементга айланади. Йўғон ичакнинг бақувват мускуллари таъсирида улар узунасига кетган кичкина ўйиқли цилиндрсизмон бўладилар. Овқат ҳазм қилиш нормал боргандан экскремент бир оз яшил доғли қора тусга эга бўлади. Эксекрементда кўп миқдорда ҳазм бўлмаган тут барги ҳужайралари бўлади. Демак, қурт баргдаги озиқ моддалардан тўлалигича фойдалана олмайди. Шу билан бирга қурт баргнинг ҳамма қисмини емайди. Ейилмаган озиқ, қуртнинг, айниқса дастлабки тўрт ёшида кўп қолади. Ейилмаган озиқ миқдорига қараб, баргнинг емишлиги аниқланади. Қуртнинг ҳар хил ўнда озиқни яхши ейиш-емаслиги баргнинг хусусиятига: етилганлигига, химиявий таркиби ва, айниқса, ундағи

Намнинг миқдорига боғлиқ. Кичик ёшдаги қуртлар етилгани дағал баргни эндигина ёзилган серсув, нозик баргларга нисбатан қийинлик билан ейди.

Баргнинг серсувилиги унинг қурт учун яхши озиқ бўлишида катта аҳамиятга эга. Буни қуидаги таблиқадан кўриш мумкин:

#### 7-жадвал

| Барг йўқотган сув<br>(% ҳисобида) | Баргнинг емишлилиги<br>(% ҳисобида) |
|-----------------------------------|-------------------------------------|
| Янги узилган барг . .             | 100                                 |
| 10,0 . . . . .                    | 90                                  |
| 20,0 . . . . .                    | 58                                  |
| 30,0 . . . . .                    | 39                                  |

Янги узилган барг 30 минутдан кейин қуртга берилганда 10% намлигини, бир соатдан кейин берилганда эса 15% намлигини йўқотган бўлади. Шунга мувофиқ унинг емишлилиги ҳам камаяди. Баргдаги сувнинг миқдори у етилган сари камайиб боради: баҳорда қурт боқиши даврида эндигина ёзилган баргда, 75—80% сув бўлади, қурт 5-ёшга ўтганда, яъни тахминан 25 кундан кейин 68—70% сув қолади. Бу илгариги намликтан 7—10% камдир.

Бу қурт дастлабки икки ёшида ўзига берилган озиқнинг фасат 15—30% ини ейишими, учинчи ёшда 35% ини ва, ҳатто бешинчи ёшда 80% ини ейишими кўрсатди.

Қурт еган баргдаги озиқ моддалари ўзлаштириладиган озиқ дейилади. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳамма моддалар ҳам ўзлашмайди. Қурт еган баргдаги моддаларнинг кўп қисмини ўзлаштира олмайди, чунки у клетчаткадан тузилган ҳужайра қобифини парчалай олмайди. Ошқозон ширасида ҳужайра қобифини парчалай оладиган ферментлар йўқ. Баргни кемирганда парчаланмаган ҳужайранинг айrim қисмларидан озиқ моддалар сўриб олинади. Бунда ошқозон шираси парчаланмаган механик клетчаткадан қисман ўтиб, протоплазмани бузади ва ҳужайрадаги органик ва минерал бирикмаларни сўриб олади. Умуман олганда кўп сондаги ҳужайралар қолиб кетади, қурт бу ҳужайралардан ҳеч нарсани сўриб олмайди. Бунинг сабаби ҳали аниқланмаган. Бундан ташқари, қурт ҳужайралардан сўриб олинган ҳамма моддалардан фойдалана олмаса керак. Қурт ривожланишининг ҳамма стадияларида моддалар алмашинувининг ҳарактери ўзгарилиши ҳамда ичак эпителийси суюқ овқат массасидаги ҳамма моддаларни сўриб ололмайди. Масалан, 5-ёшда, ипак тўпланиш вақтида азотли бирикмалар кўпроқ ўзлаштирилди бўшқа моддалар эса камроқ ўзлаштирилади.

Озиқ ўзлаштириш даражасининг ўзгариб туриши шу билан ҳам исботланади, қуртлар катта ёшдалигида баргнинг бирмунча йирик бўлакларини кемиради, демак бузилган ҳужайралар кўпроқ қолади, булардан эса озиқ моддалари сўриб олинмайди.

Умуман олганда, қурт барг таркибидаги озиқ моддаларнинг 50% дан ортиқ бўлмаган қисмини ўзлаштиради, қолган қисми эса бирор шаклда экскремент билан ташқарига чиқариб юборилади. Овқатдан озиқ моддаларини қабул қилиш ва унинг хусусияти ошқозон ширасидаги РН миқдорига боғлиқ. Бу эса қурт яшаётган шароитга — температурага, ҳавонинг нисбий намлигига, озиқнинг миқдори ва сифатига қуртларнинг ҳар хил ёшдаги ҳолатига боғлиқ равишда ўзгариади; касал қуртларда бу кўрсаткич ҳам ўзгариади.

### *Контрол саволлар*

1. Тут ипак қурти ичагининг умумий тузилиши — қисмлар сони, уларнинг бир-биридан фарқи, қисмларнинг ташқи кўринишидаги фарқлар.
2. Ичак олдинги қисмнинг тузилиши ва унинг вазифаси.
3. Урта ичак эпителийсининг тузилиши; эпителийни ташкил этувчи ҳужайра турлари, уларнинг овқат ҳазм қилиш процесидаги роли: перитрофик мембрана нима ва унинг вазифаси.
4. Урта ичакда овқат ҳазм қилиш процесси қандай боради? Ошқозон ширасининг таркиби, РН катта-кичклигининг аҳамияти қандай?
5. Ферментлар нима ва уларнинг овқат ҳазм қилишдаги аҳамияти.
6. Ичак орқа қисмининг тузилиши ва вазифаси.
7. Овқат ичакларда қандай сурилади, ипак қурти учун зарур бўлган озиқ моддалар қайси қисмда ва қандай қилилди сурилади?
8. Баргдаги озиқ моддаларнинг тўла сўриб олинмаслигига сабаб нима?
9. Моддалар алмашинуви нима? Органик (тирик) ва аиорганик (ўлик) организмлардаги моддалар алмашинувининг фарқи.
- Моддалар алмашинуви физикавий, химиявий ва механик процессларнинг комплекси эканлиги.
10. Мураккаб оқсил моддаларининг, углевод ва ёғ бирикмаларининг ичак томонидан сўриладиган таркибий қисмларга парчаланиши.
11. Ферментларнинг ихтиосланиши: РН катталиги ва температуранинг ферментлар активлигига таъсири.
12. Озиқ таркибига кирувчи асосий элементлар ва уларнинг қурт организми томонидан ўзлаштирилиши; қурт ёшига қараб озиқни ўзгартиришнинг зарурлиги.

### *Қон айланиш системаси*

Овқат ҳазм бўлиш процессида ҳосил бўлган озиқ моддалари ҳашаротларда тананинг умумий бўшлиғига тушади. Бу ерда озиқ моддалари ҳар турли орган ва тўқималарнинг ҳужайралари томонидан ўзлаштирилади. Бундан кейинги ўзгаришлар оралиқ алмашинув деб аталади. Озиқ моддалар ҳужайраларга фақат эритма ҳолда ётказилади ва ўзлаштирилади. Умуртқали ҳайвонларда бундай эриган моддалар қонда бўлади: қон, ўзининг энг майда капиллярлари билан тананинг ҳамма тўқималарига етиб

борувчи қон томирларининг бекик системасида айланиб юради. Ҳашаротларда бекик қон айланиш системаси бўлмаганлигидан, қон вазифасини бажарувчи суюқлик ҳамма органларни таъминлаб, бутун тана бўшлиғи бўйлаб эркин ҳаракат қиласди. Шу билан бирга ҳамма тўқима ва ҳужайралар, ўз навбатида, лимфа ажратади, бу қон айланиш системасида бўлмасдан, асосан бир тўқиманинг ҳужайралари орасида жойлашади. Ҳашаротларда қон вазифасини бажарувчи суюқлик, бир вақтнинг ўзида лимфа вазифасини ҳам бажаради. Буларнинг ҳаммаси ҳашаротлардаги ички бўшлиқ суюқлигига асос бўлди. Бунда оралиқ алмашинув содир бўлиб, алмашинув маҳсулотини ҳамма тўқима ва ҳужайраларга етказиб беради. Бу вақтда унинг ўзи суюқ ҳолатдаги тўқимадан иборат бўлади ва (бу суюқлиқда осилган ҳолда ҳужайралар — гемоцитлар бўлади) гемолимфа деб аталади, яъни қон ва лимфа функциясини бирлаштирувчи суюқликдир. Бироқ гемолимфа умурткали ҳайвонлар қонига нисбатан олганда унча мураккаб вазифани бажармайди, жумладан, гемолимфа нафас олиш процессида қон каби муҳим роль ўйнамайди.

Шундай бўлса ҳам гемолимфа ҳашарот танасидаги муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, гемолимфа алмашинув маҳсулотларини ичак деворидан ҳамма органларга, бундан эса мальпигиев найларига етказиб беради; унда оралиқ алмашинув ва айрим газ алмашинув процеслари бўлади. Бу шундай муҳитки, бунда органлар ўртасидаги ҳамма ўзаро химиавий алоқалар амалта ошиди ва у, жумладан, нерв системаси ички секреция органлари ва бошқа органлар фаолиятига гормонал таъсир этиш воситаси бўлиб хизмат қиласди. У, бундан ташқари механик, аниқроғи, гидравлик роль ўйнайди: айрим жойдаги мускулларнинг қисқариши натижасида ҳосил бўлган босим, гемолимфа орқали тананинг бошқа қисмларига берилиши ва у ерда маълум вазифани бажариш мумкин, тана ичидаги гемолимфанинг умумий босими эса унинг нормал эгилиувчанлик ҳолатини таъминлайди.

Гемолимфада, умуман олганда, сувли эритма бўлиб, таркибида органик ва анорганик бирикмалар, бўёвчи моддалар — ферментлар ва шаклий элементлар — тирик қон ҳужайралари — гемоцитларнинг бир неча тури бўлади.

Гемолимфанинг таркиби овқатланиш шароитига ва организмнинг ҳолатига қараб ўзгаради. Гемолимфа алмашинув маҳсулотларини ташиб берувчиғина эмас, балки пўст ташлаш вақтида қурт организмига овқат келмайдиган даврда оч қолмаслиги учун ўзида запас озиқ моддаларини тўплайди. Масалан, ғумбаклик стадиясида ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган энергиянинг ярмисини қон моддаларидан, иккинчи ярмини эса метаморфоз процесси натижасида парчаланган тўқима ҳисобига олади. Қурт гемолимфасида 80—88% сув бўлади. Гемолимфа бу функциялар билан бирга, организмдаги ёшга қараб ўзгариб турувчи

сув миқдорини ҳам бошқариб туради: тухумдан энди чиққан қуртда 71% сув, 5-ёшдаги қуртда эса 80% дан ортиқ сув бор. Гүмбак ва капалакда сув миқдори 65—75% гача камаяди.

Гемолимфада ёғлар кўпроқ; қурт гемолимфасида — 2,24%, ғумбак гемолимфасида — 4,3% ва капалак гемолимфасида — 5,7% бўлади.

Гемолимфадаги оқсил миқдори ўртача 2% ни ташкил этади (баъзан уларнинг миқдори 7—8% гача боради). Ғумбакларда оқсилларнинг миқдори 5—6% гача боради, капалакларда 2% гача камаяди.

Ривожланишнинг ҳамма стадияларида тузларнинг миқдори тахминан бир хил (1,5% га яқин). Ипак қурти осмотик босими-нинг стабиллиги шунга боғлиқ.

Қурт гемолимфасидаги қаттиқ моддаларнинг умумий миқдо-ри 10% га етади, жумладан, кул моддалари, тахминан, ғумбак-да 6%, капалакда эса уларнинг миқдори ортиб боради.

Гемолимфа кучсиз кислотали реакцияга эга, лекин тўқималар ичак ва унинг деворларида ишқорли реакцияга эга бўлса-да, пўст ташлаш вақтида нейтрал реакцияга яқинлашиб боради. Бошқа орган ва тўқималарнинг реакцияси кучсиз ишқорий ёки нейтрал реакцияга яқин бўлади. Гемолимфанинг РН ини ўрганиш, бу кўрсаткىч (катталик) қуртларда, ғумбакларда ва капалакларда, тахминан, бир хил бўлиб, 6,6—6,8 га тенг бўлишини кўрсатади, қурт пебрина билан касалланганда РН 7,05—7,30 гача кўтарилади, сариқ касалига йўлиққандада эса камайиб кетади. Пўст ташлаш вақтида кислоталилиги камайгани кузатилган.


Ҳашарот организмининг биохимиявий хусусияти шуки, унинг гемолимфасида сийдик кислота ва аминокислота, шунингдек, анорганик модда фосфор ва магний кўп миқдорда бўлади.

Яна бошқа хусусияти шуки, эркак ва урғочи ҳашаротлар гемолимфаси таркиби жиҳатидан бир-биридан катта фарқ қила-ди. Урғочи ҳашарот гемолимфасининг РН и эркаклариникига қараганда ҳамма вақт 0,02—0,05 ошиқ бўлади; эркак ва урғочи ҳашарот гемолимфалари аралаштирилганда чўкма ҳосил бўла-ди, бир жинсдаги ҳашаротлар гемолимфаси аралаштирилганда эса ҳеч нарса ҳосил бўлмайди; қуртга бошқа бир жинсдаги қурт гемолимфаси юборилса, қурт бир қанча вақт қотиб қолади. Булар ва бошқа бир қанча маълумотлар эркак ва урғочи ҳаша-ротлар гемолимфасида, жумладан, оқсил танаачалари таркибида биохимиявий фарқ борлигини тушунишга имкон берди.

5-ёшдаги қуртда гемолимфа умумий оғирликнинг 20% ини ташкил этади.

Гемолимфанинг зичлиги сувнинг зичлиги — 1,037 дан бир оз ортиқ.

Гемолимфа таркибида гемоцитлар деб аталувчи ҳужайралар бор. Бу амёбасимон эркин ҳужайралар умуртқали ҳайвонлар қонидаги лейкоцитларга ўхшайди. Бироқ ҳашаротларда улар-



20-расм. Қон ҳужайралари:

а) гемоцитобластлар; б) веретеносимон ҳужайралар; в) сферулоцитлар; г) эноцитоидлар;  
д) донли ҳужайралар.

нинг миқдори анча кам:  $1 \text{ mm}^3$  гемолимфада, тахминан, 2000 гемоцит учрайди. Гемоцитларнинг бир нечта тури бор. Ипак құртида уч хил: донсиз гемоцитлар, донли гемоцитлар, шарсимон катта вакуолли ҳужайралар (сферулоцитлар) учрайди.

Донсиз гемоцитлардан энг майдаси — гемоцитобластлардир. Уларнинг диаметри 10 микронга яқин. Бу ҳужайраларнинг ядриси юпқа ҳошияли протоплазма билан үралған. Гемоцитобластлар ёш ҳужайралар бўлиб, булардан бирин-кетин қон ҳужайрарининг бошқа типлари ривожланади. Шунинг учун ҳам гемоцитобластлар ёш құрт гемолимфасида жуда кўп бўлиб, сўнгра кескин камайиб кетиб, капалакларда мутлақо йўқолиб кетса керак.

Гемоцитобластлар ривожланган сари дуксимон чўзилган шаклни олади, 2—2,5 марта йириклишиб фагоцитлар, яъни «хужайра ютувчилар»га айланади. Улар гемолимфада жуда кўп бўлиб, шаклли элементлар умумий сонининг 30—50% ини ташкил этади. Фагоцитларнинг бўлиши сабабли гемолимфа яна бир вазифани бажариш қобилиятига эга. У организмни унга кирган микроблардан сақлайди. Фагоцитлар ташқаридан кирган микроорганизмларни ўраб олади ва уларни «ютади». Бу процесс турлича бўлади: лекин ҳамма ҳолатда ҳам фагоцитларниң сони ортади. Ривожланишининг кейинги стадиясида қон ҳужайрарининг протоплазмаси донасиз тузилишини сақлаган ҳолда

яна ҳам катталашади. Бу ҳужайралар гемолимфадаги энг йирик ҳужайралар бўлиб, эноцитоидлар деб аталади, буларда ҳужайрадан кичикроқ ядро ва йирик вакуол бўлади. Стадиядан-стадияга қон ҳужайралари қарий бошлайди, бунинг натижасида улар донли протоплазмага эга бўлган ҳужайрага айланади, сўнгра шарсимон вакуолли ҳужайраларга — сферулоцитларга айланади деб фараз қилиш мумкин; бу ҳужайраларниң катта-кичиклиги ҳар хил, кўп қисми юмалоқ ёки бир оз овал кўришиладир.

8-жадвал

**Соғлом ипак қуртининг гемолимфаси қўйидаги ҳужайра элементларига эга**

| Кон ҳужайраларининг типлари   | Гемоцитларнинг процент таркиби |                     |         |          |
|-------------------------------|--------------------------------|---------------------|---------|----------|
|                               | Биринчи ёшдаги курт            | Бешинчи ёшдаги курт | Румбаги | Капалаги |
| Гемоцитобластлар . . . . .    | 53,00                          | 3,20                | 2,75    | —        |
| Донли гемоцитлар . . . . .    | 28,00                          | 37,75               | 41,25   | 12,75    |
| Дуксисон гемоцитлар . . . . . | 15,75                          | 51,30               | 20,00   | 17,00    |
| Сферулоцитлар . . . . .       | 1,00                           | 4,00                | 31,75   | 67,00    |
| Эноцитоидлар . . . . .        | 2,25                           | 3,75                | 4,25    | 3,25     |

Жадвалдан кўриниб турибдики, ипак қурти ривожланган сари гемолимфа шаклли элементларининг таркиби ўзгариб боради, айниқса, капалаклик стадиясида ҳужайраларниң энг эски тури — сферулоцитларниң миқдори ортади.

Ипак қурти гемолимфасида оксидловчи ферментлар — тирозиназа ва допа-оксидаза ҳам бор. Бу ферментлар моддалар алмашинуви маҳсулоти ҳисобланган айрим бирикмаларни кислород иштироқида оксидлаш қобилиятига эга. Меланоза ҳодисаси ҳам бу ферментларга боғлиқdir. Бу вақтда, ҳавога чиқарилган гемолимфа бир неча минутдан кейин тўқ-қўнғир ёки қора рангга киради. Бундай оксидланиш натижасида меланин пигменти ҳосил бўлади. Рангга бўялиш тезлиги ҳавонинг температурасига боғлиқ: қуртнинг жароҳатланган еридан чиқсан гемолимфа иссиқ кунларга нисбатан совуқ кунларда секин қораяди.

Бу оксидловчи ферментларниң миқдори ипак қурти ривожланишининг турли стадияларида ҳар хил бўлади. Ферментлар қуртда кам, румбакда кўп бўлади.

Оқ пилла ўровчи зотларниң гемолимфаси тиник, деярли рангсиз суюқликдир, сариқ ва яшил пилла ўровчи зотларниң гемолимфаси эса ўзининг хусусияти билан ўсимликларда бўладиган ксантофил пигментига ўхшаб кетувчи алоҳида пигментлар ҳосил қилиган сарвиш ёки яшилроқ рангга эга бўлади. Бундай пигмент оқ пилла ўровчи қурт зотларида бор деб тахмин қилинади, яъни уларниң гемолимфасида оксидловчи ферментлар кўп бўлганлигидан ҳамма пигментлар оксидланиб қолади ва

пилла тиниқ оқ бўлиб қолади. Бошқа зотлар пилласининг ҳам сарғиш ва яшилроқ бўлиши қурт гемолимфасида оксидловчи ферментларнинг кўп-оз бўлиши ва шунга мувофиқ равишда ферментларнинг кўп ёки оз оксидланишиданadir деб тушунтирилади. Эркак қурт гемолимфасида оксидловчи ферментлар кўплиги сабабли, улар ургочи қуртларга нисбатан рангсизроқ бўлиши аниқланган.


Гемолимфанинг ранги бошқа — сариқ-пушти (каротин) пигмент туфайли ҳам сариқ бўлиши мумкин. Бу пигмент сабзида кўп бўлади.

Гемолимфанинг иккала пигменти ипак қурти организмida бўладиган моддалар алмашинуви натижасида овқат таркибадаги пигментлардан мустасно ҳосил бўлса керак, деб фараз қилинади. Овқат таркибадаги пигментлар гемолимфа ва пилла рангига таъсир этмайди.

Қуртнинг орқа томонида жойлашган найсимон орган бел найчасининг уриши натижасида гемолимфа қурт танаси бўйлаб доимо айланиб юради.

Бел найчаси икки қисмдан: ҳашаротларнинг ҳақиқий юраги ҳисобланган, бирмунча кенг кейинги қисмдан ва *aorta* деб атадиган олдинги қисмдан иборат.

Бел найчасининг кейинги берк қисми «юрак» нинг энг кенг томони бўлиб, қориннинг саккизинчи бўғимида жойлашган. Бу



21-расм. Бел найчаси:

*A* — бел найчасининг қискариши; *B* — бел найчасининг бэзилиши; *БН* — бел найч; *Юаб* — юрак олди бўшлиши; *КМ* — камотсимон мускуллар; *П* — пайлар; *И* — ичак; *C* — ипак қурти танасидаги бўғимларга нисбатан бел найчаси ва камотсимон мускулларнинг жойланниши; *Г* — ипак қурти танасининг бўғимларга бўлинниши (чап томони); *Ю* — юрак; *А* — аорта; *ЧТ* — бел найчасидаги чўнтақча ва тенникчалар; *КМ* — камотсимон мускуллар (бел найчаси ва камотсимон мускуллар ҳақиқий катталигига қараганда яхши кўринисин учун тўрт марта катталаштириб берилган).

ердан юракнинг бош томонига қараб секин-аста торайиб боради ва кўкракнинг иккичи бўғимида аортага ўтади. Юрак узунлиги бўйича орқанинг тери қопламига бириктирувчи тўқима пайлари билан бирлашган. Юрак девори ярим ҳалқа кўринишидаги ва ўзининг четлари билан юқори ва пастки ўрта чизиқ бўйлаб ўзаро бирлашган икки қатор ясси ҳужайралардан иборат. Юракнинг ичиди уни камераларга ажратувчи ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Юракнинг ён деворларида чўнтақчалар деб аталувчи алоҳида чуқурчаларда устица деб номланувчи тешик бор. Тешиклар қорин бўғимлари сонига қараб етти жуфт бўлиб, уларда юрак жойлашган. Бу тешикчалар шунчалик кичикки, қон ҳужайралари у орқали ўта олмайди ва юрак бўшлиғига бора олмайди. Юрак

қисқарганда өнгөткелдер тешикни бекитиб қопқоқ ролини бажаради. Юрак билан тенг ёнли учбурчак күренишидаги саккиз жуфт қанотсимон мускуллар бирлашган; ҳар бир жуфт учбурчак асослари бир-бирига қараган, уларнинг учлари эса тери қоплами билан бирлашган; бу мускуллар устида жойлашган юрак улар билан бирлаштирувчи түқима пайлари орқали биринкан. Қанотсимон мускулларнинг биринчи жуфти қурт танасидаги учинчи күкрак бўғими билан биринчи қорин бўғими ўртасидаги чегараада, охирги жуфти эса еттинчи ва саккизинчи қорин бўғими орасида жойлашган. Қанотсимон мускуллар занжири тўлиқ бўлмаган бел диафрагмаси деб аталувчи тўсиқ ҳосил қиласиди. Бу диафрагма тананинг қолган ҳамма бўшлиғидан ажралиб турувчи тўсиқ ҳосил қиласиди, бу ерда юрак жойлашади.

Аорта иккинчи күкрак бўғимидан бошланиб, секин-аста ва бир оз торайиб борувчи силлиқ най кўринишида бўлиб, бош бўшлиғигача етиб боради ва у ерда унча катта бўлмаган тешик билан тугайди.

Юрак деворидаги мускул толалари ёрдамида қисқаради; бунда юракнинг ҳамма қисмлари бирин-кетин тананинг охирги қисмидан олдинги қисмига томон қисқаради. Бу тўлқинсимон қисқариш ёки пульс уриши, айниқса, саккизинчи бўғим олдида яхши сезилади. Бундай қисқаришнинг юрак бўйлаб тарқалиш тезлиги секундига 27—30 м ни ташкил этади. Ҳаво температураси 20—25° бўлганда, организм тинч турганда 5-ёшдаги қуртнинг бел найчаси минутига 30 тага яқин уради, ҳаракатланаётганда ва овқатланаётганда эса юрак уриши 40—50 гача ортади, пилла ўраётганда эса 60—65 гача етади. Температуранинг кўтарилиши билан бел найчасининг уриш сони ортади ва температура 30° га етганда уриш сони минутига 60—70 та бўлади.

Қон айланиш процесси тут ипак қуртида қуйидагича боради: гемолимфа тананинг умумий бўшлиғидан оғизча (устица) орқали юракка тушади; гемолимфани орқа қисмдан аортага ҳайдовчи тўлқинсимон қисқариш натижасида гемолимфа юрак бўйлаб тарқалади. Гемолимфа аорта орқали ўтгач, у бош бўшлиғига боради, бу ердан эса тананинг умумий бўшлиғига тушади. Шундай экан гемолимфа бош бўшлиғи, сўнгра эса бирор босим (юрак қисқаришидан ҳосил бўлган) остида танага келади; бунда бошдан тананинг охирги қисмига қараб гемолимфанинг тинимсиз оқими вужудга келади. Бу гемолимфа ҳамма орган ва тўқималарга етиб бориб, уларни ювади ва яна оғизчага қайтиб тушади. Қон айланиш шундан иборат бўлади, гемолимфа оғизчага у кенгайгандан вақтда ўтади, бу ҳодиса қанотсимон мускулларнинг қисқаришидан юрак қисмининг кенгайиши натижасида юз беради. Бу мускуллар юрак деворини бирлаштирувчи мускуллар ёрдамида пастга тортилади.

Юрак қисмлари кенгайгандан унинг ичидаги тананинг умумий

бўшлиғидаги босимдан бирмунча кам босим ҳосил қиласди, бу эса гемолимфани оғизча орқали юрак бўшлиғига томон ҳаракатланышга мажбур этади. Юрак қисқараётганда оғизча бекилиб қолади ва юрак деворининг босими гемолимфани бош томонга ҳайдайди.

Юрак фаолияти нерв системаси орқали бошқарилади; томоқ усти нерв тугунлари қўзғалиш маркази ҳисобланади, қорин нерв тугунлари пульсни бошқаради.

Қурт нерв-юрак фаолиятининг электрограммаси ёруғлик каби ташқи таъсирлар пульсини ўзгартишини кўрсатди. Бошқа факторлар ҳам таъсир қиласди. Масалан, ҳавода карбонат ангидриднинг кўпайиб кетиши қурт юрак фаолиятини сезиларли даражада пасайтиради.

### *Контрол саволлар*

1. Гемолимфа нима ва унинг тут ипак қуртидаги моддалар алмашинувидаги роли қандай?
2. Бел найчасининг тузилиши ва унинг иши қандай?
3. Фумбак ва капалакда қон айланиш хусусиятлари қандай?
4. Қурт ва капалак гемолимфасидаги гемоцитларнинг категорияси?
5. Қурт ўсib борганд сари гемолимфадаги шаклли элементларнинг таркиби ва миқдорининг ўзгариши.
6. Фагоцитлар нима ва уларнинг иммунологик роли қандай?
7. Гемолимфанинг «гидростатик» роли.


### *Нафас олиш*

Тут ипак қурти ҳам бошқа кўп ҳашаротлар сингари трахея системалари билан нафас олади. Бу нафас органи трахея деб аталувчи тармоқланган найлардан иборат. Ҳаводаги кислород ҳамма органларга ва чуқурроқда жойлашган тўқималарга жуда кўп сондаги трахеялар орқали киради. Бу трахеялар тери остидаги мускуллар орасида зич ҳолда тармоқланади ва ички органларни ўраб олиб, микроскопик жуда ингичка най-трахеялар тарзида уларнинг ичига ва айrim ҳужайраларгача кириб боради.

Шундай қилиб, қурт танасида кўп сонда майда найлар бўлади, бинобарин, бу найларнинг бир учи ҳавога очиғлан бўлади.

Трахеянинг асосий ўқи қурт танасига параллел ҳолда жойлашган, унинг ташқарига очилувчи бир неча тешиги бўлади. Бу тешиклар қурт танасинининг ён томонларига жойлашган бўлиб, нафас тешиги деб айтилади. Булар биринчи кўкрак ва саккизта қорин бўғимида жойлашган. Иккинчи, учинчи кўкрак ва тўқизинчи қорин бўғимларида нафас тешиги ривожланмаган бўлади.

Нафас тешиги овал шаклида бўлиб, у кутикула каби қалин хитин ҳалқа билан ўралган. Нафас тешигининг олдинги ва орқа



22-расм. Тут ипак күртининг трахея системаси.

1—9 — нафас олиш органдарининг жойлашиши.

чеккаларида кетма-кет жойлашган учтўрт қатор қиллар бор, булар трахеяларни чанг заррачаларидан яхши ҳимоя қиласиди.

Тешикчанинг орқасида трахеянинг бошланғич кенг қисми — оғизча жойлашган.

Тешикдан унча узоқ бўлмаган масофада — хитинли қаватда, оғизча трахеянинг ярим айланасини ёйсимон ўраб турганга ўхаш кенгаяди. Бу дастлабки бекитувчи ёйдир. Оғизчанинг қарама-қарши томонида бирмунча чуқурроқда иккиласми бекитувчи ёй жойлашган. Мана шу томонда иккиласми бекитувчи ёй билан бир сатҳда икки қатор жойлашган хитинли таёқчалардан иборат бекитувчи дастача чиқади.

Дастача трахея деворининг тўртдан бир айланасигача боради ва  $50-80^{\circ}$  бурчак остида букилади ва ичкарига кирувчи дастача дастагини ҳосил қиласиди.


Олдинги кўкрак бўғимларидаги нафас тешигининг дастаги олдинга, қолган саккизта қорин бўғимларидаги нафас тешикларининг дастаги эса орқага йўналган.

Дастакнинг бурчагидан дастлабки бекитувчи ёйнинг пастки учига қараб бекитувчи пай кетади. Бу, тиқканга ўхашаш дастакнинг унча катта бўлмаган ўсиғига бирикади.


Дастлабки ва иккиласми бекитувчи ёй нафас тешигининг ички чеккаси билан тиниқ парда орқали бирлашган.

Иккиласми парда бирламчи пардага караганда бирмунча узунроқ, чунки иккиласми ёй дастлабки ёйга қараганда чуқурроқда жойлашган. Бу пардалар узининг олдинги учлари билан нафас тешигини ифлосланишдан ҳимоя қилувчи қилларга ўтади. Иккиласми парда ўзининг ўрта қисми билан бекитувчи дастачага бирлашиб, шу ерда бурма ҳосил қиласиди. Дастача дастагининг охирига иккита мускул бирлашади; биттаси — қалта бекитувчи, узунлиги  $0,6 \text{ mm}$  бўлиб иккиласми ёйнинг пастки қисмига, иккичиси анча, узун (очувчи  $1,8 \text{ mm}$ ) бўлиб, курт тери қопламишининг ички юзасига боради. Иккала мускулнинг эни бир хил ва  $0,006 \text{ mm}$  га тенг.

Бекитувчи мускуллардан қарама-қарши томонга узунлиги  $2,0-4,0 \text{ mm}$  ва



23-расм. Нафас олиш органди (тут ипак күртининг ташқи томонидан кўрсатилган).



24-расм. Нафас олиш органининг бекитувчи аппарати:

юм — бекитувчи мускуллар; бд — бекитувчи дастача; ом — очувчи мускул; дг — дастлабки бекитувчи ёй; де — бекитувчи дастачанинг бириттирувчи елкаси.

Трахеяниң узунасига кетган томонида күндаланг жойлашган. Биринчи күкрак ва охирги қорин бўғимларида ҳам боғловчи күндаланг трахеялар бор. Қурт танасининг күкрак қисмида жойлашган орқа ва қориннинг боғловчи трахеяларидан бош томонга тармоқлар чиқиб кетади, қориннинг охирги бўғимида орқа күндаланг трахеялардан бел найчасининг орқа қисмига қараб тармоқлаб кетади. Трахеяниң тармоқланиб кетишидан қурт танасидаги айрим участкалар кислород билан таъминланади. Трахеялар бир-биридан фарқ қилинади: орқа мускулларига борувчи трахеяниң орқа қисмига, ичакка ва бел найчасига борувчи ичак трахеясига, нерв занжири ва қорин томонидаги мускулларга борувчи қорин трахеяларига бўлинади. Трахея девори ички томонда жойлашган кутикулин қаватдан иборат. Бу қават катта ядроли ва ташқи парладидир. Йирик трахеяларнинг ички қаватида ҳам хитин бўлади. Кутикулин ҳам, хитин ҳам трахеяниң ҳужайрали қавати томонидан ишлаб чиқарилади. Бу қаватда спираль ҳолда жойлашган таянч қалинлашмалар бор. Бу трахеяларнинг мустаҳкамлигини оширади ва гемолимфа босими ўзгарганда уларнинг эгилиши ва қисилишига имкон беради.

Трахеолалар йўғонлашмайди. Чунки трахеолаларнинг капилляр ҳолда бўлиши йўғонлашмай туриб ташқи босимга чидай олиш имкониятини беради. Трахеядаги эски қават спираль таянч йўғонлашмаган оралиқ участкалардаги қаватнинг пўст ташлаш вақтида бўлиниши йўли билан ажralиб чиқади. Қуртнинг ҳаракати натижасида трахеяларга ҳаво киради ва янгиланади, яъни тананинг турли қисмларининг қисқариши ва бўшашиши галла-

эни 0,11 мм бўлган учинчи мускул — версонов мускули чиқиб кетади. Дастача парда билан бирга дастлабки бекитувчи ёйга яқинлашганда унинг ўтири қовурғаси дастача таёқчалари ўртасидаги тешикка киради. Бунда бекитувчи мускул қисқаради ва нафас тешиги герметик ҳолда бекилган бўлади. Очувчи мускул қисқариб дастачани дастлабки ҳолга келтиради ва нафас тешиги очилади. Версонов мускулларининг изчиллик билан қисқариши — трахея ўқи дастлабки қисми нинг қисилиши ва кенгайиши трахеяяга ҳаво кириб туришига ёрдам беради.

ниб туриши натижасида трахеяниг ҳажми тоҳ қичраяди, тоҳ кенгаяди.

Трахея спираль бурмаларнинг бўлиши сабабли узая олади ва ҳажмини 20—30%га кенгайтира олади. Агар ипак қурти танаси қисқарганда нафас тешиги очиқ бўлса, ҳаво трахеядан ташқариға чиқиб кетади, агар нафас тешиги берк бўлса, бунда ҳаво трахея системасининг ичкарисига кириб кетади.

Қурт ҳаракати билан боғлиқ бўлган мускулларнинг қисқариши, трахеяларга ҳавонинг кириб туриши ҳам қорин, бел найчаси, қанотсимон мускул, ичакнинг қисқаришига ҳамда қоннинг танада айланишига сабаб бўлади; трахеяларда ҳаво алмашиниши ҳам нафас тешиги ва трахея оғизаси мускулларининг ҳаракатланиши натижасида содир бўлади.

Қурт танасининг қорин нерв занжирида нафас марказлари бор; бу марказлар ўзи жойлашган бўғимлардаги нафас тешиклари фаолиятини бошқаради.

Кўкракдаги нерв тугуларида ҳамма сегментлардаги нафас органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказ жойлашгаи.

Ипак қурти кислород кам бўлганда трахея системасида ортиқча кислород тўплайди ва бундан кислород етишмаганда ҳамда аэроб нафас олганда фойдаланади.

Кислород қуртнинг орган ва тўқималарига трахея системаларидан ташқари, гемолимфа орқали ҳам боради. Кислороднинг гемолимфага ўтишига трахея деворларининг ўтказувчанлиги ёрдам беради. Трахеяниг ўтказувчанлиги нафас тешигининг дастлабки йўғонлашган еридан трахеола томонга ошиб боради. Бироқ гемолимфа тўқималарга газ етказиб (тўқима орқали нафас олганда) беришда ёрдамчи аҳамиятга эга.

Бу қўйидагича исботланади. Тўртинчи нафас тешигининг ривожланиши ва ипак ажратувчи безлар ўртасида, шунингдек, олтинчи нафас тешиги ривожланиши билан жинсий безлар ўртасида алоқа борлиги аниқланган. Тўртинчи нафас тешигининг бир томонлами бирикишидан шу томонга жойлашган ипак ажратувчи безлар маҳсули фибрини ва серецинлар оғирлиги камайиб кетган. Олтинчи нафас тешигининг бирикиши уруғдонларда спермаларнинг ривожланишига, тухумдонларда эса овоцит ва етилган тухумларнинг камайишига сабаб бўлган. Бу кислороднинг гемолимфа орқали организмнинг ҳамма томонига баравар етказиб берилмаганлигини кўрсатади.

Нафас олиш натижасида қурт танасида ҳосил бўлган карбонат ангидрид молекулалари гемолимфа орқали тери қопламига етказилади. Гемолимфанинг  $\text{CO}_2$ ни эркин молекулали эритма кўринишида сақлаш қобилияти уларнинг қурт териси орқали чиқиб кетишини таъминлайди.

Организмга тушган моддалар (озиқ моддалар) умумий оксидланиши процессида иштирок этади. Бу процесс ҳаводаги

кислород ёрдамида амалга ошиб, сув ва карбонат ангидридга ажралади. Ажралиб чиқувчи мөддалар бу процессининг маҳсулни ҳисобланади. Оксидланиш процесси боғланган реакция ҳисобланади, бунда битта модда иккинчи модданинг қайтарилиши ҳисобига оксидланади. Оксидланиш деганда, кислороднинг түғридан-түғри бирикиши ва водороднинг ажралиб чиқиши тушунлади. Оксидловчи ферментлар нафас олишда кислородни активлашириб беради.


Газ алмашинуви қурт бир стадиядан иккинчи стадияга ўтиш вақтида мөддалар алмашинувининг ўзгаришига таъсир этади.

Қуртлик стадияси ўтган сари қуртнинг тирик вазни ортиб боради, нафас олиш интенсивлиги ва энергия эса ёш ортган сари камайиб боради.

Пўст ташлаш (хитинли қаватни ташлаш) вақтда қурт озиқланишдан ва ҳаракатланишдан тўхтайди. Бу вақтда газ алмашинуви ҳам ўзгаради.

Нафас олиш энергияси майдага турларида (тухум, қурт, гумбак, капалак) йирик турларига қарагандан актив ҳужайра элементлари ҳисобига юқори бўлади.

Қуртларнинг гумбак ўраётгандаги нафас олиш процесси секин-аста пасая бошлайди ва пилла ўрашнинг охирига келиб, кислород ютиш пилла ўраш бошланганда ютилган кислородга



25-расм. Қуртнинг ёшига қараб кислород ютиши ва оғирлигининг ортиши.

нисбатан 2,5—3 марта камайиб кетади. Қурт жонланыётганды нафас олиш интенсивлиги эңг юқори, уруғларда эса эңг кам бўлади (9-жадвал).

#### 9-жадвал

Тут ипак қуртиниг турли ривожланиш стадияларида  $O_2$  нинг ютилиши (бутун ривожланиш давридаги ўртача маълумотлар бир г тирик модда учун микрометр ҳисобида)

| Тут ипак қуртиниг ривожланиш стадияси |           |       |         |           |
|---------------------------------------|-----------|-------|---------|-----------|
| инкубация вақтида тухум               | жонланиши | курти | гумбаги | караплаги |
| 227                                   | 2,586     | 1,382 | 361     | 1,789     |

Қуртларнинг нормал ривожланиши учун уруг етиштиришни проектлаш вақтида уй ҳажмини ҳисобга олиш зарур ва ҳаво кириб туришини тўғри ҳисоблаш керак. Буни энг катта ёшдаги қуртларнинг  $O_2$ ни ўзлаштириш ва  $CO_2$  ажратиш нормалари келтирилган жадвалдан кўриш мумкин.

#### 10-жадвал

IV—V ҷарраги қуртларнинг  $O_2$  га бўлган талаби ва  $CO_2$  ажратиши (1000 та куртнинг бир соатда олган  $O_2$  си ва ажратган  $CO_2$  си литр ҳисобида олинган)

| Курт ёшининг кунлари  | 1    | 2    | 3    | 4    | 5    | 6    | 7    |
|-----------------------|------|------|------|------|------|------|------|
| IV ёш                 |      |      |      |      |      |      |      |
| $O_2$ ютиши . . :     | 0,20 | 0,45 | 0,47 | 0,30 | 0,15 |      |      |
| $CO_2$ ажратиши . . : | 0,15 | 0,36 | 0,37 | 0,21 | 0,10 |      |      |
| V ёш                  |      |      |      |      |      |      |      |
| $O_2$ ютиши . . :     | 0,81 | 1,20 | 1,50 | 1,30 | 1,20 | 1,09 | 0,99 |
| $CO_2$ ажратиши . . : | 0,57 | 0,93 | 1,12 | 0,90 | 0,90 | 0,87 | 0,87 |

Кўрсатилган ҳисоблаш катта ёшдаги қуртлар учун берилган. Кичик ёшдаги қуртларни боқиш учун жуда катта майдон ва ҳажм зарур эмас, шунинг учун бу даврда уларни сақлаш учун хоналар танлашда алоҳида ҳисобот талаб қилинмайди.

Газ алмашинувининг ҳажми қуртнинг ёшига ва ривожланниш стадиясигагина боғлиқ эмас, балки температурага, ҳаво намлигига ва сутканинг қанча давом этишига ҳам боғлиқ. Температуранинг кўтарилиши билан нафас олиш интенсивлиги ҳам ортади. Ўқори намлик, аксинча, нафас олишни қийинлаштиради ва нафас олиш процессида қурт танасида ҳосил бўладиган сув ҳамда  $CO_2$  ажралиб чиқишини секинлаштиради.

Шу нарса ҳам аниқланганки, қуртларнинг нафас олиши сутка давомида ҳам бир хил эмас. Масалан, қуртлар кичик ёшида кечаси ҳам тез нафас олади. Нафас олиш интенсивлигининг турлича бўлиши бир сутка давомида юқори температурага турлича муносабатда бўлишга олиб келади. Қурт интенсив нафас олиш даврида юқори температурага нафас олиш интенсивлиги пасайгандагига нисбатан камроқ чидайди.

11-жадвал

**Ёшига ва сутканинг даврлариغا қараб қуртларнинг юқори температура таъсирига чадамлилиги**

| Қуртвинг юқори температуралари шароитда бўлган вақти | Ёшига қараб қуртларнинг чадамлилиги<br>(% ҳисобида) |      |      |
|--|---|------|------|
|  | I-II-III ёш   | IV   | V    |
| Эрталабки 8 дан кечки . . . . .                      | 77,8  | 51,1 | 82,0 |
| 20 гача (кундузи) . . . . .                          |   |      |      |
| Кечки 20 дан эрталабки . . . . .                     | 58,4  | 61,3 | 86,0 |
| 8 гача (кечаси) . . . . .                            |   |      |      |

Қуртларни тунги соатларда боқиши вақтида юқори температурага йўл қўймаслик керак.

Қуртларда нафас олиш интенсивлигининг турличилиги, оғирликнинг бир хилда ортмаслиги ва сутка давомида юқори температурага ҳар хил муносабатда бўлиш биологик қонуният ҳисобланади.

Тут ипак қуртида ҳаёт пропессларининг суткалик ритми (бошқа ҳашаротлар каби) эволюцион ривожланиш процессида ташқи муҳит билан ўзаро алоқа натижасида ҳосил бўлган. Муҳитнинг бундай факторлари, яъни температура, ёруғлик, намлик, атмосфера босими ва бошқалар сутка давомида қатъий қонуният асосида ўзгаради. Бу факторларнинг доимий ўзгариб туриши ипак қуртидаги физиологик процессларнинг даврий ўзгаришига олиб келган. Нафас олиш интенсивлиги, яъни вақт бирлиги ичida қурт танаси қабул қилган кислород ва ажратган карбонат ангидрид миқдори ҳаёт прцессларининг активлик даражасини кўрсатади, лекин бу процесслар организмлардаги қайси моддалар ҳисобига бўлишини билдирамайди. Бу ажратиб чиқарилган карбонат ангидриднинг қабул қилинган кислородга нисбати ( $\frac{CO_2}{O_2}$ ) яъни нафас коэффициенти (НК) билан аниқланади.

Нафас коэффициенти бирга тенг ёки яқин бўлса, бу моддалар алмашинуви асосан углевод билан овқатланиш ва кислород билан нафас олиш ҳисобига бўлганлигини кўрсатади. Нафас коэффициентининг камайиши энергия сарф бўлиши ўрнига ёғ моддалари запаси ишлатилганини кўрсатади. Ҳисоблаш-

лар нафас көэффициенті ҳар бир ёшнинг бошланишида ёшнинг охирдагига (0,6—0,8) нисбатан ҳамма вакт юқори (0,9 га яқин) бўлишини кўрсатди. Нафас көэффициенти пўст ташлаш вақтида ҳам камайиб кетади.

### *Контрол саволлар*

1. Трахея орқали нафас олиш билан ўпка орқали нафас олишнинг асосий фарқи.
2. Тут ипак қуртида трахея системасининг тузилиши.
3. Ҳар хил нафас тешикларининг функционал хусусияти ва организмдаги сувни бошқариб туришдаги роли.
4. Ривожланиш процессида қуртларда нафас олиш интенсивлигининг ўзгариши (1 г тирик вазнга).
5. Умумий моддалар алмашинувида нафас олишнинг роли.
6. Нафас олиш көэффициенти ва унинг аҳамияти.


### *Мускуллар*

Ҳайвонларнинг ҳамма ҳаракатлари мускуллар ёрдамида амалга оширилади. Жуда узун ва ингичка мускул ҳужайрала-ри группаси мускуллар деб айтилади (булар мускул толалари ҳисобланади). Буларнинг асосий хусусияти катта куч билан қисқаришидир. Мускуллар қисқариши натижасида қурт ҳаракатланади, юрак уради, ичак қисқаради, трахеялар тораяди, кенгаяди ва бошқалар.

Ҳайвонларда силлиқ ва кўндаланг — тарғил мускуллар бор. Силлиқ мускуллар секин қисқаради, бундай мускуллар секин ҳаракатланувчи ҳайвонларда (чувалчанг, моллюскалар ва кўпгина бўғим оёқлиларда) бўлади. Умуртқали ҳайвонларда эса силлиқ мускуллар секин ҳаракатланувчи органларда (ичак, қон томирлари ва бошқалар), ички органлар (юракдан ташқари) бўлади. Кўндаланг-тарғил мускуллар тез қисқаради; умуртқали ҳайвонларнинг скелет мускулатураси, юрак мускуллари ва бошқалар шундай мускуллардан ташкил топган.

Ҳашаротлар энг тез ҳаракатланувчи ҳайвонлар бўлганлигидан фақат кўндаланг-тарғил мускулларга эга.

Умуртқали ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг мускуллари тузилиши жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиласиди. Умуртқали ҳайвонларда мускул толалари бириктирувчи тўқима қавати билан қопланиб айрим группани ташкил қиласиди, бунинг натижасида ҳар хил кучга эга бўлган мускуллар ҳосил бўлади. Ҳашаротларда мускул толалари бир-биридан алоҳида-алоҳида жойлашади. Мускул бойламларининг айрим бирикмалари умумий ёки алоҳида пайлар ёрдамида бирор нуқтага бирикади ва бундан еллигич ҳолида чиқиб, қарама-қарши томонларда жойлашган бир нечта нуқтага бирикади. Баъзан мускул бойламлари бир-бирига параллел ҳолда жойлашади (масалан, қанотларда), лекин бунда мускул толалари бириктирувчи тўқима



26-расм. Ипак құрты танасида мускулларнинг жойланиш схемасы.

туширувчи ва бошқаларга бүлинади. Қисқа мускуллари тана сегментларининг үсімталарни әгувчи ва букувчи, узатувчи, буруувчи, күттарувчи ташқи қаватдаги мускуллар томонидан амалға оширилади. Үрта қаватдаги қийшиқ мускуллар тананы ён томонларга әгади. Ички қаватдаги узунасига (бүйлама) кетган мускуллар бир сегментдан иккінчи сегментта үтади, яғни уларнинг учлари құшни сегментларда жойлашган нұқталарга бирикади; бу мускуллар қисқарғанда бир сегмент иккінчисига томон чүзилади; булар бир томонлама қисқарғанда құрт танаси бир томонға букилади. Қуртда ҳаммаси бўлиб 268 та кўндаланг, 168 та қийшиқ ва 110 та узунасига кетган мускуллар бор. Бир группа мускулларнинг иши, бошқа группа мускуллар иши билан боғлиқ бўлади.

Қуртнинг бош томонида бош ва унинг үсімталари, мўйлов,

қавати билан бирлашмайди, булар ҳам алоҳида жойлашади. Шундай қилиб, ҳашаротларда ҳар бир мускул толаси алоҳида мускул ҳисобланади.

Бир неча мускул толаларининг бир нұқтага бирикиши, уларнинг ҳамма орган ёки унинг айрим қисмига мускуллар таъсирини күчайтиради.

Тұғри чизиқ бўйлаб жойлашган мускул толалари пайлар орқали терининг икки қарама-қарши нұқтасига бирлашган. Пайларнинг учлари тери қопламининг ички қаватидан үтади ва кутикула (ташқи қават)га бирикади. Бу ерда у тери қавати билан бирга таянч-механик системасини ҳосил қиласы. Кутикула бу ерда умуртқали ҳайвонлардаги скелет каби вазифаны бажаради.

Қорин ва кўкрак бўғимларида уч қават: ташқи, ўрта ва ички мускуллар жойлашган. Ташқи қават кўндаланг мускуллардан, ўрта қават қийшиқ мускуллардан ва ички қават узунасига жойлашган мускуллардан иборат.

Мускуллар ўзининг фаолият характеристига қараб әгувчи, букувчи, узатувчи, буруувчи, күттарувчи

жағлар, остки лаб, пайпаслагичлар ва боңқаларни ҳаракатта келтирувчи мускуллар жойлашган. Ичакнинг бўйлама ва ҳалқали мускуллари ҳамда юрак билан боғлиқ бўлган мускуллар ҳақида юқорида айтиб ўтилган.

Мускулларнинг ишлаши нерв системаси фаолияти билан бевосита боғланган, шунинг учун мускулларда нерв учлари жуда кўп бўлади.

Мускуллар ишлаётган вақтда жуда кўп озиқ моддалари ва кислород талаб қиласди, бунинг оқибатида буларга кўп миқдордаги майдан нафас найчалари — трахеолалар туташади, булардан органларга кислород келади; бундан ташқари ҳар бир мускулга гемолимфа оқиб келади, бу гемолимфа таркибида ичак девори орқали кирган озиқ моддалари бўлади. Тўқималар деворида ёки ичидаги жойлашган мускулларга гемолимфадан келадиган озиқ моддалар бириктирувчи тўқима пардаси орқали ўтади.

Мускуллар нерв системаси орқали ҳосил бўлган қўзгалиш натижасида қисқаради ва бўшашади; бунинг натижасида мускулларда химиявий процесслар содир бўлиб, катта аҳамиятга эга бўлган энергия ажралиб чиқади.

Бу процессларнинг химиявий энергияси жуда катта тезлик билан механик энергияга айланади. Мускуллар механик ишни моддалар алмашинуви процесси маҳсулотларининг таъсирида мускул толаларининг оқсил структура ҳолатининг ва физик хоссасининг (механик) ўзгариши натижасида бажаради, яъни улардаги биохимиявий процессларда мускулларда бўладиган ва унга гемолимфа орқали келадиган органик моддаларнинг бой энергияси иштирок этади. Бундай моддаларнинг асосий турлари углеводлар ҳисобланади, углеводлар мускулларда гликоген ҳолида бўлади; гемолимфадан эса тригалоза ҳолида келади. Мускуллардаги гликоген запаси унча катта эмас, шунинг учун мускуллар тригалозасиз давомли ишлай олмайди.

Бу углевод моддаларидан ажралган энергия мускул ҳужай-раларининг оқсил моддаларига бевосита эмас, балки таркибида фосфор бўлган алоҳида бирикмалар, асосан, аденоzin, аденоzin уч фосфат кислота (АУФ) орқали таъсир этади.

Мускулларга келган нерв қўзгалиши таъсирида аденоzin уч фосфат кислота ферментатив парчаланади, бу парчаланиши маҳсулоти мускулнинг оқсил моддаларига таъсир этади ва структурасини ўзgartираади; бу эса уларнинг қисқаришига сабаб бўлади. Аденоzin уч фосфат кислотанинг қайтарилиш процесси натижасида мускуллар ёзилади; бунда углеводларнинг парчаланиши энергияси ҳисобига аденоzin уч фосфат кислота қолдигига мускуллар қисқарганда ажралиб чиқадиган фосфор кислота қайта бирикади. Таркибида фосфор бўлган бошқа бирикмалар ҳам қайтарилади.

Углевод бирикмалари икки формада дастлаб кислород иштирокисиз (анаэроб), сўнгра эса кислород иштироқида (аэроб)

парчаланади. Анаэроб парчаланиш мускуллар қисқарғанда содир бұллади ва гликогеннинг сут кислотага айланишдаги (гликогенолиз) реакция занжиридан иборат бұллади. Бу процесснинг асосий ахамияти шундаки, бунда мускулларнинг ишлаши учун зарур бўлган энергия ажралиб чиқади.

Аэропарчаланиш мускулларнинг бўшашиш (дам олиш) ҳолатига тўғри келади. Бунда кислород ютилади, бунинг ёрдамда сут кислота — бошлангич гликолитика қайтарилади. Бундай ўзгаришга сут кислотанинг бешдан тўрт қисми учрайди: қолган қисми эса сув ва углекислотагача оксидланади. Бунда ажралиб чиқсан энергия фақатгина мускуллар ичидаги бўлладиган процесслар учун сарф бўлмасдан, балки организмда бўладиган химиявий ўзгаришларга, ҳаракатланишга ва таңада иссиқликни сақлаб туришга хизмат қиласи.

Шундай қилиб, мускуллар фақатгина соғ механик иш бажармасдан, балки иссиқлик манбай бўлиб ҳам ҳисобланади. Иссиқлик энергияси синтезланган моддалар энергиясига айланади, бир қисми эса организм томонидан ташқи муҳитга чиқарив юборилади.

Гемолимфадаги углевод бирикмаларининг синтези қуртлар учун энг зарур синтез ҳисобланади. Юқорида эслатиб ўтилганидек, (қон айланиш бўлимига қаранг) гемолимфа моддалар алмашинуви учун оралиқ жой ҳисобланади. Озиқ билан кирувчи углеводли моддалар организмга етишмайди, шунинг учун гемолимфада оқсил моддалар — аминокислоталар кўп миқдорда бўллади. Парчаланишининг охирги маҳсулотидан углевод моддалар синтезланади. Бу синтез запас углеводларни эритувчи тригалоза ҳосил бўлгунча давом этади. Унинг миқдори қуртлик даврида (I ёшдан V ёшгacha) 8150 марта ошади, бу рақам синтетик процессларнинг гемолимфада жуда тез боришини ва мускуллар ишлаганда углевод бирикмаларига катта эҳтиёж сезишини кўрсатади.

### Контрол саволлар

1. Ҳайвонларда қандай иккита асосий тип мускуллар бўллади? Булардан қайси бири ҳашаротлар учун хос?
2. Қурт танаңы қисқарышини таъминловчи мускулларнинг тузилиши ва жойланышини баён қилинг.
3. Қурганинг бошида жойлашган мускуллар фаолиятини баён қилинг.
4. Мускуллардаги углевод бирикмаларининг парчаланиши қандай икки формада бўллади ҳамда у ёки бу формада мускуллар ҳолати қандай ўзгарамади?
5. Мускуллар ишлаётганда иссиқлик қандай ҳосил бўллади?

### Чиқарув органлари

Организмнинг ҳаёт фаолияти процессида ҳужайра ва тўқималарни ташкил этувчи моддаларнинг (улар алмашиниши натижасида) шу организмдан чиқарив юбориладиган бир қанча парчаланиш маҳсулотлари ҳамда энергетик бирикмалар — угле-

водлар ва ёғларнинг ажралиш (оксидланиш) маҳсулотлари ҳосил бўлади. Бундан ташқари, фойдаланилмаган озиқ моддаларнинг маълум миқдори организмда қолади ва улар гемолимфага тушади; бу моддалар ҳам бориб-бориб парчаланади ва улар ҳам ташқарига чиқариб юборилиши керак бўлади.

Ташқарига чиқариб юборилиши лозим бўлган моддаларнинг асосий қисми оқсил алмашинуви маҳсулотлари ҳисобланади. Бундан кейин оксидланиш процесслари маҳсулотлари — карбонат ангдирид ва сув, сўнгра минерал тузлар, фойдаланилмаган витаминалар ва пигментлар типидаги бошқа мураккаб бириклилар чиқарилади.

Оқсил алмашинуви маҳсулотлари, асосан, таркибида азот бўлган моддалардир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, организм ичида моддалар алмашинуvida қатнашувчи моддалар ё газ ҳолатида, ёки суюқ ҳолатда (эритмалар шаклида) бўлади. Парчаланиш процесслари вақтида ҳосил бўладиган оқсил алмашинуви маҳсулотларини, суюқ ҳолатда организмдан чиқариб юбориш учун жуда кўп сув сарфлаш керак бўлар эди. Ваҳоланки, ҳашаротларнинг сув ресурси жуда кам бўлиб, бошқа ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, уларга сув фақат озиқ таркибидагина киради. Тут ипак қуртларига фақат тут баргларидаги сувнинг ўзигина киради. Мосланиш процессида ҳашаротлар организмидаги азотли маҳсулотлар чиқаришнинг энг кам миқдор сув сарфланадиган формаси ҳосил бўлганлиги табиийdir. Сут эмизувчи ҳайвонларда таркибида азот бўлган бундай парчаланиш маҳсулотлари — амидлар мочевина (сийдик) тарзида ажралиб чиқади, бундай ҳол ҳашаротларда сув бўлган тақдирдагина мумкин, аммо ҳашаротларда бундай чиқариш формасига эга бўлиш имконияти йўқ ва уларда парчаланиш маҳсулотлари сийдикка эмас, балки сийдик кислотага айланади.

Сийдик кислота организмнинг ҳужайра ва тўқималаридан гемолимфага, ундан эса маҳсус чиқарув органларига — мальпигиев назаларига тушади. Гемолимфада кўп миқдор сийдик кислота бўлиши ҳашаротлар синфи учун характерли белги бўлиб, бу билан ҳашаротлар синфи бошқа умуртқасизлардан фарқ қиласи.

Сийдик кислота тўплана борган сари унинг концентрацияси ошиб боради, сийдик кислота, умуман, сувда яхши эримаслиги сабабли, ундан чўкинди — кислота кристаллари пайдо бўла бошлиди. Бу кристаллар ичакнинг орқа қисмида тўпланувчи, экспремент (ахлат) таркибида киради ва у билан бирга ҳашарот танасидан ташқарига чиқариб юборилади. Тут ипак қуртларидан таркибда азот бўлган парчаланиш маҳсулотларининг 85% дан ортиқроғи ана шундай йўл билан ташқарига чиқариб юборилади.

Мальпигиев назаларида ажралиб чиқадиган моддалар орасида сийдик кислотадан ташқари, кўпинча, кальций оксалат

кристаллари ҳам учрайли, булар ипак қуртлари озиғида таркибида кальций бор тузларнинг кўпайиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Тут ипак қуртлари организмидаги ҳосил бўлувчи кальций карбонат, кальций фосфат, натрий хлорид, аммоний ва бошқа анерганик бирикмалар ҳам худди ана шу йўл билан ташқарига чиқариб юборилади.

Мальпигиев найчалари олтида узун, ингичка найчалардан иборат бўлиб, улар ичакнинг ҳар бир ён томонига учтадан жойлашган. Бу найчалар тўғри ичак деворининг олдинги чегарасига яқин жойдаги ички қаватдан бошлациб, уларнинг боши берк (кўр) бўлади. Найчалар эгри-буғри ҳолда тўғри ичакнинг орқа чегарасигача боради, яна орқа томонга қайрилиб, ана шундай эгри-буғри ҳолда, энди ичак деворининг анчагина устки қавати бўйлаб, тўғри ичакнинг олдинги чегарасига келади ва шу ердан ташқарига чиқади. Шундан кейин йўғон ва ингичка ичаклар деворини майда эгри-буғри бўлиб қоплаб олган ҳолда, ўрта ичак бўйлаб кўкрак бўғимлари томон йўналади, бунда тўртта найча тананинг орқа (елка) томонидан, иккитаси эса қорин томонидан келади. Ўрта ичакнинг ўрта қисмларида, тахминан, қорин қисмининг учинчи-тўртйинчи бўғимлари бараварида найчалар орқа томонга қайрилади. Тананинг орқа томонидан келаётган тўртта найчанинг ўртадаги иккитаси бир оз берироқдан орқага қайрилади, шунинг учун ҳам улар ён томондан келаётган найчаларга қараганда калтароқ бўлиб кўринади. Тананинг бир ён томонидаги мальпигиев найчаларининг учтаси ингичка ичакка бориб, битта умумий калта йўлга (найга) қўшилади ва бу йўл сийдик пуфагига (қовуқقا) очилади. Тананинг ҳар қайси ён томонида биттадан иккита сийдик пуфаги калта йўллар (найлар) билан ингичка ичакка туташади. Мальпигиев найчаларининг деворлари йирик ҳужайралардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири найчалар кўндаланг кесими айланасининг ярмини эгаллайди. Ҳужайраларнинг тузилиши организмнинг ёшига, физиологик ҳолатига ва найчанинг қисмига қараб ўзгаради. Ипак қурти ёш вақтида ҳужайралар ядроси юмaloқ бўлади, кейинроқ бориб эса тармоқланган шаклга кира бошлайди. Ҳужайра протоплазмаси жуда мураккаб тўрсимон ёки катақ-катақ ҳолда тузилган ва пигментли доначалари бўлади, бунинг натижасида найчалар кўкиш товланадиган сарфиш-қўнғир ранга кўринади.


Мальпигиев найчаларининг фаолияти икки этапга бўлинади. Биринчи этапда таркибида сийдик кислота тузлари бўлган сувли эритмалар тана бўшлиғидан найчаларнинг орқа бўлими бўшлиғига сўрилади. Бу ердан сувли эритма найчанинг олдинги бўлимига ўтади. Йўлда, аввал сийдик кислотанинг ишқорли бирикмаларидан эркин сийдик кислота ажralиб чиқади. Олдинги бўлимида иккинчи этап ўтади: бунда эритмадан сув ажralиб чиқади ҳамда карбонат ишқорлар билан бирга шу бўлим деворларидан сўрилади ва яна қайтадан тана бўшлиғига ажralиб чи-

қади. Концентрланган эритмадан эса мальпигиев найчалари ёриғига сийдик кислота кристаллари чўқади, улар сийдик пуфаги томон ҳаракатланади ва бу ердан орқа ичакнинг ингичка ичагига тушади. Шу кристаллар билан бирга ингичка ичакка кальций оксалат ва суюқ ҳолатда ажралиб чиқсан бошқа маҳсулотлар ҳам тушади. Ингичка ва йўғон ичакларда бу маҳсулотлар батамом сувсизланади ва экскрементга кўшилиб кетади.

Мальпигиев найчаларининг олдинги ва орқа бўлимларида содир бўладиган процессларнинг ҳар хиллигига кўра, бу бўлимлар ҳужайраларининг фаолияти ҳам ҳар хил бўлади. Ажралиш процессида орқа бўлим ҳужайралари фақат суюқ таркибий қисмни беради, олдинги бўлим ҳужайралари эса сувни сўриб олиш ва кристаллик бирикмаларни ажратиб чиқариш хоссасига эга бўлади. Бундай кристаллик бирикмалар ҳужайраларда ва сийдик пуфагига туташадиган найчаларнинг паст томонга тушувчи шохчалари ёруғида айниқса кўп.

Найчаларда ажралиб чиқсан маҳсулотлар найчаларнинг деворлари ва ичакнинг орқа бўлими мускулларидағи босимнинг ичак деворларида жойлашган найчаларнинг уни берк томонига қараб босиши натижасида ичакнинг орқа бўлими томон сурилади.

Мальпигиев найчаларида ажралиб чиқадиган маҳсулотларнинг таркиби ва миқдори организм ривожланишининг ҳар хил стадияларида моддалар алмашинувини амалга оширишда содир бўлувчи биохимиявий процесслардаги сифат ва миқдорий ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Кичик ёшдаги ипак қуртининг мальпигиев найчаларида ажралиб чиқадиган моддалар таркибида сийдик кислотага қараганда кальций оксалат бирмунча кўп бўлади. Катта ёшдаги ипак қуртлари мальпигиев найчаларида ажралиб чиқадиган моддалар таркибида эса, аксинча, сийдик кислота кўп бўлади. Шундай бўлишига қарамай, кичик ёшдаги ипак қуртлари бешинчи ёшдаги ипак қуртига қараганда тирик вазн бўрлигига нисбатан икки марта ортиқ сийдик кислота ажратиб чиқаради. Бундай фарқлар бўлишининг сабаби шуки, бир томондан, ипак қурти озиғи таркиби ўзгараради, иккинчи томондан



27-расм. Мальпигиев найчалари (ўнг тармоғи); СП — суюқлик пуфакчasi (сийдик пуфакчasi); КИ — кетинги ичак.

эса, кичик ёшдаги ипак құртида, асосан, ўсиш ва күп энергия сарфлаш процесслари содир бўлади, бунда оқсил моддалари интенсив равишда парчаланади ва тўла фойдаланилади, натижада сийдик кислота кўринишидаги чиқинди күп ҳосил бўлади: бешинчи ёшда эса юқорида айтиб ўтилган процесслардан ташқари, оқсиллар шаклида ҳам, шунингдек синтез қилинган ёғлар шаклида ва қисман углеводлар шаклида ҳам запаслар (резервлар) тўпландади, бинобарин, чиқиндиларнинг солиширма миқдори ҳам камаяди. Буни қуидаги жадвалдаги маълумотлардан кўриш мумкин.

12-жадвал

**Тут ипак қуртининг ёшига қараб, у ажратиб чиқарадиган экскремент ва сийдик кислоталар миқдори**

| Ипак қуртларининг ёши  | Абсолют<br>куруқ экскремент-<br>нинг вазни,<br>(г ҳисоби-<br>да) | Сийдик<br>кислота<br>миқдори<br>(мг ҳисо-<br>бida) | Сийдик кислота миқ-<br>дори (1 кг тирик вазни-<br>га мг ҳисобида) |                  |
|------------------------|--|--|---|------------------|
|                        | 1000 дона  | куртга   | бир ёшда  | бир сут-<br>када |
| Биринчи ёш . . . . .   | 1,43   | 21,9   | 8,92  | 1,76             |
| Иккинчи ёш . . . . .   | 6,11   | 78,9   | 6,04  | 2,01             |
| Учинчи ёш . . . . .    | 50,98  | 393,6  | 4,84  | 11,21            |
| Тўртингчи ёш . . . . . | 230,50   | 1782,0   | 4,39  | 11,10            |
| Бешинчи ёш . . . . .   | 1675,42  | 11952,0  | 4,56  | 0,52             |


Тут ипак қурти организмида содир бўлувчи алмашинув процессларининг жуда тез бўлишини таққослаш натижаларидан кўриш мумкин: одам бир сутка мобайнода ўзининг ҳар килограмм оғирлигига нисбатан ўрта ҳисобда 0,18—0,23 г, ипак қурти эса бошқа бирикмалар кўринишида ажратиладиган, шу жумладан, пўст ташлаш вақтида чиқадиган суюқликларни ҳисобга олмагандан 0,17—0,64 г азот ажратиб чиқаради.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, мальпигиев найчаларига тушадиган парчаланиш маҳсулотларининг ҳаммасини ҳам бу найчалар ажратиб чиқаравермайди, уларнинг бир қисми тўпланиб қолади ва фақат пўст ташлаш вақтидагина чиқариб юборилиади, шундан кейин найчалар тиниқ бўлиб қолади.

Мальпигиев найчалари ажратиб чиқарган бу маҳсулотлар олдин орқа ичакдаги эски ва янги кутикула қаватлари оралифидаги бўшлиққа тушади, бу ердан эса тери қопламига ўтади, ана шу жойда пўст ташлаш вақтида ҳосил бўладиган суюқлик билан аралашади ва эски терининг ажралишига ёрдам беради.

Оқсил алмашинуви маҳсулотлари фақат мальпигиев найчалари орқалигина ажралиб чиқмайди, бошқа орган — ёф таначаси орқали ҳам ажралиб чиқади. Бу орган фақат гемолимфадан сий-

дик кислота ажратиб чиқарувчи орган бўлиб қолмай, балки уни алмашинув маҳсулотларидан синтез қўлувчи ҳамdir. Оқсил алмашинуви маҳсулотларининг бир қисми пигментлар ҳамда бошқа қўшилмалар кўринишида тери қопламида тўпланади ва организмда содир бўлувчи ҳар қандай химиявий процесслардан ажралиб қолади; бир қисми эса ички органларда тўпланади, шу жиҳатдан бу органларнинг энг муҳими ёғ таначаси ҳисобланади. Ёғ таначасида ҳар хил моддалар тўпланишига олиб келувчи энг мураккаб химиявий процесслар содир бўлади. Бу орган организмнинг ўзига хос омборхонаси бўлиб, бу жойда озиқ моддалар запаси ҳамда бирор сабаб билан мальпигиев найчалари чиқариб юбормаган ва организмга энди керак бўлмайдиган ҳамда организмнинг фаолиятсиз қисмлари, масалан, тери қопламига ҳам кирмаган ҳаёт фаолияти маҳсулотлари тўпланади. Ёғ таначасини тартибга солувчи орган деб ҳисоблаш ҳам мумкин, чунки бу орган ўзидан гемолимфани ўтказаётib, ундаги барча ортиқча нарсаларни, ҳатто, келажакда (озиқланиш процесси тўхтаган — фумбаклик ва капалаклик стадияларида) керак бўладиган ва энди керак бўлмайдиган, аммо бошқа йўллар билан чиқариб юборилмаган маҳсулотларни чиқариб юборади. Шундай қилиб, ёғ таначасининг асосий функцияси — ҳашаротнинг келажакдаги озиқланмайдиган стадиялари учун озиқ моддалар запасини тўплашдан иборат. Озиқ моддалар запаси оддий механик йўл билан тўпламайди, балки гемолимфадан ажратиб олинган моддаларнинг мураккаб ўзгариши натижасида тўпланади (гемолимфа тарикибида парчаланган оқсиllар, углеводлар ва ёғлар борлиги юқорида айтиб ўтилган эди); бу моддалар оқсиllар, углеводлар ва, айниқса, ёғлар ҳашарот организмидаги содир бўладиган моддалар алмашинуви типига мувофиқ келадиган шаклларда бўлади. Ана шу ўзгаришлар вақтида баъзи чиқиндилар, асосан, сут кислота кўринишидаги чиқиндилар ҳосил бўлади, аммо бу сут кислота гемолимфадан ажратиб олинганда анчагина ортиқ чиқади. Ёғ таначаси бошқа органлар ва тўқималарда ассимиляция қилиниши лозим бўлган моддаларнинг гемолимфадаги миқдорини ва диссимиляция маҳсулотларини (гемолимфани ҳар қандай ортиқча нарсадан тозалаб туриб) контрол қилиб туради, деб тахмин қилиш мумкин. Бунинг натижасида, бир томондан, озиқ запаслари кўпаяди, иккинчи томондан эса парчаланиш маҳсулотлари тўпланади. Ёғ таначасининг фаолияти ипак қуртининг фумбаклик стадиясида айниқса муҳим бўлиб қолади. Ёғ таначаси гемолимфадаги озиқ моддалар миқдорини контрол қилиши билан бир қаторда озиқ келишининг тўхтаб қолиши сабабли озиқ моддаларнинг камайиб кетишини ҳам тартибга солиб туради, бунда гемолимфага тўпланиб қолган запасларни бера бошлиайди, шу билан озиқ моддаларнинг зарурий миқдорини таъмин эради. Иккинчи томондан, ипак қуртларининг фумбаклик стадиясида мальпигиев найчаларининг фаолияти тўхтаб қолади ва ге-



28-расм. Ёғ танаасы:

*A* — тут ипак күрти танаасининг күндалаңг кесигида ташқи (1) ва ички (2) ёғ танаачаларининг жойлашуві; 3 — ичагы; *B* — ички ва *C* — ташқи ёғ танаачаларининг ҳужайралары.

молимфани парчаланиш маҳсулотларидан тозалаш функцияси деярли бутунлай ёғ танаасы зымасига тушади; парчаланиш маҳсулотлари ҳам маҳсус ҳужайра ичи құшилмалари — сийдик кислота тузлари — уратлар шаклида тұпланади. Ёғ танаасы умумий бүшлиққа жойлашган ва бүғимларга бўлинмаган ҳолда барча органлар оралиғидаги бүшлиқларни тұлдириб туради. Ёғ танаасы сарғыш товланадиган оқ рангли аниқ шакли бўлмаган, пластинкасизмон ёки лента шаклида тұпланган парракчаларга үхаш ҳужайралардан иборатdir. Ичакка яқин жойлашган парракчалар тузилиш жиҳатидан ташқи қопламларга ёндашиб турувчи парракчалардан фарқ қиласы. Ичакка яқин жойлашган парракчаларнинг ҳужайралари майда, кичкинагина, юмалоқ, ядроли бўлади, ташқи қопламларга ёндашиб турувчи парракчаларнинг ҳужайралари эса йирикроқ, ядролари анчагина катта, ҳар томонға тармоқ отган, протоплазмаси донадор тузилған. Ёғ танаасининг бу ташқи парракчаларининг ўзи асосий трахея стволи бўйлаб ётувчи пайлар шаклига үхаш кетади ва ранги анчагина сариқ бўлади. Шу муносабат билан ёғ танаасы ташқи ва ички қисмларга бўлинади.

Ҳашарот ўсган сари ёғ танаасы ҳужайраларининг кенгайиши ҳисобига ҳам, уларнинг кўпаюви ҳисобига ҳам катталашади. Ёғ танаасида тұпланадиган моддалар ҳужайралар протоплазмасида ёғ томчилари, оқсил доначалари ва гликоген (запас углевод мөдда) шаклида парчаланиш маҳсулотлари эса уратлар ҳолида йиғилади. Ёғ танаасининг ички қисми, асосан, озиқ запасини тұплайды, ташқи қисми эса кўпроқ ажратиб чиқаришга мослашып: гемолимфани сийдик кислотадан ажратади, бу қисм ички

секреция органи функциясини ҳам бажариши эҳтимолдан холи эмас.

Метаморфоз вақтида ёғ танаачаси гемолимфада эркин сузиб юрувчи алоҳида ҳужайраларга парчаланиб кетади.

Версонов безлари ҳам баъзи ажратиб чиқариш функцияларини бажаради, бу безлар ҳақида биз ипак қуртининг пўст ташлашига оид материални баён этган вақтда тўхтаб ўтган эдик.

Тана ва бош қисмларнинг қопламлари ҳамда ички органлар — ичак, трахея системаси қопламлари ҳам ажратиб чиқариш формаси ҳисобланади. Булар диссимляция процесслари натижасида ҳосил бўлади, уларга ранг бериб турувчи пигментлар эса оқсил парчаланиши маҳсулотларидир. Буларнинг ҳаммаси ипак қуртлари пўст ташлаш вақтида ташқарига чиқариб юборилади.

### *Контрол саволлар*

1. Моддалар алмашинуви процесслари натижасида ипак қуртлари организмида қандай парчаланиш маҳсулотлари ҳосил бўлади?

2. Парчаланиш маҳсулотлари ипак қурти танаасида қандай кўринишда бўлади? Бу маҳсулотларнинг кристалик шакллари ҳосил бўлишига сабаб нима?


3. Парчаланиш маҳсулотларининг ташқарига чиқариб юборилиш йўлларини айтиб беринг.

4. Мальпигиев найчаларининг тузилиши ва фаолияти; мальпигиев найчаларидаги тўпланган парчаланиш маҳсулотлари қандай йўллар билан ташқарига чиқариб юборилади?

### *Ипак ажратувчи безлар*

Ипак ҳосил бўлиши ва унинг ажralиб чиқиши тут ипак қуртларидаги оқсил алмашинуви процессининг фоят катта қисмидир: ипак ишлаб бериш учун ипак қурти танаасидаги жуда кўп оқсил ва кўп миқдор энергия сарф бўлиши керак. Гумбакнинг вазни одатда ипак қурти вазнининг ярмичасини ташкил этиши ҳисоблаб чиқилган. 12% гача қуруқ модда ва 13% энергия пилла ўраш учун сарф бўлади. Ипак ҳосил қилиш — ипак қуртининг ривожланиш давридаги фаолиятсиз ва ҳимоясиз стадиясида (гумбаклик стадиясида) қулай шароит вужудга келадиган маҳсус ажратиш фаолиятидир. Бу фаолият организмнинг ташки мухитга ниҳоятда мосланишидан иборат, чунки бунинг натижасида бу стадиядан олдинги стадия учун мўлжалланган моддалар алмашинуви шу стадияда бўлиб ўтади, яъни гумбаклик стадиясидан олдин ипак ажralиб чиқади. Хонакилаштирилган ипак қуртлари жуда кўп ипак ажратади, бу узоқ вақт олиб борилган танлаш ишлари натижасидир; хонакилаштирилмаган ипак қуртлари анчагина кам ипак ажратади.

Ипак — маҳсус без ажратиб чиқарадиган қуюқ, чўзилувчан сурʼукларидир. Ипак ажратувчи без келиб чиқиш жиҳатидан сўлак беларининг шакли ўзгарган иккинчи жуфтидир.



29-расм. Ипак чиқарувчи без:

1 — тоқ ипак чиқарувчи йүл; 2 — лиопе бези; 3 — биринчи ипак чиқарувчи йүл; 4 — суюқлик пуфакчаси (резервуар); 5 — ипак чиқарувчи (фибрек ажратиб чиқарувчи) бўлим.

Ипак ажратувчи без — жуфт найсимон орган бўлиб, деярли тиниқ, шишасимон жуда очиқ каҳрабо (оч сариқ), баъзан яшилроқ рангли бўлади. Бу без қурт танаси бўшлигининг икки ёнида ва ичакнинг ўрта йўлидан салгина пастроқда жойлашган, фақат умумий ҳажми жиҳатидан ундан салгина кичикроқдир. Безнинг ҳар бир томони ипак ажратувчи бўлим билан бошланади, ундан кейин суюқлик пуфаги келади, суюқлик пуфагидан суюқлик йўллари кетади, бу йўллар пастки лабга жойлашган ипак ажратувчи тоқ найчага бориб қўшилади ва шу ерга келиб тугайди.

Ипак ажратувчи бўлим ипак қурти қорин қисмининг олтинчи бўғимидан бошланади ва нисбатан ингичка эгри-буғри найчадан иборат бўлади. Бу бўлим безнинг энг узун қисми бўлиб, ипак қурти бешинчи ёш охирига етганда жуда узайиб кетади; эгри-буғри жойларининг оралиғи ҳам шунга мувафиқ равишда узаяди, унинг эгиклари қорин қисмининг еттинчи ва саккизинчи бўғимларига бориб киради. Қориннинг тўртинчи ёки бешинчи бўғимида ипак ажратувчи бўлимнинг олд қисми кенгая бошлайди ва безнинг энг йўғон қисмига — суюқлик пуфакчасига айланади. Суюқлик пуфакчаси икки жойидан кескин қайрилган бўлиб бир-бирига

параллел жойлашган учта тирсак (бурилиш) ҳосил қиласди. Иккинчи (ўртадаги) тирсак қолган иккитасига қараганда бир оз узунроқ ва йўғонроқ бўлади. Биринчи ва иккинчи тирсаклар оралиғидаги эгик биринчи ёшдаги ипак қуртлари қорин қисмининг иккинчи бўғимида бўлади. Бешинчи ёшда ўсиб кетган безда у кўкрак қисмининг иккинчи бўғимига кўчади. Иккинчи ва учинчи тирсаклар оралиғидаги иккинчи эгик биринчи ёшдаги ипак қуртлари қорин қисмининг, учинчи бўғимида, бешинчи ёшдаги қуртларнинг эса олтинчи бўғимига жойлашган. Шундай қилиб, биринчи ёшдаги қуртларда суюқлик пуфаги ўртадаги тирсагининг бўйи бир бўғим узунлигича қисқаради, бешинчи ёшдаги қуртларда эса етти бўғими эгаллайди; бешинчи ёшдаги қуртларда ўрта тирсакнинг йўғонлиги 5 м м га ётади.

Учинчи тирсак, аста-секин ингичкаланиб бориб, жуфт чиқарув безининг энг ингичка қисми — жуфт йўлга айланади: унинг йўғонлиги бешинчи ёшдаги қуртларда 0,2—0,3 м, яъни суюқлик пуфагидан 15 марта ингичка бўлади. Жуфт чиқарув йўлининг найчалари биринчи ёшдаги қуртларда тўғри чизик бўйлаб ётади;


бешинчи ёшдағи құртларда эса ҳалқа-ҳалқа бўлиб буралади; булар қорин қисменинг иккичи ёки учинчи бўғимларидан бошланиб, бош бўшлиғида тугайди, бу ерда улар битта тоқ йўлга қўшилади, бу йўл бутунлай бошга жойлашган бўлиб, ўз навбатида уч бўлимдан: орқа, ипак сиқиб берувчи ва олдинги бўлимлардан иборат бўлади. Орқа бўлим жуфт йўллар қўшилган ердан бошланауда ва найчага ўхшаган бўлади: ипак сиқиб ўтувчи бўлим маҳсус прессловчи органдир; олдинги бўлим ҳам найчадан иборат бўлиб, бу найча пастки лабга жойлашган конуссимон дўмбоқчадаги — ипак ажратиш найчадаги тешик билан тамомланади.

Ипак ажратувчи безнинг бўйи бешинчи ёшда жуда ўсиб кетади, серҳосил зотларда бу безнинг бўйи ипак қуртининг бўйидан деярли беш марта узун бўлади ва 35 см га, оғирлиги эса 1,7 г га етади.

Ипак ажратувчи безнинг ўлчами бирор зот қурт пилла үраш вақтида ажратиб чиқарадиган ипакнинг миқдорига тўғри келади. Серҳосил зот қуртларнинг безига қараганда иккى мартадан зиёдроқ йирик бўлади. Уларда ипак ажратувчи бўлим айниқса яхши ривожланган бўлиб, серҳосил зот қуртларда камҳосил зот қуртларникуга қараганда 3,3 марта узун ва 6 марта оғир бўлади.

Ипак ажратувчи безлар ҳар бир бўлимнинг (ипак ажратувчи, суюқлик пуфаги ва жуфт ҳамда тоқ чиқарув йўлларининг) узунлиги ўрта ҳисобда қўйидагича нисбатда бўлади:  $6 : 2\frac{1}{2} : 1$ .

Қуртлар ўсган сари ипак ажратувчи без ҳам катталашиб боради, аммо дастлабки тўрт ёшда ўсиш билан катталашиш бир меъёрда борса, бешинчи ёшга бориб, безнинг бўлимлари ривожланишида бирдан кескин ўзгариш рўй берадики, буни қўйидаги жадвалда келтирилган маълумотлардан яқъол кўриш мумкин.



30-расм. Сиқувчи аппарат найчаси (ипак чиқарувчи безнинг сиқувчи аппарат найчаси):

иҷн — ипак чиқариши найчаси; иҷн — ипак ажратиш найчаси; чй — лионе безнинг ипак чиқариши йўли; лб — лионе бези; ит — сиқувчи аппарат найчасида қисилиб қолган ипак томчиси; тий — тоқ ипак чиқарувчи йўл; нбж — найчанинг баланд жойи; нкж — найчанинг кенг жойи; м — мускуллар.

Ипак ажратувчи безнинг ўлчами бирор зот қурт пилла

ўраш вақтида ажратиб чиқарадиган ипакнинг миқдорига тўғри

келади. Серҳосил зот қуртларнинг безига қараганда иккى мартадан зиёдроқ йирик бўлади.

Уларда ипак ажратувчи бўлим айниқса яхши ривожланган бўлиб,

серҳосил зот қуртларда камҳосил зот қуртларникуга қараганда 3,3 марта узун ва 6 марта оғир бўлади.

Ипак ажратувчи безлар ҳар бир бўлимнинг (ипак ажратувчи,

суюқлик пуфаги ва жуфт ҳамда тоқ чиқарув йўлларининг)

узунлиги ўрта ҳисобда қўйидагича нисбатда бўлади:  $6 : 2\frac{1}{2} : 1$ .

Қуртлар ўсган сари ипак ажратувчи без ҳам катталашиб боради,

аммо дастлабки тўрт ёшда ўсиш билан катталашиш бир

меъёрда борса, бешинчи ёшга бориб, безнинг бўлимлари ри-

вожланишида бирдан кескин ўзгариш рўй берадики, буни қўйи-

даги жадвалда келтирилган маълумотлардан яқъол кўриш

мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ипак ажратувчи бўлимнинг ўлчами жуда ҳам катталашиб кетар экан. Ипак ажратувчи бўлимнинг ҳажми учинчи ёшда атиги 0,15 *мм*, тўртинчи ёшда

13-жадвал

**Қуртларнинг ёшига қараб ипак ажратувчи без ўлчамларининг катталашуви (*мм* ҳисобида)**

|   | Қуртларнинг ёши |              |              |               |               |                |
|---|-----------------|--------------|--------------|---------------|---------------|----------------|
|   | биринчи         | иккинчи      | учинчи       | тўртинчи      | бешинчи       |                |
|   |                 |              |              |               | боши          | охирни         |
| Жуфт чиқарув йўли бўйи (узунлиги)<br>эни (кенглиги) . . . . . | 1,90<br>0,02    | 3,70<br>0,04 | 5,10<br>0,09 | 19,1<br>0,15  | 28,1<br>0,27  | 27,90<br>0,21  |
| Суюқлик пуфагининг бўйи . . . . .<br>эни . . . . .            | 1,50<br>0,06    | 2,30<br>0,20 | 3,70<br>0,23 | 9,10<br>0,56  | 19,70<br>1,10 | 64,00<br>4,80  |
| Ипак ажратувчи бўлим бўйи . . . . .<br>эни . . . . .          | 2,10<br>0,03    | 3,70<br>0,09 | 0,10<br>0,15 | 19,00<br>0,27 | 62,00<br>0,40 | 172,00<br>1,34 |


1,09 *мм*, бешинчи ёшнинг бошида 7,8 *мм* бўлади, бешинчи ёшнинг охирига бориб эса у бирдан катталашиб кетади ва деярли 250 *мм* га етади. Бошқача қилиб айтганда, ипак ажратувчи бўлим тўртинчи ёшда учинчи ёшдагига қараганда тахминан, етти марта, бешинчи ёш бошида ҳам тўртинчи ёшдагига қараганда етти марта, бешинчи ёш давомида эса ўттиз бир марта катталашиб кетади. Буларнинг ҳаммаси ипак қурти ҳаётининг охираша организм фаолияти цилла ўраш учун зарур бўлган кўп ипак запасини тўплашга қаратилишидан, ипак ажратувчи бўлимнинг жуда катталашиб кетиши эса пилла ўраш процессида ипак қурти танасидаги оқсил бирикмалари ҳисобига мўл ипак ишлаб чиқариш имкониятини беришидан далолат беради.

Ипак ажратувчи без бир неча мускул ёрдамида тана бўшлиғига бириккан. Қорин қисмининг иккинчи бўғимида бир тутам мускул бўлиб, улар бўғим тери қопламининг олдинги қисмидан чиқади ва уч қисмга бўлиниб, суюқлик пуфагининг олдинги, ўрта ҳамда кейинги қисмларига келиб бирикади. Тери қопламидан чиқувчи мускул тутамининг асосий қисми қорин қисмининг олтинчи бўғимида ичакка бирикади, мускулнинг бир тармоғи ипак ажратувчи бўлимнинг олдинги қисмига, бошқа бир тармоғи эса ипак ажратувчи бўлимнинг ҳар иккала қисмини ҳам ичакка, ҳам тана деворига бириктирган ҳолда унинг орқа қисмига келиб бирикади. Ипак ажратувчи бўлимнинг охри махсус мускул ёрдамида олтинчи бўғимга бириккан бўлиб, ипак қуртининг ҳамма ёши мобайнида бу бўғимда қолади.

Ипак ҳосил бўлиш процессининг интенсив равища бориши организмга кўп кислород кириб турчшини талаб этади. Бешинчи ёшдаги қуртларнинг ипак ажратувчи бези, айниқса, қорин томондан жуда кўп трахеялар билан таъминланган бўлади. Суюқлик

пуфагига тұртинги ва бешинчи жуфт нафас тешикларидан чиқадыган трахеяларнинг тармоқлари, ипак ажратувчى бўлимга эса бешинчи, олтинчи ва еттинчи жуфт нафас тешикларидан чиқадыган трахеяларнинг тармоқлари келади.

Ипак ажратувчи безнинг девори қўйидагича тузилган. Без сирт томонидан қобиқ функциясини ўтай оладиган пишиқ ва эластик юпқа парда билан қопланган. Бундан кейин безли ҳужайралар қавати келади. Булар жуда йирик ҳужайралар бўлиб, суюқлик пуфагида уларнинг узунлиги 3,75  $мм$  га етади. Бу ҳужайраларнинг яна бир хусусияти — уларнинг ядролари жуда ҳам тармоқланиб кетганлигидир, бу нарса ҳужайраларнинг ипак ажратиб чиқариш фаолияти билан боғлиқ. Ҳужайралар шакл жиҳатидан олти қиррали геометрик жисмларга ўшаб кетади. Ҳар бир ҳужайра ташқи томонга қайрилган ва ички томони ботиқ бўлиб, безнинг ярим айланасини қоплаб туради. Агар бездан кўндаланг кесик тайёрлаб уни микроскопда кўрсак иккита ҳужайрани кўрамиз — уларнинг бири безнинг қалин ҳалқасимон деворининг юқориги, иккинчиси эса пастки ярмини ташкил этади. Безнинг ўрта қисмида ёруғлик (йўл) ҳосил бўлади, бу безнинг найчаси ҳисобланади; безли ҳужайралар ажратиб чиқарган маҳсулотлар ана шу найчаларга тушиб тўпланади. Ҳужайралар аж-



31-расм. Ипак ажратувчи безнинг тузилиши.

*A* — кўндаланг кесиги; ташқи эпителий олди пардаси (1), безли эпителийнинг бир-бирига қарама-қарши жойлашган иккита ҳужайраси билан ядро гаррачалари (2 ға 3) шу ҳужайраларнинг кўндаланг кесиклар ички чети (4) без найчаси йўнидаги ипак масаси; *B* — безли эпителий ҳужайралаги инг ўро жойлашуги; *C* — безли эпителийнинг ярим ҳужайраси ва ядронинг ипсимон бўлакчалари; *G* — ипак чиқарувчи безнинг олд томондаги мускули, бу мускул фибронин бўлимининг орқа учидан чиқади.

ратиб чиқарадиган маҳсулотларнинг асосий тўпланиш жойи суюқлик пуфагидир (шунинг учун ҳам бу орган резервуар деб аталади). Безнинг ўрта қисмидан ўтадиган канал (найча) спиралсимон йўғонлашган хитин кутикула билан қопланган. Кутикуланинг ҳамма жойидан жуда майданайчалар кетган бўлиб, булар орқали ҳужайралар ажратиб чиқарган маҳсулотлар асосий (марказий) найчага ўтади. Бироқ ипак чиқарувчи йўлларда кутикула бирмунча бошқачароқ тузилган ва ундан ипак массаси ўта олмайди.

Қурт ўсган сари без ҳам катталашади, аммо бунда без ҳужайралар сонининг кўпайиши ҳисобига эмас, балки ҳужайралар ўлчамининг йириклиашуви натижасида катталашади, шунинг учун ҳам улар биз юқорида айтиб ўтганимиздек жуда катталашиб кетади. Ҳужайралар ўсиши билан бирга уларнинг ядролари ҳам сертармоқ бўла боради, ҳужайралари ипак ажратувчи бўлимникига қараганда анчагина йирик бўлган суюқлик пуфагида ядролар жуда ҳам тармоқланиб кетади. Бу вақтда майин дона-дор протоплазманинг вакуоллар сони кўп бўлади, бу, ҳужайраларнинг актив равишда ипак ажратиб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлса керак.

Тоқ чиқарув йўлининг ўрта қисмida сиқувчи аппарат бўлади.

Сиқувчи аппарат атрофида ипак чиқарув йўлининг девори йўғонлашган ва орқа томондан каналга тақалиб турган бўлади, бунинг натижасида канал дуга — ёйсимон шаклга киради, бунда унинг ботиқ томони юқорига қараган бўлади. Деворининг юқориги ва пастки қисмлари айниқса йўғонлашгандир.

Ипак қуртининг орқа томонидан юқорига, ёнга ва пастга томон уч жуфт кучли мускул чиқади, бу мускулларнинг иккинчи учи тери қопламишининг ички сиртига бириккан бўлади. Мускуллар қисқарганда сиқувчи аппаратнинг орқа қисми салгина кўтарилади, бунда каналнинг йўли катталашади, мускуллар бўшашганда эса орқа қисм пастга тушади ва каналнинг йўли тораяди.

Сиқувчи аппарат ёрдамида ипак қурти пилла ўраш учун чиқарадиган ипакнинг йўғон-ингичкалигини, маълум даражада бошқариб туриши, кичкина ёшлиарида сўкчаклардан тушиб кетган вақтда унга илашиб, осилиб қолиши мумкин.

Жуфт ипак ўтказувчи йўлларининг битта тоқ ипак ўтказувчи йўлига қўшилиш жойида орқа томондан унга иккита шингилсизмон кичкина безнинг чиқарув йўллари очилади, бу безлар бош бўшлигининг пастки қисмига жойлашган бўлиб, улар лионе безлари деб аталади. Бу безларнинг функцияси ҳали аниқ маълум эмас.

Ипак қурти ажратадиган пилла ипаги икки толадан иборат бўлиб, бу толалар бир-бири билан бир текисда ва жуда пухта бириккандир. Ҳар бир ипак толаси чин ипак — фибронидан ва фибронини юпқа қатлам бўлиб ўраб турувчи ёпишқоқ модда — серициндан иборат. Ипак толасида (вазн жиҳатдан) 70—80%

фибронин ва 20—30% серицин бор. Фибронинни ўраб турувчи қаватда серициндан ташқари жуда оз миқдорда минерал ва мумсимвон моддалар, пигментлар ҳамда бошқа маҳсулотлар бўлиб, улар ҳамма ипак вазнининг 2,5—3,5% ини ташкил этади. Бу моддалар (серицин ҳам) одатда битта умумий ном билан «қайнатилганда йўқоладиган моддалар» деб юритилиб, ипак тортиш вақтида эриб кетмайдиган фибронин ва баъзи пигментлардан фарқ қиласиди.

Фибронин — табиий юқори молекуляр оқсили биримга бўлиб, таркибида 48—49% углерод, 6,4—6,5% водород, 17,35—18,89% азот ва 26—28% кислород бор; фиброниннинг молекуляр оғирлиги 217700. Бу таркибида олтингугурт бўлмаган, унча кўп учрамайдиган оқсили жисмлардан биридир.

Фиброниннинг мураккаб молекуласи занжирдан иборат бўлиб, 2592 аминокислота қолдиқларидан — звенолардан тузилган. Фибронин молекуласининг тузилишида табиий оқсили жисмлар таркибига киравчи деярли ҳамма аминокислоталар қатнашади, аммо унинг асосий массасини глицин (40—44%), аланин (25—26,5%) ва тирозин (11—13%) ташкил этади. Бу аминокислоталар занжири жуда узун бўлиб, 0,9 микронгача етади. Алоҳида молекулалар боғламларга бирлашади (ҳар бирида 600 гача занжир бўлади). Бундай боғламлар — мицеллаларни электрон микроскопда кўрса ҳам бўлади. Мицеллалар, ўз навбатида, фибриллаларга (толаларга) бирлашади. Ипакни одатдаги микроскопда қараб, унинг шундай фибриллалардан тузилганлигини кўриш мумкин. Ипак жуфт ўтказувчи йўллардан ўтаётганда унинг ҳамма мицеллалари ҳам ипнинг бўйлама ўқига параллел ҳолда жойлашган бўлавермайди; бунинг сабаби ипак массанинг суюқ ҳолатда бўлишидир; ипак масса чўзилиб борган сари, айниқса, сиқувчи аппаратдан ўтгандан кейин, мицеллаларнинг жойлашиш ҳолати тартубга тушади ва уларнинг кўп қисми тола ўқи бўйлаб жойлашади, бу эса ипак толасининг юксак механик хоссаларини ошириб боради.

Фибронин узилмаслиги, жуда пишиқ ва эластиклиги, спиртда, эфирда ва бошқа эритувчиларда эримаслиги, ишқор ҳамда кислоталарга нисбатан чидамлилиги, чиримаслиги билан ажralиб туради. Фибронин сувда эримайди, аммо ўз структурасини ўзгартирган ҳолда бўкади. Фиброниннинг физик ва химиявий хоссалари ипакдан тайёрланган тўқимачилик ҳамда техника буюмларининг ниҳоятда пишиқ, эластик, гигроскопик чидамли, ялтироқ, широйли бўлишига ва бошқа бир қанча фойдали сифатларига сабаб бўлади.

Серицин ҳам аминокислоталардан иборат оқсили моддадир, аммо унинг таркиби фиброниндан анчагина фарқ қиласиди: бу асосан, серин (25—35%), аспарагин кислота (13—18%), глутамин кислота (10% гача) ва глицин (11% гача)дан иборатдир. Серицин ўз молекуласининг тузилиши билан фиброниндан яна

ҳам күпроқ фарқ қиласы: унинг молекуласи глобуляр (шарсимон) шаклда бұлады, бунда аминокислоталар занжирларининг мицеллаларини фибриллалар әмас, балки глобулалар ҳосил қиласы, бундай ҳол, умуман, сувда әрувчан оқсиллар учун хосдир. Серициннинг глобуляр тузилиши унинг күпгина хоссаларини белгилаб беради: даставвал у жуда ҳам гигроскопик, құзилувчан, ёпишқоқ, сувда әриш қобилятига әга бұлади. Бироқ бу хоссалар ташқи муҳиттинг бир қатор факторлари: температура, намлиқ, ёруғлик, вақт ва ҳоказолар таъсирида жуда үзгариб кетади. Масалан, юқори температура таъсирида (бу нарса пиллаларни қиздирілген ҳаво билан құритишиң вақтида содир бұлади) серицин сувда әрувчанлық хоссасини анчагина йүқтөтади, ёпишқоқлық хоссаси ортиб кетиб, бұкиш хоссаси камайиб қолади. Бұларнинг ҳаммаси серициннинг иккита — А ва Б ҳолати бор деб ҳисоблашша асос бўлди. Биринчи ҳолат — серициннинг А ҳолати, асосан, ҳозиргина ажralиб чиққан янги серицинга хос бўлиб серициннинг иккичи — Б ҳолати, юқорида айтиб ўтилган факторлар таъсирида серициннинг А ҳолатидан ҳосил бўлса керак. Бироқ Б серицин — фақат янги ўралган пилладагина әмас, балки ипак ажратувчи безнинг суюқлик пуфагидан ҳам топилган; А серициннинг Б серицинга айланыш процесси без ҳужайралари серицин ажратиб чиқарган вақтдан бошланса, ташқи муҳиттинг нокулай шароити эса у процессли анчагина тезлаштиrsa керак.

Умуман, шундай холосага келиш мумкин: серицин беқарор бирикма, унинг физик ва химиявий хоссалари, айниқса, пиллаларни буғлаш ва құритиши ҳамда ипак тортиши олдидан уларни буғлаш натижасида үзгариб кетади. Серицин рангсиз, ҳидсиз, тамсиз модда бўлиб, спиртда, эфирда ацетонда ва бошқа шунга ўхшаш әритмаларда әrimайди; сувдан ташқари, ишқор ва кислоталарнинг сувли әритмасида әрийди. Сув серициннинг бирдан-бир нейтрал әритувчиси ҳисобланади; серициннинг әриш температураси 70—80° дир.

Серицин тут ипак құртинг биологиясида ҳам ипак толаси олишнинг технологик процессларида ҳам, тұқымачилик ва техника буюмлари тайёрлашда ҳам жуда катта роль үйнайды. Таркибida серицин борлиги туфайли пилла қобиғи ипак құрт ғумбагини механик ҳимоя қилибгина қолмай, балки пилла ичидаги температура ва намлиқни тартибга солиб туриш функциясины ҳам бажаради. Серицин бўккан вақтда унинг ҳажми каталашади, бинобарин, пилла тешниклари тораяди ёки кенгаяди, бунда пилла бўшлиғига (ичига) ташқи ҳаво кириши тартибга солинади. Серицин сув буғларини ютган вақтида бир оз миқдор иссиқлик чиқаради, бу эса пилла ичидаги температурага таъсир этади ва, аксинча серицин ютган сув буғларининг бир қисмиси чиқарыб, пилла ичидаги ҳаводан бир қисм иссиқликни олади ва бу билан унинг температурасини пасайтиради. Серициннинг барча хоссаларининг комплекс равишда намоён бўлиши натижаси-

да пилла ичидаги ҳавонинг температураси ва, айниқса, намлиги тартибга солиниб туради. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ташқи ҳаво температураси  $14-15^{\circ}$  бўлганда пилла ичидаги ҳавонинг температураси  $17-18^{\circ}$ , ташқарида  $27-28^{\circ}$  бўлганда пилла ичидаги  $24-25^{\circ}$ , ҳатто, ташқи ҳаво температураси  $31^{\circ}$  бўлганда пилла ичидаги температура фақат  $28^{\circ}$  бўлади. Пилла қобиғи, айниқса, пилла ичидаги ҳаво намлигини доим бир меъёрда қилиб туради: ташқаридаги ҳавонинг нисбий намлиги  $70-73\%$  бўлганда пилла ичидаги ҳавонинг нисбий намлиги  $76-77\%$ , ташқи ҳавонинг нисбий намлиги  $35-40\%$  гача пасайганда эса пилла ичидаги намлик  $80-84\%$  бўлган. Ҳаво температураси ва намлигининг бундай тартибга солиб турилиши пилла ичидаги гумбакнинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб беради. Агар гумбак пилла ичидан чиқариб олинса, у ташқи ҳаво температураси ва намлигининг юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибди. Ташқи муҳит шароитининг бундай кескин ўзгариши гумбакда содир бўлиб турувчи процессларнинг бориши учун қулай бўла олмайди, албатта. Серициннинг бундай тартибга солиш хоссалари мосланиш характеристида бўлиб, бу хоссалар ипак қурти эволюцияси процессида вужудга келгандир.

Серициннинг ёпишқоқлиги туфайди ипак ажратувчи найдан ипак толаси чиқиши вақтида ва унинг жуда тез қотиб қолиши натижасида, биринчидан, ипак толалари бир-бирига ёпишади (ипак иккита толадан иборат-да), иккинчидан, ипак қурти тушиб кетаётганда ҳамма вақт ипакнинг учинчи шохчага ёки бошқа бирор нарсага илаштириб (ёпиштириб) қўйиб иккинчи учини сиқувчи аппаратда қисиб қолади, сўнгра сиқувчи аппарат прессени аста-секин бўшатиб, секингина ерга тушади. Серициннинг ёпишқоқлиги қурт пўст ташлаш вақтида бирор нарсага илашиб олиши учун ҳам жуда муҳимдир. Агар қурт ташлаб чиқсан пўстни олмоқчи бўлсақ, унинг ипак толалари билан бирор нарсага (қофоз ёки шохчага) илашиб ётганини кўрамиз, ва, ниҳоят, фақат серициннинг ёпишқоқлиги туфайли, пилла қобифидаги ипак толалари минглаб нуқталарда (улар бир-бирига тегиб турган ҳамма жойда) бир-бирига жисплашган бўлади, бу эса пилла умумий қобифининг механик жиҳатдан ниҳоятда пишиқ бўлишини таъмин этади.

Ипак тортиш вақтида ҳам серициннинг хоссалари ана шу процесслик нормал бориши учун жуда Муҳим роль ўйнайди: агар серицин сувда эрувчанлик хоссасини яхши сақласа, пилла қобигининг ёпишқоқлик хоссаси анчагина бўшашади ва ипак толаси пилладан осонгина ажralиб чиқади: пиллада гумбакни ўлдириш, қуритиш ва буғлаш натижасида серициннинг кўп қисми А ҳолатдан Б ҳолатга ўтиб қолса (бу нарса тажрибада кўп учраб туради), ва, бинобарин, унинг эрувчанлик хоссаси ёмонлашиб қолса, қобик толаларининг ёпишқоқлиги етавли даражада камаймайди, пилладан ипак толалари яхши чиқмайди ва, кўпинча, узила-

ди, бу нарса ипак сифати ва меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади. Серициннинг ҳолати ипакдан ипак маҳсулотлари тайёрлашдаги кейинги процесслар учун ҳам катта аҳамиятга эга: хом ипак ўрашда ипак толаларининг равон (силиқ) юриши, хом ипак калаваларининг зич ўралиши, газлама тўқиши процессида ва ювишда ипак толаларининг қаршилиги, гул босишга мойиллиги ва ҳатто машина деталларига ишқаланиши натижасида ҳосил бўлувчи электр токи билан электрланиш даражаси — ана шуларниң ҳаммаси серициннинг ҳолатига боғлиқdir.

Юқорида айтиб ўтилганларнинг ҳаммасидан маълумки, пилла қобигида фиброн, асосан, механик, скелетлик ролини ўйнайди, серицин эса актив модда ҳисобланади. Серицин туфайли гумбак ташки ҳавонинг гигротермик шароитида юз берадиган кескин ўзгаришлардан сақланади ва шу билан бир вақтда пилла етарли даражада аэрация билан таъминланади, бу ҳам жуда муҳим, чунки ғумбакда моддалар алмашинувининг бирдан бир формаси нафас олишдир.

Пиллаларнинг ранги ипак қурти гемолимфасига тут баргидан кириб турувчи пигментларга — бўёқ моддаларга боғлиқ. Гемолимфада тирозиназа ферменти таъсирида пигментлар оксидланади ва ана шу оксидланиш даражасига қараб, ҳар хил ранг ҳосил бўлади. Оқ, кул ранг, товланадиган оқ (марварид ранг) ва сариқ ранг пилла ўрайдиган зотлар кўп учрайди. Пиллаланинг ранги ниҳоятда хилма-хиллиги билан ажralиб турадиган, Шарқда ва Жануби-Шарқда кенг тарқалган ипак қурти зотлари орасида яшил ва пушти ранг пилла ўрайдиганлари ҳам бор. Сариқ ва пушти ранг пиллалар битта пигмент билан бўялган бўлиб, бу пигментнинг спирт, бензин, эфир ва хлороформдаги эритмаси (бу пигмент сувда эrimайди). Сариқ рангда бўлади, бу пигмент фақат серицин қаватини бўяйди. Сариқ пилла ўрайдиган Европа зотлари пилласи ташки қаватларининг ранги ички қаватлариникуга қараганда тўқроқ, Хитой зотларида эса ички қаватларининг ранги тўқ бўлади. Яшил рангли пиллаларнинг пигменти сувда эрийди, аммо бошқа эритувчиларда эримайди, бироқ фибронинга ҳам кириб борган бўлади. Тўқ сариқ (зарғалдоқ) рангли пиллаларнинг пигменти сариқ ва яшил пигментларнинг аралашмасидан иборат. Ипак қуртлар озигига — тут баргига баъзи бўёқ моддалар гил, рўян ва бошқалар ҳўшилса, зангори, қизил-сарғиш ҳамда бошқа рангли пиллалар ҳосил қилиш мумкин. Пиллаларнинг табиий ранги амалий аҳамиятга эга эмас, чунки тўқимачилик буюллари тайёрлаш процессида ипак толасидаги серициннинг деярли ҳаммаси ва у билан бирга бўёқ модда йўқотиб юборилади. Шундай бўлишига қарамай, серицин қолдиқләрида, баъзан эса фибронда қолган озгина миқдордаги табиий пигментлар ҳам ипакнинг сунъий бўёқ қабул қилиш хоссасини пасайтириб юборади ва ипак газламаларнинг олатароқ бўлиб қолишига сабаб бўлади, шунинг

учун ҳам ипакчилик саноати оқ пилла ўрайдиган зотларни афзал кўради.

Фибройн ипак ажратувчи безнинг ипак чиқарувчи бўлимида, серицин суюқлик пуфагида ишланиб чиқади, пигментлар эса ипак толасига суюқлик пуфагининг биринчи ва иккинчи бурилишлари орасидаги чегара участкадан киради. Агар ипак ажратувчи бўлим қуртнинг тўртинчи ёшида ёки бешинчи ёш бошланнишида кесиб қўйилиб, суюқлик пуфагидан ажратиб ташланса, бу ёш охирида суюқлик пуфагида фибройн бўлмайди, операциядан кейин тирик қолган қуртлар пилла ўрайди, аммо ипак толаси бутунлай серициндан иборат бўлади. Агар бундай операция қуртнинг бешинчи ёши ўрталарида ўтказилса, мальум миқдор фибройн суюқлик пуфагига тушиб бўлганлигидан, пиллалар толасида 15—20% фибройн ва 75—80% серицин бўлади. Ва ниҳоят ипак ажратувчи бўлимнинг бир қисми кесиб қўйилса, ипак толасидаги фибройннинг миқдори 20—50% гача ортади, ҳолбуки нормал шароитда чиқарилган ипакда 70—80% фибройн, 20—30% серицин бўлади. Бу тажрибалар ипак толаси ишланиб чиқишида ҳар бир бўлимнинг ролини яққол кўрсатиб беради. Фибройн ва серицин ипак қурти гемолимфасида тайёр ҳолда бўлмайди, уларни безнинг тегишли бўлимлари гемолимфадан келувчи моддалардан ишлаб чиқаради. Без бўлимларининг иши аминокислоталарни қайта группалашдан иборат, бунинг натижасида без ҳужайралари ажратиб чиқарадиган ипакнинг оқсил моддалари ҳосил бўлади. Ипак кўп ишланиб чиққанда гемолимфадан келадиган оқсилли бирикмалар парчаланади, бу вақтда ипак билан бирга ажралиб чиқадиган бошқа заҳарли моддалар ҳам ҳосил бўлади. Бундай заҳарли моддалар ипак тортилаётган вақтда сувда эриб кетиб, баъзан, ишлаётган кишилар қўларининг терисини яллиғлантириб юборади.

Ипак ишлаб чиқариш учун материал бўладиган моддалар, асосан, қуртларнинг бешинчи ёшида тўпланади ва қурт бу ёшда қанчалик кўп оқсил олса, шунчалик кўп ипак ишлаб чиқариши мумкин. Қуртлар бешинчи ёшида яхши боқилмаса, яъни барг кам берилса, пилланинг вазни ғумбакнинг ўсмаслиги ҳисобига эмас, балки, асосан, ипакнинг камайиши ҳисобига камайиб кетади: кунига бир марта барг бериб боқилганда бешинчи ўшдаги қуртлар ғумбагининг вазни 15%, ипакнинг вазни эса 19% камайгани аниқланган.

Қуртлар пилла ўраш даврида ипак ажратувчи безнинг фаолияти жуда жадаллашиб кетади: безнинг бу вақтда ишлаб чиқарган маҳсулоти унинг вазнидан анчагина ортиқ бўлади—пилла ўраш даврининг дастлабки суткалари охирида (без энг катталашган вақтда) қуритилган безнинг вазнидан пилладаги ипакнинг вазни 3—4 марта ортиқ бўлади. Бу даврда суюқлик пуфагида кўп миқдор қуюқ, чўзилувчан масса тўпланади. Агар бу масса суюқлик пуфагидан чиқариб олиниб, очиқ ҳавода чў-

зилса, у қотиб қолади ва қармоқ ип ҳамда баъзи бир хил хирургия ишаги учун фойдаланиладиган узун, пишиқ ип (Флоренция ип) ҳосил бўлади.

Ипак ажралиб чиқиш вақтида унинг қотиши процесси жуфт чиқарув йўлларидаёт ёш бошланади; шунинг учун ҳам иккита ипак толаси жуфт чиқарув йўлларидан тоқ чиқарув йўлига ўтганда битта бўлиб қўшилиб кетмайди, балки фақат фибронин ўраб оловчи серицин ёрдамида бир-бирига ёпишади. Мана бундай деб тахмин қилиш мумкин: ипак толасининг кўндаланг ўқига мицеллаларнинг параллел равишда жойлашуви тартибга тушиб борган сари, фибронин массаси анчагина қотиб қолади, бу процесс ипак толаси сиқувчи (прессловчи) аппарат орқали ўтгандан кейин, тўғрироғи, шу аппаратнинг ўзида жуда жадаллик билан боради (шундай бўлмагандан ипак қурти ёрга тушиб кетганда ипак толасига осилиб қола олмас эди), бу процесс фақат чўзилиш таъсирида боради, чунки бунда мицеллалар секундинг бир улушидаёт ипак толаси йўлига параллел ҳолатга тушиб олади. Бу ҳолда сиқувчи аппарат ўзидан ўтадиган ипак массаси миқдорини чекловчилик ролини ўйнайди, ипак толасининг асосан, унинг йўғон-ингичкалигининг батамом шаклланиши ва бу билан бир вақтда фибронининг бутунлай қотиши эса сиқувчи аппарат пресси олдига жойлашган ипак массасидан ипак толаларининг суфурилиб чиқишига сабаб бўлувчи куч таъсирида содир бўлади. Шу билан бирга сиқувчи аппарат пресси остидаги йўл ипак толасининг шаклига таъсир этади, бунда у иккала ипак толасининг бир-бирига бирикадиган томонини яссилааб беради. Серицин эса фақат ҳавода бутунлай қотади, бу хусусият унинг тез қуриб қолиши билан боғлиқ.

Ипак қурти уруғдан чиққан вақтдан бошлаб, унинг ипак ажратувчи бези ипак чиқара бошлайди. Биринчи ёшда кичкинагина ипак қурти еб бўлмаган баргнинг кичик бир бўлагини ипак толалари билан шу даражада қалин чулғаб ташлайдики, бунда қуруқ барг нушхўрди билан ипакдан иборат тўзғиган гиламчага ўхшаш бир нарса ҳосил бўлиб қолади. Бундай нарсанинг бўлиши ипак қуртининг сўкчакда ҳаракатланишини осонлаштиради, чунки бу вақтда унинг сохта оёқлари ҳали етарли даражада тирмаша олмайди.

Пилла ўраш вақтида без жуда кўп миқдорда ипак чиқаради, қуртлар пилла ўраб бўлгандан кейин безда ипак массасининг маълум бир қисми қолади, бу ипак метаморфоз вақтида безнинг ўзи билан бирга парчаланиб кетади.

### Контрол саволлар

1. Ипак ажратувчи безнинг тузилиши қандай ва у ипак қурти танасида қандай жойлашган?

2. Ипак ажратувчи безларнинг катталиги ва жойлашуви ипак қуртларининг ёшига қараб қандай ўзгаради? Ипак қуртининг маҳсулдорлиги билан ипак ажратувчи безларнинг катталиги ўтасидаги боғланишни айтиб беринг.

3. Ипак ажратувчи без секретининг таркибини ва ипак қуртининг ипак ҳосил қилишини сўзлаб беринг.

4. Фибронинг қандай физик-химиявий хоссалари бор?

5. Серицин қандай физик-химиявий хоссаларга эга ва унинг биологик роли қандай? Серицин пилладарнинг технологик хоссаларига қандай таъсир кўрсатади?

6. Ташки мұхит шароити таъсирида серициннинг хоссалари қандай ўз-гаради? Серийнини таркий қисмларини (фракцияларни) айтиб беринг.

7. Ипак толаларини қандай моддалар бўяди ва улар қуртнинг қайси органида ҳосил бўлади?

8. Серицин ва фиброн безнинг қайси бўлимларида ишланиб чиқади?

9. Фибройн ва серицин қандай моддалар ҳисобига ҳосил бўлади?

10. Пилла ўраш даври бошлангунча бозда ипак массаси тўпланиши ва пилла ўраш вақтида ипак ишланиб чиқиши процессини тавсифланг. Ипак қуртлари боқиши режимиининг уларнинг ипак маҳсулдорлигига бўлган таъсирини айтиб беринг.

11. Ипак массасининг ипак толасига айланиш процесси қандай боради? Бу процесда сиқувчи аппаратнинг роли қандай? Нима учун ипак иккита толадан иборат?

12. Ипак қуртининг қайси ёшидан бошлаб, унинг бези ипак ажратади?

### III боб

#### ПИЛЛА ВА ФУМБАК

Бешинчи ёш охирига келиб, ипак қуртинг ривожланыш процесси тугалланади. Қурт барг емай қўяди ва пилла ўраш учун жой қидириб ўрмалаб юради, шу билан бир вақтда ичагидаги суюқ моддаларнинг қолдиқларини чиқариб ташлади.

Қўпчилик зот қуртлар пилла ўраш учун жадал ҳаракат билан дастанинг устига ёки сўкчакларнинг ён ёғочлари томон ғанадан баландроқ жойларга ўрмалаб кетади, аммо баъзи хитой зот қуртларда бундай ҳаракат йўқ, улар ғанада бемалол пилла ўрайверади. Қурт даста бўйлаб юқорига кўтарилиб, дастанинг пилла ўраш бўшлиғи ҳосил қиласидиган ва шу ерга жойлашиб олиб, пилла ўраш мумкин бўлган тарзда ўрнашган новдачаларини қидиради. Шундай жойни топиб, қурт аввал бўшлиқ ҳосил қиласидиган новдачаларни ипак толалари билан бир-бирига бириклиради. Бириклирган бу новдачалар ва уларни боғлаб турувчи ипак толалари бўшлиқнинг ташқи деворини ҳосил қиласиди. Шундан кейин қурт бўшлиқнинг ичига ипак толаларини торта бошлайди, яъни чулғамлар ҳосил қиласиди, булар бўшлиқнинг ички томонини тўлдиради, аммо бу бўшлиқнинг ўрта қисми очиқ қолади. Пилла ўрашнинг биринчи этапини тугатиб, қурт бўшлиқнинг ўрта қисмiga жойлашиб олади ва пилла қаватини ўрай бошлайди: у ипак толаларини олдиндан тортиб қўйган ҳовонларга туташтириб бўлажак пилланинг контурини ясади. Пилла ўрашнинг бу иккинчи этапида ипак толалари янада фоvakроқ ўралади; бўшлиқ орасидаги очиқ жой пилла сифадидиган ҳажмгача жуда кичрайиб боради. Бу бўшлиққа жойлашиш учун ипак қурти «С» ҳарфи шаклида букилиб олади ва сохта оёқлари ёрдамида ясалған юза бўйлаб сурилиб, танағининг олдинги қисмини ўйсизон ҳаракатлантириш йўли билан бу қаватга ипак толаларини тўплайди. Бўлажак пилланинг контури ясалиб бўлгандан кейин пилла ўрашнинг учинчи этапи — пилла қобигининг асосий қаватини ўраш процесси бошланади. Ипак қурти ҳаракатлана олиши мумкин бўлган бўшлиқ тобора кич-

райиб боради ва қурт фақат боши ҳамда бир-иккӣ кӯкрак бӯғимлари билан ҳаракатланадиган бўлиб қолади. Ипак қурти олдиндан ўраб қўйган ипак қаватига сохта оёқлари ёрдамида таяниб боши билан тебранма ҳаракат қилади ва бир вақтда кӯкрак қисми бӯғимларини қисқаргиради, бунда гўё бошини ичига тортади. Бундай қўш ҳаракат натижасида қурт ипак то-лаларини саккизликлар ёки синусоидал эгри чизиқлар шаклида тахлайди. Бундай серия «пакет» деб аталади: пакетнинг кенглигига қурт бошининг тебранма ҳаракатлари кенглигига (амплитудасига) боғлиқ, узунлиги эса кӯкрак қисми бӯғимларининг қис-қариш даражасига боғлиқ бўлади. Ипак қурти битта пакетни ясаб бўлгандан кейин бошини бир оз кўтариб қўяди, сўнгра бошини яна пастга тушириб, янги пакет ясай бошлайди. Ипак қурти бошини кўтарган вақтда ҳам ипак чиқариши тўхтатмайди, шунинг учун ҳам бир пакетдан иккинчи пакетга чўзиқ тўғри ёки эгри-буғри шаклли ипак толалари кетади. Баъзан бундай йўллар ҳалқа шаклида бўлади. Ипак қурти пилланинг биринчи ярим шарини ўраш процессида иккинчи ярим шардаги сохта оёқларини аста-секин ҳаракатлантиради, бунда у биринчи ярим шар сиртининг ҳамма жойига ипак толаларини қават қилиб тахлаш имкониятига эга бўлади.

Ипак қурти пилланинг битта ярим шарида пакетлар тўпламлари ясаб бўлгандан сўнг иккинчи ярим шар томон ҳаракатлана бошлайди, йўлда ҳам пакетлар ясашни давом эттираверади. Ипак қурти пилланинг битта ярим шаридан иккинчи ярим шарига ўтиш вақтида йўлда ясалган пакетлар ярим шардаги пакетлардан фарқ қилади: улар анчагина чўзиқ, саккизликлар ва синусоидал эгри чизиқлар шаклидадир, улар бирмунча катта бўлади.


Ипак қурти пилланинг битта ярим шаридан иккинчисига ўтиб бўлгандан кейин, иккинчи ярим шарда пакетлар ўрай бошлайди, бу вақтда ипак қурти толасининг таянгич қисми — қорин бӯғимлари ва сохта оёқлари қарама-қарши томондаги ярим шарда бўлади. Ипак қуртининг битта ярим шардан иккинчисига бундай ўтиб юриши ўрнини ўзгартириш деб аталади. Ипак қурти пилла ўраш вақтида 250 дан 500 мартағача вазиятини ўзгартиради. Қуртнинг бир вазиятда туриш муддати ҳар хил ва бу муддат пилла ўраш процессининг бошидан охиригача жуда катта аҳамиятга эга бўлган температура шароитига ҳам, пилланинг қаватига ҳам боғлиқ бўлади. Пилла ўраш процессида унинг қобиғи қалинлашиб борган сари, қуртлар вазиятини камроқ ўзгартиради. Пилла ўраш даврининг бошларида қуртлар ҳар бир вазиятда 140 секунд, пилла ўраш даврининг ўрталарида эса 258 секунд «ишлайди». Пилла ўраш даврининг бошларида қуртлар бир вазиятда чиқарган ипак толасининг узунлиги 94 см, бу даврининг ўрталарида 170 см, охирида эса 333 см бўлади (кузатишлар эски Бағдод зот қуртлар пилласи устида олиб

борилган). Шунингдек, саккизликлар ва синусоидал эгри чизикларнинг катталиклари ҳам ўзгаради: пилла ўраш даври бошлигандан то пилла ўралиб бўлгунча улар аста-секин катталашиб боради. Пилла қобигининг ташқи қаватида саккизликларнинг бўйи (узунлиги)  $3,1\text{ mm}$  га (температура  $25^{\circ}\text{ бўлганда}$ ), ўрта қаватида  $3,7\text{ mm}$  га ва ички қаватида  $5,1\text{ mm}$  га тенг бўлади. Агар пилла қобигининг ташқи қаватини ўрашда ипак қурти ҳар бир саккизлик учун 1,55 секунд сарфлаган бўлса, ўрта қаватни ўрашда ҳар бир саккизлик учун 2,12 секунд, ички қаватни ўрашда эса 2,35 секунд вақт сарф қилган. Ипак толасининг йўғон-ингичкалиги ҳам ўзгаради: пилла ўраш даврининг бошларидаги 23,28 микрондан бу давр охирларида 22,28 микронгача ингичкаланиш боради.

Ҳамма ипакнинг 25—30% и пилланинг икки қутбига, қолган ипак эса икки қутбининг ёnlарига ва пилланинг ўрта қисмига ўради. Пилла қутбларидан баравар узоқликда пиллани ўраб оловчи геометрик экватор йўли ўтади. Бели ингичка пиллаларда бу йўл ингичка жойининг ўртасига тўғри келади. Пиллани қутб томонларидан баравар узоқликда ўраб оловчи ўрта қисмининг сирти динамик экватор деб аталади. Пилланинг экваторида ипак ўралаётганда битта ярим шарда бошланган пакетлар иккинчи ярим шарда тамомланади, бунда бир пакет кетидан иккинчи пакет навбат билан ясалаб туради, улар «қулф» шаклида бирининг устига иккинчиси тахланади, натижада пилла қобигининг шу қисми белбоги қалинлашади ва бу билан пилла қутблари орасида мустаҳкам боғланиш таъминланади. Идак қурти камдан-кам холларда динамик экваторда пакетлар ясамайди, бунда пилланинг бели ингичка жойи яхши ўралмайди; бундай пиллаларнинг ярим шарлари ипак қурти бир вазиятдан иккинчи вазиятга ўтиш вақтида чиқарган озроқ ипак билан бирлашган бўлади. Пилланинг динамик экваторида пакетларнинг «қулф» шаклида тахланиши ипак тортиш вақтида, айниқса бели ингичка (жуда ингичка) пиллалар илагини тортишда қийинчилик түғдиди. Бир-бирига кириб турадиган пакетлар ипак тортиш вақтида пакетлар оралиғида ишқаланиш ҳосил бўлишига, ипак толаларинингчуваланиб кетишига ва узилишига сабаб бўлади. Овал шаклии пиллалар илаги бели ингичка пиллалар илагига қараганда яхшироқ тортилиши аниқланган.

Пилла қобигининг асосий қаватини ўраш учун ипак қурти ипак чиқарувчи без ишлаб чиқарадиган ҳамма ипак массасининг 70—80%ини сарфлайди.

Ипак қурти пилла қобигининг асосий қаватини ўраб бўлгандан кейин, пилла ўраш процессининг сўнгги — тўртиинчи этапига ўтади. Бу вақтга келиб унинг танаси бирмунча қисқаради, бошининг бир меъёрдаги ҳаракати бузилади, анчагина ингичка ва серицинга кам бўлган ипак толалари чўзиқ, нотўғри шаклли ҳалқалар кўринишида ўралади. Илагини тортиб бўлмайдиган




32-расм. Пилла ўраш.

1 — курт дастага ўрнашиб олмоқда («ўрмонча») ясамоқда; 2 — курт пилла қобигининг ташқи қаватини ўраб бўлган; 3 — курт пилла ўрамоқда.

ғовак парда ҳосил бўлади. Гумбакнинг боши турган жойда бу парда яна ҳам ғовакроқ тузилган бўлиб, асосий қобиқдан бир оз қочиброқ туради.

Пилла ўраш процессида ипак қурти ҳаракатларининг характеристика уларнинг изчиллиги «пилла ўрашнинг биодинамикаси» деб аталади. Пилла ўраш процесси тамом бўлгандан кейин қуртлар бешинчи марта пўст ташлайди, аммо бу сафар улар эски пўстини ташлаб, гумбакка айланади. Гумбаклик стадияси ипак қурти ривожланишининг ҳаракатсиз, озиқланмайдиган давридир, бу стадия мобайнида метаморфоз юз беради, яъни ипак қурти капалакка айланади.

Дастадан териб олинган ва лосдан тозаланган пилланинг тузилиши қўйидагича бўлади, аввал чувалган қават, кейин қобиқнинг ипаги тортиладиган асосий қавати ва шундан



32-расм. а. Тут ипак қурти пилласининг тузилиши (кўндаланг кесиги).

а — қобик; б — гумбак; в — қуртнинг гумбакка айланни олдидан ташлаган пўсти.


сўнг парда қавати келади. Бутун қобиқни ташкил этувчи ипак-нинг 6,5—8,2% и лос қаватда, 5,6—6,3% и парда қаватида бўла-ди. Қобиқ ичида ғумбак ва қурт бешинчи пўст ташлаш вақтида ташлаган пўст бор.

Ипак қурти битта ярим шардан иккинчи ярим шарга ўтиш вақтида илгари тахлаб қўйган саккизликлар ёки синусоидал эгри чизиқлар қавати устига ҳар сафар ипак толаларини ташлаб ўтади, янги қаватнинг толалари илгари қўйилган толаларга кўн-даланг тушиб, серицин билан бир-бирига ёпишиб қолади, бу нарса қобиқни пишиқ қилиб туради, қобиқнинг ўзи эса қўнда-ланг ҳолда бир-бирига ёпишиб қолган кўп қават ипак толалари тўридан иборатдир. Ҳар бир миллиметр ипак толасига бештагача ана шундай қўндаланг ёпишган тола тўғри келади, бутун пил-лада эса уларнинг миқдори (ипак толасининг узунлиги 1000 м бўлгандан) 5 000 000 га етиши мумкин. Пилланинг бундай тўрси-мон тузилганлиги серициннинг сорбцион хоссалари билан бир-галикда ғумбакнинг фақат ташки душманлардан механик равишда ҳимояланишини таъмин этибгина қолмайди, балки пилла ичи гигрометрик шароитини тартибга солища ҳам жуда катта роль ўйнайди. Бу нарса намлиги юқори ва ёмғир кўп ёғадиган иқлимли зоналардан келиб чиқсан зотлар пилласи таркибида серицин жуда кўп бўлиши билан исботланади.

Пиллаларнинг шакли, катта-кичиклиги ҳамда вазни улар-нинг табиий белгилари ҳисобланади, аммо ипак қуртининг ри-вожланиш шароити ва қисман дастанинг хусусиятларига қараб, бу белгилар турлар ичида ҳам ўзгариши мумкин.

Пиллалар шакли жиҳатидан шарсимон (юмалоқ), тухумси-мон (овал), дуксимон ва цилиндр шаклида бўлиши мумкин. Ту-хумсимон ва цилиндр шаклидаги пиллаларнинг бели салгина ёки жуда ингичка бўлиши мумкин. Бели ингичка пиллаларда ғумбак-нинг боши турган ярим шар каттароқ бўлади.

Пиллалар шаклининг зот хусусиятлари ипак қуртининг тана тузилиши билан боғлиқ. Олиб борилган ўлчаш ишлари ипак қур-тининг танаси ингичка ва узун ёки йўгон ва калта бўлиши мум-кин эканлигини кўрсатди. Танаси ингичка қуртлар узун пилла ўрайди, танаси йўгон қуртлар эса тухумсимон ёки шарсимон шаклли пилла ўрайди.



33-расм. Тут ипак қурти пилласининг шакли:

1 — шарсимон (юмалоқ) пилла; 2 — бели ингичкалашмаган овал шакли (эллипсоид) пилла; 3 — бели салгина ингичка, овал шаклли пилла. 4 — бели жуда ҳам ингичка, овал шаклли пилла; 5 — цилиндр шаклли, узуичоқ пилла; 6 — 7 — учун ингичка пиллалар.

Пилла қобиғи ташқи қаватларининг хусусиятларидан бирі унинг донадорлигидір. Донадорлик пилла қобиғининг асосий қисми ўрала бошлаш вақтида ипак толаларининг лос қаватнинг сийрак толалари орасыда «осилиб» қолиши натижасыда ҳосил бўлади. Ипак қурти ана шундай ерларни текислашга ҳаракат қилиб, бу жойларда кўпроқ ипак чиқаради, бунинг натижасыда пилла сиртида донадорлик ҳосил қилувчи дўмбоқчалар пайдо бўлади. Дўмбоқчаларнинг катта-кичиклиги чувалган қаватдаги ипак толаларнинг оралиғига, саккизликларининг кенглигига ва ипак толасининг йўғон-ингичкалигига ботлиқ бўлади. Пилланинг уч томонлари ҳам, ён томонлари ҳам бир хилда майда донадор бўлса, бундай пилланинг ипаги яхши тортилади.

Пиллаларнинг катта-кичиклиги уларнинг шаклига қараб ҳар хил бўлади: шарсимон ва дуссимон, бели ингичка бўлмаган ту-хумсимон ҳамда цилиндр шаклидаги пиллаларнинг толаси узун ва йўғон бўлиши аниқланган. Бели ингичка пиллаларнинг узунлиги (бўйи) ва йўғонлиги ярим шарларнинг кўндаланг кесими-нинг энг катта ва ингичка жойи кесими энг кичик бўлган жойларидан ўлчанади. Пиллалар нониусли штангенциркуль билан ўлчанади. Пилланинг кўндаланг кесими шакл жиҳатидан тўғри доирадан фарқ қиласи, шунинг учун ҳам пилланинг бели ингичка жойи ёки ярим шарнинг кенглигини аниқлашда шу жойлар кўндаланг кесимини икки марта ўлчашдан чиқкан натижаларнинг ўртача миқдори олинади.

Яқин Шарқ зотларининг пилласи энг йирик, Хитой ва Япония зотларининг пилласи энг майда, Европа зотлари пилласи эса ўртача катталиқда бўлади. Урғочи ипак қуртларининг пилласи эркак ипак қуртларникига қараганда, ўрта ҳисобда, бирмунча йирикроқ бўлади. Пиллаларнинг узувлити 16  $мм$  дан 46  $мм$  гача, кенглиги эса 12  $мм$  дан 24  $мм$  гача бўлади. Пиллаларнинг ўртача ҳажми ипак қуртларининг зотига қараб: эркак қуртларники 5  $см^3$  дан 11  $см^3$  гача, урғочи қуртларники эса 5,5  $см^3$  дан 13  $см^3$  гача бўлади.

Пиллаларнинг вазни тирик ғумбаги билан биргаликда (бундай пиллалар ҳўл ёки тирик пиллалар деб аталади), ипак қурти-нинг зоти ҳамда қурт боқиш шароитига қараб, 1 г дан 3 г гача бўлади. Урғочи қуртлар пилласининг вазни эркак қуртлар пилла-сидан ўрта ҳисобда 20% оғироқ бўлади. Ипак қурти ғумбакка айланиш олдидан гўст ташлаган вақтда пилланинг вазни энг оғир бўлади, кейин пилланинг вазни аста-секин камайиб боради ва капалак чиқида вақтига келиб, дастлабки вазнидан 12% гача камайиб кетади. Ғумбаклик даврининг ўрталарида пилла кунига ўртача ҳисобда 1,2—1,5% вазн йўқотади.

Пиллаларни дасталардан териб олиш вақтига келиб, ҳўл пилладаги ғумбакнинг вазни, тахминан 76—90%, қурт ташлаган пўстнинг вазни 0,5%, пилла қобиғининг вазни 10% дан 24% гача бўлади. Эркак қуртлар ўраган пиллалар қобиғининг вазни урғо-


чи құртлар ўраган пиллалар қобиғиникига қараганда бирмунча ортиқроқ бўлади. Ғумбаги ўлдирилган ва ҳавода қуритилган пиллаларнинг қобиғи пилла вазнининг 43—50% ни ташкил этади, бунда пиллалар қуритилиш процессида вазнини ғумбакдаги намлиқ ҳисобига йўқотади (ғумбакда намлик 75—80% бўлади), қобиқда эса ҳўл пиллада ҳам, қуруқ пиллада ҳам одатдаги шароитда 10—11% намлик бўлади.

Пиллаларнинг биологик ва, айниқса, технологик хоссаларига ирсиятдан ташқари, пилла ўраш шароити—температура, намлик, ёруғлик, аэрация, дасталарнинг миқдори ва сифати ҳам катта таъсир этади.

Пилла ўраш вақтида температура шароитининг ўзгариши натижасида ипак қуртининг пилла қобиғига ипак толаларини ўраш тезлиги ва характеристи ҳам ўзгаради. Температура ошиб борган сари, ипак қуртининг ҳаракат тезлиги ҳам ортади, бошининг тебраниш кенглиги катталашади, шунинг учун саккизликлар ҳам йирикроқ ҳосил бўлади, ипак толаси эса ингичкалашиб боради. Пилла ўраш вақтида ипак чиқариш иши икки процессдан иборат бўлади: бир томондан, ипак қуртининг танаси қисилиши ипак ажратувчи безга босим орқали таъсир кўрсатади, ана шу таъсир

остида ипак массаси сиқувчи аппарат томон сурилади, иккинчи томондан, ипак қурти бошининг ҳаракати билан ипак толаси ипак чиқарувчи найчадан суғурилиб чиқади. Найчанинг учида ҳамма вақт бир томчи суюқ ипак бўлади (бу бир томчи серицин бўлса керак), ипак қурти найчасини бирор нуқтага тегизиб, ипак толаси учини шу жойга ёпиширади ва бошини тебратиб, найчадан ипак толасини суғуриб чиқаради. Бу ҳаракат қанчалик тез бўлса, ипак толаси шунчалик ингичка чиқади, чунки ипак массаси механик равишда жуда жўзилади.

Температура  $21^{\circ}$  бўлганда ипак қурти 3,17 секунд мобайнида бўйи 3,5 мм, ипак толасининг йўғонлиги 24,91 микрон келадиган битта саккизлик ҳосил қиласи, бунда ипак толаси чиқариш тезлиги секундига 2,11 мм бўлади. Температура



3-расм, а. Ҳар хил температурада пилла учлари ва ярим шарларнда пилла қатламларидаги саккизликларнинг букик жойлари катта-кичикликнинг ўзгариши.

*A* — устки катламда (бошлиниши), *B* — 260 м дан кейин, *C* — 600 м дан кейин: *I* — пилла учларида, *II* — пилла ярим шарларida.

29° бўлганда ипак қурти бўйи 4,6 мм келадиган саккизликлар ҳосил бўлади, бунда ҳар бир саккизлик учун фақат 1,69 секунд вақт сарфлайди, ипак толасининг йўғонлиги 20,43 микронгача камаяди, саккизликлар ҳосил қилиш тезлиги эса секундига 6,01 мм гача ортади.

Ипак толасининг асосий технологик хоссаларидан биро унинг метрик номери<sup>1</sup> ва метрик номерининг бир хил бўлмаслигидир. Пилла ўраш даврининг бошларида ипак қурти йўғон—ипак толаси, яъни метрик номери паст —2500—3000 тартибдаги ипак толаси чиқаради; пилла ўраш даврининг охирига келиб, ипак толаси анчагина ингичкалашади ва шунга мувофиқ равишда унинг метрик номери ҳам ошади, яъни 4000—6000 тартибдаги миқдорга эга бўлади. Одатда, битта пилла ичида ипак толасининг охирига учининг метрик номери унинг бошланиш қисмидаги ипак толасининг метрик номеридан икки-уч марта ортиқ бўлади. Ипак толасининг номери унинг ўртacha миқдорига қараб, одатда, битта пилланинг ичida 17—25% ва пиллалар орасида 12—18% гача ўзгариб туради. Ипак толасининг ўртacha метрик номери қанчалик катта бўлса, пилла ичидаи ва пиллалар орасидаги ҳар хиллик шунчалик кам, пиллаларнинг технологик хоссалари шунчалик юқори бўлади. Ипак толаларининг йўғон-ингичкалиги ҳар хил бўлиши бизнинг пиллакашлик фабрикаларимизда ҳозир кенг қўлланаётган пиллалардан автоматик равишда ипак тортишда айниқса катта роль ўйнайди.

Пилла ўрашнинг температура шароити ипак толасининг метрик номери, бу номернинг ҳар хил бўлиши, пиллаларнинг серипаклиги ва ипак чиқиши каби технологик кўрсаткичларга таъсир этади, ипак чиқиши эса серициннинг ҳолатига боғлиқ бўлган пиллаларнинг тортилувчанлик (чувалувчанлик) хоссаси билан тўғридан-тўғри алоқадордир.


Пилла ўраш даврида температура 21° дан 25° гача кўтарилса, пилла ўраш муддати, умуман, қисқаради, ипак толасининг ўртacha метрик номери катталашади, унинг ҳар хиллиги камаяди, пилла серипак бўлади ва ипак толаси кўп чиқади. Температура 29° гача кўтарилиганда ипак толасининг метрик номери янада катталашади ва ҳар хиллиги камайиб боради, аммо бунинг эвазига пилланинг илаги аз аниқна камайиб кетади ва ипак толаси жуда кам чиқади. Шундай қилиб пилла ўраш даврида паст (21°—23°) температура ҳам, юқори (28°—29°) температура ҳам пиллаларнинг биологик кўрсаткичларини ва технологик хоссаларини па-

<sup>1</sup> Метрик номер — бир грамм ипак толасининг йўғон-ингичкалигига қараб нечә метр эканлигидир; ипак толаси қанчалик ингичка бўлса, маълум вазиятдаги ипак голаси шунчалик узун бўлади. Метрик номерни аниқлаш учун 50—100 ёки 200 метр ипак толаси ўлчаб олинади ва тарозида тартиб кўрилиб,  $H = \frac{L}{J}$  формула билан унинг метрик номери ҳисоблаб чиқарилади: масалан, агар 200 м ипнинг оғирлиги 0,0715 г бўлса, унинг метрик номери 2800 га teng,

сайтириб юбориши аниқланган; 25—27° яхши температура режими ҳисобланади. Пасайиб борувчи температура режими, яъни пилла ўраш вақтининг биринчи куни 27°, иккинчи куни—25° ва учинчи куни—23° бўлиши энг яхши режим ҳисобланади. Бундай режимда олинган пиллалар юксак технологик хоссаларга эга бўлади: ипак толасининг йўғон-ингичкалиги бир хилда бўлиши учун бу режим айниқса қулайдир: агар 21° температурада ипак толаси йўғон-ингичкалигининг ҳар хиллиги 23% бўлса, 25° да 19,4%, бу режимда эса 15,5% бўлади. Пилла ўраш даврида ҳавонинг нисбий намлиги ҳам катта роль ўйнайди. Ҳавонинг нисбий намлиги юқори—80—85% бўлганда (бошқа ҳамма шароит қулагай бўлса ҳам) пиллаларнинг биологик кўрсаткичлари ва технологик хоссалари жуда ёмонлашиб кетади. Пилладан ипак тортилиши ва ҳом ипак чиқиши айниқса пасайиб кетади. Ҳавонинг температураси паст бўлиб, нисбий намлиги юқори бўлганда ғумбакларнинг вазни ортиб кетади, бунинг оқибатида пиллаларнинг умумий вазнида ипак қобигининг процент миқдори камайиб кетади. Ҳавонинг температураси юқори бўлиб, нисбий намлиги паст бўлганда пилланинг ўртача вазни камайиб кетади. Ҳавонинг намлиги ҳам, температураси ҳам юқори бўлганда ипак қуртлари жуда кўп пилла ўрайди, аммо бунда пилла қобигиғовак, ипак тортишга ярамайдиган — юпқа бўлиб қолади.

Қуртлар пилла ўрайдиган сўкчакларнинг ёритилиш характеристики ҳам ипак толаларининг йўғон-ингичкалиги ҳар хил бўлиб қолишига сабаб бўлади: сўкчаклар бир томонлама ёритилганда ипак толаси йўғон-ингичкалигининг ҳар хиллик проценти ортади, ҳар томонлама ёритилганда ёки ҳамма жой бир текис қоронғилатилганда эса ҳар хиллик камайди.

Қуртлар пилла ўраши учун қўйиладиган дасталар ҳам пиллаларнинг сифатига фоят катта таъсир кўрсатади. Агар даста кам ва уларнинг сифати ёмон (масалан, улар тол ёки қайрагоч новдаларидан қилинган) бўлса, қуртлар пилла ўраш учун жой қидириб, узоқ вақт ўрмалаб юради, бунда ипак толаларининг кўп қисми нобуд бўлади ва улар ғанага пилла ўрайди; бунда қўшалоқ



34-расм. Пачоқ пиллалар.

пиллалар (иккита құрт үраган пиллалар) сони күпайиб кетади; пиллалар дастанинг яқинроқ жойлашган шохчаларига тегиб туришидан уларда из ҳосил бўлиб қолади ёки пилла қозоз ёки ёғоч (тахта) сиртга тақалиб үралган бўлса, унинг шу томони силлиқ бўлиб қолади; шакли бузуқ пиллаларнинг сони күпайиб кетади, оқибатда, олинадиган ипакнинг миқдори камаяди, умуман, яхши пиллалар ҳосил бўлган из ва силлиқлиги сабабли брак сифатида қабул қилинади, чунки бундай пиллалардан ипак тортиш даражаси жуда пасайиб кетади, қўшалоқ пиллалардан эса бутунлай ипак тортиб бўлмайди.

Дасталар пиллаларнинг шаклига ҳам таъсир этади: дасталар кичик ва бўшлиқ жойлари куб шаклида бўлса, чўзиқ шакли пилла ўрайдиган зот ипак қуртлари юмалоқ (шарсимон) пилла ўрайди.

Ипак қуртининг биринчи ёшидан бошлаб ривожланиш шароити ҳам пилла ўраш процессининг бориши ва унинг натижасига таъсир этади. Қуртлар кичик ёшда бўлганда, температура доимий юқори ( $27-30^{\circ}$ ) бўлса пиллалар ипаги камайиб, хом ипак миқдори озайиб ва ғумбакларнинг ҳаёт фаолияти пасайиб кетиши аниқланган. Шу нарса характерлики, қурт боқиши шароитининг бундай ёмон таъсири пилла ўраш шароити ноқулай бўлганда яққол қўриниб қолади. Пилла ўраш даври, асосан, температура шароитига боғлиқ ҳолда, икки кундан беш кунгача давом этади. Шундан кейин ипак қурти (агар үралган пилланинг тик жойлашганига қараб), бошини юқорига кўтарган ҳолда, деярли бир суткагача қимирламай қолади. Пилла ўраш процесси тамом бўлиш вақтига келиб, ипак қуртининг танаси қисқариб, бўғимлар оралиги эса жуда ҳам қисилиб кетади. Бундан сўнг метаморфоз процесси бошланади, бу процесс вақтида ипак қуртининг организмида ўзгариш (қайта тузилиш) содир бўлади ва ипак қуртидан тамомила фарқ қиласидиган (унга мутлақо ўхшамайдиган) капалак организми пайдо бўлади.

Ипак қуртининг икки-уч кун давом этадиган ғумбакка айланыш даврида унинг сохта оёқлари ва тирноғи йўқолиб кетади, пўсти бужмайиб қолади, қуртнинг танаси аввал мум рангда бўлади, кейин эса пўст орқали ғумбакнинг қоплами кўрина бошлайди. Ғумбакка айланыш даврининг охирларида ғумбак тез ҳарараткат қилиб, аввал, қуртлик пўстини ўз қопламидан ажратади, пўст йиртилгандан кейин эса танасини қисқартириш орқали уни ўзидан чиқариб ташлайди. Бу пўст бош пардаси ғилофи билан бирга, худди буришиб ётган юмалоқ нарсадек бўлиб, пилла ичидага қолади.


Ғумбакнинг танаси учи юмалоқроқ чўзиқ дук шаклида бўлади. Дастрлабки вақтларда ғумбакнинг ранги оч сариқ бўлиб, кейинроқ эса аста-секин қораяди ва оқ пилла ўрайдиган зотларда қўнғир тўқ сариқ товланадиган рангга, сариқ (малла) пилла ўрайдиган зотларда эса қўнғир оч қизғиши товланадиган қўнғир

рангга киради. Фумбак капалакка айланиш учун пүст ташлашдан олдинроқ түқ жигар рангда бўлади. Фумбак қуртдан анчагина қисқадир. Танасининг ҳамма жойи кутикула билан ёппасига қопланган ва унда нафас тешигидан бошқа ҳеч қандай тешик йўқ, ташки ўсимталар (оёқлар, мўйловлар ва ҳоказолар) ҳам бўлмайди, ривожланиб келаётган мавжуд қанотлар, оёқлар ва мўйловлар эса кутикула остида, шунинг учун танага жипс ёпишган бўлади.

Фумбакнинг боши билан кўкрак қисми бир-бирига жуда тақалиб туради ва бош-кўкрак ҳосил қиласди, аммо боши рангининг анчагина оқиш бўлиши билан танасидан фарқ қилиб туради. Фумбакнинг бошида капалакнинг бошланғич мураккаб кўзлари жойлашган; эндигина пайдо бўла бошлаган фумбакда бу кўзларнинг ранги оқ бўлади. Ипак қурти фумбакка айланганда бешолти кун ўтгандан кейин улар қорая бошлайди ва 8—9 кунга бориб, деярли қора рангга киради. Бошланғич кўзларнинг рангига қараб фумбакнинг ёшини тахминан аниқлаш мумкин. Кўзлар остида тақа шаклида бошланғич патсимон мўйловлар жойлашган, уларнинг учи паст томонга осилиб турган бўлади. Бошланғич кўзлар билан мўйловлар оралиғидаги бўш жойга бошланғич пастки жағлар ва биринчи жуфт оёқлар ўрнашган бўлади.

Кўкрак бўғимлари орқа томондан битта қалқонга қўшилиб кетган, икки жуфт қанот бошланғичи ана шу қалқондан бошланади, бу қанотларнинг охри қорин томонда унинг ўрта чизири бўйлаб учрашади. Қанотларнинг бошланғичлари қорин бўғимларининг тўртингисигача чўзилиб боради ва иккинчи ҳамда учинчи кўкрак бўғимларининг пастки томонига жойлашган иккинчи ва учинчи жуфт оёқлар бошланғичини қоплаб туради.

Эндигина пайдо бўлган фумбакнинг бу ҳар хил ўсимталарини нина учи билан кўтариб кўриш ва ажратиб олиш мумкин; бироқ тез вақт ичидан пүст ташлаш вақтида пайдо бўладиган ҳамда ҳашаротни ҳўллаб турадиган суюқликнинг қуриб қолиши сабабли қоплам анчагина қаттиқ бўлиб қолади. Фумбакнинг қорин қисми тўққиз бўғимдан тузилган. Дастребки уч бўғим фақат орқа томондан кўринади, чунки қорин томондан уларни қанот бошланғичлари ёниб туради. Саккизинчи бўғимда қорин томонда турадиган орган бор, бу орган ёрдамида фум-



35-расм. Тут ипак қуртининг фумбаги:


*A* — орқа томони; *B* — қорин томони; *C* — ён томондан кўрининчи: 1—3 — кўкрак ва 1—9 — қорин бўғимлари, *B* — бош; *ЮЛ* — юкориги лаб; *К* — кўзча, *ПЖ* — пастки жағ; *М* — мўйлончалар; *БЖО* — биринчи жуфт оёқлар; *ЧЖО* — иккинчи жуфт оёқлар; *К* — қанотлар; *НТ* — нафас тешиги;

нина учи билан кўтариб кўриш ва ажратиб олиш мумкин; бироқ тез вақт ичидан пүст ташлаш вақтида пайдо бўладиган ҳамда ҳашаротни ҳўллаб турадиган суюқликнинг қуриб қолиши сабабли қоплам анчагина қаттиқ бўлиб қолади. Фумбакнинг қорин қисми тўққиз бўғимдан тузилган. Дастребки уч бўғим фақат орқа томондан кўринади, чунки қорин томондан уларни қанот бошланғичлари ёниб туради. Саккизинчи бўғимда қорин томонда турадиган орган бор, бу орган ёрдамида фум-

бакнинг жинсини аниқлаш мумкин. Эркак ғумбакларда бу орган думалоқ қўнғир рангли доғ бўлиб, у бўғимнинг орқа четига яқин жойлашган; урғочи ғумбакларнинг эса қорин томон бўғими бир-бирига тегиб турадиган иккита юмалоқ хитин пластинкадан иборат бўлиб, бу кўриниш жиҳатдан юқорида жойлашган қанотларнинг бошланғичларига ўхшайди. Ёш ғумбакларда бу фарқлар жуда яхши кўриниб туради.

Ғумбак танасида олти жуфт нафас тешиги кўриниб туради, улар ғумбак танасининг ён томонларидағи учинчи бўғимдан саккизинчи бўғимгача жойлашган хира, деярли қора рангли тор тирқиши (дарз) кўринишида бўлади. Саккизинчи бўғимдан охирги жуфт бўғим анчагина дегенерациялашган (айниган), ёпиқ бўлиб, капалакларда бутунлай йўқолиб кетади. Кўриниб турадиган бу нафас тешикларидан ташқари, қанот бошланғичлари остида — биринчи кўкрак бўғимида — ишлаб турадиган бир жуфт ва биринчи қорин бўғимида — ишламайдиган бир жуфт нафас тешиги бор.

Ипак қуртининг ривожланиш циклида ҳар бир стадия ўзининг маълум функциялар комплексини бажаради. Табиийки, ипак қурти танасининг ички ва ташқи тузилиши ҳар бир стадияда шу стадия учун хос бўлган функцияларнинг бажарилишини таъмин этиб туриши керак. Қурт — ипак қурти ривожланишининг озиқланиш стадиясидир, унинг асосий функцияси бошқа — озиқланмайдиган стадияларда ғумбаклик, капалаклик ва уруғлик стадияларида унинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган озиқ моддаларни тўплашдан иборатdir. Қуртнинг яна бир муҳим функцияси пилла ўраш бўлиб, бунинг учун жуда кўп миқдор ипак талаб этилади. Шунинг учун ҳам ипак қуртининг овқат ҳазм қилиш, озиқ моддалар тўплаш ва ипак ҳосил қилиш органлари ана шундай яхши ривожланган, унга соxта оёқлар ва жуда ривожланган оғиз қисмлари, ғоят тармоқланган нафас олиш системаси ва кучли мускуллар зарур бўлган. Капалакда ҳолат бошқачароқ: озиқланмайдиган бўлганидан унга овқат ҳазм қилиш органлари



36-расм. Тут ипак қурти ғумбакларининг урғочилари (♀) ва эркаклари (♂) нинг морфологик белгилари.

керак эмас, илашувчи сохта оёқларга ҳам эҳтиёж йўқ, ипак ажратувчи безлар ўз функцияларини адо этиб бўлган, капалакка бу ҳам керак эмас. Аммо капалакка яхши ривожланган кўк-рак оёқлар, қанотлар ва мўйловлар бўлиши керак, энг муҳими эса капалак уруғланган тухум қўйиши, ҳар бир тирик организмининг асосий вазифасини бажариши — турни давом этириши керак. Агар қуртнинг танасида ичак ва ипак ажратувчи без энг кўп жой эгалласа, урғочи капалак тана бўшлигининг жуда катта ҳисми тухумдонлар—ичида тухумлари бор найчалар билан банд. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси метаморфоз вақтида содир бўлади. Метаморфознинг атиги учта даври бўлиб, биринчи даврида ипак қуртнинг келажакда капалакка керак бўлмайдиган органлари емирилади; бу давр қурт ҳаётининг охирги кунларидан уғумбакка айлангунича давом этади. Иккинчи даврда — қуртнинг ғумбакка айланиш учун пўст ташлагандан капалакнинг ташқи қопламлари ҳосил бўла бошлашгача бўлган даврда эски тўқималарнинг парчаланиш процесслари тугалланади, янгилари ҳосил бўлади, қуртнинг парчаланиб кетган мускуллари ўрнига капалакнинг мускуллари пайдо бўлади; қанотлар, мўйловлар, кўзлар ва ҳоказолар ҳосил бўлиш процесси бошланади, жинсий органларнинг шаклланиш процесси жуда жадал боради. Учинчи даврда капалакнинг ташқи қопламлари ҳосил бўла бошлагандан ғумбакнинг капалакка айланиши учун пўст ташлаш вақтигача тўқима ва ҳужайраларнинг ўз вазифаларига мувофиқ равиша шаклланиши тугалланади, мускулларда кўндаланг йўллар ҳосил бўлади, пўстнинг ҳужайраларида капалакнинг ташқи қопламларини ҳосил қилувчи кутикула ажратиб чиқариш қобилияти янгидан пайдо бўлади. Трахея системаси, ўз фаолиятини тўхтатмаган ҳолда қайта тузилади, аммо нафас олиш анча кучсизланади, трахеялардаги ҳаво запаси жуда камайиб кетади. Бу нарса жуда катта амалий аҳамиятга эга: уруг заводларида ғумбаги тирик пиллаларни сақлашда уларга доимий равиша соғ ҳаво келиб туриши тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиб туриш керак бўлади. Агар ипак қурти янги ҳаво олмай трахеялардаги запас ҳаво ҳисобига 5 соатгача яшай олса, ғумбакда бундай запас йўқлигидан у озгина вақт янги ҳавосиз қолса, бу нарса унинг ҳаёт фаолиятига таъсир қиласи. Нафас олиш коэффициенти  $0,64$  дан ( $20^\circ$  да)  $0,81$  гача ( $28^\circ$  да) бўлганда бир кг ғумбак ўрта ҳисобда бир соат мобайнида  $300$ — $400$  мл кислород ютиб,  $200$ — $300$  мл карбонат ангидрид чиқаради.

Ғумбакнинг нафас олиш интенсивлигига стадия бошланган вақтдан то охиригача 37-расмда кўрсатилган V-симон эгри чизик шаклида ўзгариб боради.


Пиллалар уруг заводларда қалин уюб сақлансан, ғумбакларга янги ҳаво кирмай қолади ва улар ажратган карбонат ангидриднинг чиқиб кетиши қийинлашади, шу билан бирга ҳаво таркибидаги кислород  $15\%$  гача камайганда (одатда, ҳавонинг

таркибида 20% кислород бўлади) ғумбакларга кислород етишмай қолади, бу нарса — натижада уларнинг ҳаёт фаолияти пасайишига ва ҳосилдорлиги камайишига олиб келади.

Нафас олишниң интенсив равишда боришига ва нафас коэффициентига пиллаларнинг қалин қават қилиб уюб қўйилишидан ташқари пиллалар сақланадиган жой ҳавосининг температураси ва нисбий намлиги ҳам бевосита таъсир этади. Оқ пилла ўрайдиган зот учун пиллаларини температураси  $25-27^{\circ}$  ва нисбий намлиги 65—70% бўлган жойларда 2—3 қават қилиб сақлаш оптимал шартроит ҳисобланади.

Метаморфоз даври бошларида қанотлар бошланғичидан икки қават ҳужайралар ҳосил бўлиб, бу қаватлар оралиғида бўшлиқ бўлади. Шундан кейин ҳар қайси қават остида юпқа парда пайдо бўлади, бўшлиқ эса гемолимфа билан тўлади. Қанотлар ривожланиб борган сари, ҳужайралардан ўсимталар тармоқланиб чиқади, бу ўсимталардан тангачалар ҳосил бўлади. Тангачалар ҳосил бўлгандан кейин ҳужайраларнинг ўзи нобуд бўлади, уларнинг ўртасида хитин тузилмалар қолади.

Хали ривожланишда давом этаётган қанотлар ғумбакнинг ташки қопламлари остида буқланган ҳолатда бўлади, пилладан капалак чиққандан кейин қанотлар ёзилади.



37-расм. Тут ипак қурти ғумбакларнинг ҳар хил температурада кислород истеъмол қилиши (горизонтал бўйлаб ғумбакларнинг 20, 24, 26, 27, 28, 30 ва  $34^{\circ}$  температуруларда ривожланиш кунлари, вертикаль бўйлаб эса ғумбакларнинг бир грамм тирик вазни ҳисобига бир соат мобайнида неча микролитр кислород ютиши кўрсатилган.)

Нерв занжири қисқаради: иккинчи, учинчи күкрак бүгимларининг ва еттинчи ҳамда саккизинчи қорин бўғимининг нерв тугунчалари бир-бирига қўшилади, биринчи, тўртинчи ва олтинчи қорин бўғимларининг нерв тугунлари эса бутунлай йўқолиб кетади.

Ичак тўқималари, асосан, қуртнинг ғумбакка айланиш учун пўст ташлаш вақтида чиқариб юборилади, уларнинг қолдиқлари эса ичкарида бўладиган «қўнғир танача» ҳосил қиласди. Ипак қурти ичаги ўрга бўлимининг охирларига ҳалқа шаклида жойлашган тикланувчи тўқималардан капалакнинг сўрувчи ошқозони ва орқа ичакнинг уни берк халтачаси ҳосил бўлади; метаморфоз процесси вақтида бу халтачада оқсил алмашинуви маҳсулотлари тўпланади, бу маҳсулотлар аста-секин қуюқлашиб, борувчи қизил-қўнғир рангли суюқлик бўлиб, таркибида сийдик кислота бўлади. Ғумбакларнинг ичагида барг қолдиқлари ва бактерияларнинг борлиги, қуртнинг касал ёки заиф (кам қувват) бўлганлигидан далолат беради, чунки соғлом қурт пилла ўраш олдидан ичагини бутунлай бушатади.

Метаморфоз даври бошланиши ипак қурти гемолимфасига ҳалқум усти нерв тугунларида ишланиб чиқадиган маҳсус моддалар — гормонлар ажралиб тушиши билан белгиланади. Ипак қуртигининг чиқариш органлари тўғрисидаги материал баён этилганда бу ҳақда батафсил гапириб ўтганмиз.

Гемолимфага бу гормонлар тушиши билан гистолиз процесси — тўқималар емирилиши бошланади. Гистолиз процесси қон ҳужайралари иштироқида ҳам, уларсиз ҳам бориши мумкин. Гистолиз процесси қон ҳужайралари иштироқида боргандага фагоцитлар ўз псевдоподийлари билан қуртлар маҳсус органларининг тўқималарини емириб қисмларга бўлиб ташлайди, бу бўлакларини ўз ичига қамраб олиб, ҳазм қилиб юборади. Ҳазм қилинган бу маҳсулотлар гемолимфага тушади ва озиқ моддалар сифатида ёки капалакда янги органларнинг пайдо бўлишида фойдаланилади, ё бўлмаса, ғумбак ва капалакларнинг ҳаёти учун ишлатилади. Янги органлар эмбрионал-иммагиал дисклардан ривожланади, бу дисклар ипак қурти танасининг ҳар хил қисмларидаги ҳужайралар тўпламидан иборатdir. Ипак қуртлари ўсаётганда ҳали уларда ҳеч нарса кўринмайди, аммо метаморфоз процесси бошланиши билан янги органлар тез ривожланади ва (ипак қуртида бўлмаган) капалак органларига айланади. Гистолиз процесси қон ҳужайралари иштирокисиз боргандага ипак қуртларидаги мавжуд органлар, масалан, кўкрак оёқлар қисман қайта тузилади, бунда бундай органларнинг баъзи қисмлари емирилади, бошқа баъзилари эса иммагиал ҳужайралардан янгидан ҳосил бўлади ёки қайта тузилади ва ёшаради. Гистогенезнинг бу барча процесслари — янги органлар ҳосил бўлиши — ғумбакнинг капалакка айланаси учун пўст ташлаш вақтига келиб тугалланади, Пилла ўраш ва

метаморфоз процесслари ипак қурти химизмини анчагина ўзгартыриб юборади. Ҳаммадан аввал, улар жуда күп сув йўқотади. Агар ипак қуртида 80% га яқин сув бўлса, гумбаги тирик пиллада фақат 70% дан салгина ортиқроқ сув бўлади.

Нафас олиш характеристи ҳам ўзгаради: пилла ўраш даврида ажralиб чиқадиган карбонат ангидриднинг миқдори ортади, кейин жуда камайиб кетади ва ғумбаклик даврининг ўрталарига келиб, жуда ҳам озайиб қолади, аммо гумбакнинг капалакка айланиш учун пўст ташлаши олдидан нафас олиш яна тезлашади ва бу пўст ташлаш вақтида ажralиб чиқадиган карбонат ангидриднинг миқдори қуртнинг ғумбакка айланиши учун пўст ташлаш вақтида ажralиб чиқадиган карбонат ангидридга қараганда 5—10% ортиқ бўлади. Нафас олиш тезлигининг пасайиб кетиши айни ҳолда гистолиз ва гистогенез процесслари активлигининг пасайиб кетиш кўрсаткичи бўла олмайди, бу ҳолда оксидланиш-қайтарилиш процесслари фақат нафас олиш вақтида кирадиган ҳаво кислороди ҳисобига эмас, балки тананинг моддалари таркибидаги кислороддан фойдаланиш билан уларнинг анаэроб йўли ҳисобига ҳам боради.

Асосий органик моддаларнинг нисбати ҳам ўзгаради.

#### 14-жадвал

Тут ипак қурти танасидаги ҳуруқ модданинг таркиби (% ҳисобида)

|  | Оқсили | ЕР   | Углеводлар |
|--|--------|------|------------|
| Бир кунлик ғумбак . . . . .  | 52,3   | 31,1 | 8,6        |
| Капалак . . . . .  | 63,4   | 24,3 | 6,5        |
| Азотнинг абсолют миқдори бирмунча бошқачароқ кўринишда бўлади (100 дона ипак қуртига, г ҳисобида): |        |      |            |
| Етилган ипак қуртда . . . . .  | 4,79   |      |            |
| Ғумбакда . . . . .   | 1,76   |      |            |
| Пилла . . . . .  | 2,96   |      |            |
| Капалакда . . . . .  | 1,39   |      |            |

Бу рақамларни кўриб чиқиб, шу нарсани назарда тутиш керакки, азотли бирикмалар, асосан, ипак ҳосил қилишга сарфланар экан; ипак қурти оқсилининг ярмига яқини ипак оқсилига айланади; ипак оқсили таркибидаги 87,5% ҳуруқ модда бор, бу модданинг 98,8% и оқсили ва фақат 1,19% и кулдир.

Капалакнинг гемолимфасида ипак ҳосил қилиш учун кетган аминокислоталар анчагина кам:

| Аминокислоталар | Курт | Капалак |
|-----------------|------|---------|
| Глицин . . .    | 10,2 | 3,5     |
| Аланин . . .    | 8,7  | 3,2     |
| Тирозин . . .   | 4,3  | 1,6     |

Метаморфоз вақтида оқсилларнинг азотли қисмини мальпигиев найчалари капалак ичагининг учи берк халтачасига ажратиб чиқаради. Ёғ ҳам солиштирма миқдори, ҳам абсолют вазни жиҳатидан анчагина камаяди, чунки у ғумбак нафас олиш процессида бошқа моддаларга қараганда кўпроқ оксидланади. Метаморфоз вақтида ёғнинг дастлабки запасидан 35% га яқини сарфланади.

Шундай қилиб, оқсилли моддалар ҳаммадан кўп сарф бўлади, аммо бу сарф ҳар хил бўлади, яъни баъзи оқсилли биримлар кўп, бошқа баъзилари эса кам сарфланади.

Худди шунингдек, углеводлар сарфи ҳам жуда катта. Ипак қурти пилла ўраш олдидан кўп, яъни қуруқ модданинг 20% и миқдорида углевод запаси тўплайди, капалакда эса углеводнинг миқдори 6,5% гача камайиб кетади.

Ана шуларнинг ҳаммаси биргаликда ғумбак ва капалак вазнининг ипак қурти вазнига қараганда анчагина камайиб кетишига сабаб бўлади: ғумбакнинг вазни 50% га яқин, капалакники эса 20—30% бўлади. Асосий вазн пилла ўраш ва капалакка айланиш учун пўст ташлаш вақтида камаяди.

#### 15-жадвал

**Пилла ўраш даври бошланишдан то капалакка айлангунча ипак қурти вазнининг ўзгариши (эркак ва ургочи қуртлар бўйича ўрта ҳисобда)**

| Ривожланниш стадияси                                  | Дастлабнишниш<br>айлангунча<br>ипак қурти вазнининг<br>вазни (г ҳисобда) | Дастлабнишниш<br>айлангунча<br>ипак қурти вазнининг<br>вазни (г ҳисобда) | Пилла ўраб<br>бошланишниш<br>айлангунча<br>ипак қурти вазнининг<br>вазни (г ҳисобда) | Пилла ўраб<br>бошланишниш<br>айлангунча<br>ипак қурти вазнининг<br>вазни (г ҳисобда) | Пўст ташлаш<br>дан олдинги<br>пауза | Пўст ташлаш<br>2 кунлик ғумбак | 2 кунлик ғумбак | 4 кунлик ғумбак |
|---|--|--|--|--|-------------------------------------|--------------------------------|-----------------|-----------------|
| Битта индивидуалнишниш<br>вазни (г ҳисобда) . . . . . | 4,5  | 3,6  | 3,3  | 2,7  | 2,6 2,5                             | 2,2                            | 2,2             | 1,2             |

Илаги тортишга мўлжалланган пиллаларнинг ғумбаги капалакка айланиш ва пилладан чиқишининг олдини олиш учун (капалак чиқсан пиллалар ипак тортишга ярамайди) ғумбаклар ўлдирилади ва қуритилади. Ғумбакнинг вазни қуруқ пилла вазнининг, тахминан, ярмига тўғри келади. Ғумбакнинг таркибидаги ёғ (ғумбак вазнининг 25%ига яқини) совун тайёrlаш учун, кунжараси (ғумбак эти) эса ўғит сифатида фойдаланилиши мумкин, чунки унинг таркибида 11% азот ва энг кўп миқдор фосфат кислота, калий ҳамда оҳак бўлади.

Қимматбаҳо мўйна берадиган ҳайвонлар — тулкилар, сов-сарлар, соболларни қуритилган ғумбаклар билан боқиш уларнинг гўшт ўринини боса оладиган қимматли озиқ эканлигини кўрсатди; бир кг ғумбак 2,5 кг гўштнинг ўринини босади.

Ғұмбаклардан ҳайвонотчилик фермаларида ана шундай фойдаланиш бутун мамлакатда ҳар йили минглаб тонна гүштни иқтисод қилиш имкониятini беради.

### *Контрол саволлар*

1. Пилла ўраш биодинамикаси нимадан иборат.
2. Пилла ўраш процессини тавсифлаб беринг: «саккизлик», «синусоидал
3. Пилланинг ҳар хил жойида үралған пакетлар бир-биридан нималар билан фарқ қиласы да пилладан ипак тортишга булар қандай таъсир күрсатади?
4. Температура күтарилигандың ёки пасайғанда саккизликтар ва синусоидал эгер чизик, «түғри ўтиш» ва «әгри-бүрги ўтиш»лар нима; «пакет» нима?
5. Пилланинг ҳар хил жойида үралған пакетлар бир-биридан нималар билан фарқ қиласы да пилладан ипак тортишга булар қандай таъсир күрсатади?
6. Пиллаларнинг зот белгилари (шакли, ранги, катта-кичиклиги, вазни ва ұқозалар) қандай?
7. Құрт боқиши шароити пиллаларнинг баъзи хоссаларига қандай таъсир этади?
8. Пиллаларнинг технологик хоссалари қорт боқиши ва пилла ўраш шароитига боғлиқ эканлигини айтаб беринг.
9. Пилланинг биологик роли нималардан иборат?
10. Ғұмбак ҳосил бўлиши ва ғұмбакнинг ташқи кўринишини баён этинг.
11. Ипак қурғанинг капалакка айланишида содир бўладиган процессини ва бу процессда ғұмбәкнинг роли қандай эканлигини сўзлаб беринг.
12. Метаморфоз процессида ипак қуртининг қандай орган ва тұқымалар емирилади ҳамда капалакниң ҳаёти учун зарур бўлган қандай янги органлар вужудга келади?
13. Ғұмбакнинг нафас олиш тезлиги унинг ривожланиш күнларига қараб қандай ўзгаради?
14. Ғұмбакларда бўладиган моддалар алмашинуви ва улар танаси химиевий таркибининг ипак қуртлариниң нисбатан ўзгаришини айтаб беринг.
15. Ғұмбак танасидаги ёғнинг миқдори ва ундан фойдаланиш имкониятлари түғрисида сўзлаб беринг.

## IV боб

### ҚАПАЛАК

Капалак — тут ипак қуртининг ривожланиш циклидаги сўнгги стадиядир.

Гумбак капалакка айланиб бўлгандан кейин охирги марта пўст ташлаш процесси бўлиб ўтади, бунда ғумбакнинг пўсти ёрилиб, ундан капалак чиқади. Капалак жигилдонидан оғиз тешиги орқали икки-уч томчи ишқорга ўхшаш суюқлик чиқариб, пилла қутбларидан бирини шу суюқлик билан ҳуллайди. Бу суюқликнинг таркибида серицинни эритадиган ва фибронинг сезиларли даражада таъсир этмайдиган фермент — серициназа бўлади. Капалак пилланинг бир қутбини шу суюқлик билан ҳўллагандан кейин пилла қобигининг серицини эриди ва капалак ана шу жойдаги ипак толаларини боши ҳам оёқлари билан у ёқ-бу ёққа сурис, тешик очиб ташқарига чиқади. Капалак чиқиб кетгандан кейин бу тешикнинг четлари қўнғир тусга кириб қолади. Бунинг сабаби шуки, капалак тешикдан чиқаётганда унинг қорни сиқилиб ўтади, натижада учи берк халтачадаги суюқлик сизиб чиқади. Капалак чиқиб кетгандан кейин пилла ичиди қуриб, юмaloқланган қурт ва ғумбак пўстлари қолади. Пилладан эндигина чиқсан капалак пўст ташлаш вақтида ҳосил бўлган суюқлик билан ҳўлланган ва шунинг учун унинг тангачалари танаасига ёпишган, қанотлари ёзилмаган ҳолда бўлади. Бу суюқлик қуриган сари, капалакнинг қанотлари ёзила боради; трахеясига кирган ҳаво унинг солиштирма оғирлигини камайтиради ва капалак ҳаракатлана бошлайди.

Тут ипак қурти капалаги, одатда, тонг ота бошлиши билан (эрталаб соат 4—5 ларда) пилладан чиқа бошлаб, соат 9—11 ларгача чиқиб бўлади. Уларнинг пилла-



38-расм. Капалакнинг пилладан чиқиши олдидаги кўриниши.

дан күплаб чиқиши вақти эрталаб соат 6—9 ларга тұғри келади. Куннинг ярмидан кейин чиқиши камдаңқам ҳолларда учрайди. Тут ипак құрти капалаклари ёруғда яхши таъсирланиши аниқланган. Ёруғликнинг маълум режимда берилиши сутка давомида капалаклар чиқиши ритмининг маълум даражада ўзгаришига сабаб бўлади. Масалан, табий ёруғлик шароитида капалаклар эрталабки вақтларда чиқади; фақат кечқурунлари (соат 18 дан 24 гача) ёритилганда эса кейинги куннинг иккинчи ярмida күплаб чиқади; тунда (соат 21 дан эрталаб 6 гача) ёритилганда капалаклар кечки пайт күп чиқади; бутун сутка мобайнода ёритиб турилганда эса сутка давомида капалак чиқаверади, аммо бунда эрталабки ва кечки пайтларда капалак күплаб чиқади.


#### 16-жадвал

Тут ипак құртлари пилладан чиқиши пайтларининг бир сутка мобайнода ёруғлик таъсирида ўзгариб туриши (%) ҳисобида)

| Пиллаларни ёритиш соатлари          | Бир сутка мобайнода пилладан капалак чиқиши соатлари |       |       |       |       |      |
|-------------------------------------|--|-------|-------|-------|-------|------|
|                                     | 5  | 9     | 13    | 17    | 21    | 24   |
| Эрталаб соат 7 дан 21 гача . . .    | 9,76   | 89,16 | 1,08  | —     | —     | —    |
| Күндүз соат 12 дан кеч соат 18 гача | 4,65   | 69,75 | 2,30  | 23,30 | —     | —    |
| Кеч соат 18 дан 24 гача . . .       | 1,10   | 7,70  | 11,10 | 51,20 | 27,80 | 1,10 |
| Кечаси соат 24 дан эрталаб 6 гача   | 21,85  | 25,25 | —     | 25,30 | 20,70 | 6,90 |
| Сутка давомида ёритилганда . . .    | 29,05  | 9,65  | 11,85 | 11,85 | 27,90 | 9,70 |

Жадвалда келтирилган маълумотлардан күриниб турибиди, ёруғлик режиминің ўзгартырыш билан уруғ заводларда уруғ очириш даврида пилладан капалак чиқариш ишига мақсадга мувоғиқ равища таъсир этиш мумкин.

Тут ипак құрти бокиши ва қуртларнинг пилла ўраш даврида ёруғлик режимининг ўзгариши пилладан капалак чиқиши вақтига таъсир этмайды. Ёруғлик фақат ғумбаклик даврининг охирги кунида, ғумбак пәрдаси ичидә капалак шаклланиб бўлгандагина таъсир этади. Бу таъсир пилла ичидаги ғумбакларга ҳам, пилладан ажратиб олинган ғумбакларга ҳам бир хил бўлади. Демак, пилла қобиғи ёруғлик кирищига ва таъсир этишига тўсқинлик қилмайди. Тут ипак құрти капалаклари учмайди. Урғочи капалак ўзи чиқкан пилла устида ҳаракатсиз туради, эркак капалаклар эса бетўхтов ҳаракатланиб туради. Ғумбаклар капалакка айланыш учун пўст ташламасдан илгариёқ, эркак жинсий ҳужайралар ва урғочи жинсий ҳужайраларнинг кўп қисми шаклланиб бўлади. Капалаклар фаолиятининг актив-даври улар ҳаётининг кўпи би-



39-расм. Тут ипак құрти капалаклари:

♀ А — урғочиси; ♂ Б — әркаги.

лан 15—20% ини ташкил этади. Бу даврдаги асосий фаолият насл қолдириш, жуфтлашиш (құшилиш) тухумларни уруғлантириш ва тухум құйишидан иборат

Құпинча, әркак капалаклар үрғочи капалакларга қараганда пилладан илгарироқ чиқади. Капалак очириш учун құйилған ҳар бир түп пилладан чиққан капалаклар орасида ҳам әркак капалак күп бўлади. Шунинг учун уруғ заводларда әркак капалакларни кейинги кунга қолдириш чоралари кўрилади.

Тут ипак құрти капалакларининг ранги оқ, оч сариқ, гоҳо кўкимтири бўлади. Баъзан қорамтири (жигар ранг ёки қора) капалаклар ҳам учраб қолади. Капалакнинг танаси қорамтири-қўнғир пўст билан, унинг усти эса тангачалар билан қопланган. Қанотларида қорамтири рангли кўндаланг йўллар бўлади; әркак капалакларда бу йўллар (нақшлар) аниқроқ кўриниб туради. Тангачалари шакли ўзгарган дағал туклардир. Тангачалар қанотларда бир-бирининг четини босиб (черепицасимон) жойлашган. Тангачаларнинг пўстга ёпишган жойи (туби) цилиндр шаклида бўлади ва учи кенгайиб, пластинка ҳосил қиласиди. Бу пластинкаларнинг шакли белкуракка ўхшаш ва кенг жойининг қирралари тишчали бўлади. Тишчалар сони 2 тадан 7 гача, катта-кичиклиги 0,1 мм дир.


Капалак танаси бош, кўкрак ва қорин қисмларидан иборат. Капалакнинг боши кичкина, шакли чўзиқроқ (тухумсимон) бўлиб, унда бир жуфт катта мураккаб (фасеткали) кўз бор. Капалакнинг мураккаб кўзи бир неча минг оддий кўзчалардан тузилган. Бу кўзчаларнинг сирти кўргина олти бурчакли қисмларга — фасеткаларга бўлинган ярим сферик шох пардалардан иборат. Ҳашаротларнинг мўраккаб кўзларидаги ҳар бир фасетка буюмларнинг тасвирини қабул қиласиди, яхлит ҳолда эса бу кўз буюм-

ларнинг тасвирини қабул қилишга қараганда уларнинг бўшлиқдаги ҳаракатини кўришга кўпроқ мослашади.

Капалакнинг бошида кўзлар билан бир қаторда бир жуфт мўйлов ва оғиз тешиги ҳам бор, оғиз тешиги битиб кетган оғиз ўсимтаси билан ўралган: пастки лаб пайпастлагичлари қисقا ва икки бўғимли бўлади. Капалакларнинг мўйловлари яхши ривожланган, патсимон шакли, найчага ўхашаш 40—70 та бўғимдан тузилган бўлиб, икки ёнга осилиб турадиган ўсимталари бор. Бу

ўсимталар урғочи капалаклари қараганда эркак капалакларда кўпроқ ва сезувчи туклар билан қопланган бўлади. Капалакнинг кўкрак қисми уч бўғимдан тузилган. Ҳаракатланмайдиган тарзда бириккан иккинчи ва учинчи кўкрак бўғимларида бир жуфтдан қанот жойлашган. Олдинги қанотлар учбурчак шаклида, орқа қанотлар эса анчагина юмaloқ ва олдинги қанотлардан кичикроқ бўлади. Олдинги жуфт қанотларнинг кўкрак бўғимига бириккан жойида биттадан тери ўсимтаси бўлиб, улар тангачалар билан қопланган ва орқа томонга қараб жойлашган, бу ўсимталар қанот олдликлари деб аталади. Капалакнинг кўкрак бўғимларида ўсимталар кўринишида уч жуфт бўғимсимон оёқ бор, бу оёқлар ипак қурти оёқларига қараганда узун бўлади. Капалакда ёлғон оёқлар ва тукчалар бўлмайди. Капалакнинг ҳар бир оёғи тос, сон, болдири ва беш бўғимли панжадан иборат. Иккинчи ва учинчи жуфт оёқларнинг тос қисми кўкрак билан ҳаракатланмайдиган тарзда бириккан. Биринчи жуфт оёқларнинг тос қисми ҳаракатланади. Биринчи жуфт кўкрак оёқларирида узун ўсимталар бор, кейинги иккита оёқнинг болдирида шундай ўсимталар эса калтароқ бўлади. Ҳар бир танжада иккитадан тирноқ, улар орасида эса ёстиқча бор.

Капалакнинг қорин қисми 9 бўғимдан тузилган. Ҳар қайси бўғимнинг орқа томони тери қопламларининг қаттиқ пластинкаси — тергит билан, қорин томони эса ана шундай пластинка — стернит билан қопланган. Биринчи қорин бўғимида стернит йўқ. Қориннинг орқа учидаги капалакнинг ташки копулятив аппарати бўлади. Капалакларнинг овқат ҳазм қилиш аппарати (тракти) узун пайдан (томуқ ўтказгичдан) иборат бўлиб, бу пай қорин бўшлиғида (ҳаво пуфаги) шаклида кенгаяди. Ҳаво пуфагидан кейин капалак танасининг орқа учига томон конус шаклида кен-



40-расм. Капалакнинг боши (қиллар билан қалин қопланган анатомик тузилиш схемаси):

*РЮЖ* — яхши ривожланмаган юқориги жағлар; *M* — мўйловча; *ПЛМ* — пастки лаб пайпастлагичлари.

гайиб борадиган ўрта ичак келади. Унинг кетидан ичакнинг узун орқа бўлими келади, бу ичакнинг учи берк (кўр) халтача билан тамомланади. Берк халтачадан калта узун ичак кетади, бу ичак орқа чиқарув тешиги билан ташқарига очилади (тамомланади).

Ичакнинг ўрта ва орқа бўлими оралиғидаги чегарада ҳалқа шаклли қисқич бор.

Ичакнинг орқа бўлимига ингичка ва илон изи кўринишдаги олтида мальпигиев найчалари кириб туради. Мальпигиев найчалари капалаклар қўшилиши олдидан ва қўшилгандан кейин қизил-қўнғир рангли суюқлик чиқаради, бу суюқлик берк халтада тўпланади.

Капалаклар ҳам, худди ипак қурти сингари, трахея системаси орқали нафас олади. Трахея системаси саккиз жуфт нафас тешиги билан ташқарига очилади. Нафас тешиклари капалак тана-сининг биринчи кўкрак бўғимига ва дастлабки қорин бўғимлари нинг етитасига жойлашган. Иккинчи ва учинчи кўкрак бўғимлари оралиғидаги кутикула бурмасида яна бир жуфт нафас тешиги бор, аммо улар яхши ривожланмаган — бекитувчи аппарати йўқ.


Капалаклар нафас тешигининг бекитувчи аппарати иккиламчи бекитувчи ёйининг бўлмаслиги билан қуртлар нафас тешигининг бекитувчи аппаратидан фарқ қиласди.

Капалакнинг бел найчаси олтинчи қорин бўғимининг кетинги четида учи берк ҳолда тамомланади. Капалаклар бел найчасининг бўртиклари (дўмбоқчалари) қуртларнига қараганда камроқ билинади. Кўкрак билан қорин оралиғи чегарасида бел найчаси паст томондан кўкракни қориндан ажратиб турувчи хитин бурмани айланиб ўтади. Кўкрак бўғимларида бел найчаси орқа томондаги қопламларига яқинлашиб келиб кенгаяди. Ана шу йўғоилашган жойдан аорта чиқади ва у бош бўшлиғига очилади.

Капалакнинг қони (гемолимфаси) оч сарфиш рангда бўлади. Бел найчаси қисқариши натижасида қон ҳаракатга келади.

Капалакнинг мускул системаси қуртнинг мускул системасидан, асосан қанотларида кучли мускуллар борлиги ва юқориги жағларида мускуллар йўқлиги ҳамда оёқлар мускулининг мувофиқ равиша ривожланганлиги ва бошқалар билан фарқ қиласди.

Капалакнинг томоқ усти нерв тутгунлари сезув органлари-



41-расм. Тут ипак қурти капалагининг бўйлама схематик кесиги.

*ХХ* — ҳаво халтачаси; *М* — мальпигиевые найчалы; *НЗ* — нерв занжира; *ЖС* — жинсий орган; *Т* — томоқ; *БХ* — берк халтача; *ОН* — белый найчас.

нинг (кўз ва мўйловларнинг) жуда яхши ривожланганлиги сабабли ипак қуртлари-нига қараганда анчагина мураккаб тузилган.


Капалакнинг жинсий органлари — урғочи капалакники — тўрт жуфт тухум найчаси (овариоллардан), қўшимча жинсий органлар ва ташқи копулятив аппаратдан иборат. Тухум найчалари капалакнинг қорин қисмига ҳар томондан тўрттадан бўлиб бириккан. Тухум найчаларининг узунлиги 60—80 мм келади. Уларда учма-уч ҳолда бир қатор жойлашган уруғлар бўлади.

Ҳали тухум қўймаган урғочи капалакларнинг тухум найчалари қорин бўшлигини тўлдириб туради ва уни шундай кенгайтириб юборадики, бу вақтда урғочи капалакни қорин бўшлигининг кенгайиб кетганлигига қараб, эркак капалақдан фарқ қилиш жуда осон бўлиб қолади. Овариоллар ипак қуртининг бошланғич тухумдонида ривожланади.

Урғочи капалакнинг қўшимча жинсий органлари сперматозоидлар учун дастлабки резервуар ҳисобланадиган копулятив халтачадан, уруғ қабул қилгич, яъни иккимамчи резервуардан (бу резервуар орқали сперматозоидлар уруғланиш вақтида тухумга киради) жуфт ва тоқ тухум йўлларидан (бу йўллар орқали тухум ташқарига чиқади), уруғни ўраб олиб, субстратга ёпишириш учун сарф бўладиган мёдда ажратиб чиқарувчи елимловчи безлардан иборат. Уруғни субстратга ёпиширмайдиган тут ипак қуртлари зотининг бу безида ёпиширувчи модда бўлмайди.


Урғочи капалаклар жинсий органларининг қўшимча қисмлари қуртлар пилла ўраши олдидан шакллана бошлайди ва, асосан, ғумбаклик даврининг биринчи ярмида шаклланиб бўлади. Бу органлар ипак қурти танасининг қорин томонида жойлашган ва Ип ёват дисклари деб аталадиган маҳсус бошланғич дисклардан ҳосил бўлади.

Урғочи капалакнинг ташқи жинсий аппарати иккита: юқорисида орқа чиқарув ва ўртасида тухум қўядиган тешиклари бўлган жинсий бўртиқдан иборат. Жинсий бўртиқнинг ёнларига иккита ароматик (ичида хушбўй моддаси бор) халтача жойлашган, урғочи капалаклар жинсий ўйғонган вақтда қорнини дўппайтириб, ана шу халтачалардан хушбўй модда ажратиб чиқаради.



42-расм. Капалакнинг ташқи копулятив органи.

I. Эркак капалакники: 1 — саккизинчи қорин бўғи мийинг дорсал пластинкаси; 2 — тегумени; 3 — ункуси; 4 — скафиуми; 5 — вальваси; 6 — копулятив органи; 7 — фильтураси; 8 — хитин пластинкаси. II. Урғочи капалакники: 1 — тухум қўядиган тешиги; 2 — орқа чиқарув тешиги; 3 — хушбўй модда тўпландиган халтачasi; 4 — еттичини қорин бўғимининг дорсал пластинкаси; 5 — саккизинчи қорин бўғимининг дорсал пластинкаси; 6 — анал сўрич; 7 — хитин пластинкаси; 8 — қисувчи пластинкаси; 9 — базал пластинкаси.



43-расм. Тут ипак құрты капалагининг тухум нағындары (оварииллари) ва құшимча жинсий органлари.

TH — тухум үйлі; YKK — уруғ қабул қылгыч; KX — копулятив халта; TTX — ток тухум үйлі; EB — елимловчи без.

бұлади. Эркак капалакнинг құшимча биошланғыч ҳосила — Герольд органига тегиб турувчи жинсий пайлар ҳисобига ҳосил бұлади. Бу орган (ҳосила) ипак құртда-рининг қорин томонидаги тұққизинчи бұғимига жойлашған.

Уруғдонларда ҳосил бұлған сперматозоидлар уруғ чиқарувчи үйллар орқали уруғ пулфакчаларига тушади. Копуляция (капалакларнинг құшилиши) вақтида сперматозоидлар уруғ пулфакчаларидан эркак капалакнинг уруғ келувчи канали ва копулятив органдар орқали уруғочи капалакнинг копулятив халтаасына сиқиб туширилади. Құшимча жинсий безларнинг роли унча аниқ әмас, аммо бу безлар творогга (сузмага) үхашаш модда ишлаб чиқаради, бу мөддадан копуляция вақтида маңсус халтасы — сперматофор ҳосил бұлади деб таҳмин қылғанади.

Эркак капалакнинг ташқы жинсий аппарати узунлығы 3 мм ча келадиган, құрниши учи тешик «нина» (шприц) га үхашаш, қат-тиқ хитиндан тузилған копулятив органдан, копулятив органдың әнларига жойлашған иккита илгакдан — вальвадан ва иккі қисмдан: скафиум ҳамда ункусдан тузилған маңсус қисувчи аппаратдан иборат бұлади. Қисувчи аппарат копулятив органдың туғызында жойлашған бўлиб, құрниши құшларнинг тумшуғига

бу мөдданинг ҳиди эса әркак капалакларни ўзиға жалб этади.


Жинсий бўртикнинг пастроғида кўндаланг ҳолда турадиган сиқувчи хитин пластинка жойлашған, бунинг остида урғочи капалакнинг иккаламчи — копулятив жинсий тешиги бор.

Эркак капалакнинг жинсий органдар сперматозоидлар ишлаб чиқарувчи иккита жинсий без — уруғдонлардан, құшимча жинсий органлардан ва ташқи копулятив аппаратдан иборат. Эркак капалакнинг құшимча жинсий органлари уруғ чиқадиган үйлдан уруғ пулфакчаларидан құшимча жинсий безлар ва уларнинг чиқарувчи үйларидан, уруғ (сперматозоид) келувчи каналдан иборат

жинсий органлари терида-ги биошланғыч ҳосила — Герольд органига тегиб турувчи жинсий пайлар ҳисобига ҳосил бұлади. Бу орган (ҳосила) ипак құртда-

үхшайды. Капалаклар жуфтлашиш (құшилиш) вақтида урғочи капалакнинг қисувчи пластинкаси скафиум билан ункус орасига тушады ва бу ерда қисилиб қолади.

Капалаклар, үрта ҳисобда, 12—14 кун яшайды. Баъзи капалаклар 3 ҳафтағача яшайды. Урғочи капалаклар әркакларига қараганда бирмунча узоқроқ яшайды. Тут ипак құртларининг капалаклари (ғұмбаги каби) озиқланмайды. Капалак құртнинг ривожланиш стадиялари процессида түпланған озиқ моддалари запаси ҳисобига ҳаёт кечиради. Нимжон ва касал капалаклар тез: пилладан чиққандан икки-уч кундан кейин, күпинча, ҳатто тухум қўйиб бўлмасданоқ нобуд бўлади. Юқори температурада, яъни моддалар алмашинувчи жадал суръатлар билан борганда капалаклар, узоқ яшамайди ва аксинча, паст температурада, яъни ҳаёт фаолияти процесслари секинлашганда, капалаклар узоқ яшайды. Бу хилдати температурада капалаклар ғұмбакларга қараганда 4—5 марта тезроқ нафас олади. Эркак капалаклар урғочи капалаклардан серҳаракатроқ бўлганлиги сабабли, уларга қараганда тезроқ нафас олса керак. Майда пилла ўрайдиган зот ипак құртларининг капалаклари йирик зотларнинг капалаклариға қараганда камроқ яшайди. Капалакнинг нобуд бўлиши озиқ моддаларнинг сарфланиб бўлиши натижаси эмас, чунки капалак ҳаётининг охирида организмда яна анчагина озиқ модда сақланади. Капалаклар касаллик ва тўқи-



44-расм. Эркак капалакнинг жинсий органдариди:

1 — құшимча безлари; 2 — ургуғ пифаккаси; 3 — ургудони; 4 — ургуғ чиқарувчи йўли; 5 — ургуғ чиқарувчи найчаси; 6 — учи берк халтаси; 7 — копулятив органы.-



45-расм. Жуфтлашган капалаклар.



46-расм. Тухум қўяётган капалак.

маларнинг қариб бузилиши натижасидагина эмас, балки улар нерв системаси фаолиятининг сўниши ҳамда оқсилларнинг парчаланиш маҳсулотлари ўз-ўзини заҳарлаши натижасида нобуд бўлади.

### *Контрол саволлар*

1. Капалакнинг ташқи кўриниши қандай? Эркак капалаклар билан ургочи капалакларнинг ташқи кўринишидаги фарқларни айтиб беринг.
2. Капалакларнинг нафас олиш, қон айланиш ва овқат ҳазм қилиш орғанларининг анатомик тузилишини тавсифлаб беринг.
3. Пиллалардан капалак чиқишининг суткалик ритмикасини ва бу ритмиканини ўзгаришига ёруғлик қандай таъсир этишини сўзлаб беринг.
4. Пилладан капалак чиқиш процессини тавсифланг.
5. Ургочи ва эркак капалакларнинг қўшимча жинсий органларини тавсифлаб беринг.

## V боб

### ТУТ ИПАҚ ҚУРТИ ЭМБРИОЛОГИЯСИ.


#### Тухумдоннинг тузилиши ва ривожланиши

Ривожланниб тухумга айланувчи урғочи жинсий ҳужайралар ишлаб чиқарадиган жинсий безлар тухумдан деб аталади. Қуртлик стадиясида тухумдонлар бошланғич ҳолатда бўлади. Улар оч сариқ рангли, нотўғри учбурчак шаклидаги иккита бездан иборат бўлиб, қурт қорин қисмининг бешинчи бўғимдаги пўсти остида, худди ярим ой шаклли доғларнинг иккинчи жуфти турган ерда жойлашган. Тухумдоннинг ҳар бир учки қисмидан бириктирувчи тўқима пайи кетган. Бу пайлар яқиндаги тўқималарга бирикиб, тухумдонни маълум бир ҳолатда тутиб туради.


Тухумдоннинг учки қисми бел найчасидан юқорида жойлашган бўлиб, анчагина узун пайи бср, бу пайнинг орқа учи ипак қурти қорин қисмининг етгинчи бўғимигача етиб боради. Бу пай жинсий пай деб аталади, кейинчалик бу пайдан тухумдан ривожланади.

Тухумдоннинг пардаси бириктирувчи тўқимадан ҳосил бўлган. Ҳар қайси тухумдоннинг ички бўшлиғи учта тўлиқ бўлмаган тўсиқ билан тўртта камерага бўлинган. Тўсиқлар тўла бўлмагандан жинсий пай бошланадиган жой яқинида камералар бир-бири билан қўшилиб, умумий бўшлиқ ҳисил қиласида.

Ипак қуртларининг бошланғич тухумдлони камераларида бирламчи жинсий ҳужайралар — овогониялар ва бир қанча эпителий ҳужайралари бўлади, булар фолликуляр ҳужайралар деб аталади.



47-расм. Куртнинг тухумдони; *бн* — бел  
найчаси; *т* — трахеялари;  
*т* — тухумдони; *ЖП* — жинсий пайи.



48-расм. Куртнинг кесиб кўрсатилган тухумдони:

ТП — тухумдоннинг пардаси; ОФХ — оогонийлари ва фолликулар ҳужайралари; ЖП — жинсий пайи; Т — трахеялари.

49-расм. Курт тухумдонида тухум найчаларининг ривожланиши: ЖП — жинсий пайи.


Ипак қурти ўсиб борган сари унинг тухумдони ҳам катталаши да ва шакли ҳам анчагина ўзгаради. Қуртларнинг учинчи ёшидаёқ тухумдонларнинг ички камералари узунлаша бошлайди. Камералар аста-секин узун найчага айланади. Бу найчаларнинг узунлиги тухумдан узунлигидан бир неча марта катталашиб кетиши сабабли, улар тухумдоннинг умумий бўшлиғига жуда эгри-буғри ҳолда жойлашади, бешинчи ёш охирига бориб эса тухум найчалари бошланғич тухумдан ичига ўрнашган тугунчага ўхшаб қолади.)

Қуртлик стадиясининг охирига келиб, жинсий пайнинг олдинги бўлимни йўғонлашади ва тўрт қисмга ажralиб туради. Бу қисмлар тухумдоннинг тўртта найчасига туташади. Кейинроқ бориб, жинсий пайнинг ана шу бўлимидан овариолларнинг тухум чиқарувчи қисми ҳосил бўлади. Қуртлар ғумбакка айлангандан кейин тез орада бошланғич тухумдонларнинг пардаси йиртилади ва тухум найчалари ғумбак қорин қисмининг умумий бўшлиғига тушиб туради. Овариолларнинг тухум ҳосил қилувчи ва тухумни чиқариб юборувчи қисмлари ана шу вактдан бошлаб, бир-бирига қўшилиб кетади ва яхлит найчаларга ўхшаб қолади. Найчаларнинг тухум ҳосил қилувчи қисмидаги тухумлар овариоллар

деворидаги мускулларнинг қисқариши натижасида тухумни чиқарип юборувчи қисмiga ўтади.

Капалаклик стадиясида энди бутунлай шаклланиб бўлган тухумдан саккизта узун найчадан — овариоллардан иборат бўлиб, улар урғочи капалак қорин қисмининг ҳар қайси томонига тўрттадан жойлашади. Ҳар қайси тўртта овариолнинг олдинги қисмлари учки камера билан, орқа қисми эса жуфт тухум йўли билан бирлашади. Қорин бўшлигининг охирида иккала жуфт тухум йўли умумий тоқ тухум йўлига қўшилади, бу йўл тухум чиқадиган тешик билан тамомланади.

Кичик ёшдаги қуртларнинг бошланғич тухумдонлари камералари ичидаги овогонийлар деб аталадиган бирламчи жинсий ҳужайралар, шунингдек фолликуляр ҳужайралар жуда тез кўпайди. Тўртинчи ёш бошларида, яъни тухум камералари анчагина чўзилиб, найчага айланаб қолган вақтда, уларнинг орқа қисмida дифференциацияланган (бўлина бошлаган) жой кўринади. Ана шу жойда ҳар қайси овогоний уч карра бўлиниш йўли билан саккизта ҳужайра ҳосил қиласи, булардан бири ривожланиб тухумга (овоцитга) айланади, қолган еттитаси эса ана шу тухумни озиқлантирувчи ҳужайралар бўлиб қолади. Шу вақтдан бошлаб, тухум ҳужайралари кўпайишдан тўхтайди ва уларнинг ўсиш даври бошланади.



50-расм. Тут ипак қуртлари тухумининг ҳосил бўлиниши:


*A* — тухум найчаларининг ички қисми ва тухум камерасининг шаклланиши; *B* — найчаларнинг тухум ҳосил киљувчи қисми орқа уйидаги иккита тухум камераси; *C* — шаклланиб бўлган (өтилган) тухум: *эжх* — ёш жинсий ҳужайралари; *ртх* — ривожланётган тухум ҳужайраси; *о.т* — озиқлантирувчи ҳужайралари; *тэ* — тухумдан эпителийси; *тхя* — тухум ҳужайра ядро si; *у* — уруп; *жет* — жуфт тухум йўли.



Дифференциацияланган (бўлина бошлаган) жой ҳосил бўлиши билан овариолларнинг ички бўшлиғи айрим тухум камера-ларига бўлинади. Ҳар бир камерада ўсаётган тухум ва еттига озиқлантирувчи ҳужайра бўлади. Қурт ривожлана бориши билан тухум тез ўсади, озиқлантирувчи ҳужайралар эса кичрайиб буришиб қолади. Фумбаклик стадиясида тухум фолликуляр эпителий ҳужайралари ҳисобига озиқланади, бу эпителий тухум-доннинг ички деворини қоплаб олган бўлади. Тухум ҳужайра ўсишдан тўхташи билан эпителий ҳужайралари маҳсус модда ажратиб чиқаради, бу модда тухум қобигини ҳосил қиласди.

Тухумнинг ичидаги моддалар ҳосил қилувчи ва озиқлантирувчи сариқлик ҳамда ядро деб аталувчи пуфаксимон танадан иборат бўлади. Ҳосил қилувчи сариқлик бир жинсли тиниқ суюқликка ўхаш бўлиб, у ядро атрофида ва тухумнинг устида, қобиги остида туради. Ҳосил қилувчи сариқлик қаватлари орасида озиқлантирувчи сариқлик қавати бор, унинг таркибида кўп миқдор оқсил, ёғ ва гликоген доначалари бўлади. Ядронинг таркибида эса кўп миқдор нуклеин кислота бор. Ҳар қандай организм танасининг ҳар бир ҳужайра ядросида хромосом аппарати бўлади, бу аппарат оқсилдан ҳосил бўлган алоҳида заррачалар — хромосомлардан иборат.

Ҳар бир тур ўсимлик ҳамда ҳар қайси зот ҳайвоннинг маълум сондаги ва шаклдаги хромосомлари бўлади. Хромосомлар ҳамма вақт жуфт бўлади. Масалан, одамда 23 жуфт, аскарида 2 жуфт, тут ипак қуртида 28 жуфт хромосом бор. Ҳар қайси жуфт хромосомнинг бири онадан (урғочидан), иккинчиси отадан (эркадан) пайдо бўлади. Хромосомлар хроматин моддасидан ибо-



51-расм. Овоцитнинг етилиб бўлиниши:

1 — бўлиса боплапи; 2 — биринчи йўналтирувчи таначанинг ҳосил бўлиши; 3 — иккинча йўналтирувчи таначанинг ҳосил бўлиши; 4 — иккинчи йўналтирувчи таначанинг бўлиниши.

рат бўлиб, бу модда таркибида жуда мураккаб тузилган дизоксирибонуклеин (ДНК) ва рибонуклеин (РНК) кислоталар бор. Бу кислоталар бўлажак организмнинг ирсиятини белгилаб беради.

Ипак қуртанинг бирламчи урғочи жинсий ҳужайраларида — овогонийларда, кейинчалик эса овоцитларда ҳам, она танасининг барча ҳужайраларида сингари, жуфт хромосомлар йиғиндиси бўлади. Аммо ғумбаклик даврининг охирларида овоцитлар етилиб, иккига бўлинади, бунинг натижасида хромосомларнинг жуфтлик тартиби бузилади ва ядродаги хромосомлар сони икки баравар камайиб кетади (51-расмга қаралсин). Бў процесс хроматиннинг редукцияси деб аталади ва у қўйидагича содир бўлади: капалак тухум қўяётган вақтда, тухум тоқ тухум йўлидан ўтаётганда овоцит йўналтирувчи танача деб аталадиган микроскопик ҳужайрача ажратиб чиқаради. Тухум қўйилгандан кейин орадан 1,5 соат вақт ўтгач, овоцит иккинчи йўналтирувчи танача ажратиб чиқаради. Етилиб иккинчи марта бўлиниш натижасида жуфт хромосомлар бир-биридан узоқлашади — бир қисми тухумда, иккинчи қисми эса йўналтирувчи таначада қолади. Бу вақтда биринчи йўналтирувчи танача ҳам иккита қиз ҳужайрага бўлинади, бу ҳужайраларда хромосомлар сонининг ярим йиғиндиси бўлади.

Шундай қилиб, етилиб икки марта бўлиниш натижасида етилган тухум ҳосил бўлади, бу тухумда хромосомлар сонининг ярми (гаплоид) ва учта йўналтирувчи танача бўлиб, бу таначалар тез орада сўрилиб кетади.

Тухум она индивид, сперматозоид эса ота индивид ирсиятини тарқатувчи ҳисобланади. Уруғланиш процессида, булар қўшилган вақтда айни тур (зот) учун характерли бўлган хромосомларнинг нормал сони ва уларнинг жуфтлиги тикланади, ривожланётган янги организм эса ҳам ота, ҳам она белгиларини ўзида мужассамлантиради.

### Контрол саволлар


1. Урғочи тут ипак қурти тухумдонининг ташқи тузилиши қандай бўлади?
2. Ипак қуртанинг тухумдони қуртлик стадиясидан капалаклик стадиясига қандай ривожланади?
3. Тухумдан ичдиа тухумлар қандай ривожланади?
4. Тухумнинг ички тузилишини тавсифлаб беринг.
5. Тухумнинг етилиб бўлиниш процесси қандай боради?

### Уруғдоннинг тузилиши ва ривожланиши


Эркак ипак қуртларининг ҳам жинсий безлари бошланғич ҳолатда бўлади ва худди урғочи ипак қуртларининг тухумдони сингари, қорин қисмининг бешинчи бүгимиға жойлашгандир. Уруғдонлар тухумдонларга қараганда бирмунча йирикроқ, буй-

рак шаклида, сарғиши рангли бўлади. Уруғдонларнинг жинсий пайлари, тухумдонларнидан фарқли равишда, уруғдоннинг ташки томонида эмас, балки ички томонидан (бел найчасига яқин жойдан) чиқади. Ҳар иккала уруғдоннинг пайлари қорин қисмининг саккизинчи бўғимидаги Герольд органи деб аталувчи маҳсус йўғонлашган жойда бир-бiri билан қўшилади. Ҳар қайси уруғдоннинг ички бўшлиғи тўртта камерага бўлинган, бу камералар жинсий пай бошланган жойда бир-бiri билан туташади. Камералар суюқ секрет билан тўлган бўлиб, унда дастлабки уруғ ҳужайралари — спермиогонийлар ҳаракатланиб юради.

Капалаклик стадиясида уруғдонларнинг тузилишида ўзгариш бўлмайди, фақат жинсий пайнинг орқа қисмидан эркак капалакнинг қўшимча жинсий органлари ривожланади. Бу органлар уруғ чиқарувчи йўллардан, бир жуфт уруғ пуфакчаларидан, иккита қўшимча жинсий бездан ва копулятив орган билан тугайдиган уруғ чиқарувчи найчадан иборат. Бу найча герольд органдан ривожланади. Биринчи ёшдаги қуртларнинг бошланғич уруғдони камераларида дастлабки жинсий ҳужайралар — спермиогонийлар оддий кариокинетик бўлиниш йўли билан жуда тез кўпаяди. Уруғдоннинг ҳар қайси камерасида, унинг берк учida Версонов ҳужайраси деб аталадиган биттадан катта ҳужайра бор. Бу ҳужайра ўзини зич ҳалқа шаклида ўраб олган, кўпаявчи спермиогонийларни озиқлантириш вазифасини бажа-



52-расм. Ипак қуртининг уруғдонлари:  
m — трахеялари; bn — бел найчаси; jep —  
жинсий пайи.



53-расм. Ипак қуртининг кесиб кўрса-  
тилган уруғдони:  
юж — юқориги ҳужайраси; c — спермио-  
нийлари; тп — тухум пуфакчалари; тб —  
тухум боялмалари (тутамлари); bn — уруғдо-  
нинг бириктирувчи пардаси.

ради. Спермиогонийларнинг миқдори күпайиб борган сари, версонов ҳужайраси узун, нурсимон протоплазматик пайлар ҳосил қиласи, бу пайлар версонов ҳужайрасига тақалиб турмайдиган жинсий ҳужайраларга озиқ етказиб беради. Учинчи ёшнинг бошларидаётк протоплазматик пайларнинг бир қисми версонов ҳужайрасидан куртакланиб чиққан ядрочалар билан бирлашиб, уруғ пулфакчаларини ҳосил қиласи. Ҳар бир уруғ пулфакчасининг ичидә бир оз миқдор спермиогонийлар бўлади, улар шу ерда ривожланишда давом этади.



54-расм. Тут ипак қуртигиннинг айрим сперматозоиди (1) ва уруғ боғлами (2):  
ся — сперматозоид ядрои.



55-расм. Тут ипак қуртигиннинг уруғ боғлами:  
юхж — юкориги ҳужайра ядрои;  
сб — сперматозоидларнинг бошчалари;  
тля — тухум пардасининг ядрои.

Уруғ шарчалари маълум даражагача спермиогонийлар билан тўлгандан кейин улар худди овогонийлар сингари, етилиб икки марта бўлинади, бунинг натижасида хроматин редукцияланади, яъни хромосом жуфтларининг ажралиши ҳисобига хромосомларнинг сони икки баравар камаяди. Ҳар бир жинсий ҳужайра етилиб, биринчи марта бўлингандан кейин иккита иккинчи тартибли спермиоцит ҳосил бўлади: иккинчи марта бўлингандан кейин иккита иккинчи тартибли ҳар бир спермиоцит иккитадан спермидий ҳосил қиласи, булар тез орада сперматозоидларга айланади.

Уруғ боғларида ривожланаётган сперматозоидлар бошчаларини бир томонга, думчаларини эса қарама-қарши томонга қаратган ҳолда бир тутам бўлиб жойлашадилар. Бўлажак сперматозоидларнинг дум қисми иплари ўсиши билан уруғ пулфакчасининг қобиги аста-секин чўзила бошлайди, бунинг натижага-

сида пуфакчадар нок шаклига кириб қолади: ғумбаклик стадиясининг охирлариға келиб эса, улар тут ипак қуртининг сперматозоидлариға хос бўлган шаклга киради, аммо улардан бир неча марта йўғон бўлади. Чўзиқ уруғ пуфакчалари уруғ тутамлари деб аталади. Ҳар қайси уруғ тутамида 250 тагача сперматозоид бўлади. Сперматозоидлар фақат урғочи капалакнинг копулятив халтасида копуляция процесси бўлиб ўтгандан кейингина уруғ тутамлари қобигидан чиқади.)

### Контрол саволлар

1. Тут ипак қуртининг қуртлик ва капалаклик стадияларидағи уруғ безининг ташки ғузилишини тавсифлаб беринг.
2. Урғочи капалакнинг қўшимча жинсий безлари қандай роль ўйнайди?
3. Сперматозоидлар қандай ривожланади?
4. Уруғ шарчалари ҳамда уруғ тутамлари нима ва улар қандай ҳосил бўлади?
5. Тут ипак қурти сперматозоидларининг шакли қанақа бўлади?

### Урғланиш

(Ипак қурти пилла ўраб бўлгандан кейин 15—18 кун ўтгач ғумбакдан капалакка айланиш учун охирги марта пўст ташлайди. Капалак ғумбаклик пўстини ташлагандан сўнг оғиз тешикласидан бир неча томчи секрет чиқаради, бу секрет пилла қобиги таркибидаги серицинни эритиб юборади. Капалак шу ердаги ипак толаларини у ёқ бу ёққа суреб, пиллада тешик ҳосил қиласи ва ундан ташқарига чиқиб олади. Орадан бир неча минут ўтгач, урғочи капалаклар хулини қуритиб, қанотларини ёзуб олгандан кейин ароматик безларини бўрттириб чиқаради, бу безлардан хушбўй модда буғланиб чиқади. Бу моддани улар эркак капалакларни жалб қилиш учун чиқарадилар. Бу ҳиддан таъсирланган эркак капалаклар қанотларини тез-тез қоқиб урғочи капалакларни қидириб тез югурга бошлайдилар. Эркак капалак урғочи капалакнинг ён томонидан унга яқинлашиб келиб, қорин қисмининг пастки уни билан урғочи капалакнинг сиқувчи пластинкасини босиб олади, бу пластинка эркак капалакнинг скафиуми билан ункуси орасида қисилиб қолади, шундан кейин эркак капалак урғочи қапалакнинг копулятив тешигига ўзининг копулятив органини тиқади.) Дастробки 5—10 минут, баъзан эса бундан ҳам узоқроқ вақтгача эркак капалакнинг копулятив органи бетўхтов ҳаракатланиб туради, шундан сўнг бир оз вақт тинч тургандан кейин сперматозоид чиқа бошлайди.

Аввал копулятив орган учиди кичикроқ бир томчи ёпишқоқ творогсимон модда пайдо бўлади, сперматозоид яна ажралиб чиқавериши натижасида бу модда катталашиб сперматофор деб аталувчи халтача ҳосил қиласи. Сперматофор урғочи капалакнинг копулятив халтасига жойлашган бўлади ва у тарки-

біда ууруг тутамлари ҳамда етилган сперматозоидлари бор ууруг суюқлиги билан аста-секин тұлғиб боради.


Капалаклар жуфтлашгандан, таҳминан, 25—30 минутдан кейин сперматофор ууруг суюқлиги билан тұлади. В. А. Струнников копуляция процессининг давом этиш мүддати ҳар хил әркак капалакларда бир хил бүлмаслигини аниқлаган. Тажрибалар копуляция процессини тез тамомловчи әркак капалаклар авлоди секин копуляцияловчи әркак капалаклардан олинган наслга қараганда аңчагина ҳаётчан бўлишини кўрсатди.

Копуляция процессининг охирида копулятив органдан әркак капалакнинг қўшимча безларидаги секрет оқиқ тушади, бу секрет ивиб, ургочи капалакнинг копулятив тешигини бекитиб қўядиган «пробка» ҳосил қиласи. Капалаклар қайта қўшилган вақтда әркак капалак бу «пробка»ни тешади. Иккичи марта қўшилиш натижасида ҳосил бўлган сперматофор биринчи сперматофорни копулятив халтачанинг орқа учига сурби юборади. Биринчи әркак капалак билан бўлиб ўтган қисқа мүддатли копуляция процесси натижасида ҳам сперматозоидлар аралашади, ва, демак аралаш насл пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун, агар дурагай уруғлар тайёрлашда пиллалар эътибор билан жинсларга ажратилмаса, ургочи капалак ўз зотига кирувчи әркак капалак билан қўяқа мүддат қўшилган бўлса ҳам аралаш ууруғ соғ зот ва дурагай зот уруғлар ҳосил бўлади. Капалакларнинг қўшилиш процесига у яшаб турган ташқи мухит температураси таъсир этади. Температура паст ( $15^{\circ}\text{C}$  дан паст) бўлганда капалаклар сустлашиб қолади ва жуфтлашмайди. Температура кўтарилиши билан капалакларнинг жинсий активлиги ортиб бора-ди. Капалакларнинг жуфтлашиши учун энг қулай температура  $24-27^{\circ}\text{C}$  дир. Температура  $30^{\circ}\text{C}$  дан ортиқ бўлганда ҳам капалаклар яхши жуфтлаша олмайди,  $34^{\circ}\text{C}$  бўлганда эса капалаклар жуфтланмай қўяди.

Шуни назарда тутиш керакки, сперматозоид тўкиш процесси тамом бўлгандан кейин ҳам капалаклар кўп вақт жуфтлашганча қолиши мумкин. Курт уруғчилигиде капалаклар жуфтланғандан кейин икки соат ўтгач, уларни ажратиб юбориш қабул қилинган. Амалда эса капалакларни бир соатдан кейин, ҳатто ундан илгарироқ ҳам ажратиб юбориш мумкин. Капалаклар ҳар сафар жуфтлашиб бўлгандан кейин камида икки соат салқин бинода сақлаб турилса, битта әркак капалакнинг ўзи ўнтагача ва ундан ортиқ ургочи капалакни уруғлантира олади.

Копуляция процесси тамом бўлгандан кейин сперматофорда ууруг тутамлар сперматозоидларга жуда тез парчалана бошлайди, бу сперматозоидлар сперматофорлардан ажралиб чиқкан вақтданоқ мустақил равишда ҳаракатланиш қобилиятига эга бўлади.

Сперматозоидлар сперматофордан копулятив халтачага тушади, ундан эса копулятив халтачанинг найчаси орқали ууруг қабул қилгичга тушади.



56-расм. Тухумнинг уруғланиш процесси (Струнниковдан):

1 — уруғдон; 2 — уруғдоннинг безли ўсимтаси; 3 — дивертикул; 4 — спиралсимон найча; 5 — уруғ; А — сперматозоиднинг спиралсимон найча бўйлаб эркин ҳаракатланниши; Б — айланадиган сперматозоиднинг дивертикулдан спиралсимон найча оғзига кириши; В — уруғ микропиле қаршиидаги спиралсимон найчадаги чиқаётган сперматозоидлар боғлами.

шаш кенгайган қисмига тақалиб туради. Спирал шаклли найча нисбатан мураккаб тузилгандир. Учининг деворларида тез қисқариш қобилиятига эга бўлган ҳалқасимон мускуллар бор. Спираль шаклли найчанинг ўрта қисмидаги дивертикул деб аталувчи кенгайган жой бўлади. Бу найчанинг орқа қисмидаги дивертикул деворлари бир-бирига понасимон (учи ингичкалашиб) яқинлашади ва ингичка найчага айланади, бу найча дивертикулдан тўғри бурчак ҳосил қилиб чиқади ва спираль шаклида эгилиб, тухум йўлининг кенгайган қисми вестибулга очилади. Сперматозоидлар дивертикулининг тор учига томон спираль бўйлаб ҳаракатланиб, бошчалари спираль шаклли найчага буралиб киради ва ундан ўтиб бориб, спираль найча тешигидан вестибулга чиқиб олади. Вестибулнинг спираль шаклли найчанинг тешиги тақалиб турадиган девори гумбаз сингари тузилган ва худди тухумнинг учига ўхшаш бўлади. Тухум тоқ тухум йўли орқали ўтадиганда тоқ тухум йўли деворларида мускулларнинг қисқариши туфайли вестибулга тушади, бунда тухумнинг микропилар тешиги спираль найчанинг вестибулдаги тешигига тўппа-тўғри келади. Урғочи капалак жинсий аппаратининг бундай тузилганини сперматозоид бошасининг тухумга тўғри кириб боришига имкон беради, сперматозоидлар эса капалак тухум қўяётган вақтда тухумга кириб олади.

Эндигина қўйилган тухум, биринчи марта бўлиниш ҳолатида

Тут ипак қуртининг сперматозоидлари жуда узун думи (дум ипининг узунлиги 600 микронга яқин) борлиги билан фарқ қиласи. Улар спираль шаклида ҳаракатланади. Сперматозоиднинг думи ўки атрофида икки ярим мартага яқин айланади. Дум ипи битта текисликда қисқариш йўли билан сперматозоид ҳаракатланади. Сперматозоидларнинг копулятив халтачадан уруғ қабул қилингичга тез ўтишига уруғ найчаси деворининг қисқариши ва уруғ қабул қилингичнинг бэзсимон ўсимтасидан ажralиб чиқадиган секретнинг хемотоксик (тортувчи) ҳаракати ёрдам беради. Уруғ қабул қилингич бэзсимон ўсимтадан ва спираль шаклли найчадан иборат бўлиб, бэзсимон ўсимта уруғ қабул қилингичнинг халтачага ўхчада чиқаётган сперматозоидлар боғлами.

бўлади ва фақат орадан, тахминан, икки соат ўтгандан кейин иккиламчи йўналтирувчи танача ажralиб чиқмай қўяди, бу вақтда тухум ядроси ҳам гаплоид ҳолатда, яъни хромосомларнинг ярим сонига эга бўлади. Уруғланиш, яъни тухум ядроси билан сперматозоид ядросининг қўшилиш процесси, тухумдан иккинчи йўналтирувчи танача ажralиб чиққандан кейин, қисқа вақт ичida содир бўлади.

Капалаклар жуфтлашиб бўлиб, ажralгандан кейин, тахминан, бир соат ўтгач, капалак ҳар хил муддатларда тухум қўя бошлайди. Битта ургочи капалак икки уч кун мобайнida, ўрта ҳисобда, 600—800 та тухум қўяди. Капалаклар биринчи суткада соат 18 билан 24 орасида энкўп (70% га яқин) тухум қўяди. Шундан кейин бир неча соат дам олиб, сўнг яна тухум қўя бошлайди.

Тухум қўйишнинг иккинчи даври кейинги, яъни иккинчи куннинг биринчи ярмига тўғри келади. Иккинчи даврда капалак 20—25% га яқин тухум қўяди. Қолган тухумлар 3—4 суткаларда қўйилади.

Биринчи кун қўйилган тухумлар энг яхши ва яшовчи бўлиши тажрибаларда тасдиқланган. Энг кейин қўйилган тухумлар унча ҳам яшовчан бўлмайди.

Кўпгина авторларнинг фикрича, капалаклар навбат билан; гоҳ бир томондаги тўртта найчадан (овариоллардан), гоҳ иккинчи томондаги найчалардан тухум қўяди. Дастлаб капалак ҳаммасига қараганда танасининг ўрта чизигига яқинроқ бўлган тухум найчасидан 3—4 та тухум қўяди; бундан кейин иккинчи, учинчи ва тўртинчи найчалардан, тахминан, юқоридагича миқдорда тухум қўяди. Ана шундан кейин қарама-қарши томондаги тухум йўлларидан ҳам худди юқоридаги тартибда тухум чиқа бошлайди. Шундан сўнг процесс олдинги тартибда яна такрорлади.

Капалакларнинг жуфтлашуви бир неча соатга кечикиши ҳам жуфтлашиш вақтининг узоқ давом этиши ҳам тухум қўйиш процессини тезлаштириб юборади. Бунинг учун жуфтлашишдан олдин ургочи капалакларни бир неча соат мобайнida температураси паст ( $12-14^{\circ}$ ) бинода сақлаш ёки уларнинг жуфтлашиш муддатини 6—7 соатгача узайтириш керак. Капалакларнинг тухум қўйиш тезлигини бошқара билиш амалий мақсадлар учун муҳим аҳамиятга эга, чунки қурт уруғ тайёрлашнинг янги технологиясида (био усул, такомиллаштирилган усулда) фақат биринчи суткаларда қўйилган тухумлардан фойдаланиш кўзда тутилади. Бундан ташқари, такрор қурт боқиши учун уруғ тайёрлашда капалакларни микроскопик текширишда ва уруғларни HCl билан ишлаш процесслири капалаклар — жуфтлашган куннинг эртасига ўтказилади. Шунинг учун агар капалакларнинг тухум қўйишини тезлаштириш учун шароит бўлмаса, микроскопик текшириш вақтида ҳали ташланмаган уруғларни капалаклар

қорни билан бирга эзиб юборилади, бунинг оқибатида капалак тухум қўяди.


Уруғланмаган капалаклар биринчи суткада тухум қўймайди. Улар одатда, иккинчи, баъзан эса учинчи суткада тухум қўя бошлайди. Бунда тухум қўйиш процесси анча секинлашиб кетади. Тухумлар бир неча кун мобайнида оз-оздан қўйилади. Тухумларнинг бир қисми капалак қорнида қолиб кетади. Уруғланмаган капалаклар салқин биноларда сақланса тухум қўйиш бир неча кунга кечикиб кетиши мумкин. Гумбаклар узоқ вақт давомида салқин жойда сақланса, капалакларнинг жуфтланиш қобилияти ва улар қўядиган уруғларнинг сифати пасайиб кетади.

### Тухумнинг ташқи қўриниши ва тузилиши

Тут ипак құртининг тухуми капалакларнинг тухум қўйиш вақтида одатдаги тухум шаклида бўлиб, унинг ҳам учи ва пойнаги бўлади. Аммо орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин, ҳаёт фаолияти натижасида тухумнинг аввал бир учи, кейинроқ эса иккинчи учи ҳам бир оз пучайиб қолади. Тухумларнинг катта-кичик бўлиши тут ипак құртининг зотига ва уни құртлик стадиасида боқишиш шароитига боғлиқ. Масалан, йирик пиллали моновольтин зот ипак құртининг тухумлари поливольтин зотларнига қараганда анчагина катта бўлади. Ипак қуртлари яхши боқилмаса, тухумларнинг вазни анчагина камайиб кетади. Тухумнинг бўйи, ўрта ҳисобда, тахминан, 1,5 мм, вазни эса 0,67 мг га яқин бўлади. Тухумлар эндигина қўйилган вақтда уларнинг вазни жуда оғир бўлади. Сақланиб турган сари тухумларнинг вазни камайиб боради. Баҳорги уруғ очириш даврида тухумларнинг вазни айниқса камайиб кетади, чунки бу вақтда эмбрион тезлик билан ривожланади. Инкубация даврининг охирига келиб, тухумларнинг вазни ўрта ҳисобда 18% камаади.

Янги қўйилган тухумнинг ранги оч сариқ ёки сомон ранг-сариқ бўлади. Уруғланган тухумлар 22—25°C температурада дастлабки 2—3 сутка мобайнида оч сариқ рангдан пушти ранг қизгиш, қўнғир ва бўз кул ранг тусга кириб, аста-секин қора бошлайди. Қишлоғчи тухумнинг ҳақиқий ранги бўз кул ранг бўлади. Бивольтин зотнинг ўз-ўзидан жонланадиган уруғларининг ранги бутун инкубация даврида оч сариқлигича қолаверади. Аммо тухумдан қурт чиқишидан 2—3 кун олдин ўз-ўзидан жонланадиган уруғларда қора нуқта пайдо бўлади. Бу — қуртнинг қорайиб қўриниб турган бошчасидир. Қурт чиқишидан бир кун олдин ҳамма уруғнинг туси кул ранг бўлиб қолади, чунки қурт очиб чиқишидан олдин эмбрионнинг хитин қоплами қорайиб кетади.

Ҳар қандай зотнинг уруғланмаган тухумларининг туси ҳамма вақт сомон ранг — сариқ бўлади. Тухум қўйилгандан кейин бир неча кун ўтгач, у қуриб ва яссиланиб, кулчадек бўлиб қола-




57-расм. Уруғланган қишлоғчы құрт ууғнинг ташқи күріниши.

ди. Уруғланған, аммо құйилғандан кейинги дастлабки уч кун ичида нобуд бўлған уруғлар ҳам қуриб ва ясси пластинкаларга ўхшаб қолади, бироқ улар пушти, тұқ сариқ, құнғир рангда бўлади.

Қурт тухумдан чиққандан кейин тухум қобиғи оқ рангли, фақат Европа ва Хитой группасига киругчы зотлар тухумининг қобиғи сарғыш ёки күкиш товланадиган рангда бўлади.

Тухум қобиғининг қалин-юпқалиги ҳам ипак қуртининг зотига боғлиқ: йирик пиллали моновольтин зотлар тухумининг қобиғи жайда пиллали зотларницидан 2,5—3 марта қалин бўлади. Ўрт хисобда у 4—5 микронга teng.

Тухум қобиғининг сиртида бир-бирининг ораси оқишроқ йўллар билан бўлинган алоҳида учбурчаклар күренишидаги чизиқлар бор, шунинг учун құрт ууғи лупа орқали қарапланда холдор бўлиб кўринади. Тухумнинг учидан бир оз ён томонроқда микропиляр тешик бор, сперматозоид ана шу тешик орқали тухум ичига киради. Микропиляр тешикнинг оғзи гулнинг тожбаргларига ўхшаш расмлар билан ўралган. Уруғлардаги нақшлар овариоллар фолликуляр эпителийсінинг, микропиляр тешик атрофидаги нақшлар эса озиқлантирувчи ҳужайраларнинг изи бўлса керак деб тахмин қилинади.



58-расм. Тут ипак құрти тұхумнинг түзилиши:

1 — тұхумнинг көңг томондан құрниши; 2 — қырралы томондан құрниши; 3 — қишлоғчи тұхумнинг қырралы томондан құрниши; 4 — микропиле ва «розетка»; 5 — уруғ (тұхум пүчоги) нинг күндаланғ кесигідегі ұаво әйләрі (тешікларі) ва микропилляр найчалар; 7 — уруғ пүчогининг қыррәлі томони ва көңг томони сиртідегі изларнинг шакли.

Микропилляр тешик тұхум пүчоги ичіда кичикроқ бүшлиқ шаклида кенгаяди, бу бүшлиқдан тұхум ичига 3—4 та микропилляр найча кетади. Микропилляр аппаратнинг түзилиши ингичка ва узун сперматозоиднинг тұхум ичига кириб боришига имкон беради, аммо бактериялар тушишига тұсқынлик қилади. Тұхум қобиғининг ұамма жойида ұаво кирадиган ингичка найчалар бор, ана шу найчалар орқали уруғ нағас олади.

#### *Контрол саволлар*

1. Сперматофор нима?
2. Капалакларнің жуфтлашиш процессиға ташқи шароит (температура бошқалар) қандай таъсир этади?
3. Сперматозоид тұхум ичига қандай қилиб киради?
4. Тұхум ва сперматозоид ядролари тұхум ичидә қай вактда құшилады?
5. Капалакларнинг тұхум құйиши вактлари ва бу процесс секин-тез боришининг аҳамиятты түркисида сүзлаб беринг.
6. Тұхумнинг ташқи құрниши ва түзилишини тавсифлаб беринг.

#### *Тұхумда әмбрионнинг қосыл бўлиши ва ривожланиши*

Капалак янги қўйган тұхум вольтинлигига қараб, қишлоғчи ёки ўз-ўзидан жонланувчи бўлиши мумкин. Бивольтин зотнинг ўз-ўзидан жонланувчи уруглари диапаузасиз ривожланади. Капалак тұхум қўйган кундан бошлаб, 10—12 сутка мобайніда әмбрионнинг ривожланиши тугалланади ва ёзги авлод қуртлари тұхумдан чиқади.

Қишлоғчи уруғнинг ривожланиш даври учга бўлиниди: биринчи даврда эмбрион ривожланишининг биринчи стадияси бўлиб ўтади. Бу давр капалак тухум қўйган вақтдан бошлаб, учкун давом этади ва сероз пардада қорамтири пигмент ҳосил бўлиши билан тугалланади.

Иккинчи давр бирмунча узоқ давом этади. Бу давр уруғнинг қорайиш вақтидан бошланиб, кейинги йил баҳорида тамомланади. Иккинчи давр эмбрион ривожланиш процессининг вақтинча тўхтаб қолиши билан характерланади ва диапаузали давр деб аталади. Учинчى давр уруғнинг баҳорги уйғониш вақтидан бошланиб, тухумлардан қурт чиқиши билан тугалланади.

### Уруғ ривожланишининг биринчи даври


Капалак тухум қўйгандан, тажминан, уч соат ўтгач, тухум ядроси бўлиниб икки, тўрт, саккиз, ўн олти ва ҳоказо ядрочалар — бластомерлар ҳосил қиласиди. Бластомерларнинг сони ортиб борган сари, уларнинг бир қисми протоплазманинг ядрога ёндашиб турган жойи билан бирга тухум четига чиқиб кетади, бу ерда ular бўлинишда давом этиб, эмбрион пардасини ҳосил қиласиди.

Ен томонларнинг бирида эмбрион пардаси узунроқ ҳужайраларнинг бир қаватидан иборат йўллар кўринишида йўғонлашган жой ҳосил қиласиди. Ана шу йўғонлашган жой эмбрион диски ҳисобланади. Эмбрион диски нотўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, у қапалаклар тухум қўйганда 16—18 соатдан кейин ҳосил бўлади. Эмбрион диски ҳосил бўлгандан икки соат ўтгандан кейинроқ эмбрион пардасидан ажралади ҳамда тухумнинг марказий қисмига томон сурила бошлаб, аста-секин сариқликка ботиб киради. Эмбрион диски билан бирга, унинг олдинги ва орқа учларидан, эмбрион пардасидан ҳам ҳужайралар тасмаси ажралиб чиқади, бу тасманинг учлари бир-бири билан қўшилиб эмбрионнинг ички пардаси — амнионни ҳосил қиласиди. Сариқликка кириб борган эмбрионнинг бўйи тез орада бирмунча узаяди ва оқ тасма шаклига киради. Бу тасманинг учлари бирмунча кенгроқ бўлади.

Эмбрион диски ажралиб чиққандан кейин эмбрион пардасида ҳосил бўлган ёриқ битиб кетади ва ана шу вақтдан бошлаб, у сероз парда деб аталади.

Капалаклар тухум қўйгандан 30 соат ўтгач, сероз пардада пигмент доначалари ҳосил бўлади, улар аввал қизғиши, кейинроқ эса аста-секин қўнғир рангга айланиб, ундан бўз кул рангга киради.

Пигмент ҳосил бўлиши билан боғлиқ ҳолда уруғнинг ҳам ранги ўзгара боради ва учинчи сутка охирларига бориб, қишлоғчи қурт доимий, яъни бўз кул ранг тусга киради. Уруғда эмбрион ривожланишининг биринчи даври эмбрионнинг сариқ-



59-расм. Эмбрион дискининг ҳосил бўлиши:

*A* — икки бластомерлик стадияси; *B* — эмбрион пардаси ва эмбрион дискининг ҳосил бўлиши; *C* — сариқлик ҳужайралари ўргасига ботиб кирган эмбрион диски; *блт* — бластема (ҳосил қўйувчи сариқлик түри); *бл* — эмбрион пардаси; *ен* — сероз парда; *эд* — эмбрион дискиси; *аб* — амнион бўшлиги; *чх* — сариқлик ҳужайралари.

ликка кириб бориши, сероз пардада пигмент ҳосил бўлиши ва озиқлантирувчи сариқлик ичидаги сариқлик ҳужайраларининг ҳосил бўлиши билан тугалланади. Сариқлик ҳужайралари эмбрион пардаси ва эмбрион диски тузилишида қатнашмай қолган бластомерлардан ҳосил бўлади. Бу бластомерлар ўз протоплазмасига озиқлантирувчи сариқлик массасини тортиб олади ва аста-секин думалоқ ядроли ҳамда сариқликлар аралашмаси билан тўлган протоплазмали айрим ҳужайралар кўрнишига эга бўла бошлайди. Сариқлик ҳужайралари кўпайиш қобилиятига эга бўлади; улар эмбрионнинг бундан кейинги озиқланиши ва ривожланиши учун асосий материал ҳисобланади.

### Уруғ ривожланишининг иккинчи даври — диапауза

Диапауза тухум ривожланиш циклининг энг узоқ давом этадиган даври ҳисобланади. Қишлоғчи уруғларда бу давр 9,5 ойча давом этади. Диапауза даври батамом тинч ўтиши билан характерланади, бу давр мобайнида уруғнинг ташқи нафас олиш процесси минимал даражада бўлади, эмбрион ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди. Диапауза ташқи шароитнинг ноқулай (мавсумий) ўзгаришларига мослашиш реакциясидир, аммо у ҳайвонларнинг қишики уйқуга киришидан шу билан фарқ қиласади, ҳайвонлар ташқи муҳитдаги ноқулай шароитнинг (масалан, қишида температуранинг пасайиб кетиши) бевосита таъсири натижасида у қишики уйқуга киради. Диапауза даври эса ташқи муҳитнинг бевосита таъсири билан боғлиқ ҳолда эмас, балки ҳашарот ривожланишининг маълум бир стадиясида автоматик равишда бошланади.

Тут ипак қурти уруғининг диапауза даври, Хитой олимни Люй Хун Шеннинг тадқиқотларига (1960 й.) кўра, эркак ва урғочи капалаклар жуфтининг томоқ ости ганглийлари фаолияти нати-

жасида пайдо бўлади. Томоқ ости ганглийлари, айни вақтда, ички секреция бези ҳам ҳисобланади. Бу без диапауза гормони чиқара олади. Диапауза гормони чиқиш процессини мия (томуқ усти нерв тугунлари) бошқаради. Диапауза гормони қурт ғумбакка айлангандан тахминан, икки сутка ўтгач  $24-25^{\circ}\text{C}$  температурада ажралади.

Моновольтин зот ипак қуртларида «мия» гормон ажралиб чиқишига қарши таъсир кўрсатмайди, шунинг учун бундай зот қуртларда диапауза ҳамма вақт урфочи ва эркак капалаклар жуфтининг яшаш шароити билан боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлади.

Бивольтин зот ипак қуртларида уруғ очириш даврида мия паст температура таъсирида томоқ ости ганглийсининг секрет ажратиб чиқариш функцияси қарши таъсир кўрсатади. Бундай ҳолда диапауза гормони ажралиб чиқмайди ва урфочи капалак қурт уруғлари ўз-ӯзидан жонланадиган бўлиб қолади.

Диапауза даври икки фазага бўлинади. Биринчи фазада уруғнинг ташқи нафас олиш тезлиги теварак-атрофдаги муҳит температурасининг ўзгаришига боғлиқ бўлмайди. Биринчи фаза диапауза даври пайдо бўлиши билан, яъни капалаклар тухум қўйгандан кейин уч кун ўтгач бошланади ва табиий шароитда уруғни ёз бўйи сақлаш мобайнида (эстивация даврида) давом этади ҳамда қисман кузда, ҳаво температураси  $16-17^{\circ}\text{C}$  гача пасайган вақтда ҳам ўтади. Иккинчи фаза уруғнинг нафас олиш тезлиги теварак-атрофдаги муҳит температурасининг ўзгаришига боғлиқ бўлиб кузда, ҳаво температураси  $17^{\circ}\text{C}$  дан пастга тушиб кетган вақтдан бошланади. Бу фазада уруғ аста-секин «сезгир» бўла бошлайди. Температурага боғлиқ бўлган нафас олиш процессининг батамом тикланиши учун диапаузадаги уруғ  $+2$ ,  $+4^{\circ}\text{C}$  да қишлоғ чиқиши керак. Қишлоғ муддати 100—120 кун давом этиши лозим. Оқ пилла ўровчи зотларнинг қишлоғ муддати 120—130 кун давом этганда энг яхши натижаларга эришилиши амалда исботланган. Уруғлар қишлоғ чиққандан кейин уларнинг температура ўзгаришларини сёзиш қобилияти тикланади, яъни температура кўтарилиши билан уруғларнинг нафас олиш тезлиги ва улар ажратиб чиқарган карбонат ангидриднинг миқдори ортади. Уруғларнинг қишлоғ шароитига бўлган сезгирлигидан тикланиши натижасида эмбрионнинг ривожланиши яна давом этиб кетиши мумкин. Аммо эмбрионнинг баҳорги нормал ривожланиши учун  $+2^{\circ}\text{C}$ ,  $+4^{\circ}\text{C}$  га қараганда анчагина юқори температура талаб этилади, чунки эмбрионнинг кейинги ҳар бир стадияси ўзининг ривожланиши учун маълум ва тобора кўтарилиб борувчи температура бўлишини талаб этади. Шунинг учун уруғнинг қишлоғ жойида бундан кейин ҳам  $+5$ ,  $+7^{\circ}\text{C}$  температурада қолиши унинг муддатидан илгари ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Уруғларнинг бундай «қишлоши» баҳорда уруғдан қурт очириш муддатларини


тартыбга солиш учун имкон беради. Бироқ қишлоғ жойида узоқ вақт (4 ойдан ортиқ) сақлаған қолинса, уруғлар ва улардан чиқадиган құртларнинг ҳаёт фаолияти пасайиб кетади.

Диапауза — түргүн физиологик ҳолат. Агар диапауза бошланыб қолған бұлса, уни сунъий йўл билан қайтариш қийин. Шундай бўлишига қарамай, диапаузани олдини олишнинг икки усули мавжуд: биринчи усулда — янги қўйилган уруққа (қўйилган вақтдан 48 соатдан ортиқ ўтмаганда) ҳар хил кислоталар, қисилган ҳаво, қайноқ сув ва бошқалар билан таъсир этилади. Диапаузани олдини олишнинг иккинчи усули — уруғларни сунъий равишда қишлишидир. Бунинг учун капалаклар эндиғина қўйган уруғлар шу заҳотиёқ холодильникка (совуқхоналарга) жойланади ва 60—70 кун мобайнида +4°, +5°C температурада сақланади. Бу давр ичиди уруғнинг «сезигирланиш» процесси тугалланади ва иссиқни сезувчанлик қобилияти тикланади. Уруққа ана шундай таъсир кўрсатилгандан кейин уни нормал шароитда очириш ва шу йилнинг ўзида ундан қурт олиш мумкин. Уруғ етиширишда, кўпинча, ёзги такрор қурт боқиши зарур бўлиб қолған ҳолларда диапауза ҳолатининг олди олинади. Капалаклар тухум қўйгандан кейин 36 соат ўтгандаги қишлоғчи уруғлар ривожланишга қўзғатиши учун солиширма оғирлиги 1,12, температураси +30°C бўлган хлорид кислота эритмасига солинади. Бундай ишлов бериш муддати уруғнинг зоти ва ёшига боғлиқ бўлади. Масалан, оқ пилла ўрайдиган зотларнинг кўпчилигининг уруғларига 8—10 минут ишлов берилади. Агар қўйилганига 48 соат бўлган уруққа ишлов берилаётган бўлса, ишлов бериш вақти 2 минутга чўзилади.

### Учинчи давр — уруғнинг баҳорги ривожланиши

Уруғ диапауза ҳолатида бўлган қишлоғ даври тамом бўлгандан кейин, баҳорда уруғ ривожланишининг учинчи даври бошланади, бу давр шароитга қараб, 10—15 кун давом этади ва уруғдан қурт чиқиши билан тугалланади. Баҳорги ривожланиш даврининг бошларида эмбрион бир қават ҳужайралардан иборат чўзиқ пластиника ҳолида бўлади. Эмбрион пластинкасининг охирларида куракчалар шаклидаги кенгайтан жойлар бор.

Уруғнинг баҳорги ривожланиши эмбрионда бирламчи эгат-нинг ҳосил бўлишидан бошланади, бу эгатча эмбрионнинг ташқи томонидаги ўрта чизиқ бўйлаб жойлашади. Эмбрионнинг ички томонида, худди ана шу жойда ҳужайралар валик шаклида бўртиб чиқади. Эмбрион ташқи томонининг четлари эгилиб, бирламчи эгатча бўйлаб бирикади ва юқориги эмбрион япроғини ҳосил қиласади. Эмбрионнинг ички томонидаги валик ҳужайраларидан, улар кўпайган (урчиган) вақтда, ўрта эмбрион япроғи ҳосил бўлади. Бирламчи эгатчанинг олдинги ва орқа учлари бўртиб чиқиб, оғиз ҳамда орқа чиқарув тешикларининг бошлан-



60-расм. Эмбрион япроқчаларининг ҳосил бўлиши:

*А* — дастлабки ёгатчанинг ҳосил бўлиши; *Б* — юқориги ва ўрта эмбрион япроғининг ҳосил бўлиши (кўндаланг кесикда кўрниш); *В* — эмбрионнинг қорин томондан кўрниш; *Г* — бўйламасига кесилган эмбрионда эмбрион баргчаларининг жойлашуви, пастки эмбрион япроқчалигининг ҳосил бўла бошлани; *Д* — эмбрион танаси ён томонларининг яқинлашиш процесси; *Е* — эмбрион танасининг четлари орқа томонининг ўрта чизиги бўйлаб биринкб бўлгандан кейин эмбрион танаси цилиндр шаклини олган.

Ричларини ҳосил қилади. Ана шу бўртиклар четидаги ҳужайраларининг бир қисми кўпайиб, пастки эмбрион япроғини ҳосил қиласди. Шундай қилиб, эмбрион пластинка юқориги, ўрта ва пастки эмбрион япроқчалиридан иборат уч қаватли бўлиб қолади. Бу даврда эмбрион пластинкасида 18 та бўғимни аниқ кўриш мумкин, бу бўғимлар метамерлар деб аталади. Дастлабки еттига метамердан ипак қуртининг кўкраги ва ўсимталари билан бирга боши ҳосил бўлади. Қолган ўн битта метамердан ипак қуртининг қорин қисми ҳосил бўлади. Эмбрион пластинкасининг четлари тез орада ички томонга қараб аста-секин эгила бошлади. Ёнр ўсиб, бир-бири билан қўшилади, бунинг натижасида эмбрион цилиндрисимон —чувалчанг шаклига киради. Эмбрион танасининг ички томонга қараган (орқа томони) ўрта қисмida ҳужайралар бир-бирига қўшилмаган жой бор. Бу жой қиндик найчаси деб аталади. Қиндик найчаси орқали эмбрион бўшлиғи га сариқлик ҳужайралари киради.


Эмбрионнинг бундан кейинги ривожланиш даврида эмбрион япроқлари дифференциацияланади (бир-биридан ажралади). Юқориги эмбрион япроғидан хитиндан иборат бир қанча органлар: ғери қоплами, олдинги ва орқа ичаклар, трахея системаси, шунингдек, ипак ажратувчи безлар, нерв системаси, сезув ор-

гаплари, мальпигиев найчалари ҳамда пүст ташлаш безлари ҳосил бўлади. Ўрта эмбрион япроғидан мускуллар, қон ҳосил қиливчи ҳужайралар, бел найчаси ва жинсий безлар ҳосил бўлади. Пастки эмбрион япроғидан эса ўрта ичакнинг беъзимон эпителийси ҳосил бўлади.

Уруғлар баҳорда очирилганда еттинчи, саккизинчи кунларга бориб эмбрионлар анчагина катталалишиб қолади ва органлар ҳосил бўлиш процесси, асосан, тугалланади. Бундан кейин айрим органларнинг ҳужайралари фақат ўз функциясига мослаша бошлияди.

Уруғнинг баҳорги ривожланиш даврида тухумда маҳсус (алоҳида) ўзгариш содир бўлади, бундай ўзгариш бластокинез деб аталади. Бластокинез даври бошлангунча эмбрион тухумда эгик ҳолатда ётади, унинг қорин томони тухум четига нисбатан шундай жойлашганки, бунда ҳосил бўлган ипак қуртигининг кўкрак ва қорин оёқлари тухум пўчоғига бориб тақалади. Эмбрионнинг орқа томони эса тухумнинг ўрта қисмига қараган бўлади. Уруғнинг янада ривожланиб бориши билан, эмбрионнинг бундай жойлашуви тухумнинг ички бўшлиғидан тўла равишда фойдаланишга тўскенилик қиласи, шунинг учун бластокинез даврида эмбрион эгилиб, тухум ичидаги ўгирилиб олади. Очиришнинг бу даврида уруғ ўзига хос бир тарзда чатнаб ва иргиб кетади.

Бластокинез давридан кейин эмбрионнинг орқа томони тухум пўчоғи томонга, қорин томони эса унинг ўрта қисмига қараб



61-расм. Эмбрионнинг уруғ ичидаги ривожланиш стадиялари.

қолган бўлади. Киндик найчаси тез орада ишлашдан тўхтайди ва ажralиб чиқади. Эмбрион сариқлик халтаси деб аталувчи амниотик бўшлиққа тушиб қолган бўлади. Бластокинез даври ўтгандан кейин эмбрион тез ўсади ва тухумдан чиқиш олдидан у тухум ичиди, худди чиганоқнинг дастлабки иккита бурмасига ўхшаб, эгик ҳолатда бўлади. Ипак қурти тухумдан чиқишидан икки-уч кун илгари унинг тери қатлами хитинлашади, ундан бирмунча кейинроқ эса пигмент ажра бошлайди. Бунда аввал қуртнинг боши қораяди, тухумдан чиқишга бир сутка қолганда эса ҳақиқий ипак қурти ҳолига келади. Ипак қурти сариқлик қолдиқларини сероз парда билан бирга ютади, ҳосил бўлган бўшлиққа эса найчалар орқали ҳаво киради, бунинг натижасида уруғ қурт очиб чиқишидан олдин оқарив кетади.

Уруғ оқаргандан бир сутка ўтгач, эрталаб барвақт ундан қурт чиқа бошлайди. Уруғдан чиқишидан бир соат олдин кичкинагина (ёш) қурт ўз жағлари билан тухум пӯчоғини микропилир тешик олдидан кемира бошлайди. Қурт бу ердан каттагина тешик очиб ундан бошини чиқаради ва тухумдан ўрмалаб чиқади.

### *Контрол саволлар*

1. Уруғ ривожланишидаги уч даврни ва уларнинг фарқларини айтиб беринг.
  2. Диапауза даври нима ва у қачон бошланади?
  3. Диапауза гормони қандай роль ўйнайди ва қандай қилиб ажralиб чиқади?
  4. Диапауза қандай даврларга бўлинади?
  5. Диапаузани олдини олишининг қандай усуллари бор?
  6. Уруғнинг баҳорги ривожланиши қандай содир бўлади?
  7. Ривожланишнинг дастлабки даврларида, диапауза даврида ва эмбрион ривожланишининг баҳорги даврида ташки шароит уруғнинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?
  8. Ривожланишнинг баҳорги даврида эмбрион қандай стадияларни ўтади?
-

## VI б о б.

### ВОЛЬТИНИЗМ

Теварак-атрофдаги муҳит шароитида бұладиган ўзгаришларга ҳар хил жавоб бериш қобилиятига қараб тут ипак құртлардың группага моновольтиң, бивольтиң ва поливольтиң зот құртларға бұлинади.

Моновольтиң зотлар уруғини очириш ва ривожланишининг кейинги барча стадиялари (құртлик, ғумбаклик ва капалаклик стадиялари) қандай шароитда ўтмасын, бир йилда бир марта насл беради. Фақат айрим ҳоллардагина уруғ очириш паст температурада ўтказилғанда баъзи моновольтиң зотлар, масалан, Бағдод зоти диапауза даврини ўтмайдын жуда кам тухум қўшиши мумкин.

Бивольтиң зотларнинг уруғи баҳорда температура паст ( $15-16^{\circ}\text{C}$  да), ҳаво намлиги кам ( $60-65^{\circ}$ ) ҳамда қоронғи жойда (совуқда очирилған) тақдирда йилига иккى марта насл беради. Агар бивольтиң зот құртлар уруғи илиқ жойда очирилса, яъни ҳаво температураси  $25-26^{\circ}\text{C}$ , намлиги  $75-80\%$  бўлиб, уруғ очирилаётган жой кечаси  $6-7$  соатдан қўшимча ёритиб турилса (кундузи инкубация қўёш нури тиқ тушмайдын жойда ўтказилади), бундай уруғдан чиққан капалаклар қишлоғчи тухум қўяди.

Агар қишлоғчи уруғ ўз ватанида (Японияда) табиий шароитда қолдирилса, баҳорда у ўз-ўзидан очилади ва құрт боқилғандан кейин ҳамма вақт ўз-ўзидан очилувчи иккинчи насл беради. Аммо қўйилган бу уруғ ёзда совуқ инкубацияни эмас, балки илиқ инкубацияни ўтади (Япониянинг ёзи илиқ, нам ва куни узун бўлади), шунинг учун иккинчи наслнинг капалаклари қишлоғчи тухум қўяди. Бироқ бивольтиң зотларнинг ҳар қайси кейинги насли қўйган тухумлар совуқ инкубация ўтказиш усулиниң ҳамма тартибиға қатъий амал қилинган ҳолда сұнъий шароитда очирилса хоҳлаган миқдорда ўз-ўзидан очилувчи уруғлар олиш мумкин, аксинча, уруғлар илиқ усуулда очирилса кейинги наслда фақат қишлоғчи тухум қўяди. Бивольтиң құртлар-

нинг уруғи оралиқ температураларда, масалан, 19—20°C да ёки нормал температурада, аммо намлек ёки ёрғлик режими бузилган шароитда очирилса совуқ инкубация қилиш усулида ҳам, илиқ инкубация қилиш усулида ҳам урғочи (қиз) насли ўз-ўзидан очилувчи ва қишлоғчы аралаш тухум қўяди.

17-жадвал

**Бивольтин зот ипак қурти ургани очиришда  
ҳаво температурасининг таъсири (Б. А. Астауров ишидан)**

| Ург очириш вақтида<br>ҳаво температураси | Олинган тухумлар (% ҳисобида) |                                |
|--|-------------------------------|--------------------------------|
|  | Қишлоғчы тухумлар             | Ўз-ўзидан очилувчи<br>тухумлар |
| 25                                       | 100                           | 0                              |
| 20                                       | 74                            | 26                             |
| 19                                       | 58                            | 42                             |
| 18                                       | 14                            | 86                             |
| 17                                       | 5                             | 95                             |
| 15                                       | 0                             | 100                            |
| 13                                       | 0                             | 100                            |

Айрим урғочи капалакларнинг моновольтинизм ёки бивольтизмга ирсият билан боғлиқ бўлган ҳар хил мойиллиги туфайли аралаш тухумлар пайдо бўлиб қолади.

18-жадвал

**Бивольтин зот қуртлар ургани очириш вақтида бивольтинизм пайдо бўлишига  
ҳаво намлигининг таъсири**

| Ург очириш вақтида<br>ҳаво температураси | Инкубаторий ҳавосининг нисбий намлиги қўйида-<br>гича бўлгандага ўз-ўзидан очилувчи тухумлар<br>проценти |      |      |
|--|--|------|------|
|  | 20 %   | 65 % | 95 % |
| 17°                                      | 98   | 89   | 51   |
| 21                                       | 94   | 37   | 10   |
| 24                                       | 58   | 4    | 1    |

Совуқ усулда инкубация қилишда ҳам, илиқ усулда ҳам ҳаво намлигининг камайиши, ўз-ўзидан очилувчи тухумлар процентининг ортиши ёрдам бериши юқоридаги жадвалдан кўриниб турибди.

Аралаш тухумларнинг пайдо бўлишига фақат ург очириш шароитининг бузилиши эмас, балки кейинги ривожланиш стадияларида қуртларни асраш шароитининг бузилиши ҳам таъсир этади. Масалан, агар ург ҳеч қандай режими бузилмай совуқ усулда очирилган бўлса, аммо шу ургудан чиқсан қуртлар би-

ринчи ёшида юқори температурада ( $25^{\circ}$  С дан юқорида) боқилса охирги ёшида ва ғумбаклик стадиясида температура пасайиб кетган бўлса, бундай уруғдан чиққан урғочи насл маълум процент қишлоччи тухум қўйиши мумкин; аксинча қуртнинг дастлабки ёшларида температура паст бўлиб, катта ёшларида температура ( $25^{\circ}$  С дан юқори) кўтарилиса, гарчи она уруғ инкубацияси илиқ режимда ўтган бўлса ҳам ўз-ўзидан очилувчи тухумлар пайдо бўлади.

Поливольтин зотига киравчи тут ипак қуртлари йилига 3 мартадан 7 марта гача насл беради, аммо ҳар қайси кейинги наслда волътинликининг пайдо бўлиши учун фақат олдинги (она) насл инкубация қилинган температура шароити эмас, балки, асосан, қурт боқиш ва, айниқса ғумбакларни асраш шароити асосий ҳисобланади. Поливольтин зотларнинг ўз-ўзидан очилувчи уруғлари она насл қурт уруғлари паст температурада очирилганда ва кейинги ривожланиш стадиялари ҳар қандай шароитда ёки ҳамма ривожланиш стадиялари юқори температурада ўтганда пайдо бўлади. Она насл қурт уруғининг инкубацияси юқори температурада ва ғумбаклик стадияси паст температурада ўтгандагина қишлоччи тухум олинади. Ташқи муҳит шароитнинг ўзгаришларига учала группага киравчи зотларнинг ҳар хил жавоб беришлари ирсият билан боғлиқ бўлади.

Биз кўриб чиққан уч группа: моновольтин, бивольтин ва поливольтин зотларига киравчи ипак қуртлари бир-биридан фақат ташқи муҳит шароитига кўрсатадиган таъсири билан фарқ қилибгина қолмайди, балки уларнинг ҳар қайсиси ўз морфологик ва физиологик хусусиятларига ҳам эга бўлади.

Моновольтин зотининг уруғи, қуртлари, ғумбаклари ва капалаклари анчагина йирик бўлади. Моновольтин зот қурт йирик, оғир, ипаги кўп пилла ўрайди.

Моновольтин зот қуртларнинг личинкалик даври бивольтин зотлариникига қараганда анчагина узоқ бўлади. Моновольтин зотларининг катта камчиликларидан бири уларнинг инфекцияга тез берилувчанлиги ва қурт боқищдаги ноқулай экологик шароитга мослашмаганлигидир. Моновольтин зотига киравчи ипак қуртлари ёзинг иссиқ ва қуруқ шароитига деярли бардош бера олмайди, шунинг учун улар фақат баҳорда боқилади.

Ипакчиликда саноат дурагайлари чиқариш усули жорий этилганлиги муносабати билан биринчи этапларда баҳорги қурт боқиш учун ҳар хил географик группага киравчи иккита қимматбаҳо моновольтин зотни чатиштириш ўйли билан дурагайлар тайёрланадиган бўлди, масалан, Бағдод зоти билан Оро ва аксинча, Асколи зоти билан Оро ва аксинча ҳамда бошқа зотлар чатиштирилади. Ҳозирги вақтда оқ пилла ўрайдиган моновольтин зотларнинг деярли ҳаммасининг «қони» бивольтин зотларнинг қони билан бир хил, чунки улар моновольтин зотлар билан бивольтин зотларнинг чатиштирилишидан келиб чиққан. Буларга

САНИИШ-ЭІ, САНИИШ-ЭІІ, САНИИШ 8, САНИИШ 9 зотлар киради. Бу зотларнинг ҳар бирида САНИИШ III бивольтиң зотининг «кони» бор. Бу зотларни чиқаришда моновольтиңлаштиришга қаратиб зотлар танлаб олинган бўлишига қарамай, уруғ заводларида уруғларнинг илиқ инкубацияси шароитига қаттиқ амал қилиш талаб этилади, акс ҳолда ўз-ўзидан очилувчи уруғлар проценти кўпайиб кетади.

Моновольтиң зот қуртлар поливольтиң зот қуртларга қарама-қарши эрта этилади. Поливольтиң зотнинг тухумдан тухумгача бўлган ривожланиш цикли 35—40 кун бўлади. Моновольтиң зотларда эса бу цикл 70 кунга яқин давом этади.

Поливольтиң зотларнинг пилласи жуда майда (1 граммга яқин ва ундан ҳам кичикроқ), ипаги кам (9—12%) бўлади. Аммо моновольтиң зотларга қарама-қарши юқори температура ва касалга жуда ҳам чидамли бўлади. Бу зот иссиқ мамлакатларда (Хиндистон, Жанубий Хитой ва Ҳинди Хитойда) оз миқдорда боқиласди. Ява, Суматра ортомаридаги ёввойи ҳолда учрайди. Бизнинг мамлакатимизда бу зот этишитирилмайди, аммо яшовчанилиги яхшилиги жиҳатидан селекция учун бирмунча яроқли ҳисобланади.

Бивольтиң зотлари группаси барча биологик ва хўжалик белгилари жиҳатидан моновольтиң зотлар билан поливольтиң зотлар ўртасидаги оралиқ бир ҳолатда туради. Эски бивольтиң зотнинг қуртлари моновольтиң зотлариникига қараганда майдароқ бўлади. Уруғдан-уруғгача бўлган ривожланиш даври 50-55 кундир. Пилласи майдароқ (1,2-1,5 грамм), ипак чиқиш проценти кам (14-15%) дир. Ноқулай экологик шароитга, айниқса, ёзги иссиқка яхши мосланиши, шунингдек, тез этилиши ва юқумли касалликларга жуда чидамлилиги бивольтиң зот ипак қуртларининг қимматли хусусиятларидир. Бивольтиң зотларнинг бу белгилари яшаш учун кураш ва табиий танланиш натижасида пайдо бўлган. Яхши яшовчанилиги туфайли бивольтиң зотлардан саноатда ёзи — моновольтиң дурагайлар олиш учун фойдаланилади.

Тут ипак қуртида вольтинизм ҳодисасини текширган олимлар ривожланиш даврининг қисқа, яшовчаниликнинг юқори ҳамда пиллаларнинг майда ва ипаги кам бўлиши бивольтинизм билан яқиндан биологик боғлиқлик натижаси, буларга қарама-қарши бўлган хоссалар, яъни пиллаларнинг йирик, оғир бўлиши, ривожланиш циклининг узунлиги ва ҳаёт фаолиятининг пастлиги эса моновольтинизм билан боғлиқ эканлигини аниқлаганлар. Агар бир неча йил давомида бивольтиң зотнинг тухумлари ўз-ўзидан жонланадиган ва қишлоғчиларга ажralишига ёрдам беरувчи «оралиқ» инкубация ўtkазилса ҳамда фақат ўз-ўзидан жонланадиган уруғлар танлаб олинса, пилласининг вазни енгил, ривожланишнинг қуртлик даври қисқа ва жуда ҳам ҳаётчан зот этишитириш мумкин. Иккинчи томондан, қишлоғчи тухумларни танлаб олиш пилласининг вазни анчагина оғир, қуртлик даври

3—4 кун узайған ва ҳаёт фаолияти паст қуртларнинг ажралиб чиқишига олиб келади. Бундай зот ўзининг бивольтизмимиň йўқотиб аста-секин моновольтинашыб боради.

Бироқ бивольтизмнинг пилла вазнининг енгил бўлиши, тез етилиши ва жуда ҳаётчан бўлиш хоссалари билан биологик жиҳатдан боғлиқлиги мутлақо бузилмас бир нарса эмас. Зотларни тўғри танлаб олиш йўли билан бивольтин зот ичидағи ўзаро биологик боғлиқликни (корреляцияни бузиб юбориш ва бивольтизм ҳамда у билан боғлиқ бўлган жуда ҳаётчанлик ва тез етилиш хоссаларини сақлаб қолган янги зот чиқариш мумкин, шу билан бир вақтда бу зотнинг пилласи йирик ва ипаги кўп бўлади. Тут ипак қуртининг «Таш СХИ № 112» бивольтин зоти селекцияси ана шундай зарарли боғлиқликнинг узилишига мисол бўлиши мумкин. Бу зотни чиқаришда селекция йўли билан олинган қурт уруғлар «оралиқ» инкубация қилинган. Ургочи наслдан фақат ўз-ўзидан жонланувчи уруғлар танлаб олинган.

Булар боқиб бўлингандан кейин селекция учун энг ҳаётчан ва тез етиладиган оиласардан жуда йирик пиллалар қолдирилган. Ана шундай танлаш натижасида 14 наслдан сўнг ҳосилдорлиги жиҳатидан ҳозирги кўпгина моновольтин зотлардан фарқ қилимайдиган бивольтин зот етиширилди. Масалан, 1962 йилдаги маълумотларга кўра, шу зот пилласининг ўртача вазни 2,10 г, хом пилла таркибидаги ипак 20, 87%, қуртларнинг ҳаётчанилиги 90% эканлиги маълум. Шу билан бирга, бу зотда «Таш СХИ № 112» бивольтин зотнинг бивольтин зотларига хос бўлган асосий қимматли белгилари: она уруғ совуқ инкубация қилинганда диапауза фазасини ўтмайдиган уруғ бериш, тез етилиши ва ташқи муҳитдаги ноқулай шароитга жуда мослаша олиш хоссалари сақланиб қолган.

Хўжалик жиҳатдан қимматли бўлган белгиларнинг ўзаро биологик боғлиқлигини ўрганиш билан бирга эски бивольтин зотларнинг ипакни кам бериши бивольтизм билан боғлиқ бўлмаган ҳодиса эканлиги ҳам аникланган. Бунинг сабаби бивольтин зотлар моновольтин зотларга қараганда сунъий йўл билан кам танлангандигидир.

Ҳозирги вақтда чиқариладиган зотларнинг ҳаётчан бўлишига катта эътибор берилмоқда, чунки пилла ҳосили кўп жиҳатдан нормал пилла ўраган қуртлар процентаига боғлиқ бўлади. Шунинг учун САНИИШда чиқарилган оқ пилла ўрайдиган деярли ҳамма янги зотлар келиб чиқиши жиҳатидан ярим бивольтин ҳисобланади. Тут ипак қуртининг Япониядаги ҳозирги саноат зотининг деярли ҳаммаси келиб чиқиши жиҳатидан бивольтиндир. Корея халқ республикаси ва ипакчилик билан шуғулланувчи бошқа мамлакатлар ҳам бивольтин зотларига катта аҳамият беради.

Хитойдан ва Япониядан олинган ҳамда бизда иқлимлашти-

рилган оқ пилла ўровчи № 1 (илгариги Япония 115) ва оқ пилла ўровчи № 2 (илгариги Хитой 108) зотлари ўз хусусиятлари билан бивольтиндир.

### *Контрол саволлар*

1. Моновольтин, бивольтин ва поливольтин зотлари бир-биридан нималар билан фарқ қиласди?
2. Уз-узидан жонланувчи бивольтин зот уруғ қандай қилиб олиниади?
3. Қандай ҳолларда бивольтин зотдан ишлаб чиқаришида фойдаланилади?

### *Уруғлар ривожланишига ташқи шароитнинг таъсири*

Тирик организмларнинг ҳаёт фаолиятига таъсир этувчи асосий ташқи факторларга озиқланиш, ташқи муҳит температураси, атрофдаги ҳавоний намлиги, газлар алмашинуви киради.

Уруғлар ривожланишининг ҳар бир стадияси улар ҳаёт фаолиятининг нормал ўтиши учун ташқи муҳитда маълум шароит мавжуд бўлишини талаб этади. Эмбрион тухум сариқлиги таркибидаги озиқ моддалар ҳисобига озиқланадиган эмбрионал ривожланиш даврида унинг ривожланиши озиқланиш факторлари билан личинкалик даврида бўлган даражада чекланиб қолмайди. Бироқ урғочи капалак уруғидан чиққан насллар қуртининг озиқланиш шароити кейинги наслнинг эмбрионал стадиясидаги ҳолатига жуда катта таъсир кўрсатади. Ипак қуртлари яхши озиқланмагандан майда ва нимжон тухум қўяди, бундай урғочи капалак наслининг ҳаёт фаолияти пасаяди.

Тут ипак қуртининг ўз тана температураси бўлмаганлигидан атрофдаги ҳаво температураси унинг ўсиши ва ривожланиши учун жуда катта таъсир кўрсатади. Масалан, тухум қўйилганидан кейинги дастлабки уч кунда, яъни уруғланиш ва эмбрион ҳосил бўлиш вақтида уруғдаги газ алмашинуви процесси бетўхтov ортиб боради ва тухум қўйилгандан кейинги иккинчи суткада, 20—23° С да ўз максимумига етади. Шундан кейин учинчи сутка охирида уруғнинг карбонат ангидрид ажратиш тезлиги жуда пасайиб кетади ва қишлош даврининг бошланнишига келиб, ташқи газлар алмашинувининг тезлиги минимум даражага тушиб қолади.

Уруғ ривожланишининг бошланғич даврида тухумлар температура таъсирига ниҳоятда сезгир бўлади.

Ривожланишининг бу даврида уруғларни сақлашнинг оптималь температураси 23—24° С, ҳавонинг намлиги эса 70—75% ҳисобланади. Ривожланаётган уруғ доимий равишда соф ҳаво ўтиб туришини талаб қиласди. Кўёш нури тик тушиб турганда уруғ ҳамма ривожланиш стадиясида ҳам нобуд бўлади.

Диапауза даврида уруғдаги моддалар алмашинуви деярли тўхтаб қолади, ташқи нафас олиш ҳажми минимум даражагача тушиб қолади,

Диапауза даврини ўтәётганды уруғ ўзининг биринчи стадиясида ташқи шароит ўзгаришларини сезмайдиган бўлиб қолади, яъни юқори температурада эмбрионнинг кейинги ривожланишида унга қўзғатувчи сабаб бўла олмайди. Бироқ қишлоғчидан уруғни сақлаш шароити (айниқса ёз даврида) унинг ҳаёт фаолиятига жуда катта таъсир этади. Масалан, ёзги сақлаш даврида температура ҳаддан ташқари юқори ( $25^{\circ}\text{C}$  дан юқори) ва айниқса, айни вақтда атрофдаги ҳавонинг намлиги паст ( $65\%$  дан паст) бўлганда уруғлар батамом қуриб қолади. Бу нарса уруғдан қурт чиқиш процентини камайтириб, уруғдан чиқсан қуртларнинг ҳаёт фаолиятини ва пилла ҳосилдорлигини жуда пасайтириб юборади.

Диапауза даврини ўтайдиган уруғлар ёзда  $24-25^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаган температура ва  $70-75\%$  намлиқда сақланади. Уруғ сақлананаётган хона тез-тез шамоллатиб турилади.

Қишлоғ даврида, яъни диапаузани ўтәётган уруғлар юқори температурадан таъсирланаётганда қишлоқ жой температурасининг вақтинча ўзгариб туриши ҳам уруққа заарли таъсир этади. Қишлоғ жойи температурасининг ортиб кетиши тухумларнинг бир қисмини эмбрионнинг кейинги ривожланиш давригача қўзғатиб қўйиши мумкин. Температуранинг кейинги пасайиб кетиши эса ривожлана бошлаган уруққа заарли таъсир этади. Ривожланишининг баҳорги даврида эмбрион ривожланиб борган сари, карбонат ангидрид кўпроқ ажрала боради ва тухумдан қурт чиқиш вақтига келиб, максимум даражага етади. Баҳорги қисқа муддатли инкубация даврида эмбрион тезлик билан қуртга айланади. Эмбрион ривожланиши баҳорги даврининг муддати асосан, температура шароитига боғлиқ бўлади. Уруғ очириш даврида температура қанчалик юқори бўлса, эмбрион шунчалик тез ривожланади. Қурт уруғининг ривожланиш процесси нормал борадиган энг юқори температура  $25-26^{\circ}\text{C}$  ҳисобланади. Уруғ очириш вақтида температуранинг янада кўтарилиб кетиши қурт уруғининг ривожланишига ёмон таъсир кўрсатади, тухумдан қурт чиқиш процентини камайтиради ва уларнинг ҳаёт фаолиятини пасайтириб юборади.  $30^{\circ}\text{C}$  дан юқори температура қурт уруғи учун мутлақо яроқсизdir.

Уруғ жуда паст, масалан,  $18-20^{\circ}\text{C}$  да очирилса унинг муддати узайиб кетади, уруғнинг очилиш проценти камаяди, чиқиш процесси эса секинлашади.

Уруғнинг баҳорги ривожланишида ҳаво намлиги ҳам анчагина мухим роль ўйнайди. Бу даврда ҳавонинг нормал нисбий намлиги  $70-75\%$  (оқ пилла ўровчи зотлар учун) ҳисобланади. Ҳаво намлигининг бундай ортиб бориши гарчи тухумдан қурт чиқиш процентини ва қуртнинг ўртacha вазнини оширса ҳам, уларнинг ҳаёт фаолиятини пасайтиради. Ҳаво намлигининг пасайиши натижасида эмбрионнинг ривожланиши тўхтаб қолади, тухумдан чиқсан қуртларнинг вазни камайиб ва тухумдан қурт чиқиш

проценти жуда пасайиб кетади. Тухумлар юқори температурада очирилаётганда ҳаво намлигининг пасайиб кетиши айниқса хавфли. Юқори температура узоқ вақт таъсир этса уруғлар бутунлай қуриб қолиши мумкин. Уруғлар баҳорги ривожланиш даврида ҳам доим соғ ҳаво ўтиб туришини талаб этади.

Уруғнинг баҳорги ривожланиш даврида эмбрион тухум ичидаги ривожланишнинг бирин-кетин 14 та стадиясини ўтади. Ҳар бир стадияда эмбрион маълум морфологик белгиларга эга бўлади, ривожланиш стадиялари ана шу белгиларга қараб белгиланади. Эмбрионнинг ривожланиш стадиясини ва ҳар бир стадиянинг қанча вақт давом этишини билиб олиб, тухумдаги қурт чиқиш муддатини олдиндан айтиб бериш мумкин. Ўруғ очирилишидан олдин қандай шароитда сақланганлиги номаълум бўлган ҳолларда, кўпинча, ана шундай зарурат туғилади. Тухумнинг ташқи кўринишига қараб, уруғнинг ривожланиш стадиясини аниқлаб бўлмайди, бунинг учун эмбрионни тухумдан чиқариб олиш ва уни маълум бир тарзда ишлаш ана шундан кейингина эмбрионнинг ривожланиш ҳолатини лупа орқали кўриб, аниқ билиб олиш мумкин.

Эмбрионнинг ривожланиш стадиясини аниқлашнинг бир нечта усули бор. Энг оддий ва қулай усулни профессор Е. Н. Михайлова ишлаб чиқсан. Бу усул қўйидагилардан иборат: текширилиши лозим бўлган уруғдан бир оз намуна олинниб, марлига туғилади ва  $85^{\circ}\text{C}$  гача иситилган қайноқ сувга 3—4 минут солиб қўйилади. Қайноқ сув таъсирида тухум ичидаги эмбрион ивиб бир бўлак дилдироқ нарсага ўхшаб қолади. Ана шу ҳолатдаги қурт уруғ яхшилаб қуритилади ва тухумнинг ярми елим ичига ботиб турадиган ҳолда ёғоч елими билан бир варақ қалин қофозга ёпиширилади. Ёпиширилган ҳар қайси тухумнинг пўчоғи горизонтал бўйлаб учи ўткир нина билан гир айлантириб ёриб чиқилади ва очилади, тухум ичидаги эмбрионга нинанинг уни салгина тегизилиши билан у нинага осонгина ёпишиб қолади ва олинниб, сирка кислотанинг 25% ли эритмасига солинади. Орадан 15—20 минут ўтгач, сирка кислота эритмаси солингган пробирка бир неча марта тез-тез силкитилади, бунда эмбрионни ўраб турган сариқлик сероз парда билан биргаликда ундан ажralиб чиқади. Ранги оқ, юпқа пластинкалар шаклидаги эмбрионлар ҳеч қандай асбобсиз ҳам кўзга кўринади. Улар кўзга дори томизиладиган пипетка (томизгич) билан тортиб олинади ва спиртнинг 30 процентли эритмасига солинади, ана шундан кейин уларни буюм ойнасига қўйиб, қора нарса устида лупа орқали текширилади.

Хитойда эмбрионнинг ривожланиш стадияларини аниқлаш учун бошқача усулдан фойдаланилади. Ўювчи калий ( $\text{KOH}$ ) нинг эритмаси тайёрланади. Сунъий ўйл билан очириладиган ёзги уруғ учун ўювчи калийнинг 15 процентли эритмаси, одатдаги қишлоғчи уруғ учун 20 процентли эритмаси ва узоқ муддат

қишлоғчы уруғлар учун 30 процентли әрітмаси олиніб, қайнағунча қыздырилади ва у үтдін олиб құйилиб, ичиға намуна учун ажратылған уруғ солинади. Уруғ қызғыш рантта кирди дегунча, даржол әрітмадан олинади ва ишқорини йұқотиши учун совуқ оқар сувда ювилади. Орадан бир неча минут үтгач, тоза сувли петри косачасига солинади ва сариқликдан ажратыши учун пипеткадан бир неча марта тоза сув томизилади. Агар әмбрион яхши ажралмаса, совуқ сув үрнига илиқ сув ишлатиш ҳам мүмкін. Ажралып чиққан әмбрионлар пипетка билан олинади ва буюм ойнасады бир томчы сувға құйилади. Ана шундай йүл билан тайёрланған препарат бинокуляр лупа ёки кичик объективли микроскопда текширилади.

Әмбрионнинг ривожланиш стадиялари қуидаги белгиларга қараб фарқ қилинади:

**Биринчи стадия.** Бу — тиним стадияси деб аталади. Тиним стадиясінде әмбрион учи бирмунча кенгроқ, оқ рангли калтагина пластинка шаклида бўлади. Кўндаланг чизиқлари (метамерлари) деярли билинмайди. Эмбрион бутун диапауза даврида ана шундай ҳолатда бўлади.

**Иккинчи стадия** — ўса бошлаш стадияси. Бу стадияда уруғ жонланади ва ривожланиш даври бошланади. Эмбрион бирмунча чўзилған бош ва дум қисмлари анчагина билиниб қолган бўлади, кўндаланг чизиқлари билина бошлади.

**Учинчи стадия** — метамерлар пайдо бўлиш стадияси. Бу стадияда эмбрион танаси чўзилиб боради. Кўндаланг чизиқлар яхши кўриниб қолади. Бош қисмиди ўйиқли бош бурмаси яхшигина ажралиб туради.

**Тўртинчи стадия** — чўзида бошлаш стадияси. Бу стадияда эмбрион ингичка ва узун бўлиб қолади. 18 дона метамери яхшигина кўриниб туради. Бош бурмаси ич томонга қайрилиб киради.

**Бешинчи стадия** — батамом чўзилиб бўлиш стадияси. Бу стадияда эмбрион яна ҳам чўзилади ва ингичка бўлиб қолади. Дастребки учта метамеридан бўйлама эгатча пайдо бўлади. Бош қисмининг четлари қалинлаша бошлади.

**Олтинчи стадия** — ўрта чизиқ пайдо бўлиш стадияси. Бу стадияда эмбрион бирмунча қисқаради ва йўғон тортиди. Танасининг ўрта чизигида бўйлама эгатча пайдо бўлади. Бош қисмининг уер бу ери бўртиб чиқади, ундаги ўйиқ эса чуқурлашиб боради.

**Еттинчи стадия** — кўкрак оёқларнинг бошланғичлари пайдо бўлиш стадияси. Бу стадияда оғиз ўсимталари ва кўкрак оёқларнинг бошланғичлари пайдо бўлади. Бош қисмиди чуқур ўйиқ ҳосил бўлади.

**Саккизинчи стадия** — қисқара бошлаш стадияси. Бу стадияда эмбрион анчагина қисқарып, йўғон тортиб қолади. Кўк-

рак оёқлар анчагина билиниб қолади, жуфт мўйловчалар пайдо бўлади.

**Тўққизинчи стадия** — қисқариш стадияси. Бу стадияда эмбрион яна ҳам қисқаради ва йўғон бўлиб кетади. 10, 11, 12 ва 13-метамерларда ёлғон оёқларнинг бошланғичлари пайдо бўлади.

**Унчинчи стадия** — батамом қисқариб бўлиш стадияси. Бу стадияда эмбрион жуда қисқа ва йўғон бўлиб қолади. Эмбрионнинг танаси цилиндр шаклига киради, ипак қурти нинг боши пайдо бўлади.

**Ун биринчи стадия** — бластокинез стадияси. Бу стадияда эмбрион тухумнинг ўрта қисмига (марказига) қорин томони билан ўгирилиб олади. Кўкрак ва қорин оёқлари яхшиги на кўриниб қолади, хитин қоплами ва бўғимлар пайдо бўлади.

**Ун иккинчи стадия** — оқ рангли қуртнинг шаклланиш стадияси. Бу стадияда эмбрион яна чўзилади. Унинг ривожланиши деярли тугалланади, аммо хитин қопламда ҳали пигментлар пайдо бўлмайди, шунинг учун эмбрионнинг ранги оқ бўлади.

**Ун учинчи стадия** — ипак қурти бошининг қорайиш стадияси. Бу стадияда эмбрион батамом шаклланган қуртга айланади. Унинг боши қора рангга киради ва тухум пўчоғидан қора нуқта шаклида кўриниб туради. Уруг оқаради, чунки бу вақтга келиб тухумда сариқлик запаси тамом бўлиб қолади ва тухумнинг бўшаб қолган бўшлиғига тухум пўчоғининг ҳаво найчалари орқали ҳаво киради.

**Ун тўртинчи стадия** — қора рангли ипак қуртнинг шаклланиш стадияси. Бу стадияда ипак қуртнинг хитин қопламида пигмент ҳосил бўлади, бунинг натижасида ипак қурти қора рангга киради. Ипак қурти тухум пўчоғини кемириб тухумдан чиқади.

Тут ипак қурти саноатбоп уруғининг баҳорги ривожланиш даврида уларга маълум шароит яратиб бериш зарур. Эмбрионнинг нормал ривожланишининг ва унинг керакли муддатларда жонланишини таъмин этувчи сунъий шароит яратиб бериш уруғ очириш деб аталади.

Агар қурт уруғи табиий шароитда қолдирилса, у ривожланишининг барча стадияларини бирмунча нормал ўтади, қиши даврида температура пасая бошлаши билан эса уруғ қишлоғга киради. Аммо, баҳор келиши билан, яъни табиий шароитда температура жуда ўзгариб турадиган вақтда уруғ вақтидан илгари ривожлана бошлаши мумкин. Бунда температуранинг ўзгариши тухумнинг ривожланишига ёмон таъсир кўрсатади, бунинг натижасида қуртлар тухумдан бир вақтда чиқмайди, бу процесс чўзилиб, қуртларнинг жонланиши проценти эса камайиб кетади. Табиий шароитда қуртлар жонланишининг энг хавфли томони шуки, бунда эмбрионнинг ривожланиш тезлиги тут баргининг пайдо бўлиш вақтига тўғри келмай қолади. Бунинг натижасида



62-расм. Уруғ инкубация қилинадиган хонанинг умумий күриниши.

Ҳали тут барг чиқармасдан олдин тухумдан қурт чиқиб қолиши мүмкін, бу нарса құртларнинг узоқ вақт оч қолишига ёки ҳатто нобуд бўлишига олиб келади. Иккинчи томондан, құртлар тухумдан кечикироқ чиқса, тұтларнинг барғи жуда дағаллашиб кетиши мүмкін ва сифат жиҳатидан құртларнинг ёшига мувофиқ келмай қолади.

Уруғ муддатдан илгари жонланиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, құртларнинг ёппасига тухумдан чиқишини таъминлаш ва уларнинг ҳаёт фаолиятини кучайтириш учун тут ипак құртларини инкубация қилишининг маҳсус технологияси ишлаб чиқилган. Ҳозир моновольтин ва бивольтин зотлар тухумини инкубация қилиш усули мавжуд. Бивольтин зотлар учун, урғочи наслдан қандай уруғ — ўз-ўзидан жонланувчи ёки қышловчи уруғ олинишига қараб, совуқ ва илиқ инкубация қилиш усуллари қўлланади, бу усуллар «вольтанизм» деган бўлимда баён этилган эди.

Моновольтин зотлар учун инкубация қилишининг иккита асосий усули: температурани аста-секин ошириб бориш ва доимий температура усуллари бор.

Температурани аста-секин ошириб бориш усули баҳор совуқ келган йилларда, об-ҳаво бир хил бўлмаган ва баҳорги қаттиқ

совуқлар бўлиши ёки эрталаблари совуқ бўлиши кутилган ҳолларда қўлланади. Уруг очирилаётган бинонинг температураси ургуни инкубаторийга қўйишдан олдин сақланган бино температурасидан 1—2° юқори бўлиши керак. Агар уруг очиришдан олдин неча градус температурада сақлангани маълум бўлмаса, инкубаторийнинг бошланғич температураси шикаридаги сояжойнинг ўртacha суткалик температурасидан 2° юқори бўлиши, аммо 12—13°C дан паст бўлмаслиги керак. Кейинчалик, инкубаторий температураси (то 24—25°C га еткунча) ҳар куни 1°C дан ошириб борилиши лозим. «Разведкачилар» деб аталувчи дастлабки қуртлар пайдо бўлгунча температура ана шундай даражада тутиб турилади. Разведкачилар пайдо бўлиши билан инкубаторий температураси 26°C гача кўтарилади ва қуртлар жонланиб бўлгунча шундай сақлаб турилади.

Инкубация даври мобайнида тут дараҳтларининг куртаги ривожланиши устида ҳар куни фенологик кузатишлар олиб бориш зарур. Агар тут дараҳтларининг куртаги уруг эмбрионига қаранганде тезроқ ривожланаётган бўлса, температурани кунига бир эмас, балки икки, уч градус ошириш ҳисобига инкубация муддатини қисқартиrsa бўлади. Зарур бўлиб қолган тақдирда, температурани аста-секин ошириб бориш усулидан инкубация қилишнинг доимий температура (24—25°C) усулига ўтиш ҳам мумкин.

Кўпинча, инкубация даврида ташқи ҳаво температураси бирдан пасайиб кетади ва тут дараҳтлари куртагининг ривожланиши узок вақт тўхтаб қолади. Бундай ҳолларда ургунинг ҳам бундан кейинги ривожланишини тўхтатиб туриш зарур. Бунинг учун тут дараҳтлари куртаги яна ривожлана бошлагунча температура оширилмай тўради. Масалан, инкубаторийда температура 16°C гача кўтарилган бўлсин. Бу вақтда қаттиқ совуқлар бошланиб қолгудек бўлса, инкубаторий температураси бу муддат ичida бир меъёрда, яъни 16°C да тутиб турилади. Ташқарининг ҳавоси илиши билан температура яна ҳар куни 1—2 градус кўтарилади. Агар куртаклар секин ривожланаётган бўлса, инкубаторий температурасини кун ора 1° га кўтариш керак ва ҳоказо. Температурани турган ҳолатидан пасайтириб юбориш, айниқса, ургунинг ривожланишини холодильнике (совуқхонада) тўхтатиб қўйиш мутлақо тавсия этилмайди, эмбрион ўзининг кейинги ҳар бир ривожланиш стадиясини ўтиш учун температура тобора ошириб боришини талаб қиласди. Инкубация даврида температуранинг жуда тушиб кетиши ургунинг ва ундан чиқадиган ипак қуртининг ҳаёт фаолиятини пасайтириб юборади. Агар инкубацийси бошланган ипак қуртларининг тухумдан чиқишини тўхтатиб туриш зарурати туғилиб қолгудек бўлса, пиллачилик практикасида қўйидаги усульдан фойдаланилади: уруг оқариш стадияси гача (учинчи стадия — қуртлар бошининг қорайиши) инкубация қилинади, шундан кейин улар совуқ камерага олиб қўйи-

лали ва  $+2^{\circ}$ ,  $+4^{\circ}\text{C}$  температуралада 10—15 кун сақланади. Бу усул табиий оғат юз берган ҳолларда (масалан, тут дараҳтлари куртаги ва баргларини баҳорги совуқ уриб кетгандын да ҳоказо ҳолларда) айниңса құл келади. Тутлар янги куртак ёзиши билан уруғлар совуқхонадан олинади ва нормал шароитда бир-икки кундан кейин улардан қуртлар күтилганидек чиқаверади.

Уруғлар кандай усул билан инкубация қилинмасын, қуртлар-нинг тухумдан чиқиши тут дараҳти куртакларидан иккінчи, учинчи барглар әзилаётгандын вақтта түрі келиши керак. Агар инкубация мұлжалланған вақтдан илгари тамом бўлиб қолса, уруғдан чиққан қуртларни боқиши учун нарса бўлмай қолади. Қуртлар тутнинг бўртиб турган куртаклари билан боқилса, баргни иқтисод қилиб бўлмайди, чунки бунда барг камайиб кетади ҳамда катта ёшдаги қуртларни боқиши учун барг етишмай қолиш хавфи туғилади. Бундан ташқари етилмаган барглар билан боқилганда қуртлар касалланиб қолади, оқибатда пилла ҳосили камайиб кетади.

Уруғ жонлантириш муддатларини ҳам кечикириб бўлмайди, чунки тут дараҳтлари 6—7 тадан ва ундан ортиқ барг чиқарган вақтда уруғдан чиққан қуртлар учун бундай барглар дағаллик қилади ва унча түйимли бўлмайди. Қуртларнинг ўшлари билан баргларнинг етилиши ўртасидаги бундай тафовутнинг таъсири ҳамма кейинги қурт боқиши вақтларида ҳам сақланади, оқибатда пиллалар майда бўлиб қолади, бу нарса улар ялпи ҳосилининг камайиб кетишига сабаб бўлади.

Инкубация қилишнинг иккінчи усули — доимий температура усули қуйидагилардан иборат: инкубация даврининг дастлабки иккі кунида уруғ  $14—15^{\circ}\text{C}$  температуралада сақланади. Учинчи куни инкубаторий температураси бирданнiga  $24—25^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади ва инкубация даврининг охиригача ана шундай тутиб турилади. Қуртлар пайдо бўла бошлиши билан температурани яна бир градус кўпайтириш, яъни  $26^{\circ}\text{C}$  га етказиш мумкин, ана шу температура инкубация даврининг охиригача сақланади.

Қурт боқишини тезроқ бошлиш зарур бўлиб қолган тақдирда, шунингдек уруғ заводларнинг насл олинадиган районларида битта зотнинг уруғи бир инкубаторийга бир неча муддатда қўйилиши керак бўлиб қолган ҳолларда инкубациянинг ана шу усули қўлланади. Бу усулдан уруғ инкубация қилинишидан олдин ҳаво температураси  $14^{\circ}\text{C}$  дан юқори жойда сақланганлиги яхши маълум бўлган ҳолларда ҳам фойдаланиш мумкин. Доимий температуралада инкубация қилиш усулиниң ёмон томонлари ҳам бор. Масалан, ҳаво температураси бирдан пасайиб кетгандан ёки эрталабки совуқлар тушиб қолган ҳолларда уруғнинг тез ривожланишини тўхтатиб бўлмайди. Инкубаторий температурасини белгиланганидан пасайтириш, юқорида айтиб ўтилганидек, тут ипак қуртининг ҳаёт фаолиятига ва пилла ҳосилига таъсир этади. Бундан ташқари, инкубациянинг бу усулида инкубато-

рий фавқулодда қаттиқ қизиб кетади, бунинг оқибатида уруғлар қуриб қолиши мумкин.

Үрүғ инкубацияси вақтида инкубаторий ҳавосининг намлигини ҳам диққат билан кузатиб бориш зарур бўлади. Инкубация қилишнинг ҳар иккала усулида ҳам инкубаторий ҳавосининг оптимал нисбий намлиги 75—80% бўлиши керак. Ҳаво намлигини аниқлаш учун ҳар бир инкубаторийда психрометр ва психрометрик жадвал бўлиши лозим. Ҳаво намлиги пасайиб кетган тақдирда уни ошириш учун инкубаторийга ҳўл чойшаплар ёйиб қўйиш ва полга сув сепиш керак. Инкубаторий ҳавосининг намлиги жуда ортиб кетган ҳолларда бинога сўндирилмаган оҳак солинган яшик қўйилади, кўпинча, хона шамоллатилади.

Инкубаторий капитал типда қурилган бино бўлиб, 2—3 та ёрүғ яхши тушадиган, қуруқ ва озода бинодан иборат бўлади. Инкубаторийда температурани тартибга солиб туриш учун яхши ускуналанган ғишт печка бўлиши керак. Инкубация бошланишидан олдин инкубаторий биноси ва ундаги асбоб-ускуналар, албатта формалиннинг 4 процентли эритмаси билан дезинфекция қилинади, шип ва деворлари оқланади ҳамда санитария жиҳатдан яхшилаб тайёрланади.

Инкубаторий хоналаридан бирига уруғ инкубация қилиш учун қўйилади. Иккинчи хона уруғдан чиқсан қуртларни жойлаштириш учун мўлжалланган. Уруғ қофоздан ясалган квадрат идишларга 25—50 граммдан қилиб солиниб, З қаватли (этажли) сўкчакларга (этажеркаларга) жойлаб қўйилади.

## ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ПАРТЕНОГЕНЕЗИ ВА АНДРОГЕНЕЗИ

Ҳайвон турларининг кўпчилигига жинсларнинг нисбати бир-бирига яқин (1 : 1) бўлади, яъни, айни турга киравчи ҳайвонлар, наслининг умумий миқдори, одатда, ярми урғочи ва ярми эркак бўлади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига, кўпинча, фақат бирор хил жинсни кўпайтириш фойдалироқ бўлади. Масалан, сутчилик хўжалигига фақат урғочи бузоқлар, паррандачиликда — урғочи паррандалар туғилиши, асаларичиликда эса трутенларнинг (эркак асалариларнинг) камроқ чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Тут ипак қуртининг эркаклари урғочиларига қараганда анчагина серипак ва ҳаётчан бўлади.

ХХ аср бошларида жинсни сунъий йўл билан бошқариш проблемаси биологиянинг муҳим проблемаларидан бири бўлиб қолади; бу проблема қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ғоят катта назарий ва амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу проблема ҳад этилганда пиллачилик хўжалиги фақат эркак ипак қуртларни бокиши имкониятига эга бўлар ҳамда бунинг натижасида

ортиқча мөжнат ва озиқ сарфламаган ҳолда мамлакатимизга 20—25 % құшымча ипак маңсулоти берган бұлар әди.

Баъзи ҳашаротларнинг (масалан, ширалар —битлар, асаларилар ва бошқаларнинг) уруғланмаган тухумларидан маълум шароитда батамом нормал индивидлар ривожланиши қадим замонларданоқ маълум әди. Уруғланмаган тухумларнинг бундай ривожланиши соғ, яғни партеногенетик ривожланиш деб аталади.

XIX аср охирларыда тут ипак құртларыда ҳам табиий партеногенез ҳодисаси борлығи аниқланған.

Тут ипак құртлары уруғланмаган тухумларининг партеногенетик ривожланиши табиатда эң кам учрайдиган ҳодисадир. Аммо күзатишларнинг күрсатишича, уруғланмаган тухумлар ядро бұлинишининг дастлабки стадияларыда ривожланмай қолади ва фақат айрим ҳоллардагина тухумдан құрт чиқиши билан тамомланади.

Уруғланмаган тухумларни ривожланишга құзғовчи сабабларни үрганиб, олимлар уруғланмаган тухумларга қайноқ сув билан таъсир этиш, уларни құтқа билан ишқалаш, ҳар хил кислоталар билан ишлаш ва бошқа йұллар билан тут ипак құртларыда ҳам сунъий партеногенез ҳосил қылғанлар. Бунда тухумларнинг бир қисмидан чиққан құртлар то пилла үрагунча мұваффақиятли равишда бοқылған. Партеногенетик ривожланиш йўли билан олинған құртларнинг ҳаммаси урғочи құртлар бұлған.

Авваллари бу ҳодиса фақат назарий аҳамиятта әга деб ҳи-собланған, чунки у тухумнинг уруғланниш процессида сперматозоиднинг ролини маълум дараражада очиб бериши мүмкін.

Тихомиров кашфиётидан деярли 50 йил ўтгандан кейин Япония олимі X. Сато тут ипак қуртининг капалаклик стадиясигача нормал ривожланған ва ҳаммаси эркак жинсидан бұлған уруғланмаган тухумларни сунъий йўл билан активлаштириш орқасида партеногенетик ривожланувчи құртлар олганлигини айтған. Сато партеногенетик насл олиш усулини (рецептини) нашр эттиргемаган.

Шундай қилиб, тут ипак қуртининг уруғланмаган тухумларига сунъий йўл билан таъсир этиш орқали ҳам эркак, ҳам урғочи насл олиш мүмкінлиги маълум бұлған.

Әнди ҳар иккала жинсдан кўплаб етиштириш усулини ишлаб чиқиши шунингдек, партеногенетик индивидлар ҳосил бўлишининг цитогенетик механизмини ўрганиш ишлари қолган әди.

Кўп йиллаб олиб борилған тадқиқотлар натижасида партеногенетик құртлар пайдо қилиш усули ишлаб чиқилған. Бу усул қуйидагилардан иборат: уруғланмаган урғочи қуртларнинг қорни ёрилади ва ичи тухумлар билан лиқ тұла овариоллар чиқарып олинади. Тухумларни тухум найчаларидан — овариоллардан чиқарып олиш учун улар марлидан қилинған элакдан эзіб ўтказилади. Ана шундай йўл билан олинған уруғланмаган тухумлар 18 минут мобайнида  $46^{\circ}\text{C}$  температуралы иссиқ сувга

солиб қўйилади, шундан кейин хона температурасидаги сув билан тезгина ювилади. Шу йўл билан активлантирилган тухумлардан 85% гача партеногенетик қурт чиқади, бу қуртларнинг ҳаммаси урғочи бўлиб, улар ўз онасининг ирсий табиатини аниқ такрорлайди. Цитологик тадқиқотлар температура таъсири натижасида, тухум пронуклеусининг йўналтирувчи танача ядро-сига қўшилиши йўли билан тухумнича ўз-ўзидан уруғланиш процесси содир бўлишини кўрсатди. Ана шундай қўшилиш натижасида хромосомлар жуфти тикланади ва тухумнинг эмбриони нормал равишда ривожлана бошлади.

Сунъий партеногенез йўли билан фақат урғочи насле этишириш усули катта назарий аҳамиятга эга, чунки бу усул уруғланиш процессини ойдинлаштириб беради. Шу билан бирга, партеногенез ёрдамида тут ипак қуртлари ирсий белгиларининг наследан-наслга ўтишини ўрганиш мумкин. Юқорида айтиб ўтилганидек, ёши катта-кичик партеногенетик қуртларнинг ҳаммаси бир хилдаги ирсиятга эга бўлади ва ўз онасининг ирсий белгиларини тўла такрорлайди. Мисол учун, уни тўмтоқ пилла ўрайдиган бирор зот қуртлар ўраган пиллалар орасида учли (уни ингичка) пиллалар учраб қолиш ҳодисаси ирсий белгими ёки йўқми эканлигини аниқлаш керак бўлиб қолди дейлик. Бу масалани ҳал қилиш учун шу зотдан урғочи жинсга киравчии уни ингичка пилла олиб, ундан капалак чиқариш керак. Капалак қорнидан тухумларни сиқиб чиқариб, 46°C ли иссиқ сувда 18 минут мобайнинда ишлаш лозим. Бунда уруғланмаган тухумлар ривожлана бошлади. Агар тухумлар активлантирилгандан кейин 36—48 соат ўтгач, диапаузадан озод қилиш учун HCl билан ишланса, 10 кундан кейин улардан партеногенетик қуртлар — урғочи қуртлар чиқади. Агар қурт боқиши даври тамом бўлгандан кейин бу урғочи қуртларнинг ҳаммаси уни ингичка пилла ўраса, бу белги ирсий белги бўлади.

САНИИШда пиллаларда учрайдиган бракларнинг (пачоқларнинг) ҳамма тури ирсий белгими ёки йўқми эканлигини аниқлашга доир ана шундай ишлар қилиб ўтказилган эди. Қўшалоқ пиллалар пайдо бўлиш ҳодисаси ирсий белги эмаслиги аниқланган. Қўшалоқ пиллалар сонининг кўп-оз бўлиши зотга боғлиқ бўлмай, балки пилла ўраш шароитига боғлиқ, аммо уни ингичкалик, пиллаларнинг учлари фалвирак бўлиб қолиши эса ирсий белгидир. Бир хил селекция материали билан ва бир хил шароитда боқилган партеногенетик насл ҳам селекция қилинётган зотнинг бир текис чиқиши даражасини аниқлаш учун ўлчов бўлиши мумкин ва ҳоказо. Бироқ сунъий партеногенездан саноатда фойдаланиб бўлмади, чунки урғочи насллар эркакларига қараганда камипак беради.

Фақат эркак насле этишириш учун Б. А. Астауров, кейинроқ В. А. Струнниковлар томонидан андрогенетик насле олиш усули ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди.



Андрогенез деб ривожланишнинг шундай йўлига айтилади, бунда уруғланган тухум ўзининг овоплазмаси иштирокида ва иккита сперматозоид ядросининг қўшилиши натижасида ривожланади. Тухум ядроси уруғланиши процессида қатнашмайди.

Андрогенетик эркак насл олиш усули тухумга икки томонлама таъсир кўрсатишдан иборат.

Биринчи таъсир ургочи насл ядросини ривожланишдан тўхтатиб туришга қаратилган бўлиб, бунинг учун ядро моддасининг редукция процесси вақтинча тўхтатиб қўйилади. Бундай таъсир ургочи капалак танасидаги тухумларни маълум кучга эга бўлган x-нурлар билан нурлаш ва шундан кейин капалаклар қўйиб бўлган уруғланган тухумларни ҳаво температураси 40°C бўлган жойда 60 минут мобайнода термоактивлашдан иборатdir. Термоактивлаш ишининг бошланиши уруғланган тухумларнинг иссиқида энг сезгир бўлган даврига жуда ҳам тўғри келиши керак. Бу давр тухум қўйилиб бўлгандан қейин 23°C температурада ривожланиш вақтида 100 минутдан сўнг бошланади. Тухумлар ривожланаётган вақтда температура 1°C оширилса ёки камайтирилса, тухумларнинг сезгирлик даври, шунга мувофиқ равишда, 10 минут олдин ёки кейин бошланади.

Иккинчи таъсир иккита сперматозоид бошчаларини қўшилиш учун қўзгатиб қўйишдан иборат. Иккинчи таъсир ҳам иссиқлик таъсири бўлиб, бу биринчи таъсирдан кейиноқ, ҳаво температураси 36°C бўлган жойда 145 минут мобайнода амалга оширилади. Иккинчи иссиқлик таъсири даври нормал ривожланаётган тухумларнинг кариогамий даври билан бир вақтга тўғри келиши керак.

Ана шундай усулдан фойдаланилганда андрогенетик қуртлар сони тажриба учун олинган тухумлар миқдорининг 18% ига тўғри келади.

Кўп миқдор андрогенетик қуртларни анализ қилиш буларнинг ҳаммаси ўз оталарининг белгиларини тўла-тўқис такрорлайдиган эркак қуртлар эканлигини кўрсатди.

Андрогенетик қуртларни нормал (зиготик) қуртлардан аниқроқ фарқ қилиб олиш учун «аожика» деган Япония зотидан фойдаланилади. Бу зотлар тухумдан чиққан қуртларининг ранги сариқ бўлиши билан бошқа барча зотлардан фарқ қиласди. Бу белги рецессив ҳисобланади, яъни ҳам эркак, ҳам ургочи капалак «аожика» зотидан бўлгандагина бу белги наслда кўринаади. Аожика зотининг капалаги бошқа зотлар капалаги билан чатиштирилганда тухумдан фақат одатдаги қора рангли қуртлар чиқади.

Агар x-нурлар билан нурланган бирор зотнинг ургочи капалаклари аожика зотидан бўлган эркак капалаклар билан уруғлантирилса ва юқорида кўрсатилган усул билан термоактивланса, тухумдан (қора ўрнига) фақат сариқ қуртлар чиқади ва уларнинг ҳаммаси эркак бўлади.

Сариқ рангли ва фақат эркак қуртларнинг пайдо бўлиши туҳумлар ядроси аожика зотига киравчи эркак қуртнинги иккига сперматозоидининг қўшилиши йўли билан ҳосил бўлганлигини кўрсатади, чунки нормал уруғланишда ранги қора ва ҳар иккала жинсга киравчи қуртлар пайдо бўлиши керак эди.

Андрогенезни исботлаш учун сариқ рангдан бошқа белгилардан, уруғнинг хира оқ рангли, гемолимфанинг рангсиз бўлиши ва бошқалардан ҳам фойдаланилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган белгиларнинг ҳаммасидан алоҳида-алоҳида ёки бир йўла бирга фойдаланилганда андрогенетик қуртларда доим ўз оталарининг белгилари кўринади ва уларнинг ҳаммаси эркак қуртлар бўлади.

1957 йили Астауров ва Острякова-Варшаверлар ёввойи ипак курти *Botvukh mandarina* билан *Botvukh mori* зотларни чатиштириб биринчи марта тўла-тўкис андрогенез зот олганлар.

Ёввойи ипак қурти *B. mandarina* тут ипак қуртидан катта-кичикилги, ранги ҳамда қуртлари, ғумбаклари, капалаклари ва пиллаларининг ташқи кўриниши билан жуда катта фарқ қиласди. Ёввойи ипак қуртининг урғочилари тут ипак қуртининг эркаклари билан чатиштирилганда ҳосил бўлган оддий (андрогенетик бўлмаган) дурагайлар ҳар иккала ота-онанинг (эркак урғочининг) белгиларини қабул қиласди ва икки жинсли бўлади. Эркак тут ипак қуртининг сперматозоидлари билан уруғланган ёввойи ипак қуртининг урғочилари янгигина қўйган тухумларига иссиқ таъсир эттирилганда маълум миқдор андрогенетик эркак қуртлар пайдо бўлган. Гарчи бу эркак қуртлар ёввойи ипак қурти тухумидан чиққан бўлса ҳам, уларнинг қуртлик стадиясидан то пилласигача бўлган ҳамма белгилари тут ипак қуртига тааллуқли эди.

Олинган натижалар уруғланиш механизмини ҳамда турбелгиларининг наслдан-наслга берилишида ядро ва цитоплазманинг нисбий ролини билиб олиш учун ғоят катта илмий аҳамиятга эгадир.

Андрогенезни текшириш тут ипак қуртининг андрогенетик эркаклари ўз-ӯзидан уруғланишининг салбий таъсири оқибатида уларнинг ҳаёт фаолияти паст бўлишини кўрсатди. Бу ҳодисанинг олдини олиш учун ҳам андрогенетик дурагайлар ҳосил қилинган, бу дурагайлар бир вақтнинг ўзида битта урғочи ва иккита эркак жинсдан пайдо бўлган (урғочи жинс наслини фақат овоплазмага берган, ядронинг бўлиниши эса икки жинсли иккита смерматозоидларнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган).

Андрогенез усули такомиллаштирилган бўлишига қарамай, андрогенетик эркак жинсларнинг чиқиши проценти нисбатан кам (20–30%), уларни олиш жуда қийин ва нурлаш манбалари (махсус рентген установкалари ва бошқалар) бўлиши лозимлигидан ҳозирги вақтда улардан саноатда фойдаланиб бўлмайди.

Аммо юқорида айтиб ўтилганидек, андрогенез ғоят катти илмий аҳамиятга эга. Белгиларнинг наслдан-наслга ўтишиди

ядро ва цитоплазманинг ролини ўрганишдан ташқари, андрогенез ёрдамида жинсий хужайралар ядроси ҳамда цитоплазмасини бирламчи нурлаш (радиация) орқали заарланишнинг нисбий фойдаси тўғрисидаги масала ҳам аниқланган.

Ипакчиликда кенг фойдаланиш учун эркак насл етиштириш масаласи ҳозирги вақтда бошқача йўл билан, яъни тут ипак қуртларининг тухумлик ва қуртлик стадияларида жинсига қараб белгилаб (нишонлаб) қўйилган зотларини чиқариш йўли билан ҳал қилинган.

Тухумларни ионловчи нурлар билан нурлаш ёрдамида ярми оқ рангли, қолган ярми эса одатдагича, бўз-кул ранг тухумлар олинган. Бу тухумдан чиқарилган қуртларни алоҳида-алоҳида боқиши натижасида оқ рангли тухумдан чиқсан қуртларнинг ҳаммаси эркак, кул ранг тухумдан чиқсан қуртлар эса урғочи эканлиги аниқланган. Бу тухумлар устида олиб борилган селекция ишлари натижасида тут ипак қуртининг тухумлик стадиясида жинси белгилаб қўйилган янги зотлари етиштирилганки, булар серҳосиллиги ва ҳаётчанлиги билан фарқ қиласди.

Жинси бўйича белгилаб қўйилган тухумларни урғуз заводларда қишидаёқ ҳали қурт боқиши даври бошланмасдан илгариёқ, эркак ва урғочиларга ажратса бўлади. Бу процессни механизациялаштириш ҳам мүмкин. Шунингдек, қуртлик стадиясида жинси бўйича белгилаб қўйилган зотлар ҳам етиштирилган, бу зотлар урғочи қуртларининг ранги одатдагичалиги (яъни ранги маскали оқ ва ярим ойсизмон доғлилиги), эркаклари эса маскализ хира оқ ва ярим ойсизмон доғсизлиги билан фарқ қиласди.

Қуртлик стадиясида жинси бўйича белгилаб қўйилган зотларнинг ноқулайлиги шундаки, бу қуртларни учинчи ёшдан илгари, яъни қуртлар пигментацияси кўринадиган бўлмасдан олдин жинсларига қараб ажратиб бўлмайди.

Қуртларни уруғлик стадиясида, шунингдек қуртлик стадиясида жинсларга ажратиш ва эркак ҳамда урғочи қуртларни алоҳида-алоҳида боқиши наслчиллик ишида ва уруғчиликда дурагай уруғлар етиштириши анчагина осонлаштиради ҳамда наслчилликда ва саноатда тайёрланадиган дурагай уруғнинг сифатини яхшилайди, саноат шароитида фақат эркак қуртларни боқиши эса ҳеч қандай ортиқча меҳнат ва озиқ сарфламаган ҳолда давлатга 25% га яқин қўшимча ипак беради.

### *Контрол саволлар*

1. Урғочи ҳамда эркак тут ипак қуртлари ҳаётчанлиги ва ҳосилдорлиги жиҳатдан бир-биридан қандай фарқ қиласди?
2. Тут ипак қуртлари жинсини сунъий йўл билан бошқариш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш қандай амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин?
3. Тут ипак қуртлари тухумидан қандай қилиб фақат урғочи насл олиш мумкин?
4. Андрогенетик эркак қуртлар олишининг қандай усули бор?
5. Партеногенетик урғочи ва андрогенетик эркак қуртлар пайдо бўлишининг цитологик манзарасини айтиб беринг.
6. Тут ипак қуртининг жинси бўйича белгилаб қўйилган зотлари нималар билан фарқ қиласди ва улардан фойдаланиш истиқболлари қандай?

## ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ ВА АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР

### 1-т о п ш и р и қ

ТЕМА: «ТУТ ИПАҚ ҚУРТИ ТАНАСИНинг ТАШҚИ ТУЗИЛИШИ»

Б а ж а р и ш т а р т и б и .

Тирик ёки формалинланган (фиксация қилинган) 5-ёшли тут ипак қуртини олиб, унинг морфологияси ўрганилади. Унинг ташқи тузилишини тўлиқ баён қилишда, тахминан, қўйидаги тартибга риоя қилинади:

қурт танаси қандай қисмларга бўлинади? Қуртнинг боши, кўкраги, қорнининг умумий кўриниши. Танасининг сегментларга бўлинниши ва сегментлар сони. Кўкрак ва қорин оёқларининг тузилиши ва жойланиши. Нафас олиш органларининг жойланиши, уларнинг сони ва ташқи кўриниши.

5-ёшдаги тут ипак қуртининг расми чизилиб, унинг морфологик қисмлари ёзib қўйилади.

1. Б о ш в а б о ш ў симталарининг тузилиши,

5-ёшли тут ипак қуртининг боши ажратиб олиниб, лупада кўрилади. Бунда бошининг ён томонлари, пешана бўшлифи, юқориги лабли қалқонча, юқориги ва пастки жағлари, ипак ажратувчи найчаси бўлган остики лаби, мўйловлари ва кўзлари топилади.

Қуртнинг боши ва унинг ўсимталарининг расми катта қилиб чизилади.

2. Б о ш н и н г қ ис м л а р г а б ў л и н и ш и

Тут ипак қуртининг боши препаровал лупа остига қўйилади ва препаровал нинада ушлаб, пешана ва айрисимон чок чегарасидан бош капсуласи эҳтиётлик билан кесилади. Бунда: 1) бошининг ҳар бир ён томонлари жағлари, мўйловлари, кўзлари билан бирга; 2) оғиз усти қалқончаси ва юқори лабли пешана бўшлифи; 3) пастки жағлар пастки лаб билан бирга ажратилади.

Кейинги қисмларга ажратиш қўйидагича бўлади: бошининг ён томонларидан чайнаш қисмлари ва мўйловлари, пешана

бўшлиғидан оғиз усти қалқончаси ва юқориги лаби, остки лабидан остки жаги ва базал пластинкалар ажратилади.

Бошнинг ҳамма қисми ва унинг ўсимталари бинокуляр лупапинг катта объективида ўрганилади.

Курт бошининг ажратиб олинган ҳамма қисмининг расми қўйидаги тартибда чизилади:

- 1) бошнинг ён томонлари —2;
- 2) пешана бўшлиғи —1;
- 3) оғиз усти қалқончаси —1;
- 4) юқориги лаб (ташқи ва ички томонидан кўриниши);
- 5) юқориги жаг (ички ва ташқи томони);
- 6) остки жаг ўсимталари билан бирга —2;
- 7) ипак ажратувчи найчали остки лаби;
- 8) мўйлови —2 та;
- 9) базал пластинкалар —2 та.

### 3. Кўкрак ва қорин оёқларининг тузилиши

Қуртнинг кўкрак оёғи ажратиб олиниб, унинг тузилиши лупа остида ўрганилади. Оёғидаги бўғимлар сони аниқланиб, тирноқлари қараб чиқилади. Кўкрак оёқларининг расми чизилади. Агар тирик қурт бўлса, овқатланаётгандан, ҳаракат қилаётгандан кўкрак оёқларидан қандай фойдаланиши кузатилади.

Бўғимларидаги қуртда қорин оёқларининг тузилиши ва жойланиши кўриб чиқилади.

Қорин оёғи кесиб олиниб, товонининг тузилиши лупа остида ўрганилади. Бунда илгакларнинг жойланиши ва тузилишига алоҳида аҳамият берилади. Қорин оёғи ва товони умумий кўринишининг расми чизилади.

Тирик қурт ойна устига қўйилиб, пастдан унинг қандай ҳаракат қилаётгани, оёқларини қўйиш тартиби, оёқлари кўтарилишганда ва тўширилганда илгакларнинг қандай ҳолда туриши кузатилади. Кузатиш натижалари ёзib борилади,

### 4. Териси

Қурт териси кўндаланг кесигининг тайёр гистологик препарати микроскопда кўрилади. Терининг устки, ўрта ва остки қаватлари топилади. Пўст тукчалари ва қалқончаларига эътибор берилади. Тери ости эпителийси топилади.

Кўрилган гистологик препаратдаги расм чизиб олинади ва терининг ҳамма элементларининг номи ёзив қўйилади.

### 5. Қуртнинг пўст ташлаши

Қурт боқиши ўрганишда 4-ёшдаги қуртларнинг пўст ташлаш процесси кузатилади. Пўст ташлашга ҳали киришмаган, пўст ташлаш процессида ва пўст ташлаб бўлган қуртларнинг ташқи кўриниши ёзив олинади.

Езид олишда қуйидаги ҳолатлар:

- 1) учала ҳолатдаги құртнинг катталити;
  - 2) құртларнинг хатти-ҳаракати (ҳаракатчанлиги, озиқланиш лаекати);
  - 3) терисининг тури (ялтироқлиги, хиалиги, текислиги, бурмалилиги ва бошқалар);
  - 4) энді үсіб келаётган, пүст ташлашга тайёр турған, пүст ташлаётган, пүст ташлаб бұлған құрт бошининг катталиги микрометрик винт билан үлчаниб мұкаммал тасвирланиши лозим;
- Бошининг тепасида «учбурчак» бор-йүқлиги белгиланади.
- 5) ғумбакка ва капалакка айланиш учун ташланған пүстлар билан бирға ҳамма пүстлар коллекцияси күриб чиқлади.

## 6. Құртларнинг ёшига қараб фарқ қилиши

а) ҳар хил ёшдаги құртларнинг катталиги үлчанади. Бирор турнинг эндигина тухумдан чиқсан (ҳали озиқланмаган), бириңчи, иккінчи, учинчи, түртінчи ва бешинчи ёшларнинг дастлабки ва охирдаги құртлари олинади. Буларнинг бүйі ва қорын диаметри үлчанади. Бинокуляр лупада микрометр ёрдамида құртнинг ҳар ёшининг дастлабки ва охирдаги бош диаметрлари үлчанади. Үлчаш натижасы ёзид борилади.

б) ҳар хил ёшдаги құртнинг ташқи күрениши.

Ҳар бир ёшдаги құртнинг ташқи күрениши батафсил тасвирланади, яғни ранги, қалқонларнинг бор-йүқлиги, әлғон оёқлардаги илгаклар сони, жағдаги тишлар сони аниқланади.

1, 2, 3, 4, 5-ёшдаги құртнинг расми чизилади (табиий катталығыда).

Құрт бошининг тузилиши алоҳида чизилади.

Илгари тайёрланған расм ва коллекциялар ёрдамида құртнинг ҳар хил типдаги ранги тасвирланади.

## Хисобот

Бажарилған иш ҳақиқати ҳисобот юқорида тасвирланғандегі ёзма тарзда ва расм (рангли бұлиши яхшироқ) ҳолида ифодаланади.

## Кераклы асбоб ва материаллар

Объектни 10 марта катта қилиб күрсатадиган штативли ёки бинокуляр лупа (студентлар сонига қараб).

2. Препаровал ваннача (студентлар сонига қараб).
3. Препаровал ниналар (студентлар сонига қараб).
4. Учи үткир препаровал кичкина қайчи (күз қайчи) ёки ланцет (2 студентта биттадан).

5. Ҳар хил рангли құртнинг расми, фотосурати ва коллекцияси.

6. Қурт ташқи күринишининг ёшға қараб ўзгаришини күрсатадиган 1, 2, 3, 4 ва 5-ёшдаги құртларнинг (кattalaشتirilган) фотосурати ёки расми.

7. Формалинда фиксацияланган 5-ёшдаги қурт (студентлар сонига қараб).

8. Соат ойнаси.

## 2- топшириқ.

### ТЕМА: «ТУТ ИПАК ҚҰРТИНІНГ УМУМИЙ ИЧКИ ТУЗИЛИШИ»

#### Бажарыш тартиби

Формалинда фиксацияланган 5-ёшдаги қурт препаратом ванначага солиниб, қайчи ёрдамида ёрлади. Ериш орқа томондан, бел найчаси ёндан, орқа чиқариш тешигидан бошланади. Тери қолпамини очиш вақтида терига ёпишган мускуллар ланцет билан ажратилиб, тери пинцет билан тортиб қўйилади. Пинцет билан тортилган терини энтомологик тўғнағич ва препаратом ванначага тўғнаб қўйилиб, қайчи ва ланцет ёрдамида бел найчаси, мальпигиев наилари, ичаги, трахея тугуналири, ипак ажратувчи безлар, нерв занжирни ва ёф танаачалари алоҳида-алоҳида ажратилади (ҳар бир бажарилган иш ёзиб борилади).

Лупада мускул ва унинг жойланиши кўрилади. Кўндаланг тўғри ва қийшиқ мускул қаватлари топилади. Мускулларнинг бирикиси жойларига аҳамият берилади.

Микроскопда мускулнинг гистологик препарати кўрилади. Сегментларга нисбатан мускулнинг күриниши ва жойланишининг расми чизилади. Гистологик препаратдан мускул тузилишининг расми чизилади.

#### Ҳисобот

Бажарилган иш ҳақидаги ҳисобот расм ва ички органларнинг қурт танасида жойланишини ёзиш ва расмини чизиш билан берилади.

#### Керакли асбоб ва материаллар

1. Препарат тайёрлаш учун комплект: ваннча, пинцет, қайчи, ланцет, иккита нина, 6 та энтомологик тўғнағич (ҳар бир студентга бир комплектдан).

2. Биологик микроскоп (ҳар бир студентга биттадан).

3. Гистологик бўялган мускул препарати.

4. Объектни 4 марта катта қилиб кўрсатадиган қўл лупалари.

5. Пўст ташлаётган қуртнинг фотосурати.
6. Формалинда фиксацияланган 5-ёшдаги қурт (ҳар бир студентга биттадан).

### 3-т о п ш и р и қ.

#### ТЕМА: «ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ»

#### Ичакнинг умумий тузилиши

Формалин ёки спиртда фиксация қилинган 4-ёшли ёки 5-ёшнинг бошларидағи қурт препаратовал ваннача тубига бошидан ва қорнининг охиридан 2 нина билан санчиб қўйилиб ичак деворини шикастламаслик учун кичик қайчи билан териси астагина кесилади. Терининг четлари парафин ёки мум билан тўлдирилган ваннача тубига тўғнағич билан маҳкамлаб қўйилади. Ажратиб олинган ичакнинг олдинги, ўрта ва охирги қисмлари топилади.

Қурт танасидаги сегментларга нисбатан ҳар бир қисмининг ҳолати аниқланади. Қурт танасидаги номерланган сегментларга, чизиқларга асосланиб, ичакнинг умумий кўринишининг расми чизилади ва ичакнинг қисмлари ёзиб қўйилади.

#### Ичакнинг гистологик тузилиши

Қурт томофи кўндаланг кёсимининг тайёр гистологик препарати микроскопда кўрилади. Бунда тишчали хитин қоплами, хитин ҳосил қилувчи бир қаватли эпителий, эпителий олди қават, бўйлама ва ҳалқали мускул қаватлар топилади.

Гистологик препаратдан ўрта ичак ва ичак деворининг барча элементлари (ошқозон олди пардаси, безли эпителий, эпителий олди парда, ҳалқали ва бўйлама мускуллар) топилади. Безли эпителий ҳужайраларининг тузилишини ўрганишга алоҳида аҳамият берилади. Цилиндрик, бокалсимон ва тикланувчи ҳужайралари безли эпителий қисмининг расми чизилиб, бу ҳужайраларнинг цитологик тузилиш хусусиятлари пухта аниқланади.

Олдинги ва ўрта ичак ҳамда ўрта ва орқа ичак чегарасида овқат ўтказадиган ҳалқали ва орқа ичак клапанлари жойлашган. Гистологик препаратдан уларнинг тузилиши ўрганилади ва расми чизиб олинади.

Орқа ичак ингичка, йўғон ва тўғри ичакдан иборат. Орқа ичак олдинги ичак каби эктодермадан келиб чиқсан, шунинг учун унинг гистологик тузилиши олдинги ичакка ўхшашdir. Йўғон ичак бундан мустаснодир, унинг девори олтига бўйлама бурма ҳосил қилиб, юлдузсимон шаклни олади,

Бу мустаҳкам бурмаларнинг қисқариши натижасида сикилиш рўй бериб, эксремент шаклланади.

Тайёр гистологик препаратдан йўғон ичак (кўндаланг кесиги) деворининг тузилиши кўрилади ва расми чизилади.

## Қуртнинг ичак ширасини олиш ва РН ҳамда ферментларни аниқлаш

Қурт ичак ширасини олишнинг бир қанча усуллари бор. Баъзи бир химиявий моддалар (масалан, эфир) буғини қуртга таъсир эттириш йўли билан қустириб, шира олиш энг содда усуллардан ҳисобланади. Бунинг учун пробирка олиб унга 1—2 томчи эфир томизилади ва 5-ёшли қурт бош томони билан пробиркага киритилади; эфир буғлари қуртни қустиради ва у бир неча томчи ичак шираси ажратади.

Ичак шираси олишнинг бошқа бир усули қуртни қаттиқ музлатиб сўнгра тез иситишдир. Бундан ташқари ичак шираси қуидаги усулда ҳам олинади.

Қуртлар яхши даҳага кирган даврда ичак овқатдан роса тозалангунча бир неча кун оч қўйилади, сўнгра улар  $-5 - 10^{\circ}\text{C}$  температурада музлатилади.  $15 - 20$  минутдан сўнг қуртлар  $+7 + 10^{\circ}\text{C}$  температурада иситилади, кейин улар ёрилади ва музлатилган ичак чиқарип олинади. Ичак гемолимфадан тозаланиб, шиша воронкага жойланади. Илигандан сўнг воронка остига қўйилган стаканга ичак шираси тома бошлайди.

**Топшириқ:** Ичак шираси реакциясини аниқлаш:

1) лакмус, 2) ичак ширасига бир неча томчи  $\text{HCl}$  (қайнагунга қадар) қўшиш билан.

Ичак ширасидан протеолитик ферментлар борлигини аниқлаш учун ҳажми  $10 \text{ cm}^3$  ли шиша най сўрғичдаги ичак ширасига  $1 \text{ g}$  пиширилган тухум оқи қўшилади. Натижалар  $2 - 3$  кундан сўнг кўриб чиқилади.

### Овқат ҳазм бўлиш тезлигини аниқлаш

Ичаги овқатдан тозаланган (эндигина пўст ташлаган) қурт озиқлантирилади. Овқат еябошлаган ва овқатланиб бўлган қуртлар фиксацияланади. Қуртлар  $16^{\circ}\text{C}$ ,  $25^{\circ}\text{C}$ ,  $29^{\circ}\text{C}$  ва  $33^{\circ}\text{C}$  температурада сақланади. Неча минутдан кейин экскремент (чиқинди) ажралиши ва ичак овқатдан қачон батамом тозаланиши кузатилади. Натижалар ёзib олинади.

Олдиндан тайёрлаб қўйилган коллекцияларга қараб ҳар хил ёшдаги қуртлар экскрементларининг ташки кўриниши билан танишилади, озгина экскрементни эса камроқ сув билан бирга ҳовончада эзилади ва микроскопда ҳазм бўлмаган барг бўлакчалари топилади.

### Хисобот

Бажарилган иш ҳақидаги ҳисбот, ичакнинг ҳар хил қисмларини тасвирлаган ва ичакнинг умумий кўриниши, томоқ ва ичак ўрта қисмининг кўндаланг кесмасидан тайёрланган препаратларнинг расмлари чизилган ҳолида ичак шираси олиш методикаси, ичак ширасидаги РН ни аниқлаш усуллари ёритилган ҳолда ёзма тарзда бўлмоғи керак.

## *Керакли асбоб ва материаллар*

1. Биологик микроскоплар (студентлар сонига қараб).
2. Бинокуляр, лупалар (студентлар сонига қараб).
3. Қуртлардан препарат тайёрлаш учун комплектлар.
4. Қичкина чинни ҳовончалар (ҳар бир студентга иккитадан).
5. Химиявий пробиркалар (ҳар бир студентга биттадан).
6. Буюм ва қоплагич ойналар (ҳар бир студентга 4 тадан).
7. Ўрта ичак девори ва ичак охирги қисми кесигининг тайёр препарати (студентлар сонига қараб).
8. Эфир (керагича).
9. Лакмус қофози (керагича).
10. Ҳар хил ёшдаги қурт экскрементларининг коллекцияси.
11. 5-ёшдаги тирик қурт (студентлар сонига қараб).
12. Формалинда фиксацияланган 5-ёшдаги қурт (студентлар сонига қараб).

### **4-т о п ш и р и қ.**

#### **ТЕМА: НАФАС ОЛИШ ОРГАНЛАРИ**

**Бажариш тартиби.**

#### **1. Трахея системасини ўрганиш**

Формалин ёки спиртда фиксацияланган 4-ёки 5-ёшли қуртни препаратовал ваннана тубига энтомологик тўғнағичлар билан маҳкамлаб қўйилади. Қурт орқа томонидан танасининг ўрта чизиги бўйлаб ёрилади. Терисининг четларини икки томонга қайириб, тўғнағичлар билан ванначага маҳкамлаб қўйилади.

Ичакни пинцет билан эҳтиёт қилиб қўтариш ва нафас тешигидан чиққан трахеялар тутами ичак деворига кириб, уни қандай ушлаб турганлигини кўриш керак.

Препаратдан ичак ва ипак ажратувчи безларни чиқариб олиб, қолган препаратга сув қўйилади. Тананинг ҳар бир томонидаги нафас тешикларини бирлаштирувчи узунасига кетган трахеялар ва тананинг ҳар бир сегментидаги қарама-қарши ётган нафас тешикларини бирлаштирувчи кўндаланг трахеялар топилади.

Қурт танасининг ҳамма сегментларида трахея системаси умумий кўринишининг расми чизилади. Нафас тешиклари номерланади. Узунасига ва кўндалангига кетган трахеяларнинг тагига ёзиб қўйилади.

Трахея тутамларидан буюм ойнасига препарат тайёрланади ва микроскопнинг кичик объективи орқали уларнинг тузилиши кўрилади.

Спиралсимон йўғонлашган — теннидияли трахея умумий кўринишининг расми чизилади.

Микроскопнинг катта объективи орқали теннидийси бўлмаган трахеолалар топилади. Трахеолалар расми чизилади.

Құрт танасининг бир томонида икки нафас тешиги орасыда жойлашған боғловчи құндаланг трахеялардан препарат тайёрланади.

Уни буюм ойнасига қўйиб, құрт пўст ташлаётганда трахея-нинг ёрилган ери — «кул ранг» ер лупа ёки микроскопда топилади. «Кул ранг» ернинг расми чизилади.

## 2. Нафас тешикларини бекитувчи аппараттинг тузилишини ўрганиш

Ёрилган құртдан нафас тешиклари трахея тутамлари билан биргаликда кесилади. Препарат буюм ойнасига қўйилиб трахея тутамларидан тери аста-секин ажратилади. Терисиз трахея тутамлари сиртқи томони юқорига қаратиб (яъни, тери билан бирлашадиган томони) буюм ойнасига қўйилади. Трахеялар юлдуга ўхшатиб тўғриланади. Бинокуляр лупада «юлдуз» марказидаги нафас тешигининг оғзи ва равшан тўқ жигар рангдаги хитинли қиллар системасидан иборат бекитувчи аппарати топилади. Унинг тузилишидаги бирламчи ва иккиласмачи бекитувчи ёйлар дастали ричаг, бекитувчи ва очувчи мускуллар ҳамда парда нафас тешиги топилади.

Аппараттинг ҳаммаси нафас тешиги оғзига жойлашған бўлиб, лупа остида яхши кўринади.

Аппараттинг барча қисмлари кўрсатилган ҳолда расми чизилади.

Сувли стаканга 4-ёки 5-ёшдаги тирик құрт солинади. Трахеялардаги ортиқча кислороддан фойдаланиб, құрт сувда қанча вақт турға олиши белгиланади. Сувдаги құрт танаси тери орқали ажралаётган карбонат ангидрид пуфакчалари билан қопланишига эътибор берилади.

Тут ипак қурти ёғга солинади. Кузатишлар ёзиб борилади.

Бир хил ёшли құртларнинг ҳар хил сондаги нафас тешикларига лак суртилади.

Ҳар хил сондаги нафас тешиклари бекитилган құртларнинг ҳолатини тасвирланг. Қандай ҳолатда құртларда сезиларли ўзгариш бўлмайди. Қандай ҳолатда ва қанча вақт ўтгандан кейин құртлар кислород йўқлигидан ва, ниҳоят нечта нафас тешиги бекитилганда депрессияга учрайди ва ҳаво етишмаслигидан қаҷон ўлиши мумкин.

## 3. Қуртлардаги газлар алмашинуви миқдорини аниқлаш

Респирацион аппаратда құртларда газлар алмашинуви кўрсатилади: кислород ютилиб, карбонат ангидрид газининг ажраби чиқиши (иложи бўлса ҳар хил температурада кўрсатиш керак).

Кузатиш натижалари ёзилади.

## Ҳисобот

1. Трахеялар системаси, трахеяларнинг тузилиши, нафас тешиклари ва бекитувчи аппаратнинг тузилиши ҳамда таъсири таърифланади. Қуртнинг териси орқали  $\text{CO}_2$  ажralиши таърифланади.

2. Респирацион аппарат ва у билан ишлаш принциплари таърифланади.

### Керакли асбоб ва материаллар

1. Биологик микроскоплар (студентлар сонига қараб).
2. Бинокуляр лупалар (студентлар сонига қараб).
3. Препаровал комплект: ваннача, қайчилар, ланцет, пинцет, препаровал ниналар ва энтомологик түғнағичлар (студентлар сонига қараб).
4. Сувли ваннача (ёки юзароқ идишлар) (студентлар сонига қараб).
5. Фиксацияланган 5-ёшдаги қуртлар (студентлар сонига қараб).
6. 4-ёки 5-ёшдаги тирик қуртлар (ҳар бир студентга 2 тадан).
7. Ўртаси чуқур буюм ойнаси (студентлар сонига қараб).
8. Қоплағич ойна (ҳар бир студентга 2 тадан).
9. Гистологик препаратлар — қафас тешигининг кесиги.

### 5-т о п ш и р и қ.

#### ТЕМА: «ҚОН АЙЛАНИШИ»

#### Бажарыш тартиби.

Катта ёшдаги қуртларнинг бел найчаси ва унинг пульсини анатомик манипуляциясиз тўғридан-тўғри тери орқали кузатиши мумкин.

Қурт  $24^{\circ}\text{C}$  температурада ва  $65-75\%$  нисбий намлиқда сақланади. Бел найчасининг бир минутда қисқариш сони ҳисоблаб чиқилади. (Қисқариш, сегментларнинг бирида, масалан, 7-сегментда саналади.)

Бу тажриба тамом бўлгандан кейин қуртни паст температурали шароитда, масалан,  $+10 +12^{\circ}\text{C}$  да, сўнгра эса юқори масалан,  $+32^{\circ}\text{C}$  температурали шароитда сақланади. Ҳар учала ҳолда юрак томирининг қисқариш сони ёзиб олинади ва солишириб кўрилади.

Юқоридаги тажриба кўрсатилган температураларни бирга қўшиб, ҳавонинг нисбий намлиги ҳар хил бўлган шароитда давом эттирилади.

Натижалар ёзилади.

Ипак ўрай бошлаган ва ғумбакка айлана бошлаган қурт пульсини кузатиш. Юрак томирининг қисқариш сони ва қоннинг ҳаракат йўналиши ёзилади.

Шприц билан гемолимфанинг бир қисми тортиб олиниб, қуртнинг ҳолати кузатилади. Қуртга озиқ берилиб, қай вақтда ея бошлаши ва танасидан йўқотган қонини қандай вақт оралиғида тиклай олиши кузатилади.

### 1. Бел найчасининг ички тузилишини ўрганиш.

Фиксация қилинган қурт қорин томонидан ёрилади. Ичак ва ипак ажратувчи безлар чиқариб олиниди. Орқанинг ички томонидан бел найчаси топилади. Препарат қўйилган ваннча бинокуляр лупанинг столига қўйилади. Ванначани ҳар томонга суруб бел найчасининг умумий кўриниши ва жойланиши кўриб чиқилади. Юрак томири атрофида жойлашган ёғ таначаларининг парраги секин-аста олиб, қанотсимон мускул очилади ва уларнинг тузилиши ҳамда жойланиши ўрганилади.

Қанотсимон мускулларнинг учи қирқалиб, препаратовал нина ёрдамида эҳтиётлик билан бел найчаси ажратиб олиниди ва микроскопнинг кичик объективи орқали мукаммал кўриб чиқилади. Аорта ва «ҳақиқий юрак» топилади.

Кичик чўнтақчалар ва оғизчаларни маҳсус бўялган, тайёр гистологик препаратларда кўриш мумкин. Бўялмаган препаратда эса уларни аниқлаш қийин.

### Қоннинг таркиби ва хоссалари

Тут ипак қурти гемолимфасининг рангини ёлғон оёқлари рангига қараб кузатиш мумкин. Гемолимфа қурт зотига қараб рангиз сариқ ёки яшилроқ бўлиши мумкин.

Ёлғон оёқлар рангига қараб ҳар хил зот қуртлар аралашмасидан сариқ қонли ва оқ қонли қуртлар топилади.

Ҳар хил жинсдаги қуртларнинг қони биохимиявий ва физика-химиявий томондан бир-биридан фарқ қиласди. Бир хил жинсли қуртларнинг қони аралаштириб юборилганда ҳам унча ўзгариш юз бермайди. Агар ҳар хил жинсли қуртларнинг гемолимфаси аралаштириб юборилса, чўкма ҳосил бўлади. Тажриба вақтида буюм ойнасидан фойдаланилади. Ҳар бир жинсли қуртдан олинадиган қон миқдори 1:1 нисбатда бўлади.

Лакмус қофози ёрдамида гемолимфа реакцияси аниқланади.

Тут ипак қуртининг қонида рангиз бирималар—фенолларни кислород иштирокида оксидлаб меланин ҳосил қилувчи оксидловчи ферментлар бор. Меланин ҳосил бўлаётганда қон қорая бошлайди, буни қоннинг ҳаво билан қўшилганда кузатиш мумкин.

Меланинлашиш тезлиги ҳаво температурасига боғлиқ. Қурт тукининг учи кесиб олиниб, бир неча буюм ойнасига жойланади ва устидан гемолимфадан бир томчидан томизилади.

## Тайёрланган препаратлар

а) кислородсиз муҳитга.

б) кислород билан түйинган муҳитга қўйилади.

Бундан ташқари, бир препарат юқори температурага ( $30^{\circ}\text{C}$ ), бошқаси эса паст температурага ( $10^{\circ}\text{C}$ ) қўйилади.

Ҳар бир ҳолатда гемолимфанинг қорайиши тезлашгандан меланинлашишнинг бўлиш-бўлмаслиги ҳисобга олиниб, кузатиш натижалари ёзил борилади.

Ҳар хил ёшдаги қурт гемолимфасининг тайёр гистологик препаратлари микроскоnda кўрилади. 1- ва 6- ёшдаги қуртлар гемолимфасидаги қон хужайралари ҳар бир турининг нисбатан сони ҳисоблаб чиқилади. Иш натижалари ёзилиб, сўнгра худоёа чиқарилади.

## Ҳисобот

1. 5-ёшли қурт ва ғумбак бел найчасининг ҳар хил температурадаги пульси (уриш сони) ёзилади.

2. Гемолимфа ҳаракатининг йўналишини таърифлаш.

3. «Ҳақиқий юрак» аортанинг расмини чизиш.

4. Гемолимфа РН нинг расмини фиксация қилиш.

5. Гемолимфанинг шаклий элементларини таърифлаш ва расмини чизиш.

## Керакли асбоб ва материаллар

1. Биологик микроскоплар (студентлар сонига қараб).

2. Бинокуляр лупалар (студентлар сонига қараб).

3. Препаровал комплектлар (студентлар сонига қараб).

4. Ўртаси чуқур буюм ойналар (студентлар сонига қараб).

5. Қоплагич ойна (ҳар бир студентга 2 тадан).

6. Романов бўёғига бўялган гемолимфа мазоги (суртмаси) дан тайёрланган препарат (ҳар икки студентга 1 тадан).

## 6- топширик.

### ТЕМА: «АИИРИШ ОРГАНЛАРИ»

#### Бажариш тартиби

4- ёки 5-ёшнинг бошланишидаги қурт орқа томонида ёрилиб, ичаги малъпигиев найларининг ҳалқа (петля)лари билан бирга ташқарига чиқарилб олинади. Малъпигиев найларининг жойланиши кўриб чиқилади. Малъпигиев найларининг ичакнинг орқа томонида ва қорин томонида алоҳида жойланишининг расми чизилади. Малъпигиев найларининг ҳар хил жойидан (орқа, олд қисмининг тармоқланмаган еридан) қисман олиб, бинокуляр лупада қаралади. Найларнинг бу қисмидаги экскрет характеристи қандайлиги (суюқ, бўтқасимон, кристалсимон ёки кристаллари йўқми) таърифланади.

Үрта ичак ва орқа ичак деворига жойлашган най умумий күришишининг расми чизилади.

Қурт тұғри ичаги құндаланг кесигининг тайёр гистологик препарати микроскопда күрілади. Тұғри ичак деворига жойлашган мальпигиев найлари бурмаларининг сиртқи ва ички тармоғи топилади. Ичак деворининг ҳамма қаватлари белгиланиб, препарат расми чизилади.

### Еф танааси

Қурт ёрилиб, терисининг четлари препаровал ваннача тубига маҳкамлаб қўйилади. Препаратли ваннача бинокуляр лупа стомига қўйилиб,  $7 \times 4$  катталикда қуртнинг ички ва ташқи еф танаачалари топилади.

Ички ва ташқи еф танаачалари паррагининг ташқи кўриниши ва унинг гистологик тузилишининг расми чизилади ва таърифланади. Улар бир-биридан қандай фарқ қиласади.

Еф танаачаларининг парраги буюм ойнасига қўйилиб, препарат тайёрланади, устига осмат кислотанинг кучсиз эритмаси томизилади.

Препаратнинг қорайиши еф танаачаларининг ҳужайраларидаги еф моддалари борлигини кўрсатади.

### Хисобот

Мальпигиев найларининг умумий кўриниши ва еф танаасининг шакли чизилади ва улар таърифланади.

### Керакли асбоб ва материаллар

1. Биологик микроскоплар (студентлар сонига қараб).
2. Бинокуляр лупалар (студентлар сонига қараб).
3. Препаровал комплектлар (ваннача, қайчилар, ланцет, препаровал игналар ва энтомологик тұғнағич) (студентлар сонига қараб).
4. 4-ёшдаги ёки 5-ёшнинг бошидаги қуртлар (хар бир студентга иккитадан).
5. Буюм ва қоплагиб ойналар.

### 7- топшириқ.

#### ТЕМА: ИПАҚ АЖРАТУВЧИ БЕЗЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Бажарыш тартиби.

1. Ипак ажратувчи безларниң умумий кўриниши

Формалинда фиксация қилинган 5-ёшли қурт препаровал ваннача тұғнағич билан маҳкамланади ва уни орқа томонидан узунасига ёрілади. Ипак ажратувчи безларга шикаст етказмаган ҳолда ичаги эҳтиётлик билан ажратиб олинади.

Қурт танасидан боши билан бирга ипак ажратувчи безлар чиқарип олиниб, буюм ойнасига қўйилади ва жуфт чиқарув йўллари, суюқлик пулфакчаси, безнинг фибронилли қисми тонилади. Ипак ажратувчи без умумий кўринишининг расми чизилади.

## 2. Без қисмларининг жойланиши

4-ёшдаги ёки 5-ёшнинг бошидаги ва пилла ўраш олдида турган қуртлар, олдинги топшириқда баён қилинганидек ҳолда ёрилади.

4- ва 5- ёшдаги қуртлардан ипак ажратувчи безлар чиқарип олинмасдан, безлар ҳар бир қисмининг (тоқ чиқарув йўлларидан ташқари) танадаги жойланиши ўрганилади.

Олинган натижалар қўйидагича жадвалга ёзилади.

| Қуртларнинг ёши    | Суюқлик пулфакчаси   |         |           |         |           |         | Безнинг фибронилли қисми |  |
|--------------------|----------------------|---------|-----------|---------|-----------|---------|--------------------------|--|
|                    | Жуфт чиқарув йўллари |         | 1-бўғин   |         | 2-бўғин   |         |                          |  |
|                    | бошливиши            | охирини | бошлиниши | охирини | бошлиниши | охирини |                          |  |
| 4<br>5-ёшнинг боши | бошида               | 3-қорин | 3-қорин   | 5-қорин | 5-қорин   |         |                          |  |
| 5-ёшнинг боши      |                      |         |           |         |           |         |                          |  |

Ҳар хил ёшдаги қуртлар танасининг сегментларига нисбатан ипак ажратувчи безлар расмини чизинг.

Ипак ажратувчи без ҳар бир қисмининг узунлиги ва кенглиги (*мм* ҳисобида) ўлчанади, натижалар қўйидаги формада ифодаланади.

Ипак ажратувчи без ҳар бир қисмининг узунлиги ва кенглиги (*мм* ҳисобида ўлчанади, натижалар қўйидаги формада ифодаланади).

| Без қисмлари  | Қуртларнинг ёши |          |          |          |                     |          |
|---|-----------------|----------|----------|----------|---------------------|----------|
|   | 3-ёш            |          | 4-ёш     |          | 5-ёшнинг бошлазниши |          |
|   | узунлиги        | кенглиги | узунлиги | кенглиги | узунлиги            | кенглиги |
| Жуфт чиқарув йўллари.<br>Суюқлик пулфакчаси.<br>Фибронилли қисм |                 |          |          |          |                     |          |

Безнинг узунлиги ва кенглиги миллиметрларга бўлинган линейка билан ўлчанади. Линейка ўрнига устига ойна қопланган миллиметрли қофоздан ҳам фойдаланиш мумкин.

### 3. Ипак ажратувчи безларнинг ички тузилиши

Ипак ажратувчи без сувли Петри косачасига солиниб, безларнинг ҳужайралари, уларнинг шакли ва катта-кичиклиги кўриб чиқилади. Жуфт чиқарув йўллари ва суюқлик пуфакчasi чеккасидаги ҳужайралар, айниқса, яхши кўринади.

Бу қисмининг расми чизилади.

### 4. Ипак ажратувчи безнинг гистологик тузилиши

Ипак ажратувчи без ҳар хил қисмлари кўндаланг кесиги-нинг бўялган тайёр гистологик препарати микроскопда кўрилади. Безнинг З та қавати топилади. Кесик қаватлағининг бўялишига қараб, фибройн ва серициннинг жойланиши аниқланади.

### 5. Сиқувчи аппарат

Ипак ажратувчи безнинг сиқувчи аппарати остки лабга яқин, томоқ тагида жойлашган безнинг тоқ чиқарув йўлларида жойлашган. Жуфт чиқарув йўлларининг тоқ чиқарув йўлларига айланиш чегарасида майдა Лионэ безлари жойлашган.

Қурт боши ажратиб олинниб, буюм ойнасига қўйилади ва бинокуляр лупага жойлаширилади. Препаровал ниналар ёрдамида бошидан хитин қават эҳтиётлик билан ажратилади. Препаровал ниналар ёрдамида томоқ ва устки лаб юқори жағ билан биргаликда ажратиб олинади. Бошнинг қолган қисмидаги жуфт чиқарув йўллари ва улар бирлашадиган ер топилади. Сўнгра остки лаб жуфт чиқарув йўлларининг учлари билан бирга бошнинг қолган қисмларидан ажратилади. Кейин ичидаги сиқувчи аппарати билан бирга тоқ чиқарув йўли бўлган жуда хитинлашган ипак ажратувчи без қисмларга ажратилади.

Ажратиб олинган тоқ чиқарув йўли лупада кўрилади ва сиқувчи аппарат, майдага Лионэ безлари ва жуфт чиқарув йўллари кўрсатилган ҳолда расми чизилади.

### 6. Ипак ажратувчи без суюқлигининг айрим хусусиятлари.

Ёрилган қуртнинг ипак ажратувчи безлари чиқариб олинади ва суюқлик пуфагидан чиқадиган суюқликнинг ёпишқоқлиги ва чўзилувчанлиги аниқланади.

Ипак ўраш олдида турган қуртнинг ипак ажратувчи безлари чиқариб олинади ва иккала қўлнинг катта ҳамда кўрсаткич баромоги билан суюқлик пуфакчasi учларидан ушлаган ҳолда кескин ҳаракат билан (узиб юбормай) тортилади. Суюқлик пуфаги

ярим метрча келадиган ип шаклида чўзилади ва ҳавода қотиб қолиб, «Флоренция сочи» деб аталади.

«Флоренция сочи»ни олиш учун 5-ёшли қурт бирорта идишга (яхшиси кристализаторга) солиниб, устига 500 г. 5% ли сирка кислотанинг эритмасига 25 г натрий хлорид қўшилган ҳолда қўйилади.

Ипак ажратувчи безларда бўладиган ва бинобарин оқсил моддадан иборат бўлган «Флоренция сочи» га кучли азот кислота таъсир эттирилганда қсантопртеин реакцияси юзага келади.

Тайёр препаратдан биринчи ва бешинчи ўшдаги қуртлар ипагининг ингичкалиги солиштириб кўрилади.

### Xисбот

1. Ипак ажратувчи безларнинг ташқи кўриниши ва 5-ёшнинг боши ва охирида безларнинг қурт танасида жойланиши расми чизилади ва таърифланади.

2. Ипак ажратувчи без қисмларининг ички тузилиши, волочилна, Лионэ безлари ва бўялган ипак тўласи кўндаланг кесигининг расмлари чизилади ва таърифланади.

3. 5-ёшнинг боши ва охиридаги қуртнинг ипак ажратувчи без қисмларининг узунлиги ва кенглигини ўлчаш таблицасидан фойдаланилади.

Ипак ажратувчи без суюқлик пуфакчаси ичидаги суюқликнинг ёпишқоқлиги ва чўзилувчанлиги таърифланади. Шунингдек, қуртдан «Флоренция сочи» ажратишга тайёрлаш тартиби, бунда фойдаланиладиган реактивлар, соч ҳосил бўлиш процесси, без секретининг физик-хусусиятларида ўзгаришлар содир бўлиш тартиби таърифланади ва ипакнинг оқсилдан иборатлиги ҳақидаги далиллар келтирилади.

### Керакли асбоб ва материаллар

1. Объектни 10 ёки 20 марта катта қилиб кўрсатадиган штативли лупалар (студентлар сонига қараб).

2. Қуртдан препарат тайёрлаш учун комплект (студентлар сонига қараб).

3. Миллиметрларга бўлинган линейка (студентлар сонига қараб).

4. 5-ёшнинг бошида фиксацияланган қуртлар (студентлар сонига қараб).

5. 5-ёшнинг охирида фиксацияланган қуртлар (студентлар сонига қараб).

6. 200×300 мм ли қоғоз варақлари (студентлар сонига қараб)..

7. Безнинг бўялган гистологик препарати (студентлар сонига қараб).

8. Биологик микроскоплар (студентлар сонига қараб).

9. Соат ойнаси (студентлар сонига қараб).
10. Шиша пипеткалар (азот кислота учун), (ҳар группага 3—5 тадан).
11. Азот кислота (кучли, химиявий тоза), (ҳар группага 50 мг дан).
12. 5% ли сирка кислота (ҳар группага 500 г дан).
13. Натрий хлорид (ҳар группага 25 г дан).
14. «Флоренция сочи» олиш учун 5-ёшли тирик құрт (студентлар сонидан 2 марта ортиқ).

## 8-т о п ш и р и қ.

### ТЕМА: НЕРВ СИСТЕМАСИ.

**Б а ж а р и ш т а р т и б и .**

#### 1. Қорин нерв занжири

Қорин нерв занжири құрт танаси қорин бүшлигининг сиртқи ёғ қатлами остига жойлашган. Қорин нерв занжири тананинг 8-ва 9-сегментларидан бошқа ҳамма сегментларida түгунча ҳосил қыладыган жуда ингичка ип күренишида бўлади.

Қорин нерв занжирини ажратиб олиш учун 5-ёшга ўтиш олдиди фиксацияланган құрт орқа томонидан ёрилади ҳамда ичаги ва ипак ажратувчи безлар әхтиётлик билан чиқариб олинади.

Препаратли ваннана бинокуляр лупа столига қўйилади ва нерв занжирини очиш учун препаратовал нинада қориннинг ўрта чизигидаги ёғ таначалари ажратиб олинади. Қорин нерв занжири остидан препаратовал нина ўтказилади ва бошқа нина билан нерв занжири бутун узунлигича узиб юбормасдан әхтиётлик билан бошқа тўқималардан ажратиб олинади.

Қорин нерв занжири буюм ойнасига қўйилиб, тузилиши бинокуляр лупада кўрилади. Нерв түгунлари (11 та бўлиши керак) санаб чиқилади. Мускуллар, нафас тешиклари, Нюопортнинг симпатик нерви ишини бошқарувчи нервлар топилади.

Сегментларга нисбатан жойланиши кўрсатилган ҳолда қорин нерв занжири умумий кўренишининг расми чизилади.

#### 2. Т о м о қ олди нерв ҳалқаси

Томоқ олди нерв ҳалқаси құрт бошига жойлашган. Томоқ усти нерв түгуни томоққа жойлашган бўлиб, эгарга ўхшайди, томоқ ости нерв түгуни томоқ устидан бир оз орқароқда жойлашган. Иккала түгун томоқ олди нерв комиссуралари билан ўзаро бирикиб, томоқ атрофида ҳалқа ҳосил қиласади.

Томоқ олди нерв ҳалқаси препаратини тайёрлаш учун құрт бошини биринчи кўкрак сегментининг кичик қисми билан бирга

ажратиб олиш лозим. Боши сиртидан қаттиқ хитин қавати шилиб олинади ва жағлари олиб ташланади. Бошнинг мускуллари ва бошқа қисмлари препаровал нина ёрдамида эҳтиётлик билан олиб, сўнгра томоқдан препарат тайёрланади. Оғиз вороикаси-нинг олдинги хитинлашган қисми олиб ташланади, сўнгра препаровал ниналар ёрдамида томоқнинг четларига итарган ҳолда томоқ олди нерв ҳалқаси чиқариб олинади. Иш тўғри бажарилса препаратнинг ҳамма қисмлари яхши кўринади.

Томоқ олди нерв ҳалқасининг расми чизилиб, тузилишининг ҳамма қисмлари ёзib қўйилади.

Расм ва плакатга қараб, сезувчи толалар (сенсилладар) ва қуртнинг оддий ҳамда мураккаб (фасеткали) кўзининг тузилиши ўрганилиб, расми чизилади.

### Ҳ исобот.

Қорин нерв занжири ва томоқ олди нерв ҳалқаси таърифланади.

Қорин нерв занжири, томоқ олди нерв ҳалқасининг умумий кўриниши ва қўшимча танасининг алоҳида расми чизилади ва номлари кўрсатилади.

### Керакли асбоб ва материаллар

1. Бинокуляр лупалар (студентлар сонига қараб).
2. Буюм ойнаси (студентлар сонига қараб).
3. Препаровал асбоблар (студентлар сонига қараб).
4. Фиксацияланган 5-ёшдаги қурт (ҳар ўқувчига 1—2 тадан).
5. Қурт сезув органларининг плакатлари (ҳар группага 1—2 тадан).

### 9- т о п ш и р и қ.

## ТЕМА: ҚУРТНИНГ БОШЛАНГИЧ ЖИНСИЙ ОРГАНЛАРИ. ИШИВАТ ДИСКИ.

### Б а ж а р и ш т а р т и б и

Студентлар катталаштирилган расмларга қараб ишиват дискининг кўриниши ва жойланиши билан танишадилар, ҳамда уларнинг расмини чизадилар. Сўнгра ўқитувчи бу дискларни тирик қуртда кўрсатади, шундан кейин ҳар ўқувчига жинсларга ажратиш учун 5-ёшли қуртдан 100—200 тадан беради. Ҳар бир студентнинг қуртни жинсларга ажратади олиши тўғри-нотўғрилигини ўқитувчи текшириб боради. Бундай жинсларга ажратиш ишини алоҳида, тажриба учун озиқлантириш даврида ҳам ўтказиш мумкин.

Студентлар бу вазифани бажарганларидан сўнг қуртларнинг

бошланғич жинсий органлари билан таниша бошлайдилар. Формалинда фиксацияланган б-ёшли әркак ва урғочи қуртлар қорин томонидан ёрилади, ичак олиб ташланади ва ичак остидаги бешинчи қорин сегментидан бошланғич жинсий безлар: тухумдон ва уруғдонлар топилади. Бошланғич жинсий безларнинг тузилишига қараб қурт жинси аниқланади, бу безларнинг ташқи кўриниши ва жойланиши таърифланади ва расми чизилади.

Студентлар тайёр гистологик препаратда уруғдон ва тухумдонларнинг ички тузилиши билан танишадилар, улар таърифланади ва расми чизилади (121—128-бетларга ва 47, 48, 52, 53-расмларга қаранг).

### Ҳисобот

1. Ишиват дискининг расми ва унинг жинсини кўрсатувчи белгисини баён қилувчи тексти билан бирга жойланиш схемаси кўрсатилади.

2. Студентларга улашиб берилган қуртларни жинсларга ажратиш натижаларини ёзиш.

3. Әркак ва урғочи қуртлардаги бошланғич жинсий безларни таърифлаш ва расмини чизиш.

### Керакли асбоб ва материаллар

1. Биологик микроскоплар (студентлар сонига қараб).

2. Объектни 10 ва 20 марта катта қилиб кўрсатувчи штативли лупалар (студентлар сонига қараб).

3. Қуртлардан препарат тайёрлаш учун комплект (студентлар сонига қараб).

4. Ишиват дисклари ва уларнинг жойланишини кўрсатувчи катталаشتарилган расмлари ёки фото сурати (ҳар группага 1—2 та).

5. Бошланғич жинсий безлар кесигицинг тайёр гистологик препарати (ҳар бир студентга 2 тадан).

6. 5 ёшлик тирик қуртлар (ҳар бир студентга 100—200 тадан).

7. Формалинда фиксацияланган 5-ёшли әркак ва урғочи қуртлар (ҳар бир студентга 1 тадан).

### 10- топшириқ.

#### ТЕМА: «ПИЛЛАНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ, ТУЗИЛИШИ, РАНГИ ВА ТОВЛАНИШИ»

#### Бажариш тартиби

Ҳар бир студентга шакли, донадорлиги ва ранги билан алоҳида типга киравчи ҳар хил зот ва дурагайлардан иборат бўлган

пиллалар арлашмасидан 200—300 г берилади. Пиллалар бу белгиларига қараб сортларга ажратилади. Сортларга ажратишидан чиқарылган натижалар жадвалга ёзилади. Қулай люминесцент қурилмалар ёрдамида ташқи күрениши бир хил оқ рангли пиллаларни ҳар хил люминесцент ёритиб, студентларга демонстрация қилинади ва бу тип товланишнинг аҳамияти тушунтирилади.

Сўнгра ҳар бир студент бели ингичка битта пиллани узусига кетган ўқи бўйлаб ёради ва аниқлай бошлайди, пилла қисмларининг элементлари ёзилиб, расми чизилади. Шунингдек, қобиқ (қаватлар) тузилиши ва қуртлар ҳамда тўсиқлар, бел тузилишидаги фарқлар кўрсатилади. Шундан сўнг 10 та ҳўл ва 10 та қуруқ пилла олинади. Ҳўл ва қуруқ пиллалар ва унинг қобиғи ҳамда пўстли румбаги кесиб олиниб техник тарозида алоҳида-алоҳида тортилади.

Тортиш натижалари ёзилиб, қуруқ ва ҳўл пилла қобиғи ва пўстли румбаги оғирликларининг процент нисбати ҳисобланади. (Тортиш 0,1 г аниқликкача давом эттирилади.)

### Ҳисобот

| Пилла шакли             | Пилла ранги |                      |          |       |             |
|-------------------------|-------------|----------------------|----------|-------|-------------|
|                         | оқ          | оқ яшил товланидиган | оч сариқ | сариқ | ва бошқалар |
| Бели ингичка . . . . .  |             |                      |          |       |             |
| Цилиндрисимон . . . . . |             |                      |          |       |             |
| ва ҳ. к. . . . .        |             |                      |          |       |             |

1. Пиллани сортларга ажратиш натижалари (дона ҳисобида).

2. Люминесцент қурилма ёрдамида ҳар хил зот ва дурагай оқ пиллаларнинг товланиш натижаларини ёзиш.

3. Пилла ва қобиқ тузилишининг расми чизилади ва таърифланади.

4. Қуруқ ва ҳўл пилла тузилиши элементларининг оғирлик нисбатлари (ҳисоблаш учун 10 та ҳўл ва 10 та қуруқ пилла олинади):

| Кўрсаткичлар                            | Ҳўл пилла |     | Қуруқ пилла |     |
|---|-----------|-----|-------------|-----|
|   | оғирлиги  | % и | оғирлиги    | % и |
| Ҳамма пилланинг оғирлиги (мез ҳисобида) |           |     |             |     |
| Қобиқнинг оғирлиги (мез ҳисобида)       |           |     |             |     |
| Румбак ва қурт териси (мез ҳисобида)    |           |     |             |     |

## *Керакли асбоб ва материаллар*

1. Қулай люминесцент қурилма (1 та).
2. Объектни 10 марта катта қилиб күрсатувчи штативли лупалар (студентлар сонига қараб).
3. Лезвие (ҳар группага 2—3 донадан).
4. Препаровал ниналар (студентлар сонига қараб).
5. Оқ пилла ўрайдиган (белококонний), рангли зот ва дурагай пиллалар арашымаси (Бағдод, Асколи, Оро, Терс яшили, Оқ пилла ўрайдиган № 1 ва 2, САНИШ Э 1 ва Э 2, САНИШ № 8 ва 9 ҳамда шу ва бошқа зотларнинг дурагайлари), бир хил рангли ва ҳар хил рангли дурагайлари.
6. Граммли ва миллиграммли тошлари бўлган 200 г ли техник тарози (ҳар группага 5—10 та).

### **11- т о п ш и р и қ.**

#### **ТЕМА: СЛОНИМ МЕТОДИ БИЛАН АИРИМ ПИЛЛАЛАРНИ ҚУРУҚ СУҒУРИШ.**

#### **Бажариш тартиби**

Вазифа 2 босқичда бажарилади. Биринчи босқич — пиллаларни қуруқ суғуришга тайёрлаш. Бу — вазифага тегишли асосий ишлар олдидан бажарилган бўлиши мумкин. Бунинг учун пилла лослардан яхшилаб тозаланади ва иссиқ сувда ҳўлланган чўтка ёрдамида пилла ипагининг учи топилади; озгина ипак ўраб олингандан сўнг суғуриш тўхтатилади. Ҳўл чўтка тегизилгандан сўнг намланган пилла одатдаги уй температурасида ҳавода қуритилади.

Пилла қуригандан кейин ишнинг иккинчи босқичига ўтилади. Пиллани эҳтиётлик билан чап қўлда ушлаб, ўнг қўлнинг бармоқлари билан ундан озгина (10—15 см узунликда) ипак чиқариб олинади ва ўралади. Ипак тортилган участка эластик бўлганлигидан ипак пиллада бўлганда қандай шаклда бўлса шу шакл дарҳол тикланади. Шундай қилиб, ипак саккизликлар шаклида ўрала бошлайди, саккизликлар эса пакетларга жойлашади. Ипакларнинг шундай жойланишига қараб пилла асосий қаватининг тузилиши анализ қилинади. Полгос ва динамик экваторидан ажратилган пакетлар алоҳида қўйилиб улардаги саккизлик пиллаларнинг кичикилиги ва сони, пакетларнинг катта-кичиллиги ва ундаги ипак толасининг узунлиги билан танишилади. Ичида саккизлик ипак толалари бўлган пакетларнинг расми чизилади, улар саналади, ипак узунлиги ва пакетларнинг эни миллиметрли линейка ёрдамида ўлчанади. Олинган натижалар ёзиб қўйилади. Сўнгра тайёр препаратда пилла қобиғида серицин ёрдамида бир-бiri билан бириккан ипак толалари, шунингдек, ипак толаси асосий нуқсонларининг турлари (ипак толасининг элементар

толаларга бўлиниб кетганлиги, серицининг тўпланиши, фибринларнинг ёпишиши ва ҳ. к. лар) микроскоп остида демонстрация қилинади.

### Ҳиссбот

1. Айрим пиллаларнинг слоним методи билан қуруқ суғуриш техникасини таърифлаш.
2. Полгос ва динамик экватордаги пакет ва саккизликларнинг катта-кичиклиги ҳамда сонини таърифлаш ва расмини чизиш.
3. Пилла ўрашда серициннинг ролини характерловчи таърифи ва расмлар.
4. Ипак толасидаги нуқсонларнинг расмлари ва таърифи.

### Керакли асбоб ва материаллар

1. Биологик микроскоплар (студентлар сонига қараб).
2. Объектни 10 ва 20 марта катта қилиб кўрсатувчи штативли лупалар (студентлар сонига қараб).
3. Препаровал ниналар (студентлар сонига қараб).
4. Пилладаги кесишган ипак толасининг серицин билан бириниши ва ипак толасидаги нуқсонлар кўрсатилган тайёр препаратлар (студентлар сонига қараб).
5. Буғлатиш қўл чўткаси (ҳар группага 8—10 тадан).
6. 1-сорт қуруқ пиллалар (ҳар бир студентга 2 тадан).
7. Миллиметрли линейка (студентлар сонига қараб).

### 12- топшириқ.

#### ТЕМА: ПИЛЛА СОРТИ ВА НУҚСОНЛАРИ

#### Гажариш тартиби

Студентлар пилла сорти ва нуқсонларини ГОСТ 8417—57 га ва ГОСТ даги эталонга қараб аниқлайдилар ва ёзиб қўядилар. Сўнгра ҳар бир студентга ҳамма сорт ва ҳар хил нуқсонли пилла аралашмасидан 300—500 г дан берилади. Студент ГОСТга мувофиқ ва эталонга қараб бу пиллаларни сортларга ажратади. Сортларга ажратиш натижалари оғирлик билан берилади (ҳар бир сортнинг миқдори ва ҳар бир турнинг нуқсони грамм ҳисобида берилади).

Бу топшириқни бажаришда ГОСТ 8417—57 қўлланма бўлиб ҳисобланади,

### Ҳиссбот

1. ГОСТ 8417—57 га қараб пилла сорти ва нуқсонини аниқлангандаги натижаларни ёзиш.

2. Пилла аралашмаси намунасини сортларга ажратишнинг натижалари:

Олинган намунада: I сорт — г, II сорт — г, III сорт пилла-лар — г, ва нуқсонли пиллалар: қўшалоқ — г, атласли (силь-лиқ) — г, атлассимон ва ҳ. к. пиллалар — г бор экан,

### *Керакли асбоб ва материаллар*

1. ГОСТ 8417—57 пиллаларига эталонлар (2—3 студентга бир комплектдан).

2. Оғирлиги 300—500 г келадиган қуруқ пиллалар аралаш- масининг намуналари (ҳар бир студентга биттадан).

3. 1000 граммли техник тарози, тошлари билан бирга (ҳар бир группага 5—7 та).

4. ГОСТ 8417—57.

### **13- т о п ш и р и қ.**

#### **ТЕМА: «ТУТ ИПАҚ ҚУРТИ ҒУМБАГИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ»**

#### **Бажариш тартиби**

Үрганиш учун боқишига ҳар хил етилган биринчи кун пилла ўрашдан бошлаб капалак чиқиш олдида турган (зотга хос бўлган муддат ва температура шароитини ҳисобга олган ҳолда) пиллалар йиғиндиси олинади. Машфулот вақтида вояга ета бошлаган пиллалар бирин-кетин ёрилиб, улар таърифланади ва дастлаб қурт пилла ўрай бошлагандаги унинг ташқи кўринишидаги ўзгаришлар, сўнгра ғумбакка айланиши ҳамда ғумбакнинг ёшига қараб ташқи кўринишидаги ўзгаришлар (ранги, ташқи жинсий белгиларининг шаклланиши ва ҳ. к.) нинг расми чизилади. Етилган ғумбак морфологияси таърифланади, эркак ва урғочи- ларнинг ташқи кўриниши билан бирга унинг расми чизилади. Ҳар бир студент 20—30 та ғумбакларни жинсларга ажратади. Ғумбак қорнининг ҳаракати текширилади.

#### **Ҳисобот**

1. Тут ипак қуртининг пилла ўраётганида, ғумбакка айлана- ётганида ва ғумбагининг ўсиши давридаги ташқи ўзгаришларнинг расмини чизиш ва таърифи.

2. Вояга етган эркак ва урғочи ғумбак ташқи тузилишининг расми ва таърифи.

3. Ғумбакларни жинсларга ажратиш натижалари (эркак ва урғочи ғумбаклар сони),

## Керакли асбоб ва материаллар

1. Объектни 4 марта катталаштирувчи құл лупалари (студентлар сонига қараб).
2. Лезвие ёки ланцет (жар группага 3—5 тадан).
3. Тирик қуртли ва ұар хил вояга етган ғумбакли пиллалар тұплами (икки студентга битта тұпламдан).
4. Жинсларга ажратиш учун вояга етган ғумбаклар намунаси (20—30 дона), (жар бир студентга биттадан намуна).

### 14-топшириқ.


#### ТЕМА: «ТУТ ИПАК ҚҰРТИ ҒУМБАГИДАГИ БАЪЗИ БИР ФИЗИОЛОГИК ПРОЦЕССЛАР»

#### Бажарыш тартиби

Жар хил вояга етган ғумбакларда бел найчасининг фаолияти кузатиласы ва бу томирнинг ёшга қараб фарқланиши аниқланади.

Бир группа ғумбакларда (20—30 дона) U-симон шиша трубка — оддий респирацион аппарат ёрдамида газ алмашиш тезлиги кузатиласы. Бундай аппарат 63-расмда күрсатылған. У, бұзғы кенг шиша найдан иборат бўлиб, ундаги металл түсиқ (2) най тубига яқин ерга жойлашган (таксиман най баландлигининг түртдандан бир қисмича). Түсиқ тагига түсиққа 8—10 мм етмайдиган қилиб, ишқорнинг (КОН) дециномал эритмаси қўйилади (3).

Түсиққа (2) кузатиласын объект кўйилади (4). Шиша най трубка ўрнатиш учун 2 та тешиги бўлган, герметик қилиб ёпладиган резина пробка (5) билан бекитилади. Трубка (6) дан тажриба вақтида банкага хаво ўтказиласы, бунинг учун унинг юқориги учда маҳкам ёпиладиган кран бўр. трубка (7) ва резина трубка (12), банка ички бўшлигини ички диаметр 8—10



63-расм. Респирацион аппаратнинг схемаси:

1 — шиша идиш; 2 — металл панжара (сетка);  
3 — КОН эритмаси; 4 — текширилладаган объектлар;  
5 — вич тиқиладиган резина пробка; 6 — ҳаво киритиш учун (краны — жўмраг) маҳкам бекитиладиган) найча; 7 ва 12 — манометрик U-симон найча учларини (8) туаштириш учун резина найча; 9 — даражаларга бўлинганшкала; 10 — стойка (устунча); 11 — таглик; 13 — ичидаги манометрик суюклиги бор U-симон найча.

**мм** ли манометрсимон трубка (8) билан бирлаштиради. Манометрсимон трубка тирговуч (10) га маҳкамланади. Бу тирговучга трубкаларни бурилган ерлари орасига 2 **мм** оралатиб, бўлинган манометрик шкала (9) бирлаштирилади.

Трубка (8) га тўсувчи суюқлик (13) қўйилади ёки бунинг ўрнига Броди суюқлиги (23 г натрий хлорид ва 5 кг натрий холеинат) 500 **мл** сувда эритилади (сув секин-аста қўшилади) ишлатилади. Эритмага бўёқ моддаси (нейтральrot, флоуресцин ва бошқалар) қўшилади. Тўсувчи суюқлик сифатида рангли спирт ҳам ишлатиш мумкин. Тирговуч (10) тагликка (11) маҳкамланади. Шу тагликка най ҳам ўрнатилади. Бундай аппаратлар сотилади. Бу аппаратда нафас олиш кўрсатилади. Фумбак қандай нафас олишини оддий респиратор асбоби орқали қўйидаги тартибда кўрсатиш мумкин. Трубка(8) га сатҳи ноль чизигига етгунга қадар тўсувчи суюқлик қўйилади. Найга (1) пипетка ёрдамида тўсиққа (2) тегмайдиган қилиб ишқор қўйилади. Фумбак тўсиқ (2) га қўйилади, най пробка (5) билан мустаҳкам бекитилади. Бу пробка 6 ва 7 трубкаларга ҳам зичлаб қўйилган. Найнинг герметиклиги яхши бўлиши учун пробка ўрнатилган жойга стеарин ёки парафин қўйилади. Резина трубка (12) нинг ўнг томонидаги уни 8 номерли трубканинг чап томондаги бурилган ерига кийгизилади. Сўнгра 6 номерли трубканинг крани беркитилади. Кран беркитилган вақт белгиланиб қўйилади ва 9-шкалада кузатиш олиб борилади. Фумбаклар нафас олиш вақтида ҳаводаги (найни тўлдирилган) кислороддан нафас олиб, карбонат ангидрид ажратади, бу эса ишқорни ютади. Булар натижасида найдаги ҳавонинг ҳажми ва бинобарин унинг босими ҳам камаяди. Шундай қилиб, 8 номерли трубканинг ўнг томонидаги уни очиқ бўлиб, ташқаридан кирган ҳаво ва най ичидаги ҳаво босимининг ҳар хил бўлиши туфайли тўсувчи суюқлик 8 номерли трубканинг чап томонидаги бурилишга қараб кўтарилади. Ўнг бурилишда (маълум вақтда) суюқлик сатҳи турган бўлинмалар сонига қараб нафас олиш ва унинг тезлиги ҳақида тахминан фикр юритиш мумкин. Суюқлик 8 номерли трубканинг чап бурилиш ерининг юқори қисмига етганда 6 номерли трубканинг крани очилади. Кран орқали найга ташқаридан кирган ҳаво найдаги босимни тенглаштиради ва суюқлик 8 номерли трубканинг иккала томондаги бурилишида ҳам аввалги ҳолатини (ноль бўлинмадаги сатҳни) олади. Бу асбобдан фойдаланиб, тут ипак қуртининг нафас олиш тезлигини ҳам кузатиш мумкин,

### Ҳисобот

1. Фумбакнинг қай даражада етилганлигига қараб бел най-часининг қисқариш характеристерини таърифлаш.

2. Фумбакнинг нафас олиш тезлиги устида ўтказилган кузатишлар ҳақида ҳисбот ёзиш:

1. Кузатишиң үтказилған күн ... ... ..
2. Тажриба учун фойдаланилған ғұмбаклар сони ... ... ..
3. Ғұмбаклар ёши ... ... ..
4. Респирацион аппараттинг түзилиши ва унинг иш принциптері таърифлаш ... ... ..
5. Нафас олишни кузатиши жадвали ... ... ..

| Кузатишиларнинг тартиб номери | Кузатиши вақти | Үнг манометрик трубкаданғы суюқлик сатқы |
|-------------------------------|----------------|--|
| 1                             | 9 с 15 мин     | 0  |
| 2                             | 9 с 30 мин     | 2  |
| 3                             | 9 с 45 мин     | 5 вәх. к.                                |

### *Кераклы асбоб ва материаллар*

1. Респирацион аппарат (жар группага 1—5 тадан).
2. Жар хил ёшдаги тирик құртлар.

### **15-т о п ш и р и қ.**

#### **ТЕМА: «ТҮТ ИПАҚ ҚҰРТИ ҚАПАЛАГИНИНГ ТАШҚИ ҚҰРИНИШИ ВА ИЧКИ ОРГАНЛАРИ»**

#### **Б а ж а р и ш т а р т и б и**

Пүст ташлаш процесси ва әркак ҳамда ургочи капалакнинг ташқи фарқы. Машғулот учун капалакка айланишга оз вақт қолған ғұмбаклар тайёрланади. Машғулотта 3—4 күн қолғанда етилған пиллалардан ғұмбаклар чиқарып олинади ва машғулот үтказиладиган күн капалакка айланиши лозим бұлған ғұмбаклар танланади. Машғулотдан олдин бу ғұмбаклар эрталабдан оқ ёруғ тушмайдыган ва аэрация етарли үтадиган махсус яшикларға жойланади. Машғулотта бир соат қолғанда ғұмбаклар яшиктан яхши ёритилған жойға (фақаттана уларға қүёшнинг тик нурлары тушмаслиги керак) күчирілади. Бунда 10—12 та ғұмбак боши пастта қаратылған ҳолда пробыркага жойлаштирилади. Ғұмбакнинг капалакка айланиш процессидеги пүст ташлаши устида кузатиши олиб борилади, пробыркалардан ошқозон суюқлиги йиғилади. Бу суюқликни капалаклар пүст ташлашдан кейин оқ ажратади. Йиғилған суюқликка пилланинг бир томонини ботириб олинади ва препаровал нина билан титиб құриб, ошқозон суюқлиги (шираси) таъсирида серицин билан ёпишган толаларнинг ёпишқоқлиги камайғани аниқланади. Шу вақттинг үзіда ошқозон суюқлиги таъсир этган ипак толаларидан препарат тайёрланади ва уни микроскопда құриб, бу толалар серицини билан ошқозон суюқлиги таъсир этмаган толалар ҳолати кузатилади.

Сўнгра капалак ташқи кўриниши ва эркак ҳамда урғочи капалакнинг ташқи томондаги фарқлари (катта-кичиклиги, тузилиши, мўйловлари, қўшимча жинсий органлари) таърифланади. Ҳар бир студент эркак ва урғочи капалакларнинг ташқи томондаги фарқлари билан танишиб 50—100 та капалакни эркак ва урғочига ажратади.

### Капалак ички органлари ва ташқи қисмларининг тузилиши

Тирик ёки ўлган эркак капалак энтомологик тўғнағичлар билан препаровал ваннага маҳкамланади. Дастлаб боши, сўнгра ўтқир учли қайчи билан қорнининг охиридан бел найи жойлашган ердан бир оз ён томондан бошигача кесилади. Очилган тери қатлами энтомологик ниналар ёрдамида ваннага тўғнаб қўйилади. Капалакни пинцет ва препаровал нина ёрдамида ёриб, студентлар капалак ички органларининг жойланиши ва ташқи кўриниши билан (ичак, бел найи, нерв ва нафас олиш системалари, жинсий органлар) танишадилар ва йўқолиб· кетган ипак ажратувчи безларнинг ўрнини топадилар. Буларнинг ҳаммаси таърифланади ва расми чизилади. Ишнинг бу қисмини тутатгач штативли лупада бошнинг тузилиши билан танишлади, ундаги органлар ва қўшимча органлар, уларнинг жойланиши таърифланади ва расми чизилади. Сўнгра препарат тайёрлаб микроскопда қанотнинг тузилиши, тангачалари, фасеткали кўзлари, мўйловларнинг тузилиши билан танишилади.

### Ҳисобот

1. Фумбакнинг капалакка айланишидаги пўст ташлаш процессини таърифлаш.
2. Ошқозон суюқлигининг серицинга таъсирини таърифлаш.
3. Капалак ташқи кўринишининг расми ва таърифи.
4. Эркак ва урғочи капалакнинг ташқи кўринишидаги фарқларнинг расми ва таърифи.
5. Бош тузилиши ва унда жойлашган орган ҳамда қўшимча органларнинг расми ва таърифи.
6. Капалак қанотининг тузилиши, тангачалари, фасеткали кўзлар, мўйловлари тузилишининг микроскопик кўринишининг расми ва таърифи.
7. Капалак ички органлари ташқи кўринишининг расми чизилади ва таърифланади.

### Керакли асбоб ва материаллар

1. Биологик микроскоплар (студентлар сонига қараб),
2. Штативли лупалар (студентлар сонига қараб),
3. Буюм ойналар (ҳар бир студентга 2 тадан).

4. Химиявий пробиркалар (ҳар группага 10—12 тадан).
5. Қапалакка айланыётган ғумбаклар (ҳар бир студентта 50—100 тадан).
6. Ҳўл, бутун пиллалар (ёки ғумбакдан кесиб олинган қисм).

## 16-т о п ш и р и қ.

ТЕМА: «ЖИНСИЙ БЕЗЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ»

Бажариш тартиби

### 1. Қуртнинг бошланғич жинсий безлари

а) Эркак ва урғочи қурт қорин томонидан ёрилади. Сұнгра ичак ва ипак ажратиш безлари чиқариб олинади. Қуртнинг бешинчи сегментидан бошланғич жинсий безлари (гонадалари) топилади. Эркак ва урғочи қурт жинсий безларининг ташқи тузилиши ва уларнинг орқа томирга нисбатан жойланиши таърифланади.

Бошланғич тухумдон ва уруғдонлар жинсий безлар билан бирга чиқариб олиниб, буюм ойнасига қўйилади ва бинокуляр лупада кўрилади. Эркак ва урғочи қурт бошланғич жинсий безларининг расми чизилади.

б) Ҳар хил ёшдаги қуртлар бошланғич тухумдонларининг бўялган тайёр препаратлари микроскопда кўрилади. Кичик ёшдаги қуртлар тухумдонидан тайёрланган препаратдан овогонийлар, фолликуляр ҳужайралар, Версонов ҳужайралари топилади. Катта ёшдаги қуртлар тухумдонининг препаратларидан ва ғумбаклардан тухум йўли — овариолларнинг қандай шакллангани кўрилади.

Қуртлар тухумдонининг препарати ва ҳар хил ёшдаги ғумбаклар расми чизилади ва уларнинг гистологик тузилишининг қисмлари ёзиб қўйилади.

в) Бинокуляр лупа ёки микроскопнинг кичик қилиб кўрсатадиган объективида ҳар хил ёшдаги қуртлар ва ғумбаклар уруғдонларининг бўялган гистологик препарати кўрилади.

Тўртта хона (камера) ва улардаги бошланғич жинсий ҳужайралар — спермиогонийлар ва озиқланиш ҳужайралари топилади.

Катта ёшдаги қуртлар ва ғумбаклар препаратида уруғдон камерасида спермиогонда уруғ пуфаклари ва уруғ тўпларининг ҳосил бўла бошлиши топилади.

Ҳар хил ёшдаги қуртлар ва ғумбаклар уруғдонларнинг гистологик тузилишининг расми чизилади ва номлари ёзиб қўйилади.

## 2. Урғочи қурт тухумдонининг тузилиши

Капалак тухумдонини ўрганишда амалий машғулот учун ҳали тухум қўймаган тирик ҳолдаги урғочи капалак олинади. Бу мақсад учун фиксацияланган капалаклар ишлатилмайди, чунки овариоллар мўрт бўлиб қолади.

Урғочи тирик капалак химиявий стаканга солинади ва унга эфир ёки хлороформга ботирилган пахта ташланади. Стаканнинг усти шиша пластинка билан беркитилади. Бир неча минутдан сўнг караҳт капалакдан препарат тайёрлаш мумкин.

Капалак бошидан энтомологик тўғнағич билан препаровал ванначага санчиб қўйилади, капалак тананинг ўрта чизиги бўйлаб қорин томонидан ёрилади ва қорин очилади. Бунинг учун капалак териси энтомологик тўғнағичлар ёрдамида ваннча тубига маҳкамланади.

Тайёрланган препарат қия ҳолда водопроводнинг кучсиз оқимига қўйилади. Сув оқими таъсирида овариоллар қориндан чиқиб кетади. Бундан сўнг овариолларга тегмай, капалак қорининг кейинги қисми кесилади ва орқа томонга суриб қўйилади. Бунда тухум найлари бўйига чўзилганда иккала тухумдон яхши кўринади.

Ҳар бир тухумдоннинг учки камералари, жуфт ва тоқ тухум йўллари топилади. Битта овариолдаги тухумлар сони саналади.

## Ҳисобот

1. Урғочи капалак танасидаги тухумдонларнинг жойланиш схемасини чизинг.

2. Тухумдон умумий кўринишининг расми чизилади.

## Керакли асбоб ва материаллар

1. Бинокуляр лупалар (студентлар сонига қараб).
2. Препарат тайёрлаш учун комплектлар (студентлар сонига қараб).
3. Урғочи тирик капалак (ҳали тухум қўймаган) (ҳар бир студентга 2—3 тадан).
4. Химиявий стаканлар (ҳар группага 3—4 тадан).
5. Эфир ёки хлороформ.

## Эркак капалак уруғ безлари ва қўшимча жинсий органларининг тузилиши

Аввалги ишда кўрсатилганидек эркак тирик капалак эфирда фиксацияланади, сўнгра капалак ёрилиб, ичаги олиб ташланади. Уруғ безлари уруғ чиқадиган йўллар, қўшимча жинсий безлар, уруғ пуфаклари ва уруғ чиқадиган канал топилади.

Буларнинг ҳаммаси буюм ойнасига қўйилиб, расмий чизилади.

## *Керакли асбоб ва материаллар*

1. Эркак тирик капалаклар (ҳар студентта 2—3 тадан).
2. Олдинги ишда ишлатылган керак-яроқлар.

### **17- топшириқ.**

#### **ТЕМА: «УРФОЧИ ҚАПАЛАҚНИНГ ҚҰШИМЧА ЖИНСИЙ ОРГАНЛАРИ»** Бажарыш тартиби

Урфочи капалак құшимча жинсий органларига копулятив халта, уруғ қабул қылувчи, шилимшиқ ажратувчи безлар, тоқ ва жуфт тухум йұллари киради.

Құшимча жинсий органларни үрганиш учун уруғланиб, лекин ҳали тухум қўймаган тирик урфочи капалаклар олинади, чунки уруғланған капалакларнинг халтаси ва уруғ йўли уруғ суюқлиги билан тўлган бўлади ва шунинг учун жуда яхши кўринади.

Эфирда фиксацияланган урфочи капалак ванначага тўғналади, қорин қисми капалак тухумдонини үрганишдаги каби ёрилади. Шундан кейин капалак тухумдони узунасига тўғриланиб сўнг тоқ тухум йўли топилади ва овариолларнинг жуфт тухум йўли билан бирикадиган жойининг юқори қисми кесилади.

Урфочи капалак құшимча жинсий органларини ажратиб олишдаги қолган ҳамма ишлар қориннинг кесилган — кейинги қисмida олиб борилади.

Қориннинг кейинги қисми буюм ойнасига қўйилади ва препаровал нина ёрдамида сўқир қоп чиқариб олинниб (уни копулятив халта билан чалкаштириб юбормаслик керак), бирин-кетин қорин териси ажратилади.

Бинокуляр лупа ёрдамида алоҳида органларга ажратмай туриб, тоқ ва жуфт тухум йұлларидан, копулятив халта, уруғ қабул қылувчи ва шилимшиқ безлардан препарат тайёрланади.

### **Хисобот**

Урфочи капалак қорнида құшимча жинсий органлар бир-бирига нисбатан қандай жойланишини кўрсатган ҳолда расми чизилади ва номлари ёзиб қўйилади.

## *Керакли асбоб ва материаллар*

1. Уруғланған, аммо тухум қўймаган урфочи тирик капалак.
2. Препарат тайёrlаш учун зарур бўлган керак-яроқлар.
3. Химиявий стаканлар (ҳар группага 4—5 тадан).
4. Капалакларни фиксациялаш учун хлороформ ёки эфир.

### **17- а топшириқ**

#### **ТЕМА: ЭРКАК ҚАПАЛАҚНИНГ ТАШҚИ ЖИНСИЙ ОРГАНЛАРИ**

Эркак капалак қорнининг охирги қисми тангачалардан то-заларади ва сув оқимида ювилади.

Қорнининг охирги сегменти кесилиб, бу қисми юқорига қаралтиб буюм ойнасига қўйилади ва бинокулляр лупада қаралади. Капалакнинг скафиум («ҳалқа»), ункус («тумшуқ»), вальва («илмоқ») копулятив орган ва орқа чиқарув тешиги топилади.

Эркак капалак сиртқи жинсий органлари ташқи кўринишнинг расми чизилади ва номлари ёзид қўйилади.

Колган иш бинокулляр лупа ёрдамида олиб борилади. Бунда скафиум, ункус, 2 та «илмоқ» ва копулятив органлар ажратилади. Ҳар бир қисмнинг расми алоҳида чизилади.

### Урғочи капалакнинг ташқи жинсий органлари

Олдинги топшириқдагидек урғочи капалак қорнининг орқа қисми тангачалардан тозаланади, қорнининг охирги қисми кесилиб буюм ойнасига қўйилади ва лупада қаралади.

Жинсий бўртмача, тухумдон, копулятив орган ва чиқариш тешиги, кесувчи ва базал пластинкалар, ароматик қопчалар топилади.

Урғочи капалак ташқи жинсий органларининг умумий тузилишининг расми чизилади.

### Ҳисобот

1. Урғочи капалак ташқи жинсий органлари таърифланади ва уларнинг расмлари чизилиб, номлари ёзилади.

2. Эркак капалак ташқи жинсий органларининг сиртқи кўриниши таърифланади ва расми чизилади ҳамда номлари ёзид қўйилади.

### Керакли асбоб ва материаллар

Аввалги иккала топшириқда ишлатилган асбоб ва материаллар.

## 18- топшириқ.

### ТЕМА: «КАПАЛАКЛARНИНГ ЖУФТЛАШИШИ, УРУГЛАНИШИ ВА ТУХУМ ҚУИШИ»

#### Бажариш тартиби

Капалакнинг жинсий органлари билан танишгандан сўнг жуфтлашиш ва уруғланиш процесси кузатилади. Бунинг учун эркак ва урғочи капалак жуфтлаштирилиб, 5—7 минутдан сўнг улар буғланади ва эркак капалакда сперматофор ҳосил бўлиши кузатилади. Ҳосил бўлган сперматофор ажратиб олинниб, буюм ойнасига қўйилади ва уни қоплагич ойна билан салгина эзид, микроскопда сперматозоидларнинг тузилиши ва ҳаракати билан танишилади.

Сўнгра иккинчи жуфт капалаклар жуфтлаштирильди. Улар жуфтлашганидан кейин препаровал ванначага солинади ва ур-

урғочи капалак охирги бүгімларыннинг териси учи ингичка қайчи ёрдамида әхтиётлик билан кесилиб, штативли ёки бинокуляр луппада уруғланиш процесси кузатылади. Ҳар бир студент 5—6 та жуфт капалакни жуфтлаширади, 2 соатдан сұнг капалаклар бүглатылади, урғочи ва әркак капалак алоҳида-алоҳида қилиб, изоляцион халтачаларга солинади. Ҳар бир халтачага әркак ва урғочи капалакнинг номери, изоляция үтказилған күн, соат ёзіб қўйилади. Кечқурун (соат 7—8 ларда) урғочи капалаклар бошқа халтачаларга қайта жойланыб, шу номернинг ўзи билан, лекин кўчирилған күн, соат ёзіб қўйилади. Эртасига эрталаб ва кечқурун, кейинги кунларда эса урғочи капалаклар, фақат кечқурунлари кўчирилади ва ҳар гал халтачага ўша аввалги номернинг ўзи, капалак кўчирилған соат ва күн ёзіб қўйилади. Бундан сұнг 7—8 күн давомида урғочи ва әркак капалак солинган халтачалар ҳар куни қараб турилади ва капалаклар нобуд бўлгани аниқланса шу күн ҳам ёзіб қўйилади. Бу кузатишлилар тамом бўлгандан сұнг ҳар бир халтада капалак қўйган тухумлар саналади ва жуфтлашгандан сұнг дастлабки соатларда ва кейинги кунларда қўйилған тухумлар проценти аниқланади. Изоляциянинг бошланғич ва капалакнинг нобуд бўлган кунлари ҳақида халталарга ёзіб қўйилған маълумотларга қараб ҳар бир кепалакнинг неча күн ҳаёт кечиргани ҳисоблаб топилади.

### Х и с о б о т

- Жуфтлашиш процесси ва бүглатиш техникасини таърифлаш.
- Капалаклар бир кунда қўйган тухумларни кузатиш таблицаси.

| Тартиб номери | Кузатиш муддати   | Қўйилған тухумлар |   |           |   |           |   |                  |                     |
|---------------|---|-------------------|---|-----------|---|-----------|---|------------------|---------------------|
|               |   | 1-капалак         |   | 2-капалак |   | 3-капалак |   | Ҳамма капалаклар |                     |
|               |   | дона              | % | дона      | % | дона      | % | дона             | умумий капалаклар % |
| 1             | 2   | 3                 | 4 | 5         | 6 | 7         | 8 | 9                | 10                  |
| 1             | Буғлангандан бошлаб биринчи кун кечқурунгача                                |                   |   |           |   |           |   |                  |                     |
| 2             | Биринчи кун кечқурундан иккинчи кун эрталабгача                             |                   |   |           |   |           |   |                  |                     |
| 3             | Иккинчи кун эрталабдан кечқурунгача   |                   |   |           |   |           |   |                  |                     |
| 4             | Иккинчи кун кечқурундан учинчи кун кечқурунгача                             |                   |   |           |   |           |   |                  |                     |
| 5             | Учинчи күн кечқурундан тўртинчи кун кечқурунгача<br>Қўйилған ҳамма тухумлар |                   |   |           |   |           |   |                  |                     |

Эслатма: 4, 6, 8-графаларда мазкур капалакнинг маълум кунда қўйилган тухумлари сонининг бутун тухум қўйиш даврида қўйилган тухумлари сонига нисбатан процент нисбати кўрсатилган, 9-графада эса ҳамма кунларда қўйилган уруғлар йиғиндиси.

Урғочи ва эркак капалаклар неча кун яшши кузатилади.

Тухумнинг уруғланиш процессини таърифлаш ва расмини чизиш.

### *Керакли асбоб ва материаллар*

1. Биологик микроскоплар (студентлар сонига қараб).
2. Штативли ёки бинокуляр лупалар (студентлар сонига қараб).
3. Препарат тайёрлаш учун керакли комплектлар (студентлар сонига қараб).
4. Буюм ёки қоплағич ойналар (студентлар сонига қараб).
5. Романов бўяғига бўялган уруғлар тўплами (ҳар группага 5—8 препарат комплекти).
6. Эндиғина пилладан чиққан урғочи ва эркак капалаклар (ҳар бир студентга 5—6 жуфтдан).
7. Изоляцион халтачалар.

### **19- топшириқ.**

#### **ТЕМА: «ТУХУМНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ДИАПАУЗАГАЧА РИВОЖЛАНИШИ»**

#### **Бажариш тартиби**

Тухум кесигининг бўялган тайёр гистологик препаратига қараб, студентлар унинг тузилиши, тухум сарифи ҳужайралари, бластомерлар ва бошқа структура элементлар билан танишадилар.

17-топшириқни бажариш учун фойдаланилган материал ёрдамида янги қўйилган тухумнинг пигментланиш процесси кузатилади. Бунинг учун капалакларни бошқа халтачаларга кўчириш билан бир вақтда, аввалги тухумлар солинган халтачалар ҳам қараб борилади ва тухум қўйилган вақтни ҳисобга олган ҳолда пигментланишининг ўзгариши таърифланади.

Таққослаш учун бирор бивольтин зотининг ўз-ўзидан жонланган уруғи бир вақтда тайёрланади (бу зот уруғларни баҳорда очириш йўли билан) ва, шунингдек, моновольтин зотининг тухумлари (ёки гибриди) хлорид кислота билан сунъий жонлантирилади. Қўйилган ҳамма тухумлар бир суткада 2 марта қараб чиқилади ва ҳар гал тухум пигментланишининг ўзгариш характеристири таърифланади. Бундай кузатишлар қишлоғчи тухум тўқкул рангга киргунча, ўз-ўзидан жонланган ва сунъий жонланган тухумлардан эса қурт чиққунча олиб борилади.

Бу кузатишлар тамом бўлгандан сўнг ҳар бир студент ГОСТ 5056—53 га мувофиқ 100—200 та тухумни нуқсонли тухумларни ажратган ҳолда сортларга ажратади ва тухум тўдаларига ва айrim тухумларга таъриф берилади (56- ва 63-расмларга қаранг).

### Ҳисобот

1. Қишлоғчи тухумнинг тузилиши ва ташқи кўринишининг расмини чизиш ва таърифлаш.

2. Қишлоғчи, ўз-ӯзидан жонланган, сунъий жонлантирилган тухумларнинг пигментланиш процессини таърифлаш.

3. Қишлоғчи тухумни ГОСТ га қараб сортларга ажратиш натижалари ҳамда ҳисобот ва ГОСТ бўйича уруғ заводларида брак қилиниши лозим бўлган тухумларнинг нуқсони ҳақида ёзилади.

### Керакли асбоб ва материаллар

1. Биологик микроскоплар (студентлар сонига қараб).

2. Объектни 4 марта катталашибувчи қўл лупалари (студентлар сонига қараб).

3. Қишлоғчи, ўз-ӯзидан жонланган ва сунъий жонлантирилган уруғлар тўпи (ҳар бир студентга ҳар тур уруғдан 5—6 тўп).

4. Машғулотдан камида 30 кун аввал қўйилган қишлоғчи уруғ тўплари ( ҳар бир студентга 100—200 тадан).

5. ГОСТ 5056—53 (ҳар группа 2—3 экземпляр).

### 20-т о п ш и р и қ

#### ТЕМА: «ҚИШЛОВЧИ ТУХУМ ЭМБРИОННИНГ БАҲОРГИ РИВОЖЛANIШI»

#### Бажариш тартиби

Бу топшириқ тухумни баҳорда очириш процессида бажарилади. Уруғ очиришнинг биринчи кунидан бошлаб ҳар куни тухумнинг ташқи кўриниши, тухум рангининг ўзгариши кузатиб борилади, шунингдек, очилаётган тухумдан ҳар куни намуна олиб турилади, эмбрионнинг териси шилиб олиниб, ривожланиш стадияси аниқланади. Терисини шилиб олиш учун олинган тухум намунаси бир парча докага қўйиб, ўралади ва  $85^{\circ}\text{C}$  иситилган сувга 3 минут солиб турилади. Тухумни сувдан олиб, докадан фильтр қоғозга бўшатилади ва тухум қуригуича қоғоз бир неча марта ўзгаририлади. Бундан олдин буюм ойнасига шу ойнага тенг ўлчамдаги қоғоз ёпиштирилади. (БФ-2 клей билан ёпиштириш маъқулроқ.) Қуриган тухум буюм ойнасига ёпиштирилган қоғозга шу елим ёки дурадгорлик елими билан ёпиштирила-

ди. Сүнгра ўткир препаровал нина билан тухум горизонтал ҳолда ҳар томондан тешилади ва пўчоғининг юқори қисми олиб ташланади. Тухум қолган ярим палладан ўткир нина ёрдамида чикариб олинади (тухум препаровал нинага осон илашади) ва 25% сирка кислота билан бирга идишга солинади. 10—15 минут ўтгандан кейин идиш қаттиқ силкитилади, бунда эмбрион танаси сариқ моддадан ажралади. Кўз пипеткаси ёрдамида эмбрион кислота билан биргаликда идишдан чиқариб олинади ва 30% ли спиртга солинади. Сүнгра эмбрион спиртдан бир томчи сув томизилган буюм ойнасига қўйилиб, қоронги ерда штативли лупада қаралади.

Кўрилган эмбрион таърифланади ва расми чизилади. Сүнгра бир қатор таъриф ва расмлар бир-бирига таққосланиб, уруғ очириш процессида эмбрион ривожланиш стадияси ва қуртлар-нинг жонланиш муддати аниқланади.

### Ҳисобот

1. Уруғ очириш муддати ва техникаси. Уруғ очириш вақтидаги температура ва намликнинг қанча бўлиши таърифланади.

2. Уруғ очириш процессида капалак чиққунча уруғдаги соидир бўладиган ташқи ўзгаришларни таърифлаш:

3. Уруғ очириш процессида капалак чиққунча эмбрион ривожланиш стадиясининг расми чизилади ва таърифланади.

### Керакли асбоб ва материаллар

Иш иситувчи асбоблар билан жиҳозланган одатдаги инкубаторийда бажарилади. Уруғ очириш процессида уруғнинг ташқи кўринишидаги ўзгаришлар ва эмбрион тўдаларининг ривожланиш процесси устида кузатиш олиб бориш учун қўшимча асбоб ва материаллар:

Ҳар бир студентга

Бутун группага

|   |     |  |         |
|---|-----|--|---------|
| 1. Штативли лупалар . . . . .                                       | 1   |  | —       |
| 2. Ўткир препаровал ниналар . . . . .                               | 1   |  | —       |
| 3. Сув иситиш учун идиш . . . . .                                   | —   |  | 1       |
| 4. Сирка кислота унун пробка билан жипс беркиладиган идиш . . . . . | 1   |  | —       |
| 5. Спирт учун чуқур соат ойналари . . . . .                         | 1   |  | —       |
| 6. Буюм ойнаси . . . . .  | 15  |  | —       |
| 7. Дока . . . . .   | —   |  | 1 м     |
| 8. Қофоз (силлиқ қофоз) . . . . .                                   | 2—3 |  | —       |
| 9. Фильтр қофоз . . . . .   |     |  | 0,5 кг  |
| 10. БФ-2 елими (ёки яхши сифатли дурадгорлик елими) . . . . .       |     |  | 1 тюбик |
| 11. Кўз пипеткаси . . . . .   | 1   |  | —       |
| 12. 25% ли сирка кислота . . . . .                                  | —   |  | 0,5 кг  |
| 13. 30% ли спирт . . . . .  | —   |  | 0,5 кг  |

## ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТ

1. Б. Л. Астауров ва бошқалар. Действие высоких температур на грену шелковичного червя. Издательство АН СССР, Москва, 1962 й.
2. «Вопросы развития шелководства в СССР», сборник, изд. МСХ СССР, Москва, 1957.
3. Б. Л. Астауров. Искусственный партеногенез у тутового шелкопряда, Москва, 1941.
4. А. П. Миляев. Справочник по шелководству, Сельхозгиз, Москва 1960.
5. Е. Н. Михайлов. Шелководства, Сельхозгиз, Москва, 1950.
6. Е. Н. Михайлов ва бошқалар. Биология тутового и дубового шелкопрядов, Сельхозгиз, Москва, 1958.
7. Новое в биологии шелкопрядов. Сборник, Сельхозгиз, Москва 1959.
8. Б. Парпиеев. Значение качества корма для племенных выкормок, «Шелк» № 4, Ташкент, 1961.
9. Биохимия шелкопряда, Труды кафедры органической и биологической химии (выпуск 10), Москва, 1960.

## МУНДАРИЖА

Кириш

3

|  |     |
|--|-----|
| I боб. Тут ипак қуртинг ўсиши ва ривожланиши . . . . . | 11  |
| II боб. Тут ипак қурти . . . . .                       | 19  |
| III боб. Пилла ва гумбак . . . . .                     | 94  |
| IV боб. Қапалак . . . . .                              | 112 |
| V боб. Тут ипак қурти эмбриологияси . . . . .          | 121 |
| VI боб. Вольтинизм . . . . .                           | 142 |
| Лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар . . . . .     | 161 |

---

## На узбекском языке

КОНСТАНТИН МИХАЙЛОВИЧ РОЖДЕСТВЕНСКИЙ,  
ЗАИР ТАИРОВИЧ ТАИРОВ,  
АННА АЛЕКСАНДРОВНА ШЕВЕЛЕВА  
БИОЛОГИЯ ТУТОВОГО ШЕЛКОПРЯДА  
Учебник для с/х техникумов

*Издательство „Учитель“  
Ташкент — 1965*

Таржимонлар: *Ҳ. Фуломов, У. Тоҗихўжаев, Т. Тўраева.*

Редакторлар: *Т. Тўраева, Ҳ. Фуломов*

Бадий редактор *И. Истроилов*

Техредактор *Э. В. Ягонцева*

Корректор *Н. Рихсиеева*

Теришга берилди 16/1-65 й. Босишга руҳсат этилди 15/III-65 й. Қорози 60 × 901/16.  
Физик босма л. 12,25. Нашр. л. 13,41. Тиражи 3000. Р 05730.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 275/1963 й.  
Баҳоси 34 т. Муқоваси 10 т.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг ихтиосослантирилган ҳарф  
терув фабрикасида тайёрланган матрицадан, 2-босмахонасида босилди. Янгийўл,  
Чехов кӯчаси, 3. Заказ № 50.

BAUCH 44 T.

